

Р. Турсунов, С. Махсумхонов

# Ўзбек адабиёти





Р. ТУРСУНОВ, С. МАХСУМХОНОВ

# Ўзбек адабиёти

5-синф учун

ДАРСЛИК – МАЖМУА

Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан  
вазирлиги томонидан тасдиқланган



Бишкек - 2010 й.

Қўлингиздаги ушбу дарслик ҚИРҒИЗ-ЎЗБЕК УНИВЕРСИТЕТИ тасарруфидаги “ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ МАРКАЗИ” томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни университет раҳбариятига ёки “МАРКАЗ” маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,  
Г. Айтиев кўчаси, 27.*

Т88 Турсунов Р., Махсумхонов С.  
Ўзбек адабиёти: 5-синф учун - Б.: Азур, 2010. - 304 б.

ISBN 978-9967-442-31-3

Тақризчилар: филол. ф. и., доцент, **Бірысов П.**  
№ 29 ўрта мактаб ўқитувчиси, **Атаханов И.**

*Қирғиз – Ўзбек университети тасарруфидаги  
Қирғизистондаги Ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар учун  
дарсликлар яратиш Маркази нашрга тавсия этган.*

Масъул муҳаррир:  
Ўш Давлат университети Ўзбек ва жаҳон адабиёти кафедраси  
катта ўқитувчиси – **Мамлакатхон Юлдашева**

Т 4306020400-10  
ISBN 978-9967-442-31-3

УДК 373.167.1  
ББК 83.3Уз Я721

© Р. Турсунов, С. Махсумхонов, 2010  
© ҚР Таълим ва фан вазирлиги, 2010  
© “Азур” НУ, 2010

## Адабиёт – сўз санъати

Азиз ўқувчим! Мана, Сиз 5-синфга кўчиб, яна бир ёшга улғайдингиз. Ўтган тўрт йил давомида ўқитувчингиз ёрдамида ўқишни, ёзишни, ҳисоблашни билиб олдингиз, яъни саводингиз чиқди. “Адабий ўқиш” дарсларида кўплаб қизиқарли эртақ, афсонар, ҳикояларни ўқиб ҳайратландингиз, шеърларни ёд олиб завқландингиз, мақолларнинг маъзини чақдингиз, топишмоқларга жавоб топиб қувондингиз.

5-синф адабиёт сабоқларида бу сеvimли машғулотингизни яна давом эттиришингиз мумкин. Бу йўлда Сизга “Ўзбек адабиёти” китоби ҳамроҳ бўлади.

Хўш, адабиёт дегани нима ўзи?

Адабиёт – арабча “адаб”, “одоб” сўзларининг кўпликдаги шакли бўлиб, одамнинг яхши инсон бўлишига ёрдам берадиган китоблардир. Аслида, сўз воситасида яратилган санъат асарлари бадий адабиётдир.

Санъат нима? Санъат ҳунар демакдир. Истеъдодли одамлар томонидан ижод қилинган ва кишини ҳайратга соладиган қадимги ёдгорликлар, куйлар, расм ва нақшлар, ҳайкаллар, бадий адабиёт намуналари санъат асарлари ҳисобланади. Санъат инсон ақли ва иқтидорининг энг буюк кашфиётидир. Санъатнинг мусиқа, расм, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, рақс каби турлари мавжуд. Адабиёт ҳам санъат турларидан биридир.

Ҳаётда ҳар бир кишининг жуда кўп тилаклари, орзу-истаклари, умидлари, эҳтиёжлари бўлади. Шуларга эришса, севинади, эришолмаса, қайғуради. Одам ўз атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, табиат манзараларидан, бошқа кишиларнинг бошига тушган бахтли-бахтсиз воқеалардан ҳам таъсирланади: ҳайратланади, шодланади ёки хафа бўлади. Қадим-қадим замонлардаёқ ота-боболаримиз ўз ҳайратларини, хурсандликларини, қайғуларини турли воситалар ёрдамида бошқаларга билдирганлар. Бу воситаларга турли ҳаракат ва имо-ишоралар, бўёқ ва мўйқалам, тош ва тош йўнувчи асбоблар, ёғоч, ганж ва гишт, сўз ва гап ёрдамида яратиладиган санъат турлари киради. Чиройли ҳаракатлар, имо-ишоралар воситасида рақс, куй воситасида мусиқа, бўёқлар ва мўйқалам воситасида расм санъати вужудга келади. Бадий адабиёт эса сўз воситасида яратилади. Шунинг учун бадий адабиётни



“сўз санъати” деб атаймиз. Бироқ адабиётдаги сўз оддий сўз эмас, балки бирор ҳис-туйғуни, ҳолат ва ҳаракатни, манзарани Сизнинг қалбингизга таъсир этадиган даражада ифодаловчи сўздир. Шунинг учун ҳам у бадий сўз деб юритилади. Бадий сўз луғат бойлигимиз асосида юзага келади. Тилимиздаги ҳар бир сўз ўз-ўзидан бадий сўзга айлана олмайди. Уни шоир ёки ёзувчи бадий сўзга айлантиради. Ҳар бир оддий сўз ижодкорнинг, яъни шоир ёки ёзувчининг кечинмаларини чиройли ифодалай оладиган тарзда танланиб қўллангандагина бадий сўзга айланади. Бадий сўз бадий асар таркибида бирор вазифа адо этиши шарт. Чунки ижодкор сўз танлаганда, ҳар бир сўзнинг товуш табиатидан тортиб, унинг маъно ифодалаш доирасигача, ҳаттоки, ҳар бир сўзнинг гап таркибидаги қўлланиш ўрнигача аниқ белгилаб олади. Луғат бойлигимиздаги “айтмоқ”, “алла” сўзларининг бадий сўзга айланишини сеvimли шоиримиз Турсунбой Адашбоевнинг “Оқбура тўлқинлари” шеърдан келтирилган қуйидаги парчада аниқ кўриш мумкин:

Алла айтар шаҳримга  
Мижжа қоқмай тунлари  
Оқбура тўлқинлари.

Гап қадимий ҳамда саховатли Ўш шаҳрининг ўртасидан оқиб ўтадиган Оқбура дарёси ҳақида. Баҳор келиб, кунлар исигач, дарё суви кўпаяди, тўлқинлар тошдан-тошга урилиб шовуллайди. Бу шовулдаш тунда яна ҳам кучаяди. Бу ҳолатни шоир бадийлаштириб инсонга ҳос хатти-ҳаракатлар, хусусиятлар орқали тасвирламоқда. Чунки шеърни ўқисак, тун билан ухламай, бешик тебратиб фарзандига алла айтиб чиқадиган улуғ зот – Она сурати кўз олдимизга келади. Аслида дарёнинг алла айтишини, мижжа (киприк) қоқмаслигини, яъни ухламаслигини тасаввур қилиб бўлмайди, бу ғайритабиий. Бироқ шоир “алла”, “айтмоқ”, “мижжа”, “қоқмай” сўзларини ўз маъносидан эмас, балки кўчма маънода қўллаган, уларга муайян вазифа юклаб, бадий сўзга айлантирган. Бу бадий сўз ўқувчида завқ уйғотади, жонсиз нарсаларни жонлидек тасаввур қилишга имкон беради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бадий сўз чексиз ифода ва тасвир қудратига эга бўлади. Бадий сўзга асосланувчи адабиёт эса бадий адабиёт деб юритилади.

Бадий адабиёт яратилиш шаклига кўра иккига бўлинади: оғзаки адабиёт ва ёзма адабиёт. Сиз оналаримиз айтадиган алла, топнишмоқ, эртакларни ва тўйларда айтиладиган ёр-ёрларни эшитгансиз. Достон, аския, мақолларни ҳам биласиз. Бадий адабиётнинг бу турлари халқ оғзаки ижодига мансуб-



дир. Чунки улар қадим замонларда, ҳали ёзув пайдо бўлмаганлиги сабабли, оғзаки ҳолда яратилган, оғзаки шаклда кишилар ўртасида тарқалган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган. Оғзаки шаклда яратилган ва оғзаки шаклда тарқалган бадний адабиёт ҳозирда *халқ оғзаки ижоди*, яъни фольклор деб аталади.

Оғзаки яратилган бадний асарлар ёзув орқали қайд этилмаганлиги сабабли, уларнинг кўпчилиги унутилиб кетган. Шунинг учун ҳам ёзувнинг кашф этилиши инсоният тарихида жуда катта воқеа бўлди. Бошқача айтганда, ёзув ихтиро этилгандан кейингина башариятнинг ҳақиқий, муқим тарихи юзага келди. Мана шундан кейингина бадний адабиёт ҳам ёзув воситасида яратида бошланди ва у ҳозир “ёзма адабиёт”, “ёзма бадний адабиёт” каби атамалар билан юритилади.

Ёзма адабиётнинг энг муҳим ютуғи шундаки, у унутилмайди ва кейинги авлодларга ўзгармай, яъни ижодкор қалами остидан қандай чиққан бўлса, шундайлигича етиб боради.

Ёзма адабиёт юзага келгач, оғзаки ижод, яъни оғзаки адабиёт тўхтаб қолмади. Оғзаки адабиёт маълум даражада ҳозир ҳам яшаб келмоқда. Бироқ у ўз мавқеини ҳозир ёзма адабиётга бўшатиб берган. Шундай бўлса-да, оғзаки ва ёзма адабиёт доимо ёнма-ён яшайди ва бир-бирининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

## Образ ҳақида

Биз юқорида бадний сўз ҳақида фикр юритдик. Бадний сўз адабиётда образ яратувчи асосий воситадир.

Образ – чизиш, тасвирлаш деган маънони билдиради. Образ, энг аввало, бадний асардаги инсон тасвиридир. Масалан, ёзувчи Ойбек “Алишернинг болалиги” асарида ёш Алишер образини яратганки, биз асарни ўқиб, бола Алишер сиймосини кўз олдимизга келтира оламиз. Бироқ инсон тасвирдан ташқари, нарса, буюм, жисм, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, инсу-жинслар тасвири ҳам образ деб юритилади. Бироқ ўсимлик, қуш ва ҳайвонларнинг образлари кўпинча рамзий-мажозий, яъни кўчма маънода келади. Бундай образлар рамзий ёки мажозий образлар деб юритилади.

Масалан, Анвар Обиджоннинг “Бўрининг табиб бўлгани ҳақида эртак” асарида, Сиз қизиқиб томоша қиладиган “Сеними, шошмай тур!” мультфильмида Бўри. Қуён каби мажозий образлар яратилган.

Демак, образ, образлилик бадний адабиётнинг асосий хусусиятларидан биридир.



? Савол ва топшириқлар:

1. Бошланғич синфларда ўқилган эртақлардан қайси бирини эслай olasiz?
2. Санъат нима ва унинг қандай турларини биласиз?
3. Ёд олган шеърларингиздан бирини эсанг ва кўчма маънода қўлланган сўзларни топиб, дафтарингизга кўчиринг.
4. Оғзаки ва ёзма адабиётнинг қанақа ўхшашлиги ва фарқли томонлари бор?
5. Бадий адабиёт санъатининг бошқа турларидан нимаси билан фарқланади?
6. Образ ҳақида қандай фикрдасиз? Унинг турларини биласизми?

## Эртақлар – яхшиликка етақлар

Бадий асар турли хил жанрларда ижод қилинади. Жанр, бу ҳаётни бадий акс эттириш шакли ҳисобланади.

Эртақ халқ оғзаки ижодининг энг қадимий ва оммавий жанрларидан биридир. Эртақларда халқнинг турмуши ва қаҳрамонликлари, инсонпарварлик ва ватанпарварлик, севги ва вафодорлик ҳақидаги орзулари ҳаёлий уйдирмалар ҳамда ҳаётний воқеалар воситасида ҳикоя қилинади. Демак, эртақ орзулар мамлакатидир.

Ҳар бир халқнинг эртақларида умуминсоний олийжаноб ғоялар ўзига хос миллий руҳда ифодаланади. Бинобарин, ўзбек халқ эртақларида халқимизнинг турмуши, ахлоқ меъёрлари, руҳияти, ўзбекона фикрлаш тарзи, ўзбек тилининг ўзига хос назокати, юртимизнинг иқлими, ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот олами акс этган. Шунинг учун эртақлар орқали ҳам халқ тарихини, унинг маънавий дунёсини, урф-одатларини билиб олиш мумкин.

Ўзбек халқ эртақларида меҳнаткаш халқнинг бахтли келажак учун олиб борган курашлари, интилиши ва орзулари ҳақида ҳикоя қилинади. Шунинг учун ҳам эртақларда халқимизнинг озод ҳаёт, эркин ва ижодий меҳнат ҳақидаги орзу-истақлари авлодлардан-авлодларга оғзаки шаклда ўтиб келади ва мана шу жараёнда эртақларнинг ўзлари ҳам яшаб келмоқда.

Эртақ ҳаётний қамрови, воқеалар кўлами, қаҳрамонларнинг кўплиги билан оғзаки насрнинг бошқа жанрларидан фарқланиб туради. Шунинг учун оғзаки насрга алоқадор ҳар қандай асарни эртақ жанрига киритиб бўлмайди. Наср, бу ўлчовга, яъни вазнга эга бўлмаган одатдаги нутқ шаклидаги бадий асардир.

Эртақ жанрига хос муҳим **белгилар** қуйидагилардан иборат:





1. Эртақ бадий адабиётнинг эпик турига мансуб. Унда воқелик қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари орқали ҳикоя қилинади. Эртақ қизиқарли сюжетга эга бўлади. Сюжет бу асардаги воқеалар тизимидир.

2. Эртақдаги сюжет воқеалари охир-оқибатда эзгуликнинг ёвузлик, ҳақиқатнинг ноҳақлик, яхшиликнинг ёмонлик, ҳаётнинг ўлим устидан муқаррар ғалабаси билан яқунланади, яъни яхшилар “мурод-мақсадларига” етадилар.

3. Эртақларда ҳақиқий ҳаёт воқеалари онгли тарзда уйдирмалар қобиғида тасвирлаб берилади. Бу эртақ жанри учун кенг бадий-тасвирий имкониятлар беради. Акс ҳолда, эртақ воқеалари муваффақиятли яқун топмаган, халқнинг орзу-истаклари эса бутун ҳаётбахшлиги билан акс этмаган бўларди.

4. Эртақларда ахборот бериш эмас, балки воқеликни бадий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ҳиссий кечинмалари, руҳий дунёси орқали акс эттириш ва шу орқали тингловчиларнинг ҳиссий-руҳий дунёсига таъсир кўрсатиш муҳим ўрин тутди.

5. Эртақлар ўзига хос бадий қолиплар доирасида ижро этилади. Яъни эртақлар “Бир бор экан, бир йўқ экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ғоз карнайчи экан” каби махсус бошламалар билан бошланиб, “Шундай қилиб, мурод-мақсадларига етибдилар” каби махсус тугалланмалар билан яқунланади. Бу қолиплар тингловчининг диққатини ўзи яшаб турган дунёдан узиб, эртақ оламга олиб кириш ва ундан олиб чиқиш учун хизмат қилади.

6. Эртақларга хос яна бир хусусият уларнинг тарбиявий ўғит бериш вазифаларида кўзга ташланади. Бу вазифа эртақлар мазмунига, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига, кечинмаларига шу даражада сингдириб юборилган бўладикки, натижада эртақ, унинг қаҳрамонига хос фазилат тингловчи учун намуна, ибрат вазифасини адо этади. Буни англаш учун “Зумрад ва Қиммат” эртаги мазмунини эслаш кифоядир.

7. Эртақ муболағага жуда бой бўлади. Муболаға нарса ва ҳодисаларнинг, қаҳрамонларнинг белгиларини, хусусиятларини бўрттириб, кучайтириб, ошириб-тошириб тасвирлашдир. Демак, муболағали тасвир, халқ орзу-умидларининг бир кўриниши ҳисобланади.

8. Эртақларда жонлантириш усули ҳам кўп қўлланади. Жонлантириш – инсонга хос ҳаракат, ҳолат ва хусусиятларни жонсиз нарсаларга, ҳайвонот ва қушларга кўчиришдир. Яъни эртақларда жонсиз нарсалар, жониворлар гоҳида худди одамларга хос ҳаракатларни бажарадилар, ҳатто гапирадилар. Масалан, “Зумрад эрта билан барвақт кўзасини кўтариб, сой ёқалаб булоқ бошига бораркан, йўлда учраган лола гуллар



бошларини эгиб, унга салом берарканлар. Зумрад майсалар устида ўтириб дам олганида, гуллар уни олқишлар, булбуллар қувониб унга ҳикоялар айтиб берарканлар”.

Ўзбек халқ эртаклари мавзу, воқеликни акс эттириш тарзи, ништирок этувчиларнинг таркиби жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ҳайвонлар ҳақидаги ёки мажозий эртаклар;
2. Сеҳрли эртаклар;
3. Маиший эртаклар.

Бундан ташқари, ўзбек халқ эртаклари воқеликни акс эттириш ва унга муносабат тарзига қараб ҳам тасниф қилинади:

1. Ҳажвий эртаклар;
2. Ҳажвий бўлмаган эртаклар.

Хуллас, эртақ халқ оғзаки ижодининг эпик турига кирувчи кичик жанр сифатида ана шундай хусусиятларга эга.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Қуйи синфларда ўқиган ёки эшитган қайси эртакларнинг номларини ва мазмунини эслай olasиз?
2. Эртаққа ҳос хусусиятларни ўқиган эртакларингиз мисолида тушунтиришга ҳаракат қилинг.
3. Жоилантириш ва муболаға каби тасвир воситаларига ўқиган эртакларингиздан мисоллар топиш ва адабиёт дафтарингизга ёзиб келинг.
4. Ўқиган эртакларингизнинг турларини аниқланг.

## Уч оға-ини ботирлар

### (Ўзбек халқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир киши бўлган экан. Унинг учта ўғли бор экан, учови ҳам ўқиган, оқ-қорани таниган, юзлари ойдай, ўзлари тойдай, ёмон билан юрмаган, ёмон жойда турмаган экан. Тўнғичи – йиғирма бир ёшда, ўртанчаси – ўн саккиз ёшда, кенжаси – ўн олти ёшда экан.

Отаси бир куни уларни ўз олдига чақириб, ҳар бирининг пешонасини силаб, бундай дебди:

– Ўғилларим, мен бой эмасман, мендан қолган нарсалар сизнинг турмушингиз учун етмайди, энди мендан бирор нима умид қилиб ўтирманглар, деб сизларни ўқитдим – доно бўлдингизлар, боқиб вояга етказдим – қувватли бўлдингизлар, кўрқитмай ўстирдим – ботир бўлдингизлар. Яна уч нарсани айтаман, қулоқларингизга олиб, эсларингиздан чиқарманглар: тўғри бўлинг – бежавотир бўласиз; мақтанчоқ бўлманг – уятга қолмайсиз; дангаса бўлманг – бахтсиз бўлмайсиз. Бундан бошқасини энди ўзингиз билдинг. Қора тойни, саман тойни, кўк той-



ни асбоблари билан тайёрлаб қўйдим. Хуржунларингизни бир ҳафталик овқат билан тўлғиздим. Бахтингиз йўлда, уни топиб олмақ учун сафарга чиқингиз, дунёни танимай, дунё кишиси бўлмайсиз. Бахт қушини ушламоқ учун бахт овига чиқинглар. Хайр энди, ўғилларим! — деб сўзини тамом қилибди.

— Ўғиллари суюнишиб, сафарга тайёрланибдилар, эрта саҳарда отланишиб, йўлга чиқибдилар. Уч оға-ини бутун кун бўйи йўл юриб, жуда узоқ келибдилар. Қош қорайган пайтда бир манзилга етибдилар. Кечаси йўл юрмоқни эп кўрмай, шу жойда ётмоқни маъқул топиб, отларидан тушибдилар ва овқатдан сўнг бир оз дам олишгач, ётиш олдидан ўзаро шу маслаҳатга келибдилар: “Бу жой тўқайзор экан. Биз анча йўл босиб келганмиз. Чарчаб ухлаб қолсак, яхши бўлмас. Кечани уч бўлакка бўлиб, ҳар бир бўлагида галма-гал пойлоқчилик қилайлик”.

— Тўнғич ботир биринчи навбатни олибди. Иккала укаси уйқуга кетибди. Чироқ липиллаб ёниб турар экан. У қўлидаги яроғини ўйнаб, атрофга кўз югуртириб аллавақтгача ўтирибди. Ҳамма ёқ жимлик. “Шитр” этган товуш йўқ. Ҳамма нарса уйқуда. Кеча ойдин экан. Бир вақт тўқайдан чиқиб келаётган бир нарсанинг шарпасини сезибди. Пойлоқчи ҳеч кўрқмабди, яроғини чиқариб, тайёр турибди.

Булар тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг макони бор экан. Булардан бошқа ҳеч ким бу жойга тушмас, ҳатто бошқа ҳайвонлар ҳам бу жойга келгани кўрқар экан. Шер буларнинг ҳидини билиб, ёмоқ учун аста-секин яқинлашиб келаверибди. Тўнғич ботир шерни ўлдиришига ишонса ҳам, “укаларим безовта бўлмасин”, — деб тўқайнинг бир томонига қочибди. Шер уни қувибди. Тўнғич ботир ўзини панага олиб, шернинг орқа оёғига қилич билан уриб, уни ярадор қилибди. Шер ботирга салчибди. Ботир чап берибди. Қулай фурсатдан фойдаланиб шернинг олдинги ўнг оёғига урибди. Шер бор кучини тўглаб, ботирга човут солибди. Ботир яна чап бериб, шернинг бўйнига қилич солибди, шер йиқилибди. Яна бир зарб билан шерни ўлдирибди. Кейин шернинг устига миниб, терисидан бир тасма қирқиб олибди. Ичидан белига тасмани маҳкам боғлаб олиб, ҳеч нарса кўрмагандай яна укаларининг ёнига келиб ўтирибди.

Пойлоқчилик навбати энди ўртанча ботирга келибди. Унинг навбатида ҳеч қандай ҳодиса бўлмабди. Охирида учинчи ботир турибди, тоғ отгунча пойлоқчилик қилибди, ҳеч нарса бўлмабди. Биринчи кеча шу билан тугабди. Эрталаб яна йўлга тушибдилар. Кечгача йўл юрибдилар. Бир тоғнинг та-



гига келиб тушибдилар. Тоғнинг чап томони кенг қўриқ<sup>1</sup> экан. Ўртада биттагина бақатерак бор экан. Бақатеракнинг тагида бир булоқ, унинг олдида бир супа, тоғ тагида ғор бўлиб, унда илонларнинг подшоҳи – аждар султон ёлғиз яшар экан.

Ботирлар шу ерга тушибдилар. Отларини ўтга қўйиб, ўзлари ҳалиги супада дам олибдилар. Овқатларини еб бўлишгач, аввалгидай пойлоқчилик навбати тўнғич ботирга берилибди. Ундан кейин гал ўртанча ботирга келибди. Бунинг галида ҳам кеча ойдин, атроф жим-жит экан. Бир вақт ҳалиги ғордан қўрқинчли бир овоз эшитилибди. Ўртанча ботир қўрқмабди, жим тураверибди. Фақат акаси билан укасининг безовта бўлишларидан ташвишланибди. Кўп вақт ўтмай ғор ичидан боши хумдай, ўзи харидай бир нарса ўрмалаб, булар сари келаверибди. Ўртанча ботир супадан тушиб, булоқнинг нариги томонига қараб қочибди. Одам борлигини билиб чиққан аждар ўртанча ботирга қараб югурибди. Ботир чап берибди ва аждар султоннинг думига қилич билан уриб, уни яралабди. Аждар султон гангираб қолибди. Ботир яна ўзини чоғлаб туриб аждарнинг белига қилич солган экан, у қаттиқ яраланиб, ҳансираб қолибди, шу чоқда уни қилич билан нимта-нимта қилиб, ишини тугатибди. Терисидан бир тасма олиб, ичидан белига боғлаб олибди. Ҳеч нарса кўрмагандай, яна супага бориб ўтирибди.

Учинчи навбат кенжа ботирга келибди. Ўртанча акаси уйкуга кетибди. Тонг отибди, уйғонибдилар. Улар яна отланиб йўлга тушибдилар. Бугун ҳам кечгача йўл юрибдилар: тоғ, чўл, даштлардан ўтиб, қош қорайганда, бир тепаликка етибдилар. Бу кечани шунда ўтказмоқчи бўлиб, отларидан тушиб, тепаликда дам олиб ўтирибдилар. Овқат қилиб ебдилар. Ўтарда яна пойлоқчилик навбати аввал тўнғич ботирга, ундан сўнг ўртанча ботирга, энг кейин кенжа ботирга етибди. Ботирча тепаликда акаларини ухлатиб, пойлаб ўтирар экан, бирдан шамол келиб, чироқни ўчириб қўйибди. Акаларининг қоронғида ухлаши унга оғир туюлибди. Шу сабабли чироқ ахтариб, бир баланд тепага чиқиб, ҳар томонга кўз ташлаган экан, кунботар томондан ора-сира учқун кўриниб қолибди. Чироқни ёндириб келмоқ учун отга миниб учқун чиққан томонга қараб кетибди. Юриб-юриб чўл ўртасидаги бир қўрғон тагига келибди. Қўрғон етти паҳса<sup>2</sup> девор билан ўралган экан, бир томонда эшик ўрни бор экан. Кенжа ботир ташқарига отини боғлаб, секин ичкарига кирибди. Қўрғон ичкарисида бир чеккада дарчалари берк бўлган ўн бир ёғочлик қора уй бор экан, лекин эшиклари

<sup>1</sup> Қўриқ (т) – экинмай ташлаб қўйилган ер, экин экинча яроқли, бўз ер.

<sup>2</sup> Паҳса (ф) – шийитилган лойдан устма-уст босиб қурилган девор ва унинг ҳар бир қатори.



очиқ экан. Оёқ учи билан секин-секин бориб дарчанинг тирқишидан мўралабди. Уй ўртасида катта ўчоқ, қозонда шўрва қайнаб турибди. Тутундан қорайиб кетган уйда йигирматача одам ўтирибдилар. Деворларда яроғ-аслаҳалар осиглиқ.

Ўтирганларнинг бурунлари танқайган, кўзлари чақчайган, кўнгиллари қора, юзлари ола, ўйлаганлари ёмонлик экан.

Хуллас, булар талончи ўғрилар экан. Бу жой уларнинг макони экан. Кенжа ботир ўзига-ўзи айтибди: “Буларни шундайлигича ташлаб кетаверсам, йигитликдан бўлмайди. Қандай бўлса ҳам, бир йўл билан буларни тамом қилиб битирмоқ керак. Бунинг учун бир ҳийла ишлатиб, буларга қўшилиб олай, пайтини топиб, ишимни бажарай” – дебди.

Орқасига қараб бир неча қадам юриб, кейин чошиб келибди. Оёқ товушини эшитган ўғрилар яроғларини қўлларига олиб, шайлана бошлабди. Шу орада кенжа ботир эшикдан ичкарига кириб келибди. Салом бериб, ҳаммаси билан сўрашиб, тиз букиб ўтирибди ва ўғрибошига таъзим қилиб, дебди:

– Эй бегим, мен фалон шаҳардан бўламан, ёшлигимдан бери ҳеч бир устоз кўрмай, ўзимча чакана ўғрилик қилиб юрар эдим. Кўп тажриба кўрганман, дурустроқ бир иш қилмоққа бир ўзим ёлғизлик қилганимдан, бир тўпга қўшилмоқ орзусида эдим. Кеча-кундуз йўл юриб, мана энди хизматингизга етиб келдим. Умидим шулки, мени ёш деб қайтармай, тўпингизга олиб, билмаган нарсаларимни ўргатсангиз. Кўп нарсалардан хабарим бор, айниқса лаҳим ковламоққа, олдин тушиб хабар олиб чиқмоққа устаман.

Ўғрилар бошлиғи дебди:

– Жуда соз, бизга ҳам бир шундай ёш ўғри зарур эди. Яхши келибсан, бизга қўшилдинг. Муродингга етдинг, ўғрича.

Кенжа ботир ўрнидан туриб, қуллуқ қилибди. Шўрвани келтирибдилар, ичиб бўлибдилар. Бугун ўғрилар подшоҳ хазинасини урмоқ мақсадида шу ерга тўпланишган экан. Маслаҳатлашиб отланибдилар. Ўғрилар ўрданинг<sup>1</sup> орқа томонидаги боғчага келибдилар. Отдан тушиб, ўрдага қандай қилиб кириш тўғрисида маслаҳат қилиб, олдин “ўғрича”ни девордан ошириб туширишга, ҳамма ухлаган бўлса, девордан биринкетин ошиб тушиб, ичкарида тўпланишга жазм қилибдилар. Сўнгра кенжа ботирга: “Сен кириб аҳволни билиб чиқ, сўнг девор тепасида хабардор бўлиб тур!” – дебдилар.

Ўғрилар кенжа ботирни деворга чиқарибдилар. У бир илож қилиб пастга ҳам тушиб олибди. Бироз у ёқ бу ёққа қараб, хабар олган бўлибди. Сўнгра бир араваши девор тагига келтириб қўйибди. Араванинг устига чиқиб, бошини девордан чиқариб,

<sup>1</sup> Ўрда - хон ва унинг амалдорлари жойлашган қалъа.



ўғриларга қараб: “Ўрдада ҳамма ухлаган экан, қулай пайт”, – дебди. Ўғрибоши ўғриларга: “Бирин-кетин девордан ошилсин, овоз чиқарилмасин!” – дебди. Биринчи ўғри девордан аравага тушмоқ учун қорнини пахсага қўйиб, пастга энгашган экан, қилич билан ўғрининг калласини узибди, кейин бошқа ўғриларга: “Тушилсин!” – дебди. Тушганларнинг калласини узаверибди. Хуллас, ҳамма ўғриларнинг калласини узиб битирибди... Кейин қиличчини артиб, қинига солиб ўрда ичига кирибди. Арkning<sup>1</sup> дарвозасига келиб қараса, дарвозабон ухлаб ётган экан. Секингина унинг олдидан ўтиб, дарвозани очибди, яна ичкарига кирибди. Бир катта ўрда сарой, унинг уч томонида учта эшик. Тўғридаги эшик олдида посбон ухлаб ётган экан. Кенжа ботир жуда усталик билан посбон қўлидаги калитни олибди. Уни қулфга солиб, овоз чиқармайгина очибди. Ундан ҳам ичкарига – бир ўрта саройга кирибди. Унда яна учта эшик бор экан. Бу бўлмада ўнта чиройли чўри пойлоқчи экану ҳаммаси ухлаб қолган экан. Кенжа ботир чунон усталик билан улар олдидан ўтибдики, ҳеч бири уйғонмабди. Биринчи эшикдан бир бўлмага кирибди, қип-қизил гуллар қўйилган, ипакдан тикилган ҳар хил уй буюмлари кўп экан. Чўри қизларнинг ўртасида кумуш сўрида бир қиз ухлаб ётган экан.

Кенжа ботир секин-секин келиб уни томоша қилибди ва унинг ўнг қўлидаги тилла узугини чиқариб олиб, чўнтагига солибди. Орқасига қайтиб, яна ўша ўрта саройдан келиб чиқибди. “Энди иккинчи уйни кўрай-чи, нима сирлар бор экан?” – деб иккинчи бўлмага кирибди. Унда ҳам уй ўзига яраша ипаклар билан безатилган. Кумуш сўрида ўнта чўри қиз ўртасида бир қиз ухлаб ётибди. Кенжа ботир унинг қўлидан секингина билакузугини олиб чўнтагига солибди. Орқасига қайтиб, яна олдинги ўрта саройга келибди.

“Энди учинчи бўлмага кирмоқ лозим”, – деб сўл томондаги бўлманинг эшигини очиб, ичкари кирган экан, бунисида ҳаммасидан ҳам зиёда чиройли буюмлар кўрибди. Девор қип-қизил ипак моллар билан ясатилган, ипак гиламлар устига ипак кўрпачалар солинган, чўри қизлар ўртасида, кумуш сўрида бир қиз ухлаб ётар экан. Кенжа ботир унинг ўнг қулоғидан секингина тилла исирғасини чиқариб олиб, чўнтагига солибди. Орқасига қайтиб, яна ўша ўрта саройга келибди.

Кенжа ботир қайси йўл билан келган бўлса, ўша йўл билан дарвоза олдига борибди. Дарвозабон уйқусидан уйғонмаган экан. Дарвозани қулфлаб, калитини яна дарвозабоннинг қўлига тутқазиб, ўтиб кетибди. Кенжа ботир ҳалиги пахса де-

<sup>1</sup> Арк (а) - хой саройи жойлашган кичик қалъага киритиладиган дарвозаона.



вордан ошиб, чироғни ёндириб, отига миниб, акаларининг ёнига келибди. Акалари ҳали уйқудан уйғонмаган эканлар. Чироғни ўз жойига қўйиб, қамчисини ўйнаб ўтираверибди. Тонг отибди. Ҳаммалари уйқудан туришиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашибдилар. Кенжа ботир: “Тинчлик, ҳеч нарса бўлгани йўқ”, – деб жавоб берибди. Улар овқатларини еб бўлиб, отларига миниб, йўлга чиқибдилар ва бир оздан кейин шаҳарга кириб келибдилар. Бир карвонсаройга<sup>1</sup> тушиб, дам олиб ўтиришган эканлар, шаҳардан ўрда ҳангомаси эшитила бошлабди. Шу вақтда жарчи чақириб, ҳаммани воқеадан хабардор қилмоқда экан:

“Бугун кечаси номаълум одам ўрданинг боғчасида йигирма кишининг бошини кесиб кетган. Саройнинг энг хилват жойларидан бир донадан тилла безаклар йўқолган. Бу сирли воқеага сабабчи бўлган ботирнинг ким эканлигини подшоҳимиз билмоқчи. Шаҳардаги ботирлар ўрдага борсинлар ва кимнинг ҳовлисида четдан келган мусофирлар бўлса, дарҳол ўрдага олиб борилсин!”

Карвонсарой эгаси бу ботирларга ҳам ўрдага боришни таклиф қилибди. Улар пиёда секин-секин ўрдага борибдилар. Подшоҳ буларнинг мусофир эканлигини билиб, алоҳида бир хона тайин қилибди. Хона ичи ясоғлиқ экан. Бошқа мусофир бўлмаганидан, подшоҳ улардан сир олмоқни вазирга топширибди. Вазир айтибди: “Буларни тўғридан-тўғри сўрасак, айтмаслар. Ўз ҳолларига қўйиб, ташқаридан қулоқ солиб турайлик. Нима десалар, сўзларидан сирни топамиз”. Хонада булардан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Бир вақт дастурхон ёзилибди, хилма-хил ноз-неъматлар келтириб қўйилибди. Иккинчи бир хонанинг туйнугидан подшоҳ билан вазир астагина қулоқ солиб турибдилар. Бир оздан кейин уч оғанини ботирлар ўзаро гаплаша бошлабдилар. Тўнғич ботир дастурхондаги овқатни кўрсатиб, дебди:

– Шу гўшт кўзи гўшти экан, бироқ кўзи ит эмиб катта бўлган экан.

Ўртанча ботир айтибди:

– Тўғри айтасиз, подшоҳ деган махлуқ ит гўшtidан ҳам қайтмайди. Саралаб емоқ – фақирнинг иши. Мен бир нарсага ҳайрон бўлиб турибман: шу шуниндан одам иси келади.

Кенжа ботир айтибди:

– Подшоҳлик қонхўрлик демакдир, қон қўшилган бўлса бордир. Лекин ёмоннинг қони бўлса-ку, майли, аммо бегуноҳнинг қони қўшилган бўлмасин. Мен ҳам бир нарсани айтмай: шу нонни тахлаган кишининг отаси поёвой экан, тахлови

<sup>1</sup> Карвонсарой (ф) – қадимги меҳмонхона.



шуну билдиради.

– Тўғри, – дебди тўнғич ботир. – Подшоҳ бизни бу ерга ўрда воқеаси билан чақирган. Балки биздан сўроқ сўрар. Нима деб жавоб берамиз? – деб укаларидан сўрабди.

– Албатта, ёлғон сўзламаймиз, – дебди ўртанча ботир.

– Бу воқеага аралашган бўлсак, айтмоғимиз керак. Уч кунлик йўлда нималарни кўрган бўлсак, ҳаммасини ўртага ташлаш керак, – дебди кенжа ботир.

Тўнғич ботир биринчи кечада шер билан олишганини айтиб, белдаги тасмани ўртага олиб қўйибди. Ўртанча ботир иккинчи кечадаги воқеани айтиб, нишона учун олинган тасмани ўртага қўйибди. Кенжа ботир учинчи кечадаги воқеани айтиб, чўнтагидаги нарсаларни чиқариб ўртага ташлабди.

Подшоҳ билан вазир сирдан хабардор бўлибди. Фақат гўшт, шинни, нон тўғрисидаги гапларни аниқламоқчи бўлиб, чўпонни чақиртиришибди.

– Тўғрисини айт, – дебди подшоҳ чўпонга, – кеча юборган қўзинг ит эмганмиди?

– Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, айтайин, – дебди.

– Ўтдим, тўғрисини сўйла.

– Қиш кунлари бир қўй қўзилаб, ўзи ўлиб қолди, шу вақтда бир катта итим туққан эди. Қўзичоққа раҳмим келди. Ётим қўзини оч қолдиргим келмади. Ночор, қўзини ўша итга эмиздириб катта қилдим. Бошқа қўзи қолмагани учун, ўшани юборган эдим.

Кейин подшоҳ боғбонни чақиртирибди, унга қараб:

– Тўғрисини айт, шиннига одам қони қўшилаганмиди? – дебди.

– Подшоҳим, – дебди боғбон, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, айтаман.

– Айт, ўтдим.

– Бултур ёз, – деб сўз бошлабди боғбон, – боғдаги узумзорга ҳар кеча бир одам ўғирликка келиб, сизга олиб қўйилган энг яхши узумлардан ўғирлаб кетаверди. Бир кун: “Агар ўғри қўлимга тушса, уни ўлдириб, шу ток тагига кўмай”, – деб аҳд қилдим. Бир кеча пойлаб ётдим. Яна келди. Тўқмоқ билан бошига урдим, боши пачақ-пачақ бўлиб кетди. Буни ҳеч ким билгани йўқ. Шу ток тагига чуқур ковлаб, уни кўмдим. Ток кучайиб, бу йил чунон узум қилдики, баргидан ҳам ҳосили мўл бўлди. Лекин мазаси бир оз бошқача бўлиб қолди. Мен шу узумдан сизга юбормай, ҳаммасини шинни қилган эдим.

Нонни подшоҳ саройидаги бир хизматкор тахлаган экан. Ҳақиқатан ҳам унинг отаси нонвой экан.





Подшоҳ ботирларнинг ақлига қойил қолиб, уларнинг олди-га кириб, салом бериб кўришибди. Кейин дебди:

– Сизларнинг ҳамма айтганларингиз тўғри чиқди, шунинг учун сизларга муҳаббатим ортди. Ботир меҳмонлар, хўп десангиз, бир арзим бор. Агар қабул қилсаларингиз, айтар эдим.

Тўнғич ботир:

– Тўғри келса, қабул қилурмиз, айтинг, – дебди.

– Менинг учта қизим бор, аммо ўғлим йўқ, – дебди подшоҳ, – мен эртага бутун шаҳарни тўйга чақириб, қирқ кун ош бериб, қизларимни сизларга берсам. Менинг ўғилларим бўлиб, бунда қолсангизлар.

– Хўп, – дебди тўнғич ботир, – лекин бизнинг ҳам бир шартимиз бор. Бизлар шаҳзода эмасмиз. Отамиз ҳам бой одам эмас. Сизнинг давлатингиз подшоҳлик билан топилган. Биз бўлсак бир камбағал одамнинг болаларимиз. Элимиз бир бўлса ҳам, тарбиямиз бошқа, қандай бўлар экан?

Подшоҳ айтибди:

– Мен бир иқлимнинг подшоҳиман, отангиз сизларни яхши тарбиялаб катта қилиб, ботир қилиб вояга етказибди. Оталарингиз сизларни шундай ўстиргани орқасида бутун номингиз оламга тарқалиб кетди. Мен қизларимни сизларга бермоқчиман.

Шундан кейин ботирлар подшоҳ таклифини қабул қилибдилар. Шаҳарда қирқ кунгача тўй-томоша бўлиб, ботирлар подшоҳ қизларига уйланибдилар. Яхши тарбия орқасида йиғитлар бахт қушларини қўлга киритибдилар.

Подшоҳ куёвлари орасида кенжа ботирни айниқса яхши кўрар экан. Кунлардан бир куни подшоҳ бир салқин жойда ухлаб ётган экан, ёнидаги ариқдан бир илон чиқиб, подшоҳга захар солмоқчи бўлган экан, тўсатдан келиб қолган кенжа ботир уни кўриб қолибди ва илонни қилич билан чошиб, яна қиличчи кинига солиб турганида, подшоҳ уйғониб қолибди. Дилида: “Қизимни берганимга қаноат қилмай мени ўлдириб, ўрнимга подшоҳ бўлмоқ хайли бор экан”, – деб ўйлабди. Бу воқеани вазирга айтибди. Вазирнинг ботирларга адовати бўлиб, қулай пайтни кутиб юрган экан, унга яхши баҳона топилибди.

– Шундай бебаҳо қизларингизни, – дебди вазир, – мендан маслаҳатсиз, яхши тарбия кўрган, деб аллақасқдан келган мусофирларга бердингиз, энди мана, учидан сизга кўрсатди. Жонингиздан ортиқ кўрган куёвингиз ўзингизни ўлдирмоқчи бўлди. У бир кун яна ҳийла билан сизни ўлдириб қўймасин.

Подшоҳ вазирнинг сўзига кириб, кенжа ботирни зиндонга<sup>1</sup> солибди.

<sup>1</sup> Зиндон (ф) – айбдорлар сақланадиган ер остидаги қудуқенмон жой.



Подшоҳнинг кенжа қизи кўп қайғурибди. Йиғлайвериб юзлари сўла бошлабди.

Бир куни қиз отасининг оёғига бош қўйиб йиғлаб, куёвини сўрабди. Подшоҳ қизининг юзидан ўтолмай, кенжа ботирни зиндондан олдириб келибди ва унга қараб дебди:

– Ботир, сиз ҳали шунақа бевафомисиз? Шу қизимни ҳам юз-хотир қилмай, қай кўнгил билан мени ўлдирмоқчи бўлдингиз?

Кенжа ботир подшоҳдан ижозат сўраб:

– Энди мен ўзимнинг қилган яхшилигимни сўзлай, – деб ариқдан чиққан илон воқеасини айтибди. Ўша жойда икки бўлиниб ётган илон танасини олиб келиб кўрсатибди. Подшоҳ қилган ишига пушаймон еб, кенжа ботирдан узр сўрабди.

Кенжа ботир айтибди:

– Подшоҳим, энди бизга рухсат берсангиз, ўз юртимизга қайтсак.

Подшоҳ ботирларга ялиниб-ёлвориб ҳаммаларининг шу ерда қолишларини сўрабди. Ботирлар унамабдилар:

– Биз сарой кишиси бўлмоқчи эмасмиз. Биз меҳнат билан, хунар билан яшаймиз, – дебдилар.

Подшоҳ:

– Бўлмаса, қизларим шу ерда қолсинлар, – деган экан, қизлари: “Биз эримиздан ажрамаймиз. Рухсат берсангиз, биз ҳам шулар билан бирга кетсак. Сизни кўргани ҳар йили келиб турамиз”, – дебдилар.

Подшоҳ ҳайрон бўлиб, ночор рухсат берибди. Ботирлар сарфарга чиқибдилар. Йигитлар ўз хотинлари билан бирга икки йил деганда оталарининг олдига олти киши бўлиб келибдилар. Ота уч ҳовли, уч боғ тайёрлаб қўйган экан. Йигитларнинг ҳар бири ўзига аталган жойга келиб тушибди. Ботирлар оталари билан қучоқлашиб кўришиб, хотинларини таништирибдилар.

Ботирлар келинлар билан роҳатда яшаб, мурод-мақсадларига етибдилар.

## ? Савол ва топириқлар:

1. Мана, эртакини ўқиб чиқдингиз. Эртақ сизга ёқдими?
2. Ота ўғилларига қандай насиҳат қилди? Насиҳатларни дафтарингизга кўчиринг.
3. Уч оға-ини навбатчилигида қандай воқеалар юз берди?
4. Уч оға-ини ботирларнинг аҳиллиги, иноқлиги, меҳрибонлиги ҳақидаги ўринларни эртақдан топиб ўқинг ва изоҳланг.
5. Қайси ботирнинг жасорати сизга кўпроқ ёқди?
6. Подшоҳ ботирларнинг сирини қандай билиб олди?
7. Ака-укаларнинг ҳушёрлиги, синчилиги, билагонлиги ҳақида сўзланг.
8. Подшоҳ ботирларга нимани таклиф қилди?
9. Шубҳа ва шошилиб чиқарилган ҳудоса нимага олиб келади?



10. Ушбу эртақда эртақ жанрига хос қандай хусусиятлар бор экан?  
11. Эртақдаги муболағаларни топиб, дафтарингизга ёзинг.

## Гулиқаҳқаҳ

(Ўзбек халқ эртаги)

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подшоҳ ўтган экан. Бир куни подшоҳ овга чиқиб кетаётса, узоқдан бир қизил нарса кўринибди. Подшоҳ икки вазири билан бориб қараса, қип-қизил гулнинг тагида учта пари қиз ўтирган эмиш. Подшоҳ қизлардан:

– Қўлингизда ҳунарингиз борми? – деб сўрабди.

Бири:

– Мен шу қизил гулдан бичиб, тўн тикаман, – дебди.

Яна бири:

– Мен учар қушдан нусха оламан, – дебди.

Учинчи қиз:

– Мен тилла кокилли ўғил туғиб бераман, – дебди.

Подшоҳ қизларни шаҳарга олиб бориб, иккисини икки вазирига олиб берибди. Ўзи эса “тилла кокилли ўғил туғаман” деган қизга уйланибди.

Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, маликанинг ой-куни яқинлашибди. Буни билган кундошлари<sup>1</sup> бир шум кампирни чақириб, унга: “Кундошимиз тилла кокилли ўғил туғса, унинг боласини йўқ қиласан, сенга ҳаммамиз бир товоқдан тилла берамиз”, – дейишибди.

Кампир иккита кучукваччани олиб келиб, маликанинг ёнига қўйибди. Тилла кокилли болани бир чўл-биебонга олиб бориб ташлабди. Подшоҳ хотинининг кўз ёрганини эшитиб, суюниб овдан қайтиб келаётса, шум кампир учрабди.

– Хотиним нима туғди? – деб сўрабди подшоҳ.

– Хотининг иккита кучукча туғди, – дебди шум кампир.

– Бўлмаса, хотиним билан бола зиндонга ташлансин! – дебди.

Подшоҳ хотини билан кучукни зиндонга ташлатибди.

Чўл-биебонга ташланган болани бир кийик тўрт ёшгача эмизибди. Бола катта бўлиб қолгач, мени отиб ўлдириб қўймасин, деб кийик қочиб кетибди.

Бола тентираб юриб-юриб, бир куни отасининг ўрдасига бориб қолибди. Подшоҳнинг хотинлари уни кўриб қолиб, шум кампирни чақириб:

– Тилла кокилли бола келди, болани тезда йўқ қилиб юбор! Ҳаммамиз бир товоқдан тилла берамиз, – дейишибди.

<sup>1</sup> Кундошлар - бир эркакнинг хотини бўлган аёллар.



Кампир болани битта эски сандиққа солиб, дарёга оқизиб юборибди. Бола сандиқда кун ҳам оқибди, тун ҳам оқибди. Бир балиқчи дарё бўйида қармоқ солиб ўтирган экан, сандиқни кўриб қолиб, сувдан тортиб олибди. Сандиқни очиб қараса, кокиллари тилла бир бола ётганмиш. Болани уйига олиб келиб, тарбиялаб катта қилибди.

Бола бир куни дарё бўйида ов қилиб юрганида жуда кўп ғоз-ўрдакларни тутиб олибди. Биттасини ҳам ўлдирмабди. Бир ўрдак дарёнинг у ёғидан бу ёғига сузиб юрган эмиш. Бола бу ўрдакни тутолмай, “энди қушимни солиб оламан”, деб турганида, дарёнинг нариги ёғида бир одамни кўрибди. Бола уни кўриб: “Шундай отанг бўлса”, – дебди. У ёқда подшоҳ: “Ўғлинг бўлса, шундай бўлса”, – дебди.

Тилла кокилли бола “кийимларим ёмон, йиртиқ, у одамга қандай учрайман”, деб уялиб, уйига кириб кетибди. Подшоҳ бола томонга ўта олмай: “Боланинг олдига ўта олмадим. Шу бола ўлдирса, ўлганимни ҳам билмас эдим”, – деб уйига қайтибди.

Тилла кокил уйига келса, уйда бир кампир ўтирган эмиш. Кампир Тилла кокилни кўриб:

– Болам, худди подшоҳларнинг ўғлидек экансиз. Сизга Гулиқаҳқаҳ пари мос экан, – дебди.

Тилла кокил:  
– Ўша Гулиқаҳқаҳ пари қаерда яшайди? – деб сўрабди.

Кампир болага: “Гулиқаҳқаҳ пари фалон жойда бўлади”, – дебди. Тилла кокил Гулиқаҳқаҳни қидириб кетибди. Қидириб кетаверибди, қидириб кетаверибди. Чарчаб бир жойга ўтирса, унга бир чол:

– Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу жойларда нима қилиб юрибсан, болам? Ким сени бу ерларга юборди? – дебди.

Бола:  
– Мени бир кампир юборди, – дебди.  
– Болам, бўлмаса, ўзингга эҳтиёт бўл! Зинҳор-базинҳор бу йўлдан юрма, ана у йўлдан юр, – дебди.

Бола кетаверибди, йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир жойга борса, бир киши майса устида намоз ўқиб ўтирган экан. Бола ҳам бориб ўша киши ёнига ўтирибди. У киши намозини ўқиб бўлгач, бола салом берибди. Чол:

– Бу ерга келиб салом берганинг учун мана бу ерда ўтир, – деб болани бир ўрага<sup>1</sup> солиб, ўранинг устига тахта қўйиб беркитибди. Бирдан шу ерда ухлаб ётган девлар уйғониб қолиб,

<sup>1</sup> Ҳура (т) – сабзавот, дон кабиларни қишлоқ сақлаш учун махсус қазилган ёзги тор, туби кенг чуқурлик.



“Уфф-а, одам иси келяпти, одам иси келяпти”, деб у ёқни, бу ёқни қидиришибди, аммо ҳеч кимни топиша олмабди. Битта дев тишини кавласа, бир одамнинг сони чиқибди. Девлар ўшанинг ҳиди экан-да, деб тагин ухлаб қолишибди.

Чол Тилла кокилни ўрадан тортиб олибди. Бир уйга олиб кирибди. Бола кириши билан Гулиқаҳқаҳ пари кулиб юборибди. Ҳамма ёқ гул-лола бўлиб кетибди. Чол гули лолодан бир жуфт олиб, Тилла кокилга берибди. Тилла кокил Гулиқаҳқаҳ парини олиб уйга борса, ҳалиги кампир ўтирган эмиш. Кампир ўз-ўзига: “Ўлмабди, энди қирқ қозонга буюрар”, дебди. Болага:

– Бу Гулиқаҳқаҳга қирқ қозон бўлса-чи, – дебди.

Бола:

– Қирқ қозон қанақа? – деб сўрабди.

Кампир:

– Болам, бир қўй гўштини солиб қўйсанг, бир йилгача қирқ қозонда қирқ хил таом пишиб туради. Қайсисини хоҳласанг, ўшани ейсан. Ўша қозонни олиб келсанг, Гулиқаҳқаҳ хурсанд бўлади, – дебди.

Тилла кокил ҳам Гулиқаҳқаҳни уйга қўйиб, ўзи йўлга чиқибди, йўлда тагин унга аввалги чол йўлиқибди.

– Э болам, йўл бўлсин, қаёққа кетяпсан? – дебди.

Бола:

– Э ота, мени бир кампир йўлга соляпти. Қирқ қозон деган нарса бўлар экан, шунга кетаётибман, – дебди.

Чол:

– Э болам, ўша кампир сенинг душманинг экан. Тўғри йўлдан кетавер. Бир қора тош бор, ўшани сал кўтариб кўр, сув чиқса, секин жойига ташлаб орқанга қайт, агар қон чиқса, тошни кўтариб боқ! “Қирқ қозоннинг ҳақиға шу қозонни менинг юртимга олиб бориб қўйинглар!” десанг, қозонни қирқта дев қулоғидан ушлаб айтган жойингга олиб бориб қўяди, сенга зиён қилмайди, – дебди.

Тилла кокил кетаверибди, кетаверибди, ниҳоят бир уйга дуч келибди. Уйга кириб қараса, бир тош турган эмиш. Тошни секин кўтариб кўрса, бир четидан қон чиқиб кетибди. Дарров тошни кўтара солиб: “Қирқ қозоннинг ҳақиға шу қозонни юртимга олиб бориб қўйинглар”, – дебди. Девлар қозонни олиб бориб қўйишибди.

Борса, яна кампир ўтирган эмиш. Кампир ўзича: “Вой, шундай хавфдан ҳам қутулиб қолибди. Энди бир жойга юборайки, ўн жонидан бир жони ҳам қолмасин”, – дебди.

Болага:



– Энди, бу Гулиқаҳқаҳга, қирқ қозонга ойнаи жаҳоннамо<sup>1</sup> бўлса, ҳамма юртлардаги воқеаларни, подшоҳларнинг жойларини кўриб турар эдингиз, – дебди.

Тилла кокил ҳам унинг гапига кириб ойнаи жаҳоннамони излаб кетибди. Йўлда яна чол учрабди.

– Тагин қаёққа кетяпсан, болам? – деб сўрабди.

Тилла кокил:

– Ойнаи жаҳоннамо деган нарса бўлар экан, ўшани олиб келгани кетаётибман, – дебди.

Чол:

– Бўлмаса, мана шу йўлдан юр, йўлда бир чинор бор. Ўша чинорнинг устида қуш бола очган. Тагида бир аждар бор, шу аждар қушнинг болаларини егани чиққанда, мана шу тош билан пешонасига ур. Ўлса, унда қуш сени муродингга етказди, – дебди.

Тилла кокил чол кўрсатган йўлдан юрибди. Чинорнинг тагига борса, бир аждар оғзидан олов сочиб дарахтга ўралиб, қушлар турадиган шохга чиқиб кетаётган эмиш. Тилла кокил чол берган тош билан аждарнинг пешонасига бир урибди. Аждар дарахтдан қулаб тушибди. Қуш болаларининг олдига келса, аждар ўлиб ётган эмиш. Қуш болаларидан: “Аждарни ким ўлдирди?” – деб сўрабди.

Болалари:

– Анави киши ўлдирди, – дейишибди.

У қуш Тилла кокилга:

– Тила тилагингни берай, муродингга ет, – дебди.

Тилла кокил:

– Ойнаи жаҳоннамони олиб келишга ёрдам берсангиз, – дебди.

Қуш:

– Эй, қаттиғидан тутдинг-ку, – дебди, – бўлмаса, менинг икки оёғимдан маҳкам ушла. Мен учиб, булутларнинг устига олиб чиқаман. Ўша булутнинг устида бир қўйчивон бор. Ўша қўйчивоннинг боши йўқ қўйи бор. Ўша қўйни ундан тилаб ол. “Бунинг боши йўқ, қай еридан сўяди?!” – деб сўра. У қўйчивон: “Сен ушлаб тур, мен сўйиб бераман”, деб сенга қўй ҳайдайдиган таёғини беради. Шу таёқда ойнаи жаҳоннамо бор. Олганингдан кейин, дарҳол ёнимга югур, сени учириб кетаман, қўйчивон ҳайрон бўлиб қолади, – дебди.

Тилла кокил қушнинг айтганини қилибди. Қўйчивон ҳай-ҳайлаганича қолаверибди. Қуш Тилла кокилни учириб, жойига олиб келиб қўйибди.

Патидан бериб: – Қачон бошингга мушкул иш тушса, шуни

<sup>1</sup> Ойнаи жаҳоннамо (ф) – жаҳонни кўрсатувчи афсонавий ойна, телевизор.



куйдирсанг, етиб келаман, – деб учиб кетибди. Бола уйига эсон-омон қайтиб келибди.

Бир куни Тилла кокил овга чиқса, отаси подшоҳ ҳам дарёнинг нариги томонида ов қилиб юрган экан. Подшоҳ уни кўриб Тилла кокилга:

– Овни солинг, ўғлим, овни солинг, – деб қичқарибди.

Тилла кокил:

– Йўқ, ота, аввал каттадан, кейин кичкинадан, – дебди.

Подшоҳ уч марта ов солса ҳам, қушни ололмабди. Тилла кокил бир марта солиши билан ўрдакни тутиб олибди. Тилла кокил подшоҳга:

– Энди бу ўрдакни сиз олинг, – дебди.

Подшоҳ:

– Йўқ, ўғлим, ов сизники, мен ололмайман! – дебди.

Бола:

– Овни олмасангиз, бизнинг уйга меҳмон бўлиб боринг, мен сизга ўрдак пишириб берай, – дебди.

Подшоҳ рози бўлиб, Тилла кокилнинг уйига келибди. Подшоҳ оловсиз қайнаган қозонда ҳар хил овқатлар пишиб турганини кўриб ҳайрон қолибди.

Тилла кокил подшоҳнинг олдига ҳар хил таомларни қўйибди. Подшоҳнинг қуши ипини узиб келиб таомларни чўқиб ташлабди.

Подшоҳ:

– Э, аҳмоқ, нимага бундай қиласан? – дебди.

Қуш:

– Эй подшоҳ, сиз аҳмоқми, мен аҳмоқми? Шунча подшоҳлик қилиб туриб ўзингизнинг болангизни танимай ўтирибсиз, – дебди.

Подшоҳ ҳайрон бўлиб чолдан:

– Бу бола ўзингизнинг ўғлингизми? – деб сўрабди.

– Йўқ, тақсир, дарёдан бир сандиқ оқиб келди. Мен уни сувдан чиқариб очиб қарасам, шу бола ётибди. Бошида тилла кокили бор, уни тарбиялаб катта қилдим, – дебди.

Подшоҳ суюнганидан йиғлаб юборибди:

– Сен менинг ўғлим экансан, – дебди.

Шум кампир ҳам шу ерда экан. Ундан суриштирса, кампир:

– Хотинларингиз бир товоқдан тилла беришди. Мен болани чўлга ташлаб келдим. Бола ёшлигида ўрдага келиб қолди. Яна тилла беришди, мен болани дарёга оқиздим, – дебди.

Подшоҳ ғазабланиб, хотинларини йиғдириб келибди.

Уларга:

– Ошпичоқ керакми, қирқ бия керакми? – дебди.



Хотинлари:

– Биз ошпичоқни нима қиламиз, бия керак. Соғиб қимиз қилиб ичиб юрамиз, – дейишибди.

Подшоҳ икки хотини ва айёр кампирни отнинг думига боғлаб, чўлга ҳайдаб юборибди. Тилла кокилни саройга олиб келиб, тахтига ўтқазибди. Чолни вазир қилиб тайинлабди. Подшоҳдан Тилла кокил:

– Онамни қаерга ташлагансиз? – деб сўрабди.

Подшоҳ:

– Зиндонга, – дебди.

Тилла кокил:

– Зиндондан онамни олиб келинглар! – дебди.

Онасини олиб келишибди. Она-бола йиғлаб кўришибди. Тилла кокил қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб, Гулиқаҳқаҳни никоҳлаб олибди. Тилла кокил давру даврон суриб, мурод-мақсадига етибди. Сиз ҳам етинг муродга, биз ҳам етайлик муродга, ёмонлар қолсин уятга.

? Савол ва топшириқлар:

1. Эртақ қизиқарли эканми? Подшоҳ пари қизларни қачон ва қаерда учратиб қолди?
2. Қизларнинг қандай ҳунарлари бор экан?
3. Нима сабабдан кундошлар Тилла кокилли болани йўқотишга тушдилар?
4. Тилла кокилнинг балиқчи чол уйидаги ҳаётини сўзланг.
5. Шум кампир нима учун Тилла кокилни Гулиқаҳқаҳни, қирқ қозонни, ойиан жаҳоннамони олиб келишга ундади?
6. Йўловчи чол Тилла кокилга қандай ёрдам кўрсатди? У ким бўлиши мумкин?
7. Подшоҳ ва Тилла кокил ўрдак ови пайтида қандай воқеаларни бошдан кечиришди? Уларнинг кўнгилдан қандай фикрлар ўтди?
8. Подшоҳ ёмонларни қандай жазолади?
9. Эртақдаги “Яхши етсин муродга, ёмон қолсин уятга” иборасини қандай изоҳлайсиз?
10. Фикрингизча, “Гулиқаҳқаҳ” эртақ жанрининг қайси турига киради?

## Адабий эртақлар

Эртақ халқ оғзаки ижодининг энг оммавий жанри эканлигини билиб олдик. Уни халқ яратади. Бироқ ёзув пайдо бўлгандан сўнг айрим шоир ва ёзувчилар, сиз болалар учун, эртақлар тўғиб ёза бошладилар. Мана шундай шоир ва ёзувчилар томонидан яратилган эртақлар адабий эртақлар дейилади.

Сиз қуйи синфларда ўқиган Шарль Перронинг “Қизил шапкача”, Карло Каллодининг “Пиноккио”, Андерсеннинг “Нўхат устидаги малика”, Яйра Саъдуллаеванинг “Сулувой”,





Малик Муродовнинг “Ота васияти”, Ёқубжон Шукуровнинг “Каклик билан қиз”, Анвар Обиджоннинг “Бўрининг табиб бўлгани ҳақида эртак” каби асарлари адабий эртак жанрига мансубдир. Адабий эртаклар ҳам шеърӣ, ҳам насрий шаклда ижод қилиниши мумкин.

Адабий эртаклар ҳам халқ эртакларига хос хусусиятларга эга бўлади. Бироқ адабий эртаклар ҳар доим ҳам яхшилик билан, эзгуликнинг ғалабаси билан тугайвермайди. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» адабий эртагида хон қизи Паризод Бунёдга хиёнат қилса, Чингиз Айтматовнинг “Шоҳдор Она буғу” эртагида одамлар ўзларига яхшилик қилган Она буғу болаларини ўлдирадилар. Бу эса адабий эртаклар мазмунини ҳаққоний ҳаётга яқинлаштиради.

Қуйида Сиз адабий эртаклар оламига саёҳат қиласиз. Уқиб кўринг, Сизга, албатта, ёқади.

## ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909 – 1944)



Ҳамид Олимжон 1909 йилнинг 12 декабрида Жиззах шаҳрида туғилди. Ҳамид бобоси мулла Азим ва онаси Комила ая тарбиясида улғаяди. Айниқса, онаси Комила аянинг узун тунлар айтган қўшиқ ва эртаклари Ҳамиднинг камолга етишида, халқ оғзаки ижодига бир умрлик меҳрининг туғилишида муҳим омил бўлди. Ҳамид Олимжон болалик кунларини шундай эслайди:

Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда  
Кўп эртақ эшитгандим –  
Сўйлаб берарди бувим.

Шоирнинг болалиги 1914–1916 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Бу урушда Россия ҳам қатнашди. Рус подшоси туркистонлик йиғитларни қора меҳнат учун мардикорликка чақирди. Рус подшосининг мардикорликка олиш сиёсатига қарши Жиззахда 1916 йилда кўтарилган халқ исёни шафқатсиз бостирилди. Жиззах аҳолиси Мирзачўлга ҳайдалди. Ҳайдалганлар орасида 7 ёшли Ҳамид Олимжон ҳам бор эди. Мана шу машаққатли кунлар хотираси кейинчалик шоир шеърларига кўчди:

Мен бир қора кунда туғилдим  
Туғилдиму, шу он бўғилдим.  
Мен туғилиб кўз очган дунё  
Хароб эди, бузғун, бенаво.  
Вайронада изилларди ел  
Менга қондош, жондош бўлган эл  
Тутқун эди, гадо эди, хор,  
Қалби тўла нафрат, алам, зор.

Саводини бобоси ёрдамида чиқарган Ҳамид Совет ҳокимияти даврида Жиззахдаги Наримонов номи мактабга ўқишга кирди. Кейинчалик Самарқанддаги ўзбек билим юрти ва университетида таҳсил олди.

Ҳамид Олимжон билим юртида ўқиётган пайтидан бошлаб шеър машқ қила бошлади. Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами “Кўклам” 1929 йилда нашр этилган.



Ҳамид Олимжон адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олди. Унинг бетакрор шеърлари, "Ойгул билан Бахтиёр", "Семурғ", "Зайнаб ва Омон" дostonлари адабиётимизнинг юксалишида катта аҳамиятга эга бўлди..

## Ойгул билан Бахтиёр

Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртақ эшитгандим,  
Сўйлаб берарди бувим.  
Эсимда ўша дамлар:  
Ўзи учар гиламлар;  
Тоҳир - Зухра, Ёрилтош;  
Ойни уялтирган қош.  
Ўт боғлаган қанотлар,  
Беқанот учган отлар;  
Бахтиёр билан Ойгул,  
Қиз бўлиб очилган гул;  
Сўйлагувчи деворлар,  
Бола бўп қолган чоллар.  
Бувимнинг ҳар қиссаси,  
Ҳар бир қилган ҳиссаси  
Фикримни тортар эди.  
Ҳавасим ортар эди.  
Тинглар эдим бетиним  
Сеза олардим кучин,  
Кўпи ёлғон, кўпи чин;  
Аммо Ойгул-Бахтиёр  
Эртагини у такрор  
Қилар эди ҳар кечин.

## II

Жамбил деган томонда  
Жуда қадим замонда  
Қуллар исён қилдилар,  
Жангга кириб қўшинлар,  
Урушиб ою кунлар,  
Дунёни қон қилдилар.  
Тиричилик тугаб оч элда,

Мамлакат қолди селда.  
Даҳшат ичра ёниб хон,  
Ҳар томон қилди фармон.<sup>1</sup>  
Тўхтамай довул<sup>2</sup> қоқди,  
Майдонларга ўт ёқди.  
Ўз ҳолига қилиб ор,  
Тикиб қатор-қатор дор,<sup>3</sup>  
Кўзларига тўлиб қон,  
Замбараклар бўшатди,  
Тани заҳарга ботди.  
Жамбил эли кўп замон  
Тўполон бўлиб ётди.  
Бир ғазаб ичра жони,  
Жамбилнинг золим хони  
Кечар элнинг қонига,  
Қалбида зўр тугунлар.  
Қулларнинг исёнида  
Утарди ою кунлар,  
Қонга фарқ бўлиб тунлар.  
Чайқар оғриқ бошини,  
Очлар тўкиб ёшини  
Олишарди куну тун;  
Яланғочлар ҳам бутун  
Берарди майдонда жон —  
Талаб қилиб ҳақ ва ион.  
Асло қўрқмай ўлимдан,  
Ўч оларди зулмдан.  
Сира қилмай андиша,  
Чопарди қўлда теша.  
Бирови ушлаб косов  
Саваларди, келса ёв.  
Болтаси бор бирининг,  
Ўлим келмас унга тенг.  
Агар дуч келса шу чоғ.

<sup>1</sup> Фармон (ф) – хошнинг буйруғи, тоншириғи.

<sup>2</sup> Довул (т) – икки томони тери билан қопланган чирманда.

<sup>3</sup> Дор (а) – гуноҳкорни осиб ўлдирish учун жасалган қурилма.



Ағдарарди бўлса тоғ.  
 Чўри бўлган отинлар,  
 Қул аталган хотинлар.  
 Кумушдай оппоқ соқол  
 Кўкрагини босган чол,  
 Ёш гўдаклар, жувонлар,  
 Навқирон<sup>1</sup> паҳлавонлар  
 Жон оларди, бериб жон  
 Ва қанча-қанча қурбон  
 Ётар эди қоқ ерда,  
 Танлари бурда-бурда.  
 Ўтиб юзлаб, минглаб йил  
 Бундай тарихни Жамбил  
 Кўрмаганди умрида.  
 Исёнчи кекса Дархон  
 Қулларга бошлиқ эди.  
 Қизи Ойгул ютар қон,  
 Кўзлари ёшли эди.  
 Ота-бола икковлон  
 Қуллар учун бериб жон,  
 Хонни ўлдирмоқ учун,  
 Кўтариб элнинг кучин,  
 Кезардилар исёнда,  
 Минг алам, минг фиғонда.  
 Исён бостирилган кун  
 Дархонни қилиб тутқун,  
 Саройга келтирдилар.  
 Ясов<sup>2</sup> тортиб кўшинлар,  
 Савлат билан турдилар.  
 Сўнг золим хонга улар  
 Танитдилар Дархонни:  
 Шу бошлаган исённи,  
 Шудир Дархоннинг ўзи,  
 Мана бу Ойгул қизи.  
 Тикиларди золим хон,  
 Тикилар эди Дархон.  
 Ёндиргудай жаҳонни,  
 Қул қилгудай ҳар жонни  
 Ўт бор эди кўзида.

Зўр талваса<sup>3</sup> юзида.  
 Ва хон ташлаб кўз қирин  
 Сўради, бирин-бирин:  
 – Қани сўйлагил, Дархон,  
 Не фойда берди исён?  
 Кимлар ўлди, ким омон?  
 Дархон сўз бошлаб деди:  
 – Мен ва қизимдан бошқа  
 Ўлмаган қул қолмади.  
 Кириб шунчалик ёшга  
 Кўрмовдим шунча қонни,  
 Шунча зору фиғонни.  
 Эл хонумонин буткул  
 Сен ўт ёқиб этдинг кул.  
 Жамбил эди бир бўстон,  
 Қилдинг уни гўристон.  
 Сендай қонхўр золимдан  
 Қолмасин деб бирор зот,  
 Бош кўтардик, зулмдан  
 Бўлмоқчи эдик озод.  
 Лекин бу гал бўлмади,  
 Аммо тилак ўлмади:  
 Бир кун сани йиқармиз  
 Ва қабрга тиқармиз.  
 Хон қовоғини уйди.  
 Булутлар ёмғир қуйди.  
 Яланғочлаб қиличдин,  
 Қулнинг бўйнига солди.  
 Боши кетган қуш каби  
 Дархон типирлаб қолди,  
 Ерлар қонга бўялди.  
 Имо қилди золим хон,  
 Сарой бўш қолди шу он,  
 Қулнинг гўзал қизига  
 Яқин келди, юзига  
 Ўлгудайин тикилди.  
 Қизнинг олдида бу хирс<sup>4</sup>  
 Кўрсатиб ёввойи хирс,<sup>5</sup>  
 Ерга қадар букилди,

<sup>1</sup> Навқирон (ф-т) – ёш.

<sup>2</sup> Ясов тортиб (т) – тартиб билан тизилди.

<sup>3</sup> Талваса (а) – кучли ҳалжон, безовталик, саросималик.

<sup>4</sup> Хирс (ф) – айиқ; тўк, бадавлат, улкан гавдали киши.

<sup>5</sup> Хирс (а) – эҳтирос; бирор нарсага қаттиқ берилиш; ёмон ниёт, бузуқ фикр.



Кўзида ҳийла кулди,  
 – Чўри қиз, энди менга  
 Хотин бўлурсан, – деди,  
 – Ҳашаматли саройда  
 Отин бўлурсан, – деди.  
 Қиз жимираб бадани:  
 – Севмайман, – деди – сани  
 Йўқ, бўлмасман, ўйлама,  
 Бундай сўзни сўйлама,  
 Сен отамдан айирдинг,  
 Қанотимни қайирдинг.  
 Қўзғолон қилиб ўлган  
 Шунча қуллар номидан  
 Нафратим бордир санга.  
 Узинг ўйлаб кўр танга.  
 Сен одам эмаску сан,  
 Ҳайвондан ҳам пастку сан.  
 Хотин бўлмасман асло,  
 Келса бошимга бало,  
 Уни сендан кўрарман.  
 Доим қарғаб юрарман.  
 Тақдирим ёр бўлсаю,  
 Фурсат қулай келсаю,  
 Сени агар ўлдирсам,  
 Тапингга ханжар урсам,  
 Дунёда энг бахтиёр  
 Одам бўлардим номдор.  
 Золим хон кўп туюқди,  
 Ҳазаб ўтида оқди.  
 Қутуриб қаҳри келди,  
 Илондай заҳри келди,  
 Жаҳлига чидолмайин,  
 Ҳеч сўз дея олмайин,  
 Жаллодларни чақириб,  
 Йиртқичларча бақириб,  
 Ундан ўчини олди,  
 Қизин зиндонга солди.  
 Бир ёмон ўйга толди.  
 Золим хон саройида  
 Кекса бир қул бор эди,  
 Куни ўтар қайғуда,  
 Ҳар нарсадан хор эди.

Уни дерлар қул Тарлон.  
 Ўлдирилганда Дархон,  
 Тоқати ҳеч қолмади,  
 Асло чидаёлмади.  
 У қайнаган қонини,  
 Фарёд чеккан жонини  
 Қўймоққа топмади жой.  
 Хира бўлди кўкда ой.  
 У гўё бир буюк тоғ,  
 Юзида минг йиллик доғ,  
 Чунки зиндон тагига  
 Ташланган бизнинг Ойгул,  
 Ғаш солар юрагига,  
 Азоблар уни буткул.  
 Бу золим хон Ойгулни  
 Ўлдирар деб, албатта,  
 Қайғуси эди катта.  
 Ахир у топди йўлин:  
 Уйқуга кетганда хон,  
 Ойгулни қутқармоққа  
 Қаттиқ қасд қилиб Тарлон,  
 Йўл солди зиндон ёққа.  
 Бордию арқон солди,  
 У зим-зиё<sup>1</sup> чуқурдан,  
 Қабрдай қўрқинч ўрдан  
 Ойгулни тортиб олди.  
 Бутун атроф қопқаро,  
 Шундай мудҳиш тун аро  
 Ойгул билан қул Тарлон  
 Бўлдилар йўлга равон.  
 Иккови ҳам жим эди,  
 Ахири Тарлон деди:  
 – Қизим, сени золим хон  
 Ўлдиражак беомон.  
 Мен сени қутқармоққа  
 Олиб келдим бу ёққа,  
 Фақат не ҳам қилардим,  
 Нима қила билардим?  
 Мен ҳам қулман, қанотим  
 Сеникидай қирқилган.  
 Менга ҳам ўша золим  
 Қилар ишини қилган.

<sup>1</sup> Зим-зиё (ф) – қоронғилик.



Шунинг учун ўч олиб,  
 Бу ишини бузаман,  
 Сени сандиққа солиб,  
 Дарёга оқизаман.  
 Агар ўлмасанг, биров  
 Сув бўйида қилиб ов,  
 Сенга дуч келиб қолур,  
 Сувдан чиқариб олур.  
 Бир кунингни кўрарсан,  
 Ўйнабқулиб юрарсан.  
 Азоб ичра ёнар жон,  
 Қора кунда қул Тарлон  
 Қизга қайғудош келди,  
 Ғамига йўлдош келди.  
 Секин тушди сандиққа,  
 Сандиқ ҳам тиққатиққа  
 Бўлиб Ойгулни олди,  
 Хипча бели буралди.  
 Тарлон яна нон солди,  
 Нон демаки, жон солди.  
 Атрофга кўз ташлади.  
 Сандиқни дарё томон  
 Сўнгра судрай бошлади.  
 Уйқуда эди ҳар ён,  
 Сувга ташлади уни.  
 Ойгул ҳам оқиб кетди.  
 Бир чақмоқ чақиб кетди.

### Ш

Уйқудан уйғониб хон,  
 Ойгулни сўрамади.  
 Зиндонга ташланган жон  
 Не бўлди ҳам демади.  
 Ичдан севиниб Тарлон,  
 Юраркан у ёнбу ён,  
 Ҳеч нарсдан беҳабар,  
 Кўзи кўр, қулоғи қар  
 Бўлиб кўринар эди,  
 Тинмай уринар эди.  
 Тинчлик эди саройда,  
 Қиз бўлса катта сойда

Сув юзида бетиним  
 Оқиб борар эди жим.  
 Ойгул шу ҳолда уч ой  
 Муттасил<sup>1</sup> оқиб борди.  
 Қанча дара, қанча сой  
 Уни узатиб қолди.  
 Лекин ҳеч ким тутмади,  
 Ҳеч бир савдо ўтмади.  
 Ва фақат тугаб нони,  
 Пича қийналди жони.  
 Ўртаниб аламиндан,  
 Шу ҳолда кетиб борди.  
 Ахири Журжон деган  
 Бир юртга етиб борди.  
 Журжоннинг даласида,  
 Дарёнинг ёқасида  
 Бир чол ўтин терарди,  
 Доим шунда юрарди.  
 У бир кун жуда ҳорди:  
 Озгина тин олғали,  
 Бир оз эркин қолғали  
 Дарё лабига борди  
 Ва шу чоғда қари чол  
 Бир нарса кўриб қолди.  
 Ҳовлиқиб, бўлиб хушқол,  
 Қаққайиб туриб қолди.  
 У йўқ эди ўзида:  
 Бир сандиқ сув юзида  
 Лопиллаб келар эди,  
 Тўлқинда елар эди.  
 Олмайн икки кўзин  
 Ечина солиб дарҳол,  
 Сандиқ кетидан ўзин  
 Дарёга ташлади чол.  
 Бирпасда тутиб олди.  
 Қирғоқ сари чиқарди.  
 Сандиқни очмоқ учун  
 Сарф этди бутун кучин.  
 Сира оча олмади,  
 Тоқати ҳеч қолмади.  
 Энг сўнгра ўроқ солди,  
 Тешдию, ҳайрон қолди:

<sup>1</sup> Муттасил (а) – бирдек, тинмай, доимий.



Бир қиз кўринар эди,  
Унда қийналиб жуда  
Ҳадеб уринар эди.  
Содданинг тили қотди,  
У ўзини йўқотди.  
Оғир бир ўйга ботди:  
– Эҳтимолки, бир суқсур,  
Бир парининг ўзидир.  
Чўкиб балки кемаси,  
Бу қиз кетгандир оқиб,  
Дарё бўйлаб улоқиб,  
Эҳтимол, бир онаси  
Қолгандир бағрини ёқиб.  
– Сўйласангчи, ҳой одам,  
Нега ҳеч урмайсан дам? –  
Дея чол қизга айтди,  
Ойгулдан жавоб қайтди:  
– Агар сандиқни ёрсанг,  
Сенинг қизинг бўлурман,  
Жуда ҳам бой қилурман.  
Ташвишга солиб бу ҳол,  
Жуда ҳайрон қолди чол.  
Лекин ҳеч ишонмади,  
Кўнгли гапга қонмади.  
Эл олдида очай, деб,  
Сандиқни кўнгли содда  
Бозорга олиб кетди,  
Қун бўйи ҳамма терган  
Ўтини қолиб кетди.  
Бозорда қари чолни  
Ўғри дея тутдилар.  
Урасура шўрликни  
Подшо сари элтдилар.  
Подшо ҳам ғазаб билан:  
– Бу нима? – деб сўради.  
Соқчилар бир гап билан  
Агрофини ўради,  
Чолнинг тили тутилди,  
Қўрқди, ўпкаси тўлди,  
Секин «билмайман» деди,  
Бўздай оқарган эди.  
Сўнг подшо қиличчини

Яланғочлаб бир солди.  
Бечора чолнинг тани  
Шу он бекалла қолди.  
Қўшинлар питирлашиб  
Сандиқни тез очдилар.  
Жонли нарсани кўриб  
Тура-тура қочдилар.  
Сандиқдан бир жонивор  
Қоматини кўтарди:  
Чинордаини бўйи бор,  
Одамга ўхшар эди.  
Ойгул туриши билан  
Сарой чарақлаб кетди.  
Ҳамма ёқ бўлиб равшан.  
Ўйлар ярақлаб кетди.  
Ой деганда юзи бор,  
Қун деганда кўзи бор  
Бир гўзал қиз қаршида,  
Бебаҳо эди жуда.  
Қалдирғоч қошларидан  
Ҳаёт сочилар эди,  
Гуллар очилар эди.  
Подшонинг ақли шошди,  
Ўт ичида туташди.  
Ҳар томонга югурди.  
Дам ўтирди, дам турди.  
Бундай гўзал юлдузни,  
Бунчалик барно қизни  
Асло кўрмаган эди,  
Ишрат сурмаган эди.  
У чандон яқин келиб,  
Еб қўйғудай тикилиб:  
– Сен менга теккин! – деди,  
Қиз ундан жирканарди.  
Ичи ўтда ёнарди.  
Подшодан қиларди ор,  
Ўзини сезарди хор.  
Ишлатиб у бир ҳийла,  
Топиб қулай васила,<sup>1</sup>  
Кетмоққа қилди қарор:  
– Майли, тегайини сенга,  
Бунинг учун сен менга

<sup>1</sup> Васила (а) – восита.



Қирқ кун муҳлат бергайсан,  
 Озгина тин бергайсан.  
 Жуда ҳам ҳолдан оздим,  
 Сандиқда ўлаёздим.  
 Подшо сира кўнмади,  
 Қиз дегани унмади,  
 Ахири қиз уч кунга  
 Қўй, деб ёлворди унга,  
 Ҳамон бўлмади рози:  
 – Барча тошу тарози  
 Бир кунга чидай олур.  
 Ҳайнаб гаминг тарқалур,  
 Сўнгра тўйни қилурмиз.  
 Қиз гўё кўнган каби  
 Подшога индамади.  
 Подшо ҳам қизга энди  
 Ҳеч бир нарса демади.  
 Қўшилиб қирқ қизларга  
 Ойгул ташқари чиқди.  
 Кўзи тиниб бўзларга  
 Шўрликни қайғу йиқди:  
 Ичида ёна-ёна,  
 Чўмилмоқни баҳона  
 Қилиб Ойгул қизларни  
 Дарёга олиб борди.  
 Юзи гул, сочи сумбул  
 Бизнинг қайғули Ойгул  
 Бир оз ўйлаб турдида,  
 Кўзини чирт юмдида,

Ўзини сувга отди,  
 Шу ондаёқ у ботди.  
 Ойгулни жайҳун балиқ<sup>1</sup>  
 Олдию, ютиб кетди.  
 Қирқ қизлар саросима –  
 Чувиллашиб қолдилар:  
 – Нима гап, нима, нима?<sup>2</sup> –  
 Дея шовқин солдилар.  
 Ҳаммалари ноилож  
 Саройга югурдилар.  
 Ва подшога билдириб  
 Дириллашиб турдилар.  
 Подшо ҳам чапак уриб,  
 Дарёга чопиб борди,  
 Зир югуриб ахтарди.  
 Лекин унда кимса йўқ.  
 Дарё ҳам силлиқ-силлиқ  
 Ҳар кунгидай бетиним,  
 Оқиб борар эди жим.  
 Подшо эди хўп нолон,  
 Нима учун бир кунга  
 Муҳлат бердим деб унга,  
 Ўлгудайин пушаймон.  
 Ичини ит тирнарди.  
 Зиёда<sup>2</sup> бўлиб дарди,  
 Ер ва кўкни у яниб,  
 Ўз ўтига ўртаниб  
 Юриб қизни ахтарди.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Жамбил аҳолиси нега исён кўтарди? Уларга ким бошчилик қилди?
2. Шоҳ Дархон билан унинг қизи Ойгулни қандай жазолади?
3. Ойгулнинг зиндондан қутилишига ким ва қандай ёрдам берди?
4. Қул Тарлоннинг руҳий ҳолати, яъни шоҳга бўлган нафрати ифодаланган мисраларни топиб ўқинг ва изоҳланг.
5. Ойгулнинг ўтинчи чол ва Журжон подшоси билан учрашувларини сўлаб беринг.

<sup>1</sup> Жайҳун балиқ – Амударё балиғи; жуда катта балиқ, акула.

<sup>2</sup> Зиёда (а) – ортинш, охиқча.





#### IV

Гўзал юрт Сусамбилда  
 Бир подачи бор эди.  
 У машхур эди элда.  
 Номи Бахтиёр эди.  
 Гўзал эди ва чинор  
 Қоматига эди зор.  
 Кўкраклари бутун бир  
 Офтобни яширарди.  
 Танларида бир умр  
 Ўт ловиллаб турарди.  
 Қиличдай ўткир эди.  
 Рустам каби зўр эди.  
 Аммо элда хор эди,  
 Камбағал, ночор эди.  
 У доим боқиб пода  
 Юрар эди саҳрода,  
 Чўлларда яшар эди,  
 Қирлардан ошар эди.  
 Қалбида минг турли доғ,  
 Кўз ёши булоқ-булоқ.  
 Сув ёқалаб бораркан,  
 Ҳар томонга қараркан,  
 Балиқ овлаб дарёда  
 Юрганларга йўлиқди.  
 Шу чоқда унинг содда  
 Кўнгли бир оз тўлиқди.  
 – Жиндай нон борми? – деди.  
 Балиқчи танти эди:  
 – Йўқдир берар нонимиз,  
 Лекин куяр жонимиз.  
 Майли, шу сафар тўрға  
 Чиққанин ол ўзингга.  
 Узун умринг бор бўлсин,  
 Бола бахтинг ёр бўлсин.  
 Рози бўлди Бахтиёр  
 Ва толеига шу бор  
 Жайхун ивниб қолди,  
 Улкан балиқни олди.  
 Икки ҳўкизга ортиб,  
 Олдидан ўзи тортиб,  
 Уйга томон йўл солди.

Ҳовлиқиб толиб келди,  
 Уйига олиб келди,  
 – Ота, – деди у дарҳол,  
 Ҳозир бўлди қари чол.  
 Ва ота-бола – икков  
 Балиққа солдилар дов.<sup>1</sup>  
 Отаси пичоқ олди,  
 Ўғли ойболта солди.  
 Балиқ қорнин ёрганда,  
 Пичоқ белга борганда,  
 Чол бирдан чўчиб қочди,  
 Бахтиёр ғазаб сочди.  
 Балиқ қорнида шу он  
 Тебраниб у ён бу ён,  
 Ойгул кўзини очди,  
 Ва Бахтиёрни кўрди.  
 Бошига қон югурди.  
 Қора кўзлари ёниб,  
 Бир муҳаббат уйғониб,  
 Қалби жизиллаб қолди,  
 Қизарди, бегап қолди.  
 Танасини қуршаб ўт,  
 Қип-қизил мисли ёқут  
 Титрагувчи лаб қолди.  
 Ҳайронликда кўп замон  
 Жим қолдилар учовлон.  
 Охирида қиз туриб  
 Уларга таъзим қилди,  
 Чолга қараб эгилди.  
 Улар яқин келдилар,  
 Ким эканин билдилар.  
 Ойгул: – Нон борми? – деди,  
 Подачи танти эди:  
 – Нонимиз йўқдир билсанг,  
 Озгина сабр қилсанг,  
 Балиқни пиширармиз,  
 Биргалашиб еярмиз.  
 Ойгул унга «хўп» деди.  
 Чолга гапи кўп эди:  
 – Ота, қабул қилсангиз,  
 Ўғлингизга тегайин.  
 Сиз ҳар нарса десангиз,

<sup>1</sup> Дов (ф) - рақиб; бу ерда балиқни ёриб, майдалаш маъносинда.



Мен бўйнимни эгайин.  
 Чол довдираб ҳанг-манг,  
 Жавобига қолди танг:  
 – Қизим, бизда ҳеч пул йўқ.  
 Молу дунё буткул йўқ.  
 Қандайин тўй қиламиз?  
 Сени нима биламиз?  
 – Мен дунё сўрамайман,  
 Бой одамга бормайман.  
 Сиз хоҳласангиз агар,  
 Бошингизга тўкай зар.  
 Чол рози бўлган каби  
 Ҳеч бир нарса демади.  
 Бахтиёрнинг юраги  
 Гушллаб урар эди.  
 Бу ажиб учрашувдан  
 Жуда хурсанд эдилар,  
 Жайҳунни қайноқ сувдан  
 Олиб бирга едилар.  
 Кеч ҳам кирди. Дала, чўл  
 Туманга ботди буткул.  
 Чол дарров чўкиб ётди:  
 Бахтиёр билан Ойгул  
 Суҳбатда тонг отди.  
 Қулларнинг исёнидан,  
 Улганларнинг қонидан,  
 Отаси солган фироқ  
 Бағрини ёққанини,  
 Сўзлаб чиқди у узок  
 Сандиқда оққанини.  
 Сўзлади зolim хондан,  
 Эртақ айтди Журжондан,  
 Балиққа ютилганин,  
 Тўрларга тутилганин,  
 Молу дунёни демай,  
 Подшоларни хоҳламай,  
 Подачини деганин,  
 Узок элдан келганин  
 Сўзлаб ўтирди Ойгул  
 Очилиб мисоли гул.

Шодлигидан Бахтиёр,  
 Қарарди такрор-такрор,  
 Ойгул дарёда балиқ  
 Қорнида ётганида,  
 Икки катта ҳалқалик  
 Гавҳар топувди унда.  
 Қадрини билган эди,  
 Эҳтиёт қилган эди.  
 Тонгда у йўқлаб чолни  
 Арз этди ушбу ҳолни,  
 Чол ўзини унутди.  
 Ойгул гавҳарни тутди:  
 – Мана бунинг бирини  
 Бозорда сотиб келинг,  
 Билиб унинг сирини,  
 Олтинга ботиб келинг.  
 У бозорга жўнади.  
 Юрса йўли унади.  
 Чол ушлаганча гавҳар  
 Бозорда юрар экан,  
 Харидор сўрар экан,  
 Битта катта савдогар  
 Хабардор бўлиб қолди.  
 Чолга ёпишиб олди.  
 Гавҳарга чангал солди.  
 Бир сандиқ олтин бериб,  
 Чолни жўнатиб қолди.  
 У ҳам тезгина юриб  
 Сусамбилга йўл олди.  
 Лекин уста савдогар  
 Деяр эди ҳар сафар:  
 – Бахтим ёр бўлиб агар  
 Яна битта шундақа  
 Тополсам эди ҳалқа,  
 Етти иқлимнинг<sup>1</sup> божи,<sup>2</sup>  
 Божи билан хирожи<sup>3</sup>  
 Қимматига сотардим.  
 Бир умр еб ётардим.  
 Шунинг учун кўп хижил  
 Кезар эди элма-эл.

<sup>1</sup> Иқлим (а) – қитға; бу ерда мамлакат маъносинда.

<sup>2</sup> Бож (а) – қарам мамлакат тўлайдиган солиқ.

<sup>3</sup> Хирож (а) – қарам мамлакат ҳалқи ўзи тобе мамлакатга тўлайдиган солиқ.



Яна кунлардан бир кун  
Ойгул чолни чақирди.  
Тагин бир ҳалқа берди,  
Чол ўзида йўқ бутун,  
Бозор томон югурди.  
Дуч келиб у савдогар  
Яна сўради гавҳар.  
Чол бор, деди. У бир бор  
Энди жазман харидор,  
Чолни қўймай ҳолига,<sup>1</sup>  
Олиб чиқиб холига,  
Икки сандиқ олгинини  
Нақд бериб олди уни.  
Олгинини отга ортиб,  
Ўзи кучаниб тортиб,  
Сусамбилга бошлади,  
Девдай қадам ташлади.

## V

Олтинларнинг барини,  
Тўплаб ёшу қарини  
Чақириб гўзал Ойгул,  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Бахтиёрнинг ёнида,  
Оташ ёниб қонида,  
Каттакон кенгаш очди.  
Лабларидан дур сочди:  
Сусамбил тарихидан,  
Эзилганлар ҳолидан,  
Подшоларнинг зулмидан  
Хўжаларнинг<sup>2</sup> молидан  
Сўзлади жуда узоқ,  
Ахири деди: – Бироқ  
Бу ҳол узоққа кетмас,  
Орзулар беиз битмас,  
Сусамбилда биз янги  
Бир дунё қурмоқчимиз.  
Ҳар камбағал кўмакчи  
Бўлсин содиқ соқчимиз.

Бундай бир юртни фақат  
Эзилганлар қурашлар,  
Сўнг улар қават-қават  
Соз уйларда турарлар.  
Бу сўз ёшу қарига  
Мос бўлиб тушди жуда.  
Эртаси тўда-тўда,  
Гурас-гурас бўлиб эл,  
Келаверди боғлаб бел.  
Хотинлар, ёш болалар,  
Барча амма, холалар  
Келавердилар ишга.  
Ойгул янги турмушга  
Бошлаб ош ва нон берди.  
Жонсизларга жон берди.  
Етимларга парвариш,  
Есирларга ҳақ ва иш.  
Болаларга саройлар,  
Гўзал, озода жойлар.  
Ҳар қадамда бир бўстон,  
Ҳар ерда бир гулистон,  
Эллар учун чаман боғ,  
Ҳар ерда қайнар булоқ  
Бино қилди кунмакун,  
Ҳар кун бир гўзал якун.  
Жиндай фурсат ичида  
Куннинг эртакечида,  
Ҳар ёндан елавериб,  
Эл чуваб келавериб,  
Миллион одам тўпланди,  
Борган сари кўпланди.  
Камбағал ва қулларнинг  
Жонидан севган ери  
Сусамбил жаннатга тенг  
Ўлка бўлди ахири.  
Озод эди бунда иш,  
Бу ўлкада ҳар емиш  
Оғочларда пишарди.  
Болаларга усти бош  
Гулзорда етишарди.

<sup>1</sup> Холига (ф) – одамлар йўқ жойга, ўзини эгизлатиб маъносиди.

<sup>2</sup> Хўжалар (ф) – хўжайинлар; имтиёзга эга оқсуюқлар; Пайгамбар (САВ) ашлодлари.



Ой деганда юзи бор,  
Кун деганда кўзи бор,  
Гўзал, доно Ойгулни,  
Бу барно баҳор гулни  
Эл севар эди жондан  
Ва бутун хонумондан.  
Ойгул ҳимоясида,  
Бахтиёр соясида  
Сусамбилда эркин, шод  
Яшар эди халойиқ.  
Уни бутун одамзод  
Хаёл қилишга лойиқ.  
Ойгул ўз ўлкасини  
Сақларди тинч, саранжом,  
Соқчилар севиб уни,  
Керак бўлса берар жон.  
Сусамбил соқчилари  
Чегарада бир қари  
Чолни тутиб олдилар  
Ва шубҳада қолдилар.  
Қаландарга<sup>1</sup> ўхшарди,  
Лекин ёмон юрарди.  
Хўп қора эди ичи.  
Қаландар кийимида  
Бўлса ҳамки, қиличи  
Кўринарди ёнида.  
Уни маҳкам тутдилар,  
Ойгул сари элтдилар.  
Ойгул билан Бахтиёр  
Адолат айлаб шиор,  
Қилдилар уни сўроқ  
Подшолардан яхшироқ.  
Ул ҳам секин Журжонда  
Зўр подшо эканини  
Сўзлаб берди ва қонда  
Етилиб ўсганини.  
Сўнгра арзи ҳолини,  
Бошлади саволини.  
Чол кўп нарса ўйлади,  
Қўлга тушдим тайин деб,  
Ойгулни алдайин деб,

Фақат ёлғон сўйлади.  
У дердики: – Бир кунга  
Муҳлат олган ёримни  
Қўлдан бердим ва унга  
Қурбон қилдим боримни,  
Ерга отдим торимни,  
Тутақтириб зоримни,  
Мисоли бир қаландар  
Излаб келдим дарбадар.  
Сен мани демасмисан?  
Ойгулим эмасмисан?  
Кўзида ҳийла кулди  
Ва ёлғондан букилди.  
Халойиқ шу аснода  
Йиғилиб тўда-тўда,  
Тўпланиб қолган эди.  
Подшо кўзи қон эди.  
Шунда чиройли Ойгул  
Яшнаб мисоли бир гул  
Ундан бир сўроқ қилди,  
Тарашадай қоқ қилди:  
– Неча хотинингиз бор?  
Ростини айтинг зинҳор.  
– Қирқ хотин бордир  
манда,–  
Деди беор, шарманда.  
Эл қаҳ - қаҳлаб юборди.  
Золим подшо шу дамда  
Фикрини қонга қорди.  
Қиличини чиқарди.  
Ойгулга қараб борди.  
Аммо халойиқ шу дам  
Уни тутдилар бардам.  
Ўтмасдан жиндайин зум  
Оғзига тикдилар қум.  
Золим подшо шу замон  
Қабрга бўлди меҳмон.  
Ойгул кўнгли беғубор  
Хурликни айлаб шиор,  
Ҳам йўлдоши, ҳам ёри,  
Ёнида Бахтиёри,

<sup>1</sup> Қаландар (ф) - исломни тарғиб қилиб кезувчи киши; дарвиш; бу ерда ёмон ниятли киши маъносидда.



Яшаркан Сусамбилда,  
Қайғу йўқ экан дилда,  
Жамбилни ўйлар эди,  
Қул чолни сўйлар эди.  
Қулларнинг қасосини  
Олурман деб аҳд қилган,  
Хонликнинг асосини  
Бузарман деб жаҳд қилган  
Исён кучоғидаги  
Чоғларини эсларди.  
Гуноҳсиз қалбидаги  
Доеларини эсларди.  
Зиёда бўлиб дарди  
Кўз олдида ўтарди:  
Оч қулларнинг исёни,  
Жамбилнинг қонхўр хони,  
Отасининг қиличда  
Тирқираб оққан қони,  
Қўкка чиқиб фиғони  
Ўтдай тутатиб ичда...  
Энг сўнг Ойгул, Бахтиёр  
Қилдилар шундай қарор:  
– Жамбилга ўт очамиз,  
Хоннинг қонин сочамиз.  
Ойгул туриб эрта тонг,  
Қўшинларга урди бонг.  
Соқчиларни уйғотди,  
Бошлиқларга сўз қотди,  
Қуролларни олдириди.  
Карнай-сурнай чалдириди.  
Бир нафасда қўшинлар  
Саф тортиб йиғилдилар.  
Қирқ кунликка ош ва нон,  
Отларга беда ва дои,  
Қўшинларга кийимлар,  
Дори-дармонлар, емлар  
Олдириб гўзал Ойгул  
Яшнаб мисоли бир гул,  
Бахтиёрни Сусамбил  
Юртига кўтариб бош,  
Шу кун берди юртга ош.  
Қўшин бошида ўзи,  
Чарақлаб қора кўзи,  
Мардлар сингари Жамбил

Томонига бошлаб йўл,  
Тўп бўшатиб жўнади,  
Йўлма-йўл ва қўлма-қўл  
Манзилларда тунади,  
Яна туриб жўнади.  
Гўзал чаман боғлардан  
Қуш бўлиб учиб ўтди,  
Осмон бўйи тоғлардан  
Бургутдай кўчиб ўтди.  
Қанча қирғоқ, чўлларни,  
Дарёларни, кўлларни  
Ўта-ўта ахири  
Жамбилга яқин борди.  
Жамбил хони роҳатда,  
Ишратда, фароғатда  
Яшар экан Жамбилда,  
Не бордир Сусамбилда  
Сира ҳам билмас эди,  
Кеча-кундуз маст эди.  
Ойгулни бандизишдон  
Қилган чоғидан буён  
Хабар олмаган эди.  
Эсга солмаган эди.  
Қул қизини зиндонда  
Чириб кетган деб ўйлар,  
Ва лекин ҳар замонда  
Хуснидан эртак сўйлар  
Мақтаб гўзал Ойгулни,  
Қарғади Дархон қулни.  
Тарлон бўлса Жамбилда  
Минг армон билан дилда  
Ҳамон қул юрар эди,  
Қаттиқ кун кўрар эди,  
Ойгулнинг аҳволидан,  
Сусамбилнинг ҳолидан  
Хабардор эди ўша,  
Унга қайғу билан зор,  
Юз ҳақорат, минг озор  
Ҳамдам эди ҳамиша.  
Сусамбилга қочмоқни,  
Хонга уруш очмоқни  
У хаёл қилар эди,  
Эл буни билар эди,  
Чорасиз юрар эди.



Шу чоғ минглаб кўшини  
Билан Ойгул йўл босиб,  
Ухламай куну туни,  
Ҳар ерга ялов осиб,  
Келар эди довуллаб,  
Бўрон каби гувиллаб.  
Дарёларнинг устидан  
Учиб ўтганда оти,  
Қушдай сирғаниб сувдан  
Ёзиларди қаноти.  
У тўхтамай йўл босди.  
Хув деганда чўл босди.  
Бир оқиб қайтиб келди,  
Жамбилга етиб келди.  
Яшнаб мисоли бир гул  
Ер кўкнинг овозаси  
Тутиб келганда Ойгул,  
Жамбилнинг дарвозаси  
Очилмади. Шунда ул  
Дарғазаб қилич солди,  
Дарҳол қайтариб олди.  
Қулфлар шарақ-шарақ  
Уйнаб очилиб кетди.  
Зулфинлар худди тупроқ  
Бўлиб сочилиб кетди.  
Отларнинг туёғида  
Дарвозалар бўлди кул,  
Ҳар тўп қўйган чоғида  
Саройлар қулаб буткул,  
Зўр кўшин кириб борди.  
Савалаб уриб борди.  
Жамбилнинг хон - беклари  
Қуён бўлиб қочдилар,  
Чуқурлар, ғорлар сари  
Қучоғини очдилар.  
Соқчилар золим хонни,  
Бу ажойиб ҳайвонни  
Оғилда ушладилар,  
Ўлгудай муштладилар.  
Ранги бўлса ҳам сомон,  
Паст келмас эди ҳамон.

Бутун эл қаҳ-қаҳ солди.  
Хон шарманда уялди.  
Эл туриб шу чоқ: – Ойгул!  
Хонни ўлдир! – дедилар, –  
Бутун юрт ва барча эл  
Сендан ушбуни тилар.  
Ойгул эл талабини  
Қилиб, ўлдириб хонни,  
Бу ажойиб ҳайвонни  
Қилич солиб бўғзига,  
Қўйиб тўпнинг оғзига  
Ўққа қўшиб кўчирди,  
Осмонларга учирди  
Ва кул қилиб туширди.  
Энди эски кул Тарлон  
Ойгулга тўғри келди,  
Севинганидан шу он  
Оёғига йиқилди.  
Ойгул кўтариб олди,  
Тарлон кўришиб қолди.  
Қул Тарлон шодлигидан  
Тўхтолмади йиғидан.  
Барча ҳайрон эдилар.  
Улар келиб Ойгулга:  
– Бизларни Сусамбилга  
Олиб кетгин, – дедилар, –  
Бу хонлардан куйдик кўп  
Беклардан ўртандик хўп.  
Биз Жамбилда турмаймиз.  
Бу ерларда юрмаймиз,  
Бизни қўш ўз элингга,  
Эл бўламиз биз сенга.  
Ойгулга аламини,  
Барча чеккан ғамини  
Эл айтиб йиғлар эди.  
Ойгул назар ташлади,  
Шундай бир сўз бошлади:  
– Золим хон қучди ўлим.  
Энди сизга йўқ зулм.  
Эл осойиш<sup>1</sup> яшарсиз  
Ва бекойиш<sup>2</sup> яшарсиз.

<sup>1</sup> Осойиш (ф) – хотиржам, осойишта, тинч, бежавотир.

<sup>2</sup> Бекойиш (ф) – танибх эингмай, қийналмасдан.



Сусамбилни қўйинглар  
Ва Жамбилни севинглар.  
Сизникидир тупроғи,  
Сизники тошу тоғи.  
Хон бўлмаса Жамбилда,  
Қайғу ҳам бўлмас дилда.  
Мана бу ота Тарлон  
Ҳаммангизга бош бўлур,  
Ҳар ерда йўлдош бўлур.  
Ойгулдан жаҳон-жаҳон  
Эл барча рози бўлди,  
Қалби шодликка тўлди.  
Қирқ кечаю қирқ кундуз

Барча эркак, хотин-қиз  
Ўйнаб байрам этдилар,  
Золим хонни йўқотиб,  
Қайғуларини отиб,  
Муродига етдилар.  
Шундан сўнг бизнинг Ойгул,  
Яшнаб мисоли бир гул  
Ўз Бахтиёри сари,  
Ўз севган ёри сари  
Сусамбилга йўл олди.  
Эл карнай-сурнай чалиб,  
Замбарақлар бўшатиб,  
Уни узатиб қолди.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Шоир сусамбиллик подачи Бахтиёрни қандай тасвирлайди? “Гўзал эди ва чинор қоматига эди зор”. “Кўкраклари бутун бир офтобни яширарди” каби мисраларда шоир нима демоқчи?
2. Ойгулнинг қандай қилиб Бахтиёр хонадонига келиб қолганини сўзлаб бериш.
3. Бахтиёр билан Ойгул қандай қилиб бойиб кетдилар? Улар бу бойликларни ниманинг қурилишига сарф этдилар?
4. Қаламдар кийимида Ойгулни излаб келган кимса ким эди?
5. Ойгул билан Бахтиёр қандай улуг ишни мақсад қилдилар ва бу мақсадни қандай амалга оширдилар?
6. Ойгул нега Жамбил элини Сусамбилга олиб кетмади? Жамбил элига ким подшоҳ бўлди?
7. “Сусамбилни қўйинглар ва Жамбилни севинглар. Сизникидир тупроғи, Сизники тошу тоғи” мисраларида қандай муқаддас туйғу ифодаланган?
8. Эртадан парчалар ёд олинг.



# ЁҚУБЖОН ШУКУРОВ

(1915-2001)



Ҳамюртимиз Ёқубжон Шукуров бобонгизнинг исми ва насаби Сизга нотаниш эмас. Эслаб кўринг, бошланғич синфларда Сиз унинг “Қадрдон парта”, “Каклик билан қиз” каби ҳикоя ва эртагини ўқигансиз, тўғрими?

Ёқубжон Шукуров ёзувчи бўлгунча, ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларини босиб ўтди. У Ўш шаҳрининг Жийдалик маҳалласида таваллуд топди. Ота-онадан жуда эрта айрилди, тоғаси Шукуржон ака Ёқубжонни ўз тарбиясига олди. Зеҳн солган

бўлсангиз фамилияси ҳам тоғасининг исмидан олинган. Ризқини топиб ейиш учун, маҳаллада подачилик қилди, этикдўзга шогирд, нонвойга югурдак, аравасозга дастёр бўлди. Маҳалласидаги ўзига тўқ оила фарзандининг орқасидан эргашиб бориб, шаҳардаги “Октябрь 25 йиллиги” мактабида ўқиди. Сўнгра Андижонда ишчилар факультетида таҳсил олди. Тошкентда ўқитувчилар институтини хатм қилди. Матбуотда фаол қатнашди, аввал очерклар ёзди, кейин ҳикоя ва қиссалар яратди. Шу йўсинда Ёқубжон Шукуров журналистикадан ёзувчиликка ўсиб чиқди. “Ўзбекистон овози”, “Туркистон”, “Тонг юлдузи” рўзномалари таҳририятида хизмат қилди.

Унинг биринчи китоби “Шонли йўл” 1949 йилда чоп этилди. Шундан сўнг “Бахт”, “Қуёш болалари”, “Саодат”, “Гулшанда”, “Кўп яшанг”, “Нурия”, “Фўза гуллаганда” каби очерк ва ҳикоя тўпламлари юзага келди. Кейинчалик Ёқубжон Шукуров йирик жанрларга ҳам қўл урди: “Биринчи парвоз”, “Нондан азиз”, “Қора қоя”, “Чўл ва гул” қиссаларини, “Қалб қаноти”, “Қасос” романларини яратди.

Адиб ижодининг чўққиси сифатида тўрт китобдан иборат “Қасос” романи алоҳида эътиборга лойиқдир. Унда тасвирланган воқеалар асосан Ўш шаҳри ва унинг атрофида бўлиб ўтади.

Юқорида қайд этганимиздек, Ёқубжон Шукуров бобонгиз Сиз – болалар учун кўплаб ҳикоя ва эртаклар ёзган. Қуйида унинг эртакларидан бирини ўқиймиз.





## Она меҳри (эртақ)

Ўтган замонда, жануб томонда бир она бола яшар экан, обиёвгон ошар экан. Меҳрибон она ёлғиз ўғлим оч толмасин, яланғоч қолмасин деб, тиним билмай югуриб-елар экан, топганини боласига берар экан. Оғир кунларда, узун тунларда оҳ-воҳ чекмай, ўғлим ботир бўлсин деб, куч-ғайратга тўлсин деб, орзу қилар экан.

Қанча йиллар ўтибди, ёлғиз ўғил ўсиб ўн ёшга етибди.

– Арзандажон,<sup>1</sup> ярим челақ сув келтириб берасанми? – дебди бир кун онаси.

– Ўзингиз келтира қолинг, мен ўйнагани кетяпман, – деб жавоб берибди Арзанда.

– Ҳа, майли, чироғим, болагинам, ардоғим! Ҳали ёшсан, ўйнаб ол, каттароқ бўлганингда қарашарсан, – дебди раҳмдил она.

Кунлар ўтибди. Бир куни шундай пайт етибди, она:

– Арзандажон, озгина ўтин териб келасанми, болам, овқатим кечикиб кетаябди! – дебди.

– Қўлимга тикон кириб кетса нима бўлади? Кичкинаманку, иш буюрасиз менга! – дебди Арзанда.

Она ҳайрон бўлибди, чуқур ўйга чўмибди. «Болам ишқмас ношуд бўлсая!» деб ғам чекибди.

– Тўғри, ҳали кичкинасан, каттароқ бўлганингда, кучга тўлганингда қарашарсан, – дебди она ва дилига далда берибди, ўтин тергани ўзи кетибди.

Йиллар ўтаверибди, вақт кетаверибди. Арзанда бўла бўбди, илиги тўла бўбди. Аммо меҳрибон она кутгани бўлмабди, она кўнгли тўлмабди. Арзанда беғам ва бепарво, анқов ва ялқов йигит чиқибди. Шўрлик она кўп ташвиш тортибди. Аввал насиҳат қилибди, ялинибди. Ўйинқароқ ўғлига онанинг гаплари таъсир этмабди, насиҳатнинг нафи етмабди. Арзанданинг билгани ўйин, юргани кўча бўлибди.

Ойлар ўтаверибди, йиллар кетаверибди, она бечора меҳнатда толибди, кучдан қолибди. Турмуш оғир, емиш қийинлашиб бораверибди.

– Ҳой болам, давлатим, савлатим ўзингсан! – дебди она ниҳоят ўғлига ёлвориб. – Мен энди кексайиб қолдим, ишлаб толдим. Ўйинга тўйдинг, энди меҳнатга меҳр қўйгин! Мени она десанг, охирги гапим шу. Яшашга ўрган, бўлмаса оч қоласан!

<sup>1</sup> Арзанда (ф) – орзу қилиб етишган ёлғиз ўғил ёки киз, эркатой.



Бу гапларни эшитган ўғли: «Ҳали сен еган нонимни таъна қилаяпсанми, мени оғир олаяпсанми» деб уйдан кетиб қолибди.

Она бечора ҳайрон бўлиб, ғамга тўлиб қолаверибди. Кун ботибди, тонг отибди. Она ўғлининг қайтишини кутиб, кўчага кўз тикиб ўтираверибди. Ўғли эса қайтиб келмабди. Она қадрини билмабди. Арзанда боши оққан томонга кетаверибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири қорни очибди, хаёли қочибди. Чарчаб бир қишлоққа етиб келибди. Егани нони йўқ. Юргани дармони йўқ. Ноилож йўл бўйидаги бир дарахт тагига бориб ўтирибди, қилар ишин билмай узоқ ўй сурибди.

Ким билан кимнинг иши, ҳар кимнинг ўз ғами, ўз ташвиши. Ўтган ўтибди, кетган кетибди. Арзандани кўрувчи, ҳолинг не деб сўрўвчи киши чиқмабди. Қоронғу тушибди, Арзанданинг эти увишибди. «Онам ёмон бўлмаса, меҳнат қилгин демаса, мен уйдан кетмас эдим, шу ҳолга етмас эдим», деб хафа ҳам бўлибди. Йиғлай-йиғлай толибди, сўнгра ерга бош қўйиб, ухлаб қолибди.

Очлик азоби ёмонда. Арзанда тунда уйғонибди, илондек тўлғонибди. Гоҳ ётибди, гоҳ турибди – ниҳоят тонг оттирибди. Юз ювишга эриниб, бир чойхонанинг олдига ювиқсиз борибди ва нонушта қилаётганларни кўрибди. Арзанда анқайиб қолибди.

– Ҳў бола, бу ёққа кел! – дебди самоварчи. Арзанда суюниб, югуриб ёнига борибди.

– Қорнинг очми?

– Оч.

– Юз кўлигни ювиб кел бўлмаса.

Шу чоқ Арзанда чопганича ариққа борибди. Юз кўлини ювиб, орқасига қайта қолибди. Самоварчи Арзанданинг олди-га нон билан чой қўйибди.

Уйда онасини ялинтириб овқатланадиган Арзанданинг ништаҳаси очилиб кетибди: ҳар бурдани икки ямлаб бир ютибди. Ҳаш-паш дегунча битта нон томоғидан ўтибди кетибди.

– Сен менга ёрдамчи бўласанми? – деб сўрабди самоварчи.

– Бўламан.

– Ўтин ёришни биласанми?

– Биламан.

– Яхши. Бўлмаса мана, болтани ол, ана у ўтинларни самоварбоп қилиб ёр.

Қорни қаппайганидан суюнган Арзанда бир палиён<sup>1</sup> чайир ўтинни тик қўйибди-да, шошиб зарб билан болта урибди. Ўтин бир ёққа, болта иккинчи ёққа учиб кетибди. Одамлар кулиб

<sup>1</sup> Палиён (ф) – гўланинг ёриб ажратилган бир бўлаги.



юборибди. Уялганидан изза бўлган Арзанда иккинчи гал болтани маҳкам тутибди, мўлжаллаб қаттиқ урибди. Қайишқоқ ўтин болтани қимчиб қолибди. Иш билан пишмаган ношуд<sup>1</sup> Арзанданинг калласи шишибди. Болтани чиқаролмай терга тушибди. Урибди-урибди, боланинг дармони қурибди. Бир палиён ўтин ёрилмай, унинг қўли қаварибди, шилиниб, ачишибди.

Ўтиннинг қуруқ-ҳўли бор. Ҳар ишнинг ўз йўли бор. Уни билмаган Арзанда кўзига ёш олибди, кафтига тикилиб, туриб қолибди.

– Э, тозаям ношуд бола экансан. Сенга раҳмим келган эди, қўй, бошқа тирикчилигингдан қолма! – дебди охири самоварчи.

Арзанда бошини қашлаб, кўзини ёшлаб йўлга тушибди. Яна сарсонлик саргардонлик, кўчама кўча юриш, иш қидириш бошланибди...

Кун ботибди, тонг отибди. Ниҳоят Арзанда янги иш топибди. Бир деҳқонга ўроқчи бўлибди. Эҳе, кўзга осон кўринган ўроқ қўлга қийноқ бўлибди. Бир боғ беда ўрмай бели, билаклари толибди. Хомсемиз Арзанданинг ҳамма ёғи оғриб қолибди. Лекин уят ўлимдан қаттиқ - тиришибди, тирмашибди. Барибир иши унмабди, ўришни билмабди.

– Э, бола бечора, – дебди раҳми келган деҳқон. – Қўй буни, бошқа иш топгин, ўз нўноқлигингни ёпгин.

Арзанда даладан кетибди, кўчама кўча кезибди, хўрланиб эзилибди. Унинг кийимлари тўзибди, ўзи чўпдек озибди. Арзанда ҳаддан ошиқ толиқибди, охир кўчада бир бойга йўлиқибди.

– Ишлайсанми? – деб сўрабди бой.

– Ҳа, ишлайман.

– Дангаса эмасмисан, оз ишлаб, кўп бер демасмисан?

– Йўқ.

– Исминг нима?

– Арзанда.

– Мени бой ота дейдилар. Тушундингми? Қани, юр орқамдан.

Арзанда бойга эргашибди. Бой саройида иш кўп экан, хизматкорларга тиним йўқ экан. Арзанданинг аҳволи ҳам шундай бўлибди. «Арзанда, ўтин ёр, Арзанда, терт қор, Арзанда, тапни ёп, Арзанда, сувга чоп» деган толшириқлар, «Арзанда, отни ол, Арзанда, чилим сол, Арзанда, қор кура, Арзанда, ўчоққа қара» деган буйруқлар тинкасини қурибди: у бой хизматига чидай олмабди.

<sup>1</sup> Ношуд (ф) – қўлидан ҳеч иш келмайдиган, нўноқ.



Ниҳоят, Арзанда ўз хатосини англабди, онасини эслаб, узун кунлар, қора тунлар оқ тортиб, аччиқ-аччиқ йиғлабди. Шу алпозда орадан икки йил ўтибди. Арзанданинг қорни нонга тўймабди, бой бўлса кетишга асло йўл қўймабди.

Бунинг устига бойнинг: «Арзанда! Нега сиз бугун оз сут берибди? Нима учун сиз суйилиб қолибди? Яхши қарамапсан, артиб-суртиб тарамапсан!» деб жазолаганини айтибди.

Бундай кезларда Арзанданинг ёлвориши ёрдам бермас экан, бойнинг раҳми келмас экан. Бой қамчиси осмонда ўйнар экан, болани қийнар экан. Арзанда оғриққа чидамай дод солар экан, сўнгра чарчаб ухлаб қолар экан.

«Арзандажоним, сенга нима бўлди? Рангинг очилмай сўлди» деб онаси сўрар экан, орқаларини силар экан. «Хафа бўлма чироғим, ёлғизгинам, ардоғим» деб ўпар экан, бола кўнглини топар экан.

Арзанда уйғонса, кўрганлари туш бўларкан, хаёлдаги куш бўларкан. Лекин унинг орқасидаги қамчи изларида оғриқ сезилмай қоларкан.

Арзанда ўрнидан тураркан, яна аввалгидек югураркан-еларкан. Чарчаб очин тўқин ухлаб қоларкан. Тонг отаркан. Яна иш югуриш, хўрлик сўкиш... Арзанданинг тоқати тамом бўлибди, ранги сомон бўлибди. Охири пичоқ суякка етибди, бой ҳовлисидан қочиб кетибди.

Аммо йўл билмас яёв йигит тунда тентирабди, совуқда қалтирабди. Зимистонда<sup>1</sup> йўл кўрмай, юрар жойларин билмай, дарахтларга уришиб, шох тиконга сурилиб, юз, оёғин қон қилибди, ўз ҳолини танг қилибди.

Нима қилсин бечора, қочмоқдан ўзга йўқ чора. Шунинг учун Арзанда жон алпозда қочибди, ариқ демай, сув демай, ўзига йўл очибди. Ўтирмабди – юрибди, чарчаш билмай югурибди. Онамини кўрай дебди, дийдорига тўяй дебди, ҳолини сўрай дебди.

Арзанда энди кўп нарсани биларкан, тўғри ишни қиларкан, у кўрқоқ экан, она меҳри билан ботир бўлибди. Она меҳри унга юрак бўлибди, орзу тилак бўлибди. Арзанда тунда турибди, тутқунликка қарши юрибди, бой юмушидан она ишини азиз билибди. Шу сабабли Арзанда оёқ яланг, бош яланг, тунда тўхтамасдан гўё учибди, шамол каби кўчибди. Унинг тилаги – тезроқ бориб, онасини кўриш, «меҳрибоним, онажоним» деб ҳолин сўриш. Шунинг учун Арзанда кўрқув нима – билмабди, чарчашничи, назар-писанд қилмабди. Мана, қанча боғ, дала, қанча-қанча анҳор, қанча чорбоғ орқада қолибди.

Ниҳоят, тонг ёришибди. Арзанда баттар шошибди.

<sup>1</sup> Зимистон (ф) – вилл фасти, қоронғи кеча.



Югурибди-елибди, қишлоғига кириб келибди. Ўз уйига яқин борибди, энтикиб нафас олибди. Бирдан унинг ўпкаси тўлибди, хўрлиги келибди, шошиб дарвозани қоқа бошлабди.

«Онажон!» деб қичқирибди, томоқ йиртиб чақирибди. Эшик бирдан очилиб, она эмас, хола ғамгин чиқибди, Арзандани қучоқлаб дард билан оҳурибди.

Афсус, энди она уйда йўқ экан, ҳаётдан узоқ экан. Жонкуяр она Арзандани ахтариб, қанча уйларга кириб, кўп қидирибди, кўп юрибди. Ҳеч қасдан тополмабди, куч мадори қолмабди. Охири ачиниб, ғам чекиб қон йиғлабди, кекса бағрин тиглабди.

Фарзанд доғи, ғам юки онани адо қилибди, аччиқ-аччиқ йиғлашлар кўзидан жудо қилибди. Кўр она узоқ ётибди, оҳвоҳлаб ерга ботибди.

Арзанда буни билмас экан, уйда она йўқлигини хаёлига келтирмас экан.

– Холажон, онам қани? Айтинг, тезроқ кўрайин, дийдорига тўяйин! – дебди Арзанда шошиб, ҳовлиқиб, тўлиб-тошиб.

– Онанг оламдан ўтди, сени кўролмай кетди... Боламга деб емай, ичмай йиққанларини қутичага солдирди, сўнг сенга атаб, васият билан қолдирди. Оз демай оларкансан, тириклик қиларкансан. – Хола бу сўзларни айтаркан, қалтираб ерга боқди, қайғули кўзларидан дув-дув ёшлар оқди.

Арзанданинг қалбини бир нима эзиб кетди, чанг солиб, узиб кетди. Холаси давом этди, она васиятин баён этди: – Онанг шўрлик шундай деди: «Болам мени севса, айтинг, меҳнатни севсин, меҳнат қадрин яхши билсин. Шундагина хор бўлмайди, ҳеч кимсага зор бўлмайди».

Бирдан Арзанда бошини кўтарибди, қалтирабди, ўртанибди, ҳаяжонга тушиб шундай лебди:

– Онажоним! Айтганларингни қиламан! Сўзларингни муқаддас деб биламан!..

## 2 Савол ва топшириқлар:

1. Онанинг орзуси нима эди?
2. Нима учун боланинг исми Арзанда?
3. Арзанда нима учун ўз уйини ташлаб кетди?
4. Арзанданинг бой хонадонда кечирган кунларини сўзлаб беринг.
5. Арзанданинг ўз уйига қайтишига нима сабаб бўлди?
6. "Она меҳри" эртаги мазмунига мос келадиган халқ мақолларидан топинг.
7. Эртадаги бир-бирига оҳангдош сўзларни топиб, дафтарингизга кўчиринг.
8. Эртакининг якуни а қандай баҳо берасиз?



# ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

(1928 – 2008)



Қирғизистонда Чингиз Айтматов номини эшитмаган ўқувчи бўлмаса керак. Чунки юртдошимиз ўз асарлари билан бутун дунёга машҳур бўлди. Сиз ҳам бу номни яхши биласиз, чунки бошланғич синфларда ёзувчининг “Оқ кема”, “Сомон йўли” қиссаларидан парчалар ўқигансиз.

Чингиз Айтматов 1928 йилнинг 12 декабрида Талас вилоятининг Шакар овулида туғилди. Унинг дадаси Тўрақул Айтматов Қирғизистоннинг таниқли давлат арбобларидан бири эди.

Чингизнинг ёшлик йиллари иккинчи жаҳон урушининг машаққатли даврига тўғри келди. Чингиз мактабда ўқиш билан бирга турли вазифаларни бажара бошлади.

Чингиз ёшлигидаёқ бадий адабиётга улкан меҳр ва ихлос қўйган, миллий, қардош ва жаҳон адабиётининг нодир намуналарини севиб мутолаа қилган эди. Техникум ва институтда ўқиган даврида бадий ижод, хусусан, насрий асарлар яратиш билан астойдил шуғулланади. 50-йилларнинг бошларида унинг дастлабки ҳикоя ва қиссалари эълон қилинади. Чингиз Айтматовнинг «Момо ер», «Оқ кема», «Алвидо, Гулсари!», «Асрга татиғулик кун», «Қиёмат» асарлари жаҳон адабиётининг бебаҳо дурдоналарига айланиб кетди. Биз қуйида яна адибнинг “Оқ кема” қиссасига киритилган эртақ билан батафсилроқ танишамиз.

## Она буғу

Бу жуда қадимда бўлиб ўтган. Замонларнинг замонида, ер юзида майсалардан кўра дов-дарахтлар кўп бўлган, қурғоқ ерлардан кўра ўлкамизда оби ҳаёт мўл бўлган даврларда бир қирғиз қабиласи улкан ва муздай дарё бўйида яшарди. Бу дарёни Энасой деб аташарди. У бу ерлардан узокда, Сибирдан бошланади. У ерларга отда уч йилу уч ойда етиб бориш мумкин. Бу дарёни ҳозир Енисей дейишади, илгарилари Энасой деб юритишган. У ҳақда шундай қўшиқ ҳам тўқилган:



Сендан улкан дарё борми, Энасой,  
Сендан азиз тупроқ борми, Энасой.  
Сендан чуқур дард ҳам борми, Энасой,  
Сендан озод кучоқ борми, Энасой.

Сендан улкан дарё йўқдир, Энасой,  
Сендан азиз тупроқ йўқдир, Энасой.  
Сендан чуқур дард ҳам йўқдир, Энасой,  
Сендан озод кучоқ йўқдир, Энасой.

Мана шунақа эди, бу Энасой дарёси.

Энасой бўйида турли хил элат яшарди. Улар ғоят оғир ҳаёт кечирарди, чунки улар бир-бирларига доимо адоват кўзи билан қарар эдилар. Қирғиз қабиласини душманлар турли томондан қуршаб олганди. Гоҳ улар, гоҳ булар ҳужум қилишар, гоҳо қирғизларнинг ўзи ҳам бошқаларга човут солиб, молларини ҳайдаб кетишар, уйларига ўт қўйишар, одамларни ўлдиришарди. Қулай келиб қолганда бир томон иккинчи томон одамларини ўлдириб юборар эди. Замон шунақа эди. Одамларнинг одамга ичи ачимасди. Одам одамни ғажирди. Шу даражага боридики, ҳеч кимнинг деҳқончилик қилгиси, мол боққиси, ов қилгиси келмай қолди. Қароқчилик<sup>1</sup> билан кун кечириш осон туюларди; қўққисдан босасан, ўлдирасан, оласан-кетасан. Бир қотилликка қасдма-қасд ўн қотиллик билан жавоб беришга ҳаракат қилишарди. Шу заўлда кун ўтган сайин кўпроқ қон тўкиларди. Одамларда ақл ўтмаслашиб борарди. Душманларни яраштирадиган, инсофга келтирадиган одам йўқ эди. Душманга қирон келтириб, ўзга қабиланинг сўнгги одамигача қонини оқизган, молу мулкани қўлга киритган одам энг ақлли ва уддабурон саналарди.

Ўрмонда бир ғаройиб қуш пайдо бўлиб қолди. Инсон овозига ўхшаш аянчли овоз билан тундан тонггача сайрар ва йиғлар, шохдан-шохга сакраб сўйиларди: «Катта бахтсизлик бўлади! Катта бахтсизлик бўлади». Шундай бўлди ҳам, ўша қора кун келди.

Ўша куни қирғиз қабиласи Энасой бўйида ўзининг буюк оқсоқолидан жудо бўлди. Ботир Қулчи кўп йиллар йўлбошчилик қилди, кўпгина юришларда, жанг-жадалларда қатнашди. Жангларда омон қолди, лекин ажали етди. Қабиладошлар икки кун катта ғам-аламда ўртандилар, учинчи куни эса, ботирнинг жасадини ерга топширгани йиғилдилар. Эски одатта кўра, буюк оқсоқолни Энасойнинг ўнқир-чўнқирли қирғоғи бўйлаб сўнг-

<sup>1</sup> Қароқчилик (т) – кишиларнинг, карвон аҳлининг нарсасини ошкора зўрлик билан тортиб олиш.



ги йўлга кузатиш лозим эди, токи марҳумнинг руҳи Энасой дарёси билан юксакликда жудолашсин, ахир «Эна» – бу она демак, «сой» эса – бу дарёнинг ўзанику. Унинг қалби Энасой ҳақидаги қўшиқни сўнгги бор куйласин.

Сендан улкан дарё борми, Энасой,  
Сендан азиз тупроқ борми, Энасой.  
Сендан чуқур дард ҳам борми, Энасой,  
Сендан озод қучоқ борми, Энасой.

Сендан улкан дарё йўқдир, Энасой,  
Сендан азиз тупроқ йўқдир, Энасой.  
Сендан чуқур дард ҳам йўқдир, Энасой,  
Сендан озод қучоқ йўқдир, Энасой.

Дафн этиш лозим бўлган тепаликда ёруғ жаҳоннинг тўрт томонини кўрсатмоқ учун ботирнинг қабри бош узра кўтарилади: «Мана сенинг дарёинг. Мана сенинг осмонинг. Мана сенинг еринг. Сен биз билан, ҳаммамиз бир уруғ одамларимиз. Осуда ухла. Биз ҳаммамиз сени кузатгани келдик». Келажак авлод<sup>1</sup> хотираси учун ботирнинг қабри устига мрамар тош қўйилади.

Ботирнинг жасадини дафн этишга олиб ўтишганда ҳар бир оила ўз оstonаси олдида у билан видолашишади, оқ мотам яловини<sup>2</sup> эгиб, ув тортиб йиғлашади, кейин бошқалар билан бирга қўшилиб яна оқ мотам яловларини эгилтирган ҳолда, айтиб йиғлашаётган келгуси ўтов томон илгарилаб боришади ва шу зайлда сўнгги манзилга, то қабристонгача етиб боришлик учун мотам кунларида барча қабиладошлар ўтовларини дарё ёқасига қатор тикишди.

Уша куни ҳамма тайёргарлик кўриб бўлганида қуёш уйқудан бош кўтарганди. Учига отнинг думи боғланган туғ ва ботирнинг уруш аслаҳалари – найза ва қалқони олиб чиқилди. Унинг оти дафн этиш ёниқлари билан буркалган эди. Карнайчилар жанговар куй чалишга, дўмбирачилар дўмбирага таёқни жон-жаҳдлари билан уришга шай эдиларки, токи ўрмон ларзага келсин, қушлар булут янглиғ осмонга кўтарилиб, шовқин-сурон ва нола солсинлар. Йиртқич ҳайвонлар бўкириб-ҳайқириб чакалакзорларга чоғиб қолсин, майсалар ерга қапишиб кетсин, садолар жаранглаб, тоғларни ларзага келтирсин. Мотамсаро аёллар сочини ёйиб Ботир Қулчига аза очиншга шай туришарди. Ингитлар забардаст елкаларида ботирнинг катта, оғир жасадини безовта қилмай кўтариш учун тиз чўккан эдилар. Ҳамма

<sup>1</sup> Авлод (а) – болалар, набиралар.

<sup>2</sup> Ялов (т) – байроқ.





нарса ботирни охирги йўлга кузатиб қўйишга тайёр эди. Ўрмон этагида эса тўққизта бия, тўққизта ҳўкиз, тўққизта тўққизлик қўй қурбонлик учун ҳозирлаб қўйилганди.

Шунда кутилмаган ҳодиса рўй берди. Энасойликлар бир-бирига ҳар қанча душман бўлмасин, оқсоқолларнинг дафн маросими кунларида бир-бирлари билан уруш қилишни расм қилмаганди. Мана ҳозир эса, бир тўда душман ғам-андухга ботган қирғизларни тонг чоғи тўрт томондан сездирмай ўраб келиб, пистирмалардан<sup>1</sup> баробарига отилиб чиқиб, ҳамлага ўтдиларки, оқибатда ҳеч ким отга ҳам минолмади, қўлига қурол ҳам ола олмади. Шу тариқа кўз кўрмаган қирғин уруш бошланди. Ҳаммани бир чеккадан ўлдира бошлашди. Енгилмас қирғиз қабиласини бир ҳамла билан қириб ташлаш – душман режаси ана шундай эди. Ҳаммани бир бошдан қилич дамидан<sup>2</sup> ўтказишди, токи бу ёвузликни эслаб ҳеч ким ёдга олмасин, қасоскор қолмасин, вақт эса ўтмиш изларини қумлар билан кўмиб юборсин. Туя кўрдингми – йўқ.

Инсонни туғиш ва ўстириш қанчалар қийин, ўлдириш эса – ҳаммасидан осон. Баъзи бировлар ўз қонига ботиб қиймаланиб ётишар, бировлар эса қилич ва найзадан қутилиб қолмоқ учун ўзини дарёга отар, Энасой тўлқинлари орасида чўкиб кетарди. Дарё ёқалаб жарликлару тикка кесиб тушган қирғоқлар бўйлаб бутун бир чақирим чўлда оловга қопланган қирғиз ўтовлари ловуллаб ёнарди. Ҳеч ким қочиб қутула олмади, ҳеч ким омон қолмади. Ҳаммаси ўлдирилди ва куйдирилди. Ўлиб ётганларнинг жасадини қирғоқдан Энасойга улоқтирдилар. Душманлар: «Энди бу ерлар бизники! Энди бу ўрмонлар бизники! Энди бу моллар бизники!» – деб қувонишарди.

Улар бой ўлжа билан қайтишар экан, ўрмондан икки бола – бир ўғил ва бир қизнинг қандай чиқиб келганини пайқашмади. Бу ўзбошимча ва шўх болалар ота-оналаридан яширинча эрталабоқ яқин ўрмонга қўлсават учун пўстлоқ шилгани кетишганди. Улар ўйнаб юришиб, ўрмоннинг анча ичкарасига кириб кетишганини сезмай қолишди. Жанг суронини эшитиб орқага отилган гўдаклар на отасини, на онасини, на акасини, на опасини тирик топа олдилар. Гўдаклар ота-онасидан ва элатидан жудо бўлиб қолди. Улар бўзлаб култепадан култепага чопишар, лекин биронта тирик жонни топиб бўлмасди. Бир зум ичида етим бўлиб қолишди. Ёруғ жаҳонда яккаю ёлғиз қолдилар. Узоқларда эса жанг тўзони кўкка уриларди, душманлар қонли кураш натижасида қўлга киритилган мол ва қўйларни ҳайдаб кетишарди.

<sup>1</sup> Пистирма (т) – қўққисдан ҳужум қилиш учун яшириниш жойи.

<sup>2</sup> Қилич дами (т) – қилич тиши.



Болалар туёқлар остидан кўтарилган чангни кўриб, ўша томонга югуришди. Улар қонхўр душман изидан йиғлаб, қичқиршиб чопишарди. Фақат боланинг қалбигина шундай солдадил бўлади. Жаллодлардан яшириниш ўрнига уларга етиб олишга шошиларди. Ҳар нима бўлса ҳам ёлғиз қолишмаса, бу вайронадан, лаънати жойдан нари кетишса бас. Бир-бирининг қўлидан ушлаб олишган бола ва қизча кетаётганлар орқасидан қувиб жиндаккина кутишни, ўзлари билан бирга олиб кетишларини ёлвориб сўрашарди. Бироқ қий-чув ва туёқларнинг дупур-дупирию, ҳайдовчиларининг ҳайқириғида бу ожиз овозларни ким эшитарди.

Болалар жон-жаҳдлари билан узоқ чопишди. Лекин барибир ета олишолмади. Кейин эса, йиқилиб қолишди. Атрофга боқишга, қимирлашга кўрқишарди. Ҳамма ёқ ваҳимали эди. Шу заўлда бир бирининг пинжига кириб кўзлари юмилганини билмай қолишди.

Етимча етти кўча, деб бекорга айтмаганлар. Тун бехатар ўтди. Ҳайвон уларга тегмади, ўрмон махлуқлари кўтариб кетмади. Улар уйғонишганда, тонг отганди. Қуёш нур сочиб, қушлар сайрарди. Болалар ўринларидан туриб яна мол ҳайдовчиларнинг изидан йўлга тушишди.

Йўлма-йўл мева ва илдиз териб еб, жон сақлашди. Йўл юра-юра учинчи кун бир тоғ тепасида тўхташди. Пастга қарашса – кенг, ям яшил майсазорда катта тантана бўлаётибди. Бу ерда тикилган ўтовларнинг, гуриллаб ёнаётган гулханларнинг, гулхан атрофида ўтирган одамларнинг сон-саногини йўқ. Қизлар ҳайинчак учиб қўшиқ айтишмоқда. Давра тортган одамлар ўртасида полвоилар худди бургутдай гир айланиб, бир бирини итқитиб отишяпти. Душманлар ўзларининг ғалабасини нишонлашарди.

Бола билан қиз яқин боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай тоғ тепасида туришарди. Лекин гўшт қовурдоқ, нон, саримсоқнинг ёқимли ҳиди уфуриб турган гулхан атрофида пайдо бўлиб қолишни исташарди.

Болалар чидаб туришолмади, тоғдан туша бошлашди. Тантанана эгалари ҳайрон бўлишди, уларни тўда бўлиб ўраб олишди.

– Кимсанлар? Қаёқдан?

– Биз очмиз, – жавоб берди бола билан қизча, – бизга ейдиган бир нима берсангиз.

Улар болаларнинг тилидан ким эканлигини дарров пайқаб қолишди. Бақириб-чақириб, шовқин солишди. Тугатилмаган душман оиласининг омон қолган аъзоларини ҳозир ўлдириш керакми ёки хоннинг олдига олиб бориш керакми? – деб баҳсга тушиб кетишди. Улар баҳслашиб турганда раҳмдилгина



бир аёл болаларга жиндек пишган от гўшти узатди. Болаларни хон ҳузурига судраб боришар экан, улар қўлларидаги овқатни ютоқиб еяверишди. Уларни остонада ойболта ушлаб турган ясовуллар хоннинг баланд қизил ўтовига олиб келишди. Бутун қароргоҳ бўйлаб эса, аллақачондан пайдо бўлиб қолган қирғиз зотлари ҳақидаги ташвишли хабар тарқалди. Бу нимадан дарак бериши мумкин? Ҳамма ўз уйини ва тантанани тарк этиб, ур-тўполон билан хоннинг ўтови томон чошиб кетди. Бу пайт хон машҳур лашкарбошилари билан қордай оппоқ намат тўрида савлат тўкиб ўтирарди. У асал қўшилган қимизни симириб, мақтов қўшиқларини сел бўлиб тинглаб ўтирарди.

Хон одамлар нима учун тўпланишганини билгач, ғазабдан қутуриб кетди: «Мени безовта қилишга қандай журъат этдиларинг? Биз ахир қирғиз зотини бутунлай қириб ташламаган эдикми? Мен сенларни Энасойнинг абадий ҳукмрони қилиб қўймадимми? Намунча ўпкаларингни қўлтиқлаб югуриб келмасаларинг, қўрқоқлар? Қаранглар, олдиларингда ким турибди! Эй, чўтир юзли Баймоқ кампир, айтганимни дарҳол бажо келтир.»

Чўтир Баймоқ кампир жимгина итоат қилиб, бола билан қизни қўлидан ушладида, олиб кетди. Улар ўрмон оралаб узоқ юргач, Энасой қирғоғидаги баланд жарликка етиб келишди. Чўтир Баймоқ кампир болаларни шу ерда тўхтатиб, уларни жар ёқасига олиб келди. Сўнг, уларни жарликка итариб юбориш олдидан шундай деди:

О, муаззам Энасой дарёси! Сенинг қаҳринга тоғни қулатса, у бир харсангдай жо бўлади. Агар юз йиллик қарағайни ташласа, уни чўпдай оқизиб кетасан. Кел энди икки қум заррасини – икки инсон боласини ўз бағринга олгин. Уларга ер юзида жой йўқ. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасой? Агар юлдузлар одамга айланиб қолса борми, осмон уларга торлик қилиб қолади. Агар балиқлар одамга айланиб қолса борми, уларга дарё ва денгизлар торлик қилиб қолади. Сенга мен айтиб ўтиришим керакми, Энасой? Ол, бу болаларни, улоқтириб кет. Қўй, улар бу манфур дунёмизни гўдакликда, тоза қалб билан, болалик ҳаёси билан, ёвуз ният ва ёвуз ишлар билан ўз номига иснод келтиришга улгурмасданоқ тарк этишсин, токи инсон азоб-уқубатини кўриш ва бошқаларнинг ҳам гам аламига сабабчи бўлиш уларга насиб қилмасин. Ол, буларни, ола қол буларни, қудратли Энасой.

Болалар зор қақшаб, хўнграб йиғларди. Тик қирғоқдан пастга қараш қанчалик даҳшатли эканлигини кўриб турган болаларнинг қулоғига кампирнинг сўзи кирмасди. Пастда эса қутурган тўлқинлар сапчийди.



– Қучоқлашинглар, болалар охирги марта хайрлашиб олинглар, – деди Чўтир Баймоқ кампир. Ўзи эса уларни жарга ирғитиш қулай бўлсин учун енгларини шимарди. Кейин шундай деди:

– Энди мени кечиринглар, болалар. Пешонангизга ёзгани шу экан. Бу ишимни ҳозир ўз ихтиёрим билан қилмаётган бўлсам ҳам, лекин сизларнинг бахтингизга...

У гапини тугатмаган ҳам эдики, ёнгинасидан бир овоз келди.

– Тўхта, доно, оқила кампир, гуноҳсиз болаларни жувонмарг қилма.

Чўтир Баймоқ кампир қайридиб қарадию, ҳайратда қолди: қаршисида гаройиб Она буғу турарди. Унинг йирик-йирик кўзлари таънали ва ғамгин боқарди. У сутдек оқ, қорни бўталоқнинг юнгидек қўнғир юнг билан қошланган. Шохлари бўлса гўзаллик тимсоли: сербутоқ, гўё кузги дарахтнинг бир бўлак шохи. Елини эмизикли аёлнинг кўкрагидек топ-тоза ва силлиқ.

– Кимсан? Нега одамга ўхшаб гапиряпсан? – сўради Чўтир Баймоқ кампир.

– Мен Она буғуман, – жавоб берди у. – Шунинг учун одамга ўхшаб гапирдимки, бўлмаса сен тушунмайсан, қулоқ ҳам солмайсан.

– Нима истайсан, Она буғу?

– Қўйиб юбор болаларни, доноларнинг доноси. Сендан илтимос қиламан, уларни менга бер.

– Нима қиласан уларни?

– Одамлар менинг икки эгизимни, икки буғу боласини ўлдиришди. Мен ўзимга бола излаб юрибман.

– Сен уларни боқмоқчимисан?

– Ҳа, доноларнинг доно аёли.

– Сен яхшилаб ўйлаб кўрдингми, Она буғу? – масхаромуз кулди Чўтир Баймоқ кампир. – Булар ахир одам боласику. Булар қатта бўлишади, кейин сенинг болаларингни ўлдиришади.

– Улар қатта бўлишса, менинг болаларимни ўлдиришмайди, – жавоб қилди унга буғулар онаси. – Мен уларга она бўлман, улар эса менинг болаларим. Ахир улар ўз ака-укаларини ўлдиришадими?

– Эҳ, нимасини айтасан, Она буғу, сен одамларни билмайсан, – бош тебратди Чўтир Баймоқ кампир, – улар ўрмон ҳайвонларигагина эмас, ҳатто ўз-ўзларига ҳам раҳм-шафқат қилишмайди. Бу етимчаларни сенга берардим, шунда ўзинг гувоҳ бўлардинг, лекин одамлар бари бир қўлингдан тортиб олиб, бу болаларни ўлдиришади. Бунча ғамнинг сенга нима кераги бор?



– Мен болаларни узоқ ўлкаларга олиб кетаман, у ердан болаларни ҳеч ким қидириб топа олмайди. Болаларга раҳм қил, доноларнинг доноси, озод қил уларни. Мен уларга садоқатли она бўлайин. Елинларим тўлиб турибди. Сутим болаларни орзиқиб кутябди. У болаларга интизор.

– Ҳа, майли шундай бўладиган бўлса, – деди охири Чўтир Баймоқ кампир ўйлаб туриб, – буларни тезроқ олиб жўна. Етимларни ўзингнинг узоқ юртингга олиб кет. Агар улар узоқ йўл юриб, толиқиб ҳалок бўлса ёки дуч келган қароқчилар ўлдириб кетса ёки бўлмаса бу одам болалари сенинг яхшилигингга ёмонлик билан жавоб қайтаришса – ўзингдан кўр.

Она буғу Чўтир Баймоқ кампирга миннатдорчилик билдирди. Бола билан қизга эса:

– Энди, мен сизларнинг оналарингман, сизлар эса менинг болаларимсизлар, – деди. – Сенларни узоқ юртга, қорли тоғ ва дарахтзорлар қўйнига жойлашган илиқ денгиз – Иссиққўлга олиб кетаман.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Мана, эртақ билан танишяпсиз, у сизга ёқяптими?
2. Қирғиз эли қадим замонларда қайси дарё бўйларида яшаган? Бу дарё ҳозир қандай аталади?
3. Оқсоқол Ботир Қулчининг дафи маросимидаги қирғин ҳақида қандай фикрдасиз?
4. Бола ва қизча қандай қилиб қирғиндан қутилиб қолишди ва нима учун душман изидан югуришди?
5. Душман қабила ҳони нега қазабланди ҳамда бола билан қизчани кимга топширди ва нима учун?
6. Чўтир Баймоқ кампирнинг Энасой дарёсига мурожаатини дафтариңгизга ёзинг. Унда кампирнинг қандай дарди ифодалангани ҳақида ўйлаб кўринг.
7. Кампир билан Она буғу ўртасидаги суҳбатни қайта ўқинг. Ким ҳақ кампирми, Она бугуми? Мулоҳаза қилиб фикриңгизни айтинг.

\*\*\*

Бола ва қизча шодланиб, Шоҳдор Она буғу ортидан чоп-қиллаб кетишди. Лекин аста-секин чарчаб, ҳолдан тойишди, йўл эса олис – дунёнинг бу четидан у четига чўзилган. Она буғу болаларни ўз сути билан боқиб, кечалари бағрига босиб иситмаганда улар ҳеч қаерга ҳам етишолмас эди. Улар узоқ юришди. Она юрт бўлмиш Энасой тобора ортга чекиниб борар, лекин янги ватан бўлмиш Иссиққўлга ҳали жуда узоқ эди. Йўл юришди, йўл юришса ҳам мўл юришди. Ёзу қиш, кўкламу ёз ва куз, яна ёзу қиш, яна баҳору, яна ёз ва куз қалин ўрмонлардан, жазирама чўллардан, кўчма қум саҳролардан, баланд



тоғлардан ва ҳайқириб оққан дарёлардан не машаққат билан ўтишди. Уларнинг изидан бўрилар галаси қувди. Шохдор Она буғу эса болаларни устига миндириб ёвузлардан қутқариб кетди. Уларнинг изидан тушган отлиқ овчилар ўқ узиб, қичқиришарди: «Буғу одам боласини ўғирлаб кетяпти! Ушла! Тут!» ва кетма-кет ўқ узишарди. Шохдор Она буғу болаларни опичиб, физиллаб учаётган қўларга, чақирилмаган қутқарувчиларга етказмай борарди. У ўқдан кўра тезроқ чопар ва шивирларди: «Маҳкамроқ ушланглар, болаларим – босқинчилар!»

Охири Шохдор Она буғу ўз болаларини Иссиқкўлга етказиб келди. Улар тоғ тепасида туриб, ҳайратланишарди. Чор атроф қорли тоғлар билан қопланган, тоғлар ўртасида кўм-кўк ўрмон, кўз илғаган ҳамма жойда денгиз чайқалиб шовуллаб турарди. Кўм-кўк сув юзида оппоқ тўлқинлар югурар, шамол уларни узоқлардан ҳайдаб келиб, яна узоқларга ҳайдаб кетарди. Иссиқкўл қайдан бошланиб, қайда тугайди – билиб бўлмасди. Бир чеккасида қуёш бош кўтарса, иккинчисида ҳали тун пардасини йиғиштиролмасди. Иссиқкўлнинг чор атрофини қанча тоғ қуршаб олган – санаб бўлмасди, у тоғлар ортида яна шунга ўхшаш қанчадан-қанча қорли тоғлар бўй чўзиб турибди.

– Мана шу янги ватанингиз бўлади, – деди Шохдор Она буғу. – Мана шу ерда яшайсизлар, ер ҳайдайсизлар, балиқ тутасизлар, молу ҳол қиласизлар. Минг йиллар тинч-готув яшанглар. Ҳа, сизларнинг авлодингиз яшайди, кўпаяди. Сизлар келтирган тилни авлодлар унутишмайди. Уларга ўз она тилларида сўзлаш ва куйлаш ёқимли бўлади. Инсонларга қандай яшаш дозим бўлса шундай яшанглар. Мен эса сизлар ва сизларнинг болаларингизнинг болалари билан ҳамниша бирга бўлай.

Мана шундай қилиб, бола ва қизча қирғиз авлодининг аждодлари<sup>1</sup> сифатида, мангу жаннатмакон Иссиқкўлда ўзларига янги макон топдилар.

Вақт тез ўтиб бораверди. Бола бақувват йигит бўлди, қиз бўйинга етди. Шунда улар қовушиб, эр-хотин бўлдилар. Шохдор Она буғу эса Иссиқкўлни тарк этмасдан, яқин ўртадаги ўрмонда яшай бошлади.

Бир куни тонг маҳали Иссиқкўл қўққисдан нотинчланиб, шовуллай бошлади: қизни тўлғоқ тутиб, азобланмоқда эди. Эр эса чўчиб кетди, қоя устига чопиб чиқди-да, овозининг борича чақира бошлади:

– Қаердасан, Шохдор Она буғу? Иссиқкўл қандай шовқин соляпти, эшигяпсанми? Қизинг туғяпти. Тезроқ кел, Шохдор Она буғу, бизга ёрдам қил.

<sup>1</sup> Аждод (а) – боболар ва момолар, оталар ва оналар.



Шунда узоқдан худди карвоннинг қўнғироғидай жарангдор товуш эшитилди. Бу товуш тобора яқинлашиб келаверди. Шохдор Она буғу етиб келди.

У шохларида бешик келтирди. Бешик оппоқ қайиндан ясалган бўлиб, бандида кумуш қўнғироқча жаранглаб турарди. Бу қўнғироқ Иссиқкўл бешикларида ҳозиргача ҳам янграб турибди. Оналар бешикларни тебратаар, кумуш қўнғироқ жаранглар, гўё Шохдор Она буғу узоқлардан чопиб, шошиб, шохларида қайин бешик кўтариб келаётгандай туюларди.

Шохдор Она буғу етиб келдию, шу пайт қизнинг ҳам кўзи ёриди.

– Бу бешик сизларнинг тўнғичларингиз учун, – деди Шохдор Она буғу. – Ҳали кўп фарзанд кўрасизлар. Етти ўғил, етти қиз!

Ота-она хурсанд бўлишди. Тўнғич фарзандларини Шохдор Она буғи шарафига – Буғубой деб аташди. Буғубой ўсиб-улғайди, қипчоқлар авлодидан бўлган гўзал қизга уйланди, шу билан Буғубой авлоди – Шохдор она буғу авлоди кўпая бошлади. Буғубой авлодлари Иссиқкўлда кўп ва қудратли бўлиб қолди. Бу авлод Шохдор Она буғуни муқаддас деб билишарди. Буғубой авлодларининг ўтовида эшик тепасига буғу шохи осиб қўйилар, бу эса, узоқ-узоқлардан ҳам ўтовнинг Буғубойлар авлодига мансуб эканлигидан дарак бериб турарди. Босқинчи душманларни даф этганда<sup>1</sup> ёки пойга мусобақаларида Буғубой авлодларини «Буғу!» деган битта лақабнинг ўзиданоқ англаб олишар, улар эса ҳар доим ғолиб чиқишарди. Уша кезлар Иссиқкўл ўрмонларида оппоқ шохдор буғилар бўларди, гўзалликда ҳатто кўкдаги юлдузлар ҳам уларга рашк қиларди. Улар Шохдор Она буғунинг болалари эди. Уларга ҳеч ким тегмасди, ҳеч ким ҳуркитмас эди. Буғубой авлодлари буғуга дуч келган жойда отдан тушиб, унга йўл берарди. Ошиқлар суйган қизларини сулувлиқда гўзал оқ буғуга қиёс қилишарди.

Буғубой авлодининг ошиб-тошиб кетган машҳур бир бойи то ўлғунига қадар шу одат сақлаиб қолди. Унинг минг-минглаб қўйлари, минг-минглаб йилқилари бўлиб, моллари-га қарайдиган қанча-қанча чўпонлар ҳам унинг измида эди. Ўғиллари унга катта маърака қилишди. Улар бу маъракага ер юзининг ҳамма маълум ва машҳур кишиларини чақирдишди. Меҳмонлар учун Иссиқкўл қирғоғига бир минг бир юзта ўтов тикдилар. қанча мол сўйилди, қанча қимиз ичилди, қанчалаб қашқарча нознеъматлар берилди, сановига етиб бўлмасди. Бойнинг ўғиллари гердайиб юришарди: Ахир отадан битмас-туганмас мерос қолганлигини, фарзандлар отани ҳурматлаб,

<sup>1</sup> Даф этмоқда (а-т) – қайтармоқ.



унинг хотирасини қандай эъозлашларини одамлар кўриб қўйсинда («Э бўтам, одамлар ақл ўрнига бойлигини кўз-кўз қилишса, бу қандай ярамаслик».)

Марсия<sup>1</sup> айтувчилар эса, марҳумнинг<sup>2</sup> ўғиллари тақдим этган арғумоқларда елиб, совғага берилган сувсар телпак ва шойи тўнларга ўралиб, марҳумни ва унинг меросхўрларини кўкларга кўтариб мақташарди.

– Бу оламда бундай бахтли ҳаёт ва шукуҳли маъракани кўрган борми? – деб куйларди бири.

– Дунё бино бўлгандан бери бунақаси ҳали бўлмаган! – дерди иккинчиси.

– Ҳеч қаерда бўлмаган! Фақат биздагина ота-оналарни шундай ҳурматлашади, ота-она шон шарафини юксак тутишади, уларнинг муқаддас номини улуғлашади, – куйларди учинчиси.

– Эй, қақилдоқ марсиячилар, нима деб валдираяпсиз? Оламда бу ҳотамтойликнинг таърифига дойиқ сўз, марҳумнинг шон-шуҳратига тенг келадиган шуҳрат бор эканми? – куйларди тўртинчиси.

Улар шу зайлда кеча-кундуз ким ўзарга баҳслашарди. («Э, бўтам, ҳофизлар ҳамду сано ўқишда баҳслашса, қандай ярамаслик, улар қўшиқчидан қўшиқ кушандасига<sup>3</sup> айланишади».)

Довруқ солган маърака кўп кунлик байрамдай ўтди. Бойнинг мақтанчоқ ўғиллари бошқаларни лол қолдиришни, шуҳратлари оламга ёйилишини орзу қилишди. Яна бунинг устига мангу уйқуга кетган шавкатли оталари Шохдор Она буғу авлодидан эканлигини ҳамма билиши учун унинг қабрига буғи шохини ўрнатишни ўйлаб топишди. («Эй бўтам, қадимги одамлардан қолган гап бор: бойлик – такаббурликни,<sup>4</sup> такаббурлик эса – телбаликни туғдиради».)

Бойнинг ўғиллари ота хотирасига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёдгорлик ўрнатишни исташгани учун ҳам ҳеч нима уларга тўсқинлик қила олмади. Айтилган сўз – отилган ўқ. Овчиларни йўллашди. Овчилар буғи отиб, шохини танасидан айиришди. Буғу шохларининг тепага таралиб туриши кўкда парвоз қилаётган бургутнинг қанотларига ўхшарди. Буғу шохлари ўғилларга ёқиб тушди: уларнинг ҳар бири ўн саккиз бутуққа бўлинган – демак, ўн саккиз ёшда экан. Яхши! Улар шохни қабр устига ўрнатиш учун усталарга фармон берилди.

<sup>1</sup> Марсия (а) – ўлган кишини бағишлашган шеър, кўшиқ.

<sup>2</sup> Марҳум (а) – ўлган киши.

<sup>3</sup> Кушанда (ф) – ўлдирувчи; йўқ қилувчи.

<sup>4</sup> Такаббурлик (а) – кибрга берилиш, бошқаларни менсимай қўйиш.





Қариялар ҳайратда қолишди:

– Буғуни ўлдиришга қандай ҳаддингиз сиғди? Шохдор Она буғу авлодига қўл кўтаришга ким журъат этди?

Бойнинг меросхўрлари уларга жавобан:

– Биз ўз еримиздаги буғуни ўлдирдик. Бизнинг салтанатимиз остидаги ерларда нимаки қимирлаган, учган тирик жон зоти бўлса, пашшадан тортиб туягача – ҳаммаси бизники. Ўзимизга қарашли жамики нарсаларни нима қилиш-қилмасликни ўзимиз яхши биламиз. Йўқолинглар! – деди.

Хизматкорлар қарияларни қамчи билан савалаб, отга тескари миндиришдида, сазойи<sup>1</sup> қилиб ҳайдашди.

Ҳамма бало шундан бошланди. Шохдор Она буғу авлодларининг бошига катта бахтсизлик тушди. Деярли ҳар бир киши ўрмонларда оқ буғиларни овлашга тушиб кетди. Буғубой авлодидан бўлган ҳар бир киши ўз аجدолари қабрига буғу шохи ўрнатишни бурч деб билар эдилар.

Бу иш энди марҳумлар хотирасига бўлган муқаддас вазифа, алоҳида ҳурматга айланди. Кимки буғу шохларини тополмас экан, энди уни одам ўрнида санамай қўйишди. Буғу шохлари билан савдо қилиш, уларни олдиндан фамлаб қўйиш одат тусига кириб қолди. Шохдор она буғу авлодлари орасида шундай кишилар пайдо бўлдики, улар буғу шохларидан ўлжа йиғишни ва пуллашни ҳунар қилиб олдилар. («Э бўтам, пул ҳукмрон бўлган жойда эзгу сўзга ўрин йўқ, гўзалликка ўрин йўқ».)

Иссиққўл ўрмонларида буғуларга қирғин келди. Уларга шафқатсиз бўлишди. Буғулар қадам етмаган жойларга қочди, лекин у ерда ҳам қўйишмади. Овчилар тозиларни қўйиб пистирма томон ҳайдашар, ўзлари эса пистирмаларда беркиниб ётиб, яқинлашган буғуларни беҳато отиб олишарди. Буғуларни тўда-тўдаси билан қиришди. Шох бутоқлари энг кўп бўлган буғуни ким отарга гаров боғлашарди.

Буғулар ғойиб бўлди. Тоғларни тарк этди. На тунда, на тонгда буғу овози эшитиларди. На ўрмонда, на яйловда унинг қандай ирғишлаб, қандай сапчишларини, шохларини елкаси устига ташлаб, парвоздаги қушдай жарликлардан қандай сакраб ўтишларини ҳеч ким кўрмасди. Бутун умри бўйи буғу нима эканлигини кўрмаган янги инсонлар туғилди. Фақат у ҳақидаги эртақларни эшитиб, қабрлар устидаги шохларни кўришни, холос.

Шохдор Она буғуга нима бўлди?

У одамлардан ранжиди, жуда қаттиқ ранжиди. Айтишларича, сон-саноксиз ўқлар ва тозилар дастидан буғуларга кун

<sup>1</sup> Сазойи (ф) – жазолати; одамлар орасидан олиб ўтиб масхаралаши, камситиши.



қолмаган, уларнинг энг сўнги авлоди бармоқ билан санарли даражада оз қолган чоғда Шохдор Она буғу энг баланд чўққига кўтарилиб, Иссиқкўл билан видолашибди ва сўнг болаларини улкан довон ортига, бошқа юртларга, бошқа тоғларга бошлаб кетибди.

Мана, оламда қандай ишлар бўлади. Мана, эртақ ҳам тугади. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма.

Шохдор Она буғу эса, кетиши олдидан, бундан буён бу ерларга асло қадам босмайман, дебди.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Она Буғу болаларни қутқариб қаерга олиб келди? У инсон болларидан нимани умид қиларди?
2. Она буғу шохларида келтирган бешик тасвирини дафтарингизга ёзинг. Уни ўзингиз катта бўлган бешикка қиёсланг.
3. Одам болалари Она Буғу қилган яхшиликка яхшилик билан жавоб бера олдиларми?
4. "Бойлик – такаббурликни, такаббурлик эса телбаликни туғдиради" деган фикрни матнга таянган ҳолда изоҳланг.
5. Ақл ўрнига бойликни кўз-кўз қилишга сиз қандай қарайсиз? Матндан бунга мисол келтиринг.
6. Она Буғуга қилинган хиёнатни, вафосизликни, кўрнамакликни қандай баҳолайсиз? Таассуротларингизни эссе шаклда дафтарингизга ёзинг.
7. Она Буғу нима учун Иссиқкўлни тарк этди?
8. Эртақдаги етакчи ғоя нимадан иборат?

## ЖАННИ РОДАРИ

(1920 – 1980)



Эсингиздами, 2-синфда “Тулкини қандай қилиб кўмишди”, 3-синфда эса “Қуёш ва булут” каби қизиқарли эртакларни ўқиган эдингиз. Ана шу эртакларни Жанни Родари ёзган эди. Бугун машҳур эртакчи Жанни Родари билан яна учрашамиз.

Жанни Родари 1920 йилнинг 23 октябрида Италия шимолида, Алп тоғлари этакларида жойлашган Оменуя шаҳарчасида дунёга келди. Унинг отаси Жузеппе Родари ширин кулчалар пиширувчи нонвой бўлиб, нонвойхона ва дўкон соҳиби эди. Жаннининг бутун ёшлиги олов

жизиллаб турадиган тандир, ун ва кўмир солинган қоғлар орасида ўтди.

Отаси вафот этгандан кейин оила бошига оғир кунлар тушади. Онаси бир бойнинг уйида оқсочлик қила бошлайди. Жаннининг болалик кечинмалари шеърлари ва қиссалари бағридан ўрин олган.

Жанни Родари “Чипполинонинг саргузаштлари” (1960), “Умумжаҳон хороводи” (1962), “Қувноқ шеърлар поёзи” (1963) тўплами, “Касбларнинг ранги ва ҳиди ҳақида шеър” (1967), “Мовий найза саргузаштлари” (1972), “Хаёлот қоидалари” (1978), “Желсомино ёлғончилар мамлакатиди” (1986) каби қатор асарлар муаллифи.

Ёзувчи 1980 йилнинг 14 апрелида вафот этди.

Болалар, адибнинг ўзи ҳақида айтганларини ҳам бир ўқиб кўринг-а! У сизларни қанчалар кучли меҳр билан яхши кўрганга ўзингиз ҳам амин бўласиз. Уйлаймизки, римлик сеҳргар эртакчи бобони Сиз ҳам яхши кўрасиз.

### Ёзувчи ўзи ҳақида

Менинг ёзувчи бўлиб қолишим деярли тасодифан юз берган. Аввалига фикрларим бўлишни орзу қилар эдим ва шу орзуда бир неча йил камон<sup>1</sup> тортишни ўргандим. Лекин 1943 йилдан бери бу нарсага қайта қўл урганлигимни эслолмайман. Фикрларим ўша пайтдан бери уйимда чанг босиб ётибди. Ҳар

<sup>1</sup> Камон – фикрларим устида юргизилган чўп.



доим ундаги етишмайдиган торларни қўшиб қўйишга, синган бўйинини тузатишга, бутунлай титилиб кетган эски камон ўрнига янгисини сотиб олишга ва шу билан ҳаммасини қайтадан бошлашга жазм қиламан-у, қани бунга қўл тегса. Балки пайти келиб бу армоним ҳам ушалар, лекин ҳозирча вақтим тақозо қилгани йўқ. Мен яна рассом бўлишни ҳам орзу қилардим. Иқрор бўлишим керакки, мактабда расмдан доим ёмон баҳо олардим, шунга қарамасдан гоҳ қаламда, гоҳ мойбўёқда расм чизишни канда қилмасдим. Афсуски, мактабда шунақанги зерикарли ишларни бажаришга мажбур қилишардики, тоқатимиз тоқ бўлиб кетарди. Хуллас, бошқа болалар сингари мен ҳам кўп нарсаларни орзу қилардим, бироқ кейинчалик бу орзуларимдан қанчалари рўёбга чиқмай, орзулигича қолиб кетди, қайтанга нимани камроқ ўйлаб, камроқ орзу қилган бўлсам, шулар кўпроқ амалга ошди.

Лекин кўнглимнинг бир чеккасида қандайдир ишонч билан мен ўзимнинг ёзувчилик фаолиятим сари узоқ тайёргарлик кўрдим. Масалан, мактабда ўқитувчилик қилдим. Тўғри, ҳар жиҳатдан бекаму кўст ўқитувчи бўлган эдим, деб айтолмайман: мен ҳали жуда ёш бўлиб, фикрларим мактаб доирасидан узоқларда чарх уриб юрарди. Эҳтимол, қувноқ табиатли ўқитувчи бўлгандирман, чунки болаларга турли-туман кулгили воқеаларни кўп сўзлаб берардим, сўзлаб берганларимнинг бари маъносиз воқеалар бўлиб, улар қанча бемаъни бўлса, болалар шунчалик кўпроқ кулар эдилар. Бундоқ олиб қараганда, шунинг ўзи катта гап эди. Мен билган кўпгина мактабларда, янглишмасам, болалар жуда кам кулишарди. Гоҳо кулги билан одам кўп нарсаларни ўрганиши мумкин.

...Ўзимни бағишламоқчи бўлган яна бир эрмакни эътиборингизга ҳавола қиламан, бу – ўйинчоқ яшаш. Мен ўйинчоқларнинг ҳар бир кишига ёқимли бўлишини, ҳар бир кишининг дидига мос тушишини ўйлаб туриб, бошқа ўйинчоқларга асло ўхшамайдиган қилиб ясалишини хоҳлар эдим. Бундай ўйинчоқларнинг умри узоқ бўлиб, ҳеч қачон кўнгилга урмайди. Бу ёғини сўрасангиз, ҳунар бобида шунчалик иўноқманки, на ёғоч билан, на темир билан ишлаш қўлимдан келади, шунинг учун энди сўзлардан ўйинчоқ яшашга уриниб кўраётирман. Худди китоб сингари ўйинчоқлар ҳам озмунча муҳим нарса эмас, агар шунчалик бўлмаганда болалар уни бу қадар эъзозлашмасди. Мадомики шундай экан, бошқа йўл билан ўрганолмаган нарсаларни улар ўйинчоқлар воситаида ўрганиб олсалар, бунинг нимаси ёмон экан?

Мен ўйинчоқларнинг катталарга ҳам, болаларга ҳам бирдай ҳалол хизмат қилишини, уни бутун оила билан биргаликда, бу-



тун синф бир бўлиб ўйнашларини истар эдим. Ёзган китобларим ҳам худди шундай бўлса дердим. Жумладан, қўлингиздаги эртакни ҳам. Биргаликда ўйнаб-кулишда, ота-оналарнинг ўз фарзандлари кўнглига йўл топишида эртакларимнинг ёрдам беришини истар эдим. Эртакларимни қандайдир бола мароқ билан тинглаётганини кўрсам, умримдан мингдан-миг рози бўлардим. Эртакларим бошқаларнинг ўз фикрларини баён қилишларида, сўзлашишларида, катталарга савол беришларида, уларнинг жавоб беришларини талаб қилишларида далда ё туртки бўлганини кўрсам, ўн чандон суюнган бўлардим.

Китоб хоҳ қалин, хоҳ юпқа бўлсин – кўриниши яхшими, ёмонми, бундан қатъий назар, унинг пештахта ёки жавонда чанг босиб ётиши учун эмас, балки зўр иштаҳа билан паққос туширилиши, тановул этилиши, юз минглаб болалар томонидан осонлик билан ҳазм қилиб юборилиши учун чоп этилишини<sup>1</sup> тушунган одамнинг садафаси кетсанг арзийди. Шунинг учун ушбу эртакни иштаҳа билан туширмоқчи бўлган кишиларни чин дилдан қутлайман. Ўйлайманки, эртагимнинг мазаси барчангизга, албатта, ёқади.

*Сизга ғойибона “Ош бўлсин”, деб қолувчи  
Жанни Родари.*

Азиз ўқувчи! Сиз эртак нима эканини яхши биласиз, кўплаб эртаклар эшитгансиз. Умид қиламизки, анча-мунча эртак китобларни ўқиб ҳам чиққансиз. Сиз бугун замонамизнинг энг буюк эртакчи адиби, бутун дунё болаларининг сеvimли эртакчиси Жанни Родари билан яна учрашмоқдасиз. Родарининг эртаклари жаҳондаги деярли барча тилларга таржима қилинган ва дунё болалари томонидан сеvim бўлиб ўқилади. Жанни Родари Сиз, болаларга ақл ўргатмайди, насиҳат қилмайди. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган “Хуришни билмайдиган кучукча” эртаги ҳам “римлик сеҳргар” – Жанни Родарининг энг машҳур эртакларидан бири.

Бошқа ёзувчилардан фарқли тарзда Жанни Родари айрим эртакларни ўзи истагандай яқунлаб қўя қолмайди. Балки бир эртакнинг уч хил охирини – якуини беради. Қани, Сиз ҳам эртакни ўқиб чиқинг-чи, эҳтимол тўртинчи якуини топарсиз?

? *Савол ва тошшириқлар:*

1. Жанни Родарининг болалик табиатига хос хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритинг.

<sup>1</sup> Чоп этиш – нашр қилиш.



2. Унинг мусиқа, рассомликка интилиши билан кейинчалик ёзувчи бўлганлиги орасида боғланиш бор деб ўйлайсизми?
3. Родариовиц ўйинчоқлари нимадан ясалади ва сизнингча қандай мақсадга хизмат қилади?
4. Буюк эртакчи бобонгиз тайёрлаган “таом”ни паққос туширишга ва уни қийналмай “ҳазм” этишга ўзингизни тайёр деб ҳисоблайсизми? Бу қандай “таом” ўзи?

(Қозоқбой Йўлдошев, адабиётшунос)

## Ҳуришни эплотмаган кучукча

Бир бор экан, бир йўқ экан, ҳуришни эплотмайдиган бир кучукча бўлган экан. У на хура оларкан, на миёвлай оларкан, на маърашни биларкан, қисқаси, ҳеч бир махлуқ тилида гапиришни уддалай олмайдиган шундай бир гўрсўхта<sup>1</sup> экан. Асли наслини сўрасангиз, ўзи бир муштдайгина, жуда ҳам оддий кучукча экан. Илгарилари кучук асари кўринмайдиган бир қишлоқда унинг қаердан пайдо бўлиб қолганини ҳеч ким билмас экан. Албатта, шундоқ бўлгандан кейин: “Мен нега ҳуришни билмайман-а?” – деган ўйни хаёлига ҳам келтирмас экан. Лекин кунларнинг бирида уни саволга тутишибди:

– Қизиқ, сен нега ҳурмайсан?

– Ҳуриш?... Бу нима деганингиз? Ахир мен бу ерлик эмасман, мен ҳуришни билмайман...

– Оббо жинқарча-ей. Наҳотки, ҳамма кучуклар “вов-вов” деб ҳуришини билмасанг?

– Нимага ҳуради?

– “Нимага” деганинг нимаси? Ахир кучук бўлгандан кейин ҳуради-да. Ўткинчиларга қараб ҳуради, кўзига шубҳали кўринган мушукларга ҳуради. Ойга қараб ҳуради, ҳаётдан мамнун бўлиб ҳуради. Жаҳли чиққанда, гаши келганда ҳуради. Кўпинча кундуз кунлари ҳуради, лекин тунда ҳурган пайтлари ҳам бўлади.

– Гапингизда жон борку-я, лекин мен...

– Сен жуда ким бўлибсан? Ёки сен тўғрингда газеталарда ёзишларини хоҳлайсанми?

Кучукча нима деб жавоб беришини билмай, жимиб қолибди. У ҳуришни билмагани учун ҳам уни қандай ўрганишга ақли етмабди-да.

– Ундай бўлса, мен нима қилсам, сен ҳам шуни қил, – кучукчага ичи ачиганидан маслаҳат берибди хўрозча. У ўзининг жангдор товуши билан бўйинини гажак қилиб бир неча марта “Қу-ку-ку-қууув” деб қичқирибди.

<sup>1</sup> Гўрсўхта (ф) – гўрда қуядиган, бу ерда «нотавао» маъносиди.



– Бу сен ўйлаганчалик осонга ўхшамайди, – дебди кучукча.  
– Бе, шу ҳам гап эканми? Яхшилаб кулоқ сол. Менинг тумшугимга диққат қил. Қисқаси, мен нима қилсам, сен ҳам шундай қил.

Хўрозча яна “Қу-қу-қу-қууув” деб қичқирибди.

Кучукча унга тақлид қилмоқчи бўлибди-ю, бироқ томоғидан қандайдир беўхшов овоз чиқибди, холос. Шу ерда доглаб юрган товуклар чошиб, ҳар томонга қочиб қолибди.

– Ҳечқиси йўқ, – тасалли берибди хўрозча, – биринчи мартага бу жуда яхши чиқди. Энди эса такрорла, қани.

Кучукча яна бир марта қичқиришга уриниб кўрибди, бироқ ҳеч нарса чиқмабди. Шунда у ҳар куни оз-оздан машқ қила бошлабди, гоҳо у ўрмонга кириб кетаркан-да, у ерда халақит қилувчи ҳеч ким бўлмай, кўнгли истаганча қичқириб экан.

Кунлардан бир кун эрталаб у шунақанги қотириб қичқирибдики, азбаройи овози тиниқ ва жарангдор чиққанидан ўзи ҳам завқланиб кетибди. Хўроз қичқириғи қулоғига чалинган тулқивой ўзича: “Худога шукр, хўрозвой ҳолимдан хабар олгани келди. Бу ҳиммати учун унга дарров миннатдорчилик изҳор қилиб қўйишим керак”, деб ўйлабди ўзида йўқ севишиб. У хўрозча истиқболига ошиқибди. Албатта, пичоқ, вилка, салфетка олишни ҳам унутмабди, чулки ўзингизга маълум, тулки учун бабақ хўроздан мазалироқ таом дунёда бўлмайди. Лекин бабақ хўроз ўрнига чўнқайиб ўтирганча овозининг бори-ча пайдар-пай “Қу-қу-қу-қууув” деб қичқириётган кучукчани кўрганда, тулқивойнинг қанчалик ҳафсаласи пир бўлганлигини айтмаса ҳам ўзингиз билсангиз керак.

– Эҳ, – дебди тулқивой, – бу аҳволда қонқонга тушиб қолмасам гўрга эди.

– Қолқонга дейсанми? – ажабланиб сўради кучукча.

– Ҳа-да. Мен сени атайлаб ўзини ўрмонда адашиб қолганга солиб, хўроз бўлиб қичқириясанми деб ўйлабман. Яхшиямки пайтида кўриб қолдим сени. Лекин бундай ов қилиш фирромликдан бошқа нарса эмас. Кучуклар одатда овчи келаётганидан огоҳлантириб, ҳуриб овоз берадилар.

– Ёлғон гапирсам ўлай агар... Ов қилиш менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Мен бу ерга фақат машқ қилгани келганман.

– Машқ қилгани дейсанми? Нимани машқ қиласан?

– Мен ҳуришни ўрганипман, анча ўрганиб қолдим ҳам. Кулоқ солгин-а, жуда яхши ҳура оламан.

Шундай дея кучукча яна “Қу-қу-қу-қууув” деб баралла қичқирибди. Тулки ичаклари узулгудек қотиб-қотиб кулибди. Ерга думалаб, қоринини ушлаб шунақанги кулибди-ки, сира ўзини тўхтата олмабди. Қалака қилиб кулганларидан кучукча



қаттиқ хафа бўлибди – ахир буни ўргангунча озмунча меҳнат қилдим. Бечора йиғламоқдан бери бўлиб, думини қисганча уйга қайтибди. Бир вақт йўлда у каккуга дуч келибди. Ғамгин келаётган кучукчани кўриб, каккунинг унга раҳми келибди ва кўнгил сўрабди:

– Сенга нима бўлди, кучуквой, тинчликми?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

– Бўлмаса нега бунча ғамгин кўринасан?

– Эҳ... сўраб нима қиласан?... Ҳамма бало ҳуришни эплолмаганимда. Бунинг устига биров ўргатиб қўяй ҳам демайди.

– Гап фақат шунда қолган бўлса, мен сенга кўз очиб юмгунча ўргатиб қўйганим бўлсин. Яхшилаб қулоқ сол, мен сайрайман, кук-ку, кук-ку. Билдингми?

– Унчалик қийинга ўхшамапти...

– Э, оппа-осон. Мен жуда кичкиналитимдан кук-кулашни биламан. Қани, такрорла: “Кук-ку, кук-ку, кук-ку, кук-ку...”

– Ку, – сайрашга уринди кучукча, – ку...

У мана шу “кук-ку”ни яна кўп марта такрорлади, ўша кун кечгача ва эртасига ҳам фақат шуни машқ қилибди. Бир ҳафтадан кейин эса қойил қилиб, ўйлабди: “Мана, ниҳоят мен чинакам ҳурадиган бўлиб қолдим. Энди мени ҳеч ким калака қилиб, устимдан кулолмайди”.

Айни шу кунлари ов мавсуми бошланган кунлар экан. Ўрмонда кўп овчилар пайдо бўлибди. Улар ичида тўғри келган томонга ва дуч келган жониворга қараб отаверадиганлари ҳам бор экан. Агар овозлари қулоққа чалингудек бўлса, булбулларни ҳам аяб ўтиришмас экан. Ана шундай овчилардан бири ўрмонда кетаётиб, буталар орасидан “Кук-ку, кук-ку” деган овозни эшитиб қолибди. Овчи дарҳол милтиғини қўлига олиб мўлжаллабди-да, устма-уст “пақ-пақ” ўқ узибди.

Хайрият, ўқ кучукчага тегмабди. Худди қулоғининг остидан визиллаб ўтиб кетибди. Бечора кучукчанинг шунақанги ўтакаси ёрилибдики, қочиб кетаётиб ўзича ўйлар эмиш: “Ҳойнаҳой, бу овчининг эси жойида бўлмаса керак, бўлмаса, келиб-келиб ҳуришни биладиган кучукка қараб ўқ узадими...”

Овчи эса бу пайтда ўлжасини қидириш билан овора экан. У мўлжални аниқ урганига шубҳа қилмаган экан-да.

“Ҳойнаҳой, урган қушимни аллақасқлардан пайдо бўлган ҳалиги кучукча илиб кетган”, деб ўйлабди у.

Аламини босиш учун овчи инидан мўралаб турган сичқон боласига қараб оқ узибди, лекин у ҳам мўлжалга тегмабди.

Кучукча бўлса чопиб кетаверибди...

*Эртакнинг биринчи тугаши*





Кучук чошиб кетаверибди, кетаверибди, бир вақт бир сигир бемалол ўтлаб юрган ўтлоқдан чиқиб қолибди.

– Қаёққа шошиб кетяпсан, кучуквой?

– Ҳазим ҳам билмайман.

– Ундай бўлса бир пас тўхтаб дамнингни ол. Бу ернинг ўтлоғини қара, кўм-кўк.

– Эҳ, гап ўтлоқда бўлганда-ку, ўзим билардим-а...

– Ҳа, нима бўлди, тобинг йўқми?

– Ундан ҳам баттарроқ. Мен ҳуришни билмайман.

– Сени қара-ю, дунёда энг осон нарса шу-ку. Қулоқ сол: “Мў-ў, мў-ў, мў-ў” Хўш, қалай, ёқдимми?

– Дуруст. Лекин бир нарсани кўнглим сезиб турибди, менга керак бўлган нарса бу эмас. Чунки сен сигирсан...

– Ҳа, албатта, сигирман...

– Мен эса сигир эмас, кучукчаман.

– Кучукча бўлмай нимасан? Кучукчасан. Хўш, нима бўпти шунга? Менинг тилимда гапиришни ўрганиб олсанг, бунинг нимаси ёмон экан?

– Бу билан сен жуда зўр фикрни ўртага ташлаганингни биласанми?

– Қанақа фикр?

– Мана ҳозиргина менинг миямга келган фикрни-да. Мен барча ҳайвонлар тилини ўрганиб оламан-да, циркда томоша кўрсатаман. Ҳамма мени олқишлаб, қарсак чалади, мен бойиб кетаман ва шоҳ қизига уйланиб оламан. Кучуклар шоҳининг қизига, албатта...

– Баракалла, жуда яхши ўйлабсан буни. Қани, белни маҳкам боғлаб, ишга киришавер. Яхшилаб эшитиб ол: “Мў-ў, мў-ў, мў-ў”.

– Мў-ў... – ўзича ғўнғўллабди кучукча.

Ҳуришни эплотмаган, лекин бошқа тилларни ўрганишга зўр қобилиятга эга бўлган кучукча қайси деса, ҳеч иккиланмай шуни кўрсатаверинг, янглишмайсиэ.

### *Эртакининг иккинчи тугаши*

Кучук чошиб кетаверибди, кетаверибди... йўлда унга бир деҳқон учрабди.

– Бунча чошиб қаёққа кетяпсан, ҳой кучукча?

– Ҳазим ҳам билмайман...

– Унда мен билан юр. Менга сендай бир кучукча жуда зарур эди – товуқларимни қўриқлайсан.



– Сиз билан жон деб борар эдим-у, лекин бир айбим бор – хуришни билмайман.

– Айни муддао-да. Хуришни биладиган кучуклар фақат ўғриларга қўл келади – чўчитиб ўғрини қочириб юборади. Сенинг овозингни эса эшитмайди, чунки сен хуришни билмайсан. Улар бемалол яқин келишади, шунда сен уларни шаппа тутиб олиб, талаб ташлайсан. Ўғрилар қилмишига яраша жазосини олади.

– Бўпти, розиман, – жавоб берибди кучукча.

Шу тариқа хуришни билмайдиган кучукча ўзига муносиб иш топиб олибди, бир умр бўйнига занжир тушиб, кунда бир коса суяк унинг насибаси бўлибди.

### *Эртақнинг учинчи тугаши*

Кучук чопиб кетаверибди, кетаверибди... Бирдан қулоғига қандайдир махлуқнинг: “Вов-вов, вов-вов” деган ғалати овози чалинибди-ю, таққа тўхтабди.

“Қулоғимга таниш ва иссиқ эшитилияптими? – ўзича ўйлабди кучукча, – гарчи бу қанақа жонивор овози эканини билмасам ҳам юрагимга зир этиб теккандек бўлди-я”.

– Вов-вов.

– Балки бу жирафадир. Йўқ, бу тимсоҳ бўлса керак. Ҳа, бу худди ўша баджаҳл тимсоҳ... Эҳтиёт бўлиш керак.

Буталар орасида бекинганича кучукча “вов-вов” деган овоз келаётган томонга эмаклаб кетибди. Ё худойим, бу овоз унинг юрагини бунчалик ўйнатиб юбормаса.

– Вов-вов.

– Бу ҳеч шубҳасиз кучук бўлиши керак.

Тўппа-тўғри. Тағин келиб-келиб кимнинг кучуги денг: куккулаган овозни эшитиб, ўқ узган ҳалиги овчининг кучуги бўлиб чиқса-я.

– Салом, кучук.

– Салом, кучук.

– Нега бунақа овоз чиқаряпсан?

– Овоз? Шунини билиб қўйки, бу шунчаки овоз эмас, балки хуришдир.

– Хуриш дейсанми? Ҳали сен хуришни биласанми?

– Билганда қандоқ. Ахир, кўриб турибсан-ку, филга ўхшаб дунёни бошимга кўтараётганим ёки шерга ўхшаб наъра тортаётганим йўқ.

– Унда менга ҳам ўргат хуришни.

– Ие, сен ҳали хуришни билмайсанми?



– Йўқ....

– Ундай бўлса қулоқ сол. Бу мана бундай қилинади: “Вов-ов...”

– Вов-вов – кучукча бирданига ҳура кетибди. Севинчи ичи-а сизмай: “Ниҳоят яхши устозни топиб олдим” – деб ўйлаб-ди ўзича. Шу топда ундан бахтиёр махлуқ йўқдай туюлибди нга.

### Савол ва топшириқлар:

1. Хўроз билан кучукнинг суҳбатини яна бир бор ўқинг. Бу суҳбатда уларнинг табиатига хос жиҳатлар қандай намоён бўлганлигини топинг.

2. Хўроздай қичқиришни ва каккудай сайрашни ўрганиб олганига қарамай, кучукча нима учун атрофидагиларнинг эътиборини қозона олмади деб ўйлайсиз?

3. Дуч келган махлуққа ўқ отаверадиган овчининг табиатини тавсифлаб беришга урининг.

4. Овчининг ўқидан зўрға омон қолган кучук нималарни ўйладию, ўл-жасиз қолган овчи нималарни хаёл қилди? Солиштириб, мулоҳазаларингизни айтинг.

5. Эртақнинг биринчи тугашидаги энг сўнгги жумлани қайта ўқинг. Бу гапта қандай маъно яширинган деб ўйлайсиз?

6. Овчи итнинг овозини эшитганда кучукча юрагининг ўйнаб кетгани-нинг сабабини қандай тушунтирасиз?

7. Эртақнинг учинчи тугашида: “...кучукча бирданига ҳура кетибди” деган таъкид бор. Буни сиз қандай изоҳлайсиз?

8. Сизга эртақнинг нечанчи тугаши ёқди? Нима учун?

9. Эртақнинг тўртинчи ва ҳоказо тугашини топишга уриниб кўринг.

10. Кучукчанинг кейинги ҳаётини хаёлан тасаввур этиб, “Эртақдан сўнг” мавзусида ҳикоя-иншо ёзинг.

11. Ҳуришни билмайдиган кучукча билан ўз тилини билмайдиган, ўзини ҳурмат қилмайдиган одам ўртасида ўхшашлик бор деб ўйлайсизми?

12. Жанни Родарининг мазкур эртаги сизга ёқдими? Нега? Ёқмадими? Нима учун? Хулосаларингизни асослаб беришга уриниб кўринг.

## Мақол – сўз кўрки

Мақол – халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири бўлиб, халқ донолигини ўзида ифода қилади. Ҳар бир халқ ҳаёт, кундалик турмуш, ахлоқ-одоб, яхши-ёмон амаллар ҳақидаги фикр-хулосаларини қисқа ва чиройли, эсда қоладиган шаклда ифода-далашга интилган. Мақоллар халқнинг кўп асрлик ҳаётий кунатишлари, турмуш тажрибалари асосида вужудга келади. Шу сабабли, халқ мақоллари катта тарбиявий аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир мақол мазмуни кишиларнинг узоқ йиллар мобайнидаги ҳаётий тажрибалари ва кундалик турмушида неча марталаб синовлардан ўтади.



Халқ мақоллари шеърӣ ва насрий тузилишга эга. Ҳар икки хилдаги тузилишга эга бўлган мақоллар халқнинг жонли сўзлашув тилига яқин бўлади.

Халқ мақоллари, асосан, халқнинг доно, пурҳикмат ифодалари, ўзга халқлар мақолларининг кириб ўзлашиши, йирик маданият арбоблари, олимлар, давлат арбобларининг ибратому гаплари ҳисобига бойиб боради.

Халқ мақолларининг мавзу доираси жуда кенгдир. Уларда акс этмаган халқ ҳаётининг бирон соҳаси йўқ. Чунки халқ ўз ҳаётининг барча жабҳалари бўйича кузатишлари ҳамда тажрибаларини мақоллар шаклида абадийлаштиради ва шу орқали уларни келгуси авлодларга қолдиради.

Халқ мақолларида муҳаббат билан ёритилган мавзулардан бири ватанпарварликдир. Чунки инсоннинг инсонлиги унинг камолоти ва энг яхши фазилатлари ҳам Ватан деб аталувчи муқаддас заминда шаклланади. “Булбул чаманни севар, одам – Ватанни”, “Ватан гадоси – кафан гадоси”, “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас” каби мақолларда Ватанга муҳаббат ўзининг ихчам, мантиқий хулосасини топган.

Халқ мақолларида меҳнатсеварлик, ишёқмас ва текинхўрларга нафрат мавзуси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки инсонни камолга етказувчи восита ҳам ҳалол меҳнат эканлиги маълум. “Бахт ялқовга бегона”, “Берсанг – оласан эксанг – ўрасан”, “Азоб кўрмай – роҳат йўқ”, “Ишёқмас – роҳат топмас” ва бошқалар.

Жуда кўп халқ мақолларида мардлик, сахийлик, адолат, инсоф, дўстлик, олийжаноблик, соф муҳаббат каби чин инсоний фазилатлар ихчам, аммо юксак бадий шаклларда ифода этилади ва улуғланади. Чунки бундай инсоний хислатлар ҳар бир киши учун ҳар вақт зарурий ҳисобланади. Масалан, “Богир қийинни енгар, номард бўйинни эгар”, “Бахилни сахийлик билан уялтир”, “Баланд ном баланд томдан улуғ”, “Аҳди борнинг бахти бор” каби мақоллар халқимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Халқ мақолларининг каттагина қисми илм олиш, касб-ҳунар эгаллашни улуғлайди, нодонлик ва калтабинликни қоралайди, кишини ҳушёрликка, тadbиркорликка даъват этади. “Билак билан битмаган билим билан битар”, “Бир йигитга қирқ ҳунар оз”, “Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар”, “Ҳунарманднинг нони бутун” каби юзлаб мақоллар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Хулосавий фикрни ихчам ва чиройли ифодалаш учун мақолларда ўхшатишдан кўп фойдаланилади. Чиройли ўхшатиш билан айтилган фикр эшитувчини завқлантиради, мақолни эслаб қолишни енгиллаштиради.



## Ўхшатиш

Бирор нарса, ҳодиса ёки тушунчани ўхшашликка эга бўлган бошқа нарса, ҳодиса ёки тушунча билан қиёслаш ўхшатиш дейилади. Тасвирланаётган нарса ёки ҳодиса ўхшатиш воситасида ёрқин ва аниқ ифодаланади. Ўхшатиш халқ мақолларида ҳам кўп учрайди. Масалан, “Айтилган сўз – отилган ўқ”. Бу мақолда киши томонидан айтилган гап милтиқдан отилган ўққа ўхшатиляпти, яъни отилган ўқни қайтариб бўлмагани каби айтилган гапни ҳам қайтариб бўлмайди. Ёмон гап бирор киши қалбини яралаши мумкин. Шунинг учун тилга эҳтиёт бўлиш лозим.

### 2 Савол ва тошпирриқлар:

1. Мақол жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзланг.
2. Ўхшатиш деганда нимани тушунасиз?
3. Мақолларда ўхшатишнинг қандай аҳамияти бор? Мисоллар билан тушунтиринг.
4. Халқ мақолларининг мавзу доираси қандай?
5. Илм олиш, Ватанни севиш ҳақида қандай мақоллар биласиз?
6. Мақолларда ўхшатишдан ташқари яна қандай бадний тасвир воситалари қўлланилади?
7. Мақолларнинг инсон ҳаётида қандай аҳамияти бор?

## Ўзбек халқ мақоллари

Бегона тупроқ – девона тупроқ.

Булбул чаманни севар,  
Одам – Ватанни.

Ватангадо бўлгунча, кафангадо бўл.

Ватанинг тинч – сен тинч.

Еридан айрилган етти йил йиғлар,  
Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.

Ёмон – ўз ғамида,  
Яхши – эл ғамида.

Халққа суянсанг, тўласан,  
Халқдан чиқсанг, сўласан.



Айбсиз дўст излаган – дўстсиз қолар.

Айрилган йўлда қолар,  
Бўлингган – дўлда.

Айрилмас қўшнингга уятли сўз айтма.

Барака – иноқликда,  
Боқийлик – қувноқликда.

Дил оғритган дўст эмас.

Дўстлик ипини узма,  
Уласанг тугуни қолар.

Ҳикмат – бирликда.

Азоб кўрмай – роҳат йўқ.

Бахт – ялқовга бегона.

Беташвиш бош қайда,  
Меҳнатсиз ош қайда.

Гап билан шошма,  
Иш билан шош.

Ишёқмас – роҳат топмас.

Ишламай еган – оғримай ўлар.

Тиришган тоғдан ошар.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Халқ мақолларининг ҳаётда қандай аҳамияти бор?
2. Мақолларни мазмун жиҳатдан қандай турларга бўлиш мумкин?
3. Дўстлик, биродарлик тўғрисида яна қандай мақолларни биласиз?
4. Меҳнатсеварлик тўғрисида ўнга мақол топиб, дафтарингизга ёзиб келинг.
5. Бир бирига мазмунан яқин мақолларни алоҳида гуруҳларга жамланган ва номланг.
6. Ўзаро зид фикрлар айтилган мақолларни топинг.
7. Мазмунан бири-бирини тўлдирувчи мақолларни топинг.



## Афоризмлар ҳақида

Донишмандлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар, йирик давлат раҳбарлари томонидан айтиб кетилган чуқур мазмунли, аниқ ва ихчам шаклли гаплар афоризмлар дейилади. Халқ мақоллари ҳам кенг маънода халқ афоризмлари дейилади. Афоризмда ўз қанча оз бўлса, унинг ўткирлиги, мазмундорлиги шунча ортади. Халқ мақолларидан фарқли равишда афоризмларнинг муаллифи ҳамма вақт аниқ бўлади. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий каби адабиётимиз наояндаларининг айрим пурмаъно мисралари афоризмларга, таъзилари ҳатто мақолга айланиб кетган.

Масалан:

Билмаганин сўраб ўрганган – олим,  
Орланиб сўрамаган – ўзига золим.

Одам борки, одамларнинг нақшидир,<sup>1</sup>  
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.

(А. Навоий)

Афоризмлар ахлоқ одоб, инсоний фазилатлар, яхшилик ва ёмонлик, донолик ва нодонлик ва бошқа шу каби мавзуларда айтилган ёки айтилгандир.

## Афоризмлар

Тил арслонга ўхшар, ётар қафасда,  
Беҳабар бошини ер у нафасда.

Билиб сўзласа, сўз донолик эрур,  
Билимсиз сўзи ўз бошини еюр.

Олар яхши номин кўр – эзгу<sup>2</sup> киши,  
Ёмонлар насиби – одам қарғиши.

Қилич олдибердиси элни тузар,  
Қаламники эса йўриқ йўл сузар.

(Юсуф Хос Ҳожиб)

<sup>1</sup> Нақш (а) – лаворга, ёғочга чиқилган ёки уйилган чиройли безак; бу ерда эш одам маъносиди.

<sup>2</sup> Эзгу (т) – яхши.



Нафҳинг<sup>1</sup> агар халққа бешакдурур,  
Билки, бу нафҳ ўзунга кўпракдурур.

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники йўқ халқ гамидин фами.

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,  
Олиб туфроққаму кеткумдур охир?!  
  
(Алишер Навоӣ)

? Савол ва топшириқлар:

1. Афоризмлар ҳақида нима биласиз?
2. Халқ мақоллари билан афоризмларнинг қандай фарқи бор?
3. Афоризмларда қандай ғоялар илгари сурилади?
4. Афоризмларни ифодали ўқинг ва мазмунини изоҳланг.
5. Юсуф Хос Ҳожиб нима учун тилни арслонга қиёслайди?
6. Тил одоби, сўзлаш маданияти ҳақидаги афоризмларни таҳлил қилинг.
7. Сўзнинг қудратига Алишер Навоӣ қандай баҳо беради?
8. "Одами эрсанг..." деб бошланувчи афоризмнинг мазмунини тушутиринг.
9. Ўзингизга маъқул бўлган афоризмлардан дафтарингизга ёзиб, мазмунини ёзма изоҳланг.
10. Афоризмлардан намуналар ёд олинг.

## Топишмоқ – ақл чархи

Топишмоқ халқ оғзаки ижодининг ихчам шаклга эга бўлган энг қадимий ва кенг тарқалган жанрларидан биридир.

Нарса ёки ҳодисаларнинг атайлаб яширинган белгиси шакли, ҳатти-ҳаракати, ҳолати ва вазифасини бошқа нарса ёки ҳодисаларга қиёслаш асосида топишга асосланган шеърини ёки насрий шаклдаги савол ёки топшириқ топишмоқ деб юри тилади. Топишмоқда аниқ бир нарса – ҳайвон, қуш, одам ва уларнинг тана аъзолари, ўсимлик, иш қуроли, осмон жисмлари, табиат ҳодисалари ҳақида сўз боради. Унда ўйлаб топилиши лозим бўлган нарса ёки ҳодиса бошқа бир нарсага турл томондан таққосланади. Шу хилда бирор нарсага хос биро белгининг бадий шаклда ифодаланиши топишмоқдаги нарсанинг яшириниш замини бўлади.

<sup>1</sup> Нафҳ – фойда, яхшилик.





Масалан:

Чопса, чопилмас,  
Бўлса, бўлинмас,  
Кесса, кесилмас,  
Кўмса, кўмилмас.

Бу топишмоқ асосида яширинган нарса соя бўлиб, соянинг асосий белгилари унда акс эттирилган. Топишмоқнинг жавоби мана шу белгиларга асосланиб топилади.

Топишмоқлар инсон ақлини чархлайди, ўткир тафаккур қобилиятини ўстиради, ҳозиржавобликка ўргатади. Чунки берилган топишмоқларнинг жавобини топиш учун айтилган сўзнинг асосий белгиларини яхшилаб ўйлаб, нимага ишора қилинаётганлигини аниқлашга, топишмоқдаги асосий хусусият ва белгилар қайси нарсага қаратилганлигини аниқ ёки тахминлаб топишга ҳаракат қилишади.

Топишмоқ айтиш ва уни ечишнинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Топишмоқларнинг ижроси учун энг камда икки киши ёки гуруҳ бўлиши шарт. Улар топишмоқ айтувчилар ва ечувчилардан иборат бўлади. Топишмоқ айтувчи топишмоқнинг жавобини тополмаган шахслардан "шаҳар" талаб қилади. Бу ўринда "шаҳар" сўзи дакки бериш, уялтириш ҳуқуқи маъносида ишлатилади. "Шаҳар" берилгач, айтувчи тополмаганга дакки бериб, уялтириб, сўнг ўзи жавобини айтади.

Ўзбек халқ топишмоқлари мавзу жиҳатидан бой ва ранг-рангдир. Халқимиз турмуши, мамлакатимиз табиати, жуғрофияси, набототи<sup>1</sup> ва ҳайвонот олами – барча-барчаси ҳақида ўзал топишмоқлар яратилган.

Топишмоқда ўхшатиш, муболаға, метафора, яъни истиора ва тасвир воситалари кўп қўлланади.

## Истиора ҳақида

Истиора ёки метафора нарса ва ҳодисаларнинг у ёки бу белгиси орасидаги ўхшашликка асосланган бадиий кўчимдир. Истиоранинг ўхшатишдан фарқи шуки, ўхшатишда бир-бирига ўхшаган икки нарсанинг номи гапда ишлатилади, истиорада эса ўхшатиловчи нарса номи тушиб қолиб, ўхшаган нарса номи кўчма маънода келади:

«Шер юракли лочиндек бу йигит элни душманлардан ҳимоя қилди» гапда йигит лочинга ўхшатиш қилинган. Қуйидаги шеърда «йигит» сўзи тушиб қолган ва «лочин» сўзи йигит маъносида ишлатилган.

<sup>1</sup> Наботот (а) – ўсиманлар дунёси.



Шер юракли бу лочин<sup>1</sup>  
Қоқиб қанот-қулочин,  
Қузғунлардан<sup>2</sup> асради  
Элнинг хотин-халочин.

(М. Шайхзода)

Шеърдаги “лочин” сўзи истиорадир.

Истиора топишмоқ жанри учун жуда қўл келади. Масалан, «Ер тагида олтин қозиқ» топишмоғи сабзининг ранги, шакли ва ўсадиган жойида мавжуд бўлган ўхшашлик асосидаги кўчимга асосланган. Чунки олтин ҳам сариқ рангда бўлиб, асосан ер остидан олинади. Сабзининг шакли эса қозиққа ўхшайди

### Топишмоқлар

Бир отаси, бир онаси,  
Неча юз минг боласи.

Узоқдан келар дукдук,  
Бўйни узун, кўзи кўк.

Таги тоғора,  
Усти ноғора.  
Юз минг чечак  
Бир гули лола.

Бир отим бор ювошгина,  
Пиёдага ковушгина.

Зил-зил<sup>3</sup> гилам, зил гилам,  
Зилданам оғир гилам.

Пиширсанг, ош бўлар,  
Пиширмасанг, қуш бўлар.  
Тутдан бизга кўйлак тўқир.

Тегтег десам, тегмайди,  
Тегма десам, тегади.

Ош ичида тош,  
Тош ичида ош.

Олтин тегирмон тоши,  
Олтин эгарнинг қоши.

Қизил қиз ер остида,  
Сочлари ер устида.  
Ер тагида муштдай гўшт.  
Хўппа семиз, бир туки йўқ.

Уни топган кишининг,  
Юз йигирмада ёши.  
Сувга тушса мингта,  
Сувдан чиқса битта.

? Савол ва топшириқлар:

1. Топишмоқ деганда нимани тушунаси?
2. Бошқа жанрлардан топишмоқлар қандай фарқ қилади?
3. Қадимда қандай ҳодисалар топишмоқларда акс эттирилган?

<sup>1</sup> Лочин (т) – қарчиғай, ов қуши; бу ерда – «йиғит», «қаҳрамон» маъносига.

<sup>2</sup> Кузғун (т) – ўлаксахўр қуш, қарғанин бир тури; бу ерда – «душманлар», «босқинчилар» маъносига.

<sup>3</sup> Зил – оғир.



4. Табиат ҳодисалари (бахор, ёз, киш, ёмғир, қор, момақалдироқ) ҳақидаги топишмоқлардан мисоллар келтиринг.
5. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳақидаги қандай топишмоқларни биласиз?
6. Инсон ва унинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ топишмоқлардан топинг.
7. Истиора ёки метафора деганда нимани тушунасиз?
8. Ўхшатиш билан истиоранинг ўзаро фарқи нимада?
9. Топишмоқларда истиоранинг кўп қўлланиши сабабини тушунтиринг.

## Адабий топишмоқлар ҳақида

Топишмоқлар шоир ва ёзувчилар томонидан ҳам ижод қилинади. Бундай топишмоқлар адабий топишмоқлар дейилади. Адабий топишмоқлар ҳам халқ томонидан яратилган топишмоқларга ҳос хусусиятларга эгадир. Шу билан бирга улардан фарқли томонлари ҳам бор. Жумладан, адабий топишмоқлар кўпроқ шеърӣй шаклда яратилади, яширинаётган нарса ҳодисаларга ҳос хусусиятлар кенгроқ изоҳланади.

Шеърӣй топишмоқларга ҳос яна бир хусусият шуки, унда шоир - топишмоқ айтувчи томонидан топишмоқнинг жавобини топувчига мурожаат қилинади. Бу мурожаат, даъват эркаловчи оҳангга эга бўлади.

Масалан, Ғ. Ғулломнинг «Буни топинг, қизларим», Абдураҳмон Акбарнинг «Қувноқ топишмоқлар» шеърларида эркалаш оҳангидаги мурожаат кучлидир.

Адабий топишмоқлар гоҳида якки шоирнинг савол жавоби шаклида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, туркман халқ шоири Махтумқулининг «саволу жавоб» шеърӣи ўзи билан Дурди шоирнинг саволу жавоби шаклидадир:

Махтумқули – У нимадир, етти ўлка кезади?  
 У нимадир, белин бир зот эзади?  
 У нимадир одам каби сезади?  
 Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

Дурди шоир - У чўпондир – етти ўлка кезади,  
 У қуюндир<sup>1</sup> – дарахт белин эзади,  
 Бедев<sup>2</sup> отлар одам каби сезади.  
 Биздан салом бўлсин, жавобимиз шу!

Ғафур Ғуллом

<sup>1</sup> Қуюн (т) - кучли шамол, бўрон.

<sup>2</sup> Бедев (ф) - чоққир от.



## Буни топинг, қизларим

– Тўни силлиқ, туки йўқ,  
Ҳаммаси тўқ, пўки йўқ.  
Ичи қизил, кўки йўқ,  
Уни чўқолмас чумчуқ,

Бу нима, қизим Қундуз

– Буми, дадавой...

– Маржон- маржон юмалоқ,  
Япроқлари шапалоқ,  
Қора, қизил, сариқ, оқ,  
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ,

Сен айт, Мамлакат қизим?

– Буми, дадавой...

– Малла тукли, сап-сариқ,  
Мураббоси мазалиқ,  
Паловга босса бўлур,  
Подвалга осса бўлар,

Тишлаб кўриб, айт Меҳри,

– Буми, дадавой...

– Майда ёқутдай қизил,  
Ширин, нордон, хилма-хил,  
Қалин, тахир пўсти бор,  
Ҳамма ерда дўсти бор.

Сен айт-чи, қизим Гулнор?

– Буми, дадавой ...

\*\*\*

## Абдураҳмон Акбар

### Қувноқ топишмоқлар

Ёриб опшоқ уйчасин  
“Чип-чип” деб қўйди.  
Чувалчангни чўчимай,  
Чўқиб еб қўйди.  
Онасига деди сўнг  
Уялиб бир оз:  
- Яна қанчадан кейин  
Бўламан хўроз?

\*\*\*

Қизлар жуда ёқтиришар  
Онахонлар балдоқ дер.  
Билсанг гапир, кулофингни  
Қашлайвермай, Ғанишер.



Дилга сурур бергувчи  
Алангамиз аланга.  
Баҳор келса қирларни  
Белаймиз алвон<sup>1</sup> рангга.

? Савол ва топшириқлар:

1. Адабий топшимоқлар қай усулда яратилади?
2. Адабий топшимоқ билан халқ топшимоқларининг ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг.
3. “Буни топинг, қизларим” шеърий топшимоғининг жавобларини ўрнига қўйиб дафтарингизга кўчиринг.
4. “Қувноқ топшимоқлар” шеъридаги биринчи топшимоқда қайси парранда ҳақида сўз боради? Сиз уни қайси белгиларига қараб топдингиз? Бошқа топшимоқларда-чи?
5. Адабий топшимоқларга яна мисоллар топшишга ҳаракат қилиб кўринг.
6. Шеърий топшимоқлардаги топувчига мурожаатнинг қандай хусусиятлари бор?
7. Шеърий топшимоқларни ёд олинг.

## Афсоналар – ўтмишдан сўйлар

Афсона халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, кичик ҳажмли жанри бўлиб, унинг пайдо бўлиш илдизлари ибтидоий жамият<sup>2</sup> даврларига бориб тақалади. «Афсона» атамаси араб тилидаги «афсун» сўзидан олинган бўлиб, хаёлий уйдирмалар асос бўлган кичик ҳикоячалардир.

Афсоналар асосида муайян даражада тарихий воқеа ҳодисалар ётса ҳам, бундай тарихий фактлар узоқ даврлар ўтиши билан хаёлий уйдирмалар қобиғида ўзининг аниқ илдизларини йўқотади. Қадимги юнон файласуфи Аристотель таъбири билан айтганда, афсоналар «ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоялардан иборат».

Афсоналар халқ оғзаки ижодининг кўшиқ, эртақ, мақол жанрларидан фарқли ўлароқ, воқеликни юксак бадийликда акс эттирмайди. Ушбу жанр табиатига хос хусусият шундаки, афсоналарда у ёки бу воқеа ҳақида хабар бериш етакчилик қилади. Мана шунинг учун ҳам халқ афсоналарида бадий тасвирий воситалар кўп қўлланилмайди.

Афсоналар махсус айтувчилар томонидан айтилмайди. Афсонани унинг мазмуни билан таниш, уни билувчи ҳар бир киши истаган ҳажмда, истаганча бадийликда айтиши мумкин.

<sup>1</sup> Алвон (а) – кизил.

<sup>2</sup> Ибтидоий жамият (а) – энг биринчи одамлар жамоеси.



Афсоналарнинг асосий гоёвий эстетик вазифаси узоқ ўтмишда кечган воқеа ҳодисалар ҳақида ҳаёлий фантастик тасвир қобилигида хабар беришдан иборат.

Ўзбек халқ афсоналарининг мавзу доираси жуда кенг. Уларни мавзу жиҳатидан қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Бирор жой, қалъа, қўрғон, дарё, кўл ёки денгиз ҳақидаги афсоналар. Бу хилдаги афсоналарда ана шу жойларнинг пайдо бўлиши ёки номланиши ҳақида маълумот берилади. Бироқ афсонада берилаётган маълумотнинг тарихий ҳақиқатга қай даражада мос келиши, унинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаб бўлмайди.

Ўзбек халқи орасида «Ҳазорасп» («Минг от»), «Гулдурсун», «Аёз қалъа», «Шоҳсанам кўшки», «Обшир ота»<sup>1</sup> каби жуда кўп афсоналар юрадики, улар муайян жой, бино ёхуд кўл ҳақида маълумот берсалар ҳам, бироқ бу маълумотларни тасдиқловчи бирон бир тарихий далил сақланиб қолмаган.

2. Диний мавзудаги афсоналар. Бу турдаги афсоналарда худодлар, пайғамбарлар, авлиёлар ва йирик дин арбобларининг кароматлари, мўъжизалари, қилган ибратли ишлари ҳақида хабар берилади.

Диний афсоналарнинг аксарияти «Таврот», «Инжил», «Қуръон» сингари муқаддас диний китоблар, пайғамбарлар ва авлиёлар ҳаёти ҳақидаги тарихий манбалар орқали халқ орасида кенг тарқалган. Диний афсоналарнинг аксарияти турли ёзувчи ва шоирлар томонидан ёзма адабиётга ҳам киритилган.

3. Тарихий ёки қаҳрамонлик афсоналари. Бу хилдаги афсоналар у ёки бу тарихий шахс, воқеа ёки улкан иншоотлар ҳақида яратилсалар ҳам, бироқ уларда тасвирланган воқеалар асосан ҳаёлий уйдирмалар қобилигига ўралган бўлади. Ана шундай қаҳрамонлик афсоналаридан бири «Широқ» афсонаси бўлиб, унинг қисқача мазмуни юнон тарихчиси Полиэннинг «Ҳарбий хийлалар» китобида келтирилган. Полиэн биздан 2200 йил олдин – насроний эрасидан олдинги II асрда яшаб ўтган.

«Широқ» афсонасида Марказий Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамон она курашлари ҳақида маълумот берилади. Афсонада ўз қабиласини, ватанини жонидан севган чўпон Широқнинг Эрон ҳукмдори Доро ва унинг сон саноксиз лашкарини бир ўзи хийла билан йўқ қилганлиги аке эттирилади. Ёдингизда бўлса, Сиз 4-синфда шоир Усмон Шукурнинг мана шу афсона асосида ёзган «Широқ ҳалок бўлди» шеърини ўқиган эдингиз. Шеърда шоирнинг халқ қаҳрамонига бўлган улкан муҳаббати ифодаланган эди.

<sup>1</sup> Обшир (ф) – сугли сув, ширин сув маъносига.



«Тўмарис» афсонаси ҳам машҳур юнон тарихчиси Ҳеродотнинг «Тарих» асари орқали бизгача етиб келган. Ҳеродот биздан тахминан 2400 йил олдин яшаб ўтган.

«Тўмарис» афсонаси Марказий Осиёда Амударё (Араке) ёқаларида яшаган узоқ аجدодларимиз – массагет қабилаларининг ҳукмдори жанговар аёл Тўмарис ва унинг Эрон шоҳи Кирга қарши олиб борган қаҳрамонона жанглари ҳақида маълумот беради.

Афсонада келтирилган Тўмарис тарихий шахс бўлиб, у Марказий Осиёда яшаган массагет қабилаларининг ҳукмдорларидан бири бўлган. Массагетлар эса Каспий денгиздан то Урал дарёсигача бўлган кенг ерда чорвачилик билан турмуш кечирувчи мард, жанговар туркий қабилаларнинг қадимги аجدодларидир.

Булардан ташқари, ҳар бир қишлоқ ва шаҳарларимиз тарихи билан боғлиқ кичик афсоналар ҳам жуда кўпки, улар мазмунини кексалардан сўраб билиб олишимиз мумкин.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Афсона жанрига ҳос хусусиятларини изоҳланг.
2. Афсонадаги воқелик қандай баён этилади?
3. Ўзбек халқ афсоналари мавзу доираси жиҳатдан қандай турларга бўлинади?
4. Қаҳрамонлик афсоналарида қандай тоғлар илгари сурилади?
5. Сиз куйи синфларда қайси афсоналар билан танишгансиз?
6. Ўзингиз яшаётган жой билан боғлиқ афсоналарни ёзиб олишга ҳарикат қилинг.

## Широқ

Доро<sup>1</sup> қўшини билан саклар<sup>2</sup> ўртасида уруш борар эди. Сак подачиларидан Широқ (ёки Сирак) подшоҳ Сакефар, Омарг (Аморг) ва Тўмарислар ҳузурига келади. У Эрон қўшинини ҳийла билан ҳалок этажagini айтади, аммо подшоҳлар Широқнинг оиласига, болаларига, авлодига ғамхўрлик қилишлари шарт эди. Уларга қасам ичдириб, шу ваъдани олгач, Широқ ўша ердаёқ ўзининг кулоқ бурнини кесади, бошқа аъзоларига ҳам жароҳат еткази, сўнг саклардан Эрон қўшини томонига қочиб ўтган киши сифатида эронийлар турган жойга келади.

Широқ Дорога арз қилиб, ўзини саклардан алам кўрган киши қилиб кўрсатади. У Эрон қўшинини сакларнинг энг чек-

<sup>1</sup> Доро (ф) - Эрон подшоҳи, милоддан аввалги 530 йил Александр Македонский томонидан ўлдирилган.

<sup>2</sup> Саклар - қадимги туркий қабила номи.

ка ерларига олиб боражагини, у ерда туриб сак қўшинига тўсатдан хужум қилиб, галаба қозонишлари мумкинлигини айтади.

Эрон қўшини бир ҳафталик озиқ-овқат олиб йўлга тушади. қўшин узок йўл юради, озиқ-овқат ва суви тамом бўлади. Атроф сувсиз қуруқ қум ва саҳродан иборат эди. Эрон қўшини алданганини англайди. Эрон саркардаларидан бири Широқдан: – Шундай улуг подшоҳни алдаб, катта қўшинни бирор қудуқ бўлмаган, бирор қуш учмайдиган, бирор жонивор кўзга ташланмайдиган, на олға юриш, на ортга қайтиш мумкин бўлмаган саҳрога бошлаб келишдан мурудинг нима эди? – деб сўрайди.

Широқ: «Ўз ватандошларимни сақлаб қолдим ва Эрон қўшинини ҳалок этаман», – деб жавоб беради.

Ботир қатл этилади. Эронийлар аранг Амударё соҳилига етиб оладилар.

### ? Савол ва топишириқлар:

1. Саклар қабиласи ўз юртини кимларнинг босқинидан ҳимоя қилар эдилар?
2. Широқ нимани ниёт қилди?
3. Широқ ўз қабиласининг бошлиқларига қандай шартлар кўйди?
4. Нима учун Доронинг одамлари Широқнинг гапларига ишонди?
5. Широқнинг жасорати сизда қандай таассурот қолдирди?
6. Эслаб кўринг: "Широқ" афсонаси мазмунига яқин қайси эртанги ўқигансиз?
7. Қуйи синфларда Широқ ҳақида қайси асар билан танишгансиз? Муаллифи ким?

## Тўмарис

Энг қадим замонларда Амударё (Аракс) ёқаларида Ўрта Осиё аҳолисига мансуб массагетлар яшар эди. Бу даврда уларга марҳум подшонинг хотини малика Тўмарис бошчилик қилар эди. Эрон шоҳи Кир массагетларни ўзига қарам қилиш мақсадида Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб, совчи юборади. Лекин малика шоҳнинг асл мақсадини тушуниб, унга рад<sup>1</sup> жавобини беради. Шундан сўнг Кир очиқ тажовузга<sup>2</sup> ўтади ва массагетлар томон қўшин тортади. У дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Бу хатти ҳаракатлардан бохабар бўлган Тўмарис Кирга элчи юбориб айтади: «Эй шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат, ҳали сен бошлаган ишинг қандай тугашини билмайсанку? Қўй, сен ўз юртингда подшоҳлик қилавер, бизни ҳам ўз ҳо-

<sup>1</sup> Рад (а) – рози бўлмаслик, қабул қилмаслик, қайтариш.

<sup>2</sup> Тажовуз (а) – ҳужум қилиш, чегараларни бузиб ўтиш, ҳамла қилмоқ.





лимизга қўй. Лекин сен бунга кўнмайдиган кўринасан. Агар биз билан куч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда кўприклар қуриб овра бўлма, биз дарёдан уч кушлик йўл нарига кетамиз, сен бизнинг еримизга ўт ёки ўз юртингда учрашишни истасанг, шуни хабар қил».

Бу таклифни эшитгач, Кир аҳёнларини тўшлаб маслаҳат сўрайди. Уларнинг кўпчилиги Тўмариснинг чекинишини қувватлайдилар. Лекин улар ўртасида Крез исмли маслаҳатчиси шоҳга бошқача бир ҳийлани ўргатади.

«Эй Кир, – дейди у, – агар сен ўз қўшининг қирилиб кетмасин десанг, фикримни айтаман. Агар сен уларнинг инсон эканликларини ва тақдир ҳамиша бир хил бўлавермаслигини билсанг, у ҳолда қулоқ сол! Агар биз душмани ўз еримизга ўтказсакда, енгилсак, подшоҳлигиндан батамом айриласан. Чунки қолиб чиққан душман мамлакат ичкараси томон интилади. Агар душман ерига ўтиб, ғалаба қилсанг, олдинга интиласан, лекин уларни ҳамма ерда таъқиб қилиш даражасида енга олмайсан. Хотин кишидан енгилсанг, чидаб бўлмас номусга қоласан. Шунинг учун, яхшиси, биз Тўмарис айтган ерга борайликда, уни енгилсак ҳаракат қилайлик. Менимча, массагетлар эронийлардай ноз-неъматнинг лаззатини билишмайди. Шунинг учун биз шаробни<sup>1</sup> аямасдан, моллар сўйиб, катта зиёфат тайёрлайликда, яроқсиз аскарлардан бир қисмини қолдириб, орқага қайтайлик. Сўнг ўзимизни ғалаба билан шарафлайлик». Бу маслаҳат Кирга маъқул тушди. У Тўмарисдан чекинишни сўрайди. Кир ўғли Камбизга Крезни топшириб, агар урушдан қайтмасам, унинг маслаҳати билан шоҳлик қиласан, деб Эронга жўнатади, ўзи қўшини билан массагетлар юртига ўтади.

У ерда Кир ғалати бир туш кўради. Тушида Гуштаспнинг<sup>2</sup> катта ўғли Доронинг икки елкасидан икки қанот ўсиб чиққанмиш ва бири Мағрибни, иккинчиси Машириқни тўсиб турармиш. Бу вақтларда Доро 20 ёшда бўлиб, ёш ҳисоблангани учун урушга олинмаган эди. Туш Кир юрагига ғаплик солади.

У Доронинг отасини чақириб: «Ўелинг менга қарши фитнада айбдор, Эронга қайтиб, уни судраб олиб кел», – дейди.

Кир массагетлар юртига ўтгач, Крез гаъкидлаганидек, зиёфат тайёрлаб, бир оз аскар қолдириб орқага чекинади.

Массагетларнинг бир қисм қўшини Тўмариснинг ўғли Спарганис бошчилигида у ерга келиб, қолдирилган аскарларни енгиб, зиёфатга машғул бўладилар. Сўнг маст лашкарлар

<sup>1</sup> Шароб (а) – вино, ароқ, май, маст қилувчи ичимлик.

<sup>2</sup> Гуштасп (ф) – афсонавий эронлик лашкарбони, сўнг подшоҳ.

зардуштийликни ривожлантирган.



уйкуга кетади. Шу вақт Кир ҳужумга ўтиб, массагетларнинг кўпини ўлдириб, кўпини асир олади. Асирлар орасида шаҳзода Спарганис ҳам бор эди.

Тўмарис воқеадан хабардор бўлиб, Кирга элчи юбориб айтади: «Эй, қонхўр Кир, узум суви ёрдамида бўлган бу воқеадан хурсанд бўлма. Сен ўғлимни жанг майдонида эмас, найранг билан қўлга олдинг. Энди қулоқ сол, сенга яхши бир маслаҳат қиламан. Ўғлимни менга топширгинда, қилган ишинг учун жазоланмасдан юртингга жўна, йўқса, массагетлар Тангриси номи билан қасамёд қилиб айтаманки, сен очкўз юҳонинг<sup>1</sup> қонга ташналагингни қондираман!»

Кир бу сўзларга парво қилмади.

Спарганис эса ўзига келгач, воқеани англаб, ҳижолатдан ўзини ўзи ўлдиради.

Шундан сўнг Тўмарис қўшинни тўплаб жангга отланади. Даҳшатли жанг бўлади. Унда массагетлар ғолиб келади. Тўмарис ўз сўзи устидан чиқиб, жангда ўлдирилган Кирнинг бошини кесиб, қон билан тўлдирилган мешга солади. У айтади: «Гарчи мен жангда ҳалоллик билан енгган бўлсамда, сен маккорлик билан мени ўғлимдан жудо қилиб қайғуга солдинг. Онтимга амал қилиб, сени қонга тўйдираман».

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Тўмарис бошчилигидаги массагетлар қабиласи қай тарзда ҳаёт кечирарди?
2. Эрон шоҳи Кир нега Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб совчи юборади?
3. Тўмарис нима учун Кир совчиларига рад жавобини берди?
4. Массагетларга уруш эълон қилган Кирга Тўмарис нимани таклиф қилади?
5. Спарганис бошчилигидаги соқларнинг енгилиш сабабларини изоҳланг.
6. Тўмарис нима сабабдан Кир қўшинларига қарши курашди?
7. Нима учун Кир ўз мақсадларига эриша олмади?
8. Тўмариснинг тутган йўлини сиз қандай баҳолайсиз?

## Адабий афсоналар ҳақида

Адабий афсоналар шоир ва ёзувчилар томонидан халқ афсоналари, ривоятлари асосида яратилади. Адабий афсоналар, энг аввал, бадий юксаклиги билан халқ афсоналаридан фарқланиб туради. Адабий афсона муаллифи афсонавий воқеа ҳодиса ёки шахс тасвирида бадий воситалардан маҳорати даражасида фойдаланиши мумкин. Адабий афсоналар кўпроқ шеърини шаклда яратилганлиги билан ҳам, халқ орасидаги аф-

<sup>1</sup> Юҳо – еб тўймак афсонавий ҳайвон.



сонлардан фарқ қилади. Мақсуд Шайхзоданинг «Искандар, сартарош ва чўпон», Турсунбой Адашбоевнинг «Тулпоркўл афсонаси», Арслон Расулнинг «Сулаймонтоғ афсонаси» афсоналари шеърӣй шаклда ижод қилинган.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Адабий афсоналар қандай яратилади?
2. Адабий афсоналар билан халқ афсоналарининг қандай фарқи бор?
3. Адабий афсоналар қандай шаклда ёзилади? Мисоллар келтиринг.
4. Қандай адабий афсоналарни мустақил равишда ўқигансиз?

# МАҚСУД ШАЙХЗОДА

(1908-1966)



Бир пайтлар – 3-синфда “Жигарларга тилакларим” номли шеърни ўқиб, ёд олган эдингиз. У таниқли шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб эди. Шоир ҳақида кўпроқ билишни истайсизми? Марҳамат!

Мақсуд Маҳсум ўғли Шайхзода 1908 йили Озарбайжоннинг Оғдош шаҳрида туғилган. Бошланғич мактабни тамомлагандан сўнг, Кутаисидаги эркаклар гимназиясига кириб ўқишни давом эттирди.

Маърифатли оилادا ўсган Мақсуд ёшлигиданоқ бадиий адабиётта

меҳр қўйди. Унинг дастлабки шеърлари ўқувчилик йилларидаёқ деворий газеталарда чиқиб турарди.

1921 йили Бокудаги дорилфунунга ўқишга кирди. У ерни тамомлаб, Доғистонда ўқитувчилик қила бошлайди.

1928 йили Тошкентга келди ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолиб, ўзбек адабиётининг ривожига муносиб қисса қўшди.

Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Капитан Гастелло”, “Кураш нечун”, “Тошкентнома”, “Муҳаммад тўпчи” каби асарлари XX аср ўзбек адабиётининг дурдоналаридан ҳисобланади. У кўплаб адабий афсоналар ҳам муаллифидир. Эътиборингизга Мақсуд Шайхзоданинг “Искандар Зулқарнайн” номли адабий афсонасини ҳавола этамиз.

## Искандар Зулқарнайн

Бор экану йўқ экан,  
Кунчиқарнинг чегида,  
Исми Искандар экан,  
Шоҳдан экан насаби,  
Қизиб кетса ғазаб  
Мижози аждар экан.  
Ўзи бу ерлик эмас,  
Тукқан юрти Рум<sup>1</sup> экан.  
Фатҳ<sup>2</sup> этишда шум экан,

Таърифига сўз етмас.  
Отни жангга қистапти,  
Енгиб олгач дунёни,  
Етти иқлим султони –  
Кундан ҳам бож истапти.  
Сирдарёнинг бўйида  
Бир кошона қурипти,  
Шундай кайфлар сурипти  
Ҳасад қилармиш худо.

<sup>1</sup> Рум – Македония мамлақати.

<sup>2</sup> Фатҳ (а) – забт этиш, босиб олиш.



Лекин шоҳнинг бошида  
 Бир гап бўлган яширин,  
 Айтмас эмиш бу сириин –  
 Ҳеч кимсага у асло.  
 Бошидаги қалпоқни  
 Очганини кўрмасмиш,  
 На бек, на хон, на дарвеш,  
 На каниз,<sup>1</sup> на хотини.  
 Танҳо, хилват ҳужрага  
 Келар эди сартарош,  
 Олиларди мунда соч,  
 Уста якка, шоҳ якка.  
 Сўнгра эса умрбод  
 Кўрмас эди сартарош,  
 На севгили, на қуёш,  
 На шароб, на уй авлод.  
 Қўли жаллод, ақли кам  
 Жин кўзли сипоҳилар,<sup>2</sup> –  
 Элтиб кетар эдилар  
 Бечорани ўша дам.  
 Кечаси жар бўйида  
 Сув кўп ширин оқади,  
 Юлдуз ўйнаб боқади –  
 Кечаси жар бўйида...  
 Кечаси жар бўйида –  
 Куйламак кўп яхшидир.  
 Бу кимларнинг ишидир –  
 Сузсин дарё сувида.  
 Кечаси жар бўйида  
 Порларди румий қилич,  
 – Эй кесилган калла, ич  
 Бу сувлардан, алвидо!  
 Эй сартарош, устаранг  
 Бало бўлди бошингга,  
 Заҳар қўшдинг ошингга.  
 Соғаймас қонли яранг!  
 Эй етим, эй тул хотин,<sup>3</sup>  
 Келмайди отанг, эринг,  
 Фотиҳа ўқий беринг,

Эй етим, эй тул хотин!  
 Шоҳ сири кўп яширин,  
 Кўрган кўзлар кўр бўлур,  
 Ётган жойи гўр бўлур –  
 Ким билса унинг сириин.  
 Қурғур шоҳнинг қилиғи  
 Элни барбод этипти,  
 Ахир тугаб кетишти  
 Сартарошлар уруғи.  
 Бир кун яна сарбозлар<sup>4</sup>  
 Мамлакатни излапти,  
 Зўрға-зўрға ушланти  
 Бигасини – кўп ночор.  
 Танҳо, хилват уйга у  
 Келтирилмиш бечора,  
 Ёзмишига не чора?  
 Қолди шоҳла рўбарў...<sup>5</sup>  
 Ҳамма чиқди, у қолди,  
 Қаршисида Искандар,  
 Қарашни даҳшат сочар:  
 Нафас ва сас йўқолди.  
 Искандар унга дебди:  
 – Устарангни тайёрла,  
 Сочларимни қирқ - ташла,  
 Эҳтиёт бўл ҳам жиддий!  
 Сўнгра очса қалпоқни  
 Сартарош нима кўрди:  
 Ёрилиб кетди ўти –  
 Бошда кўрди қўш шоҳни.  
 Искандар унга деди:  
 – Ўлдирмайман сени ман,  
 Ёлғиз қолдинг юртда сан,  
 (Ростакам у тоқ эди).  
 Бироқ тилинг тиймасанг,  
 Айта кўрсанг сиримни,  
 Гўрда кўргин ерингни,  
 Тез жувонмарг<sup>6</sup> бўласан!  
 Мен худоман, сен банда,<sup>7</sup>  
 Индама, тинч тур зинҳор.

<sup>1</sup> Каниз (ф) – шоҳнинг хизматини қилувчи қизлар.

<sup>2</sup> Сипоҳи (ф) – аскар, амалдор.

<sup>3</sup> Тул хотин (т) – эри ўлган аёл.

<sup>4</sup> Сарбоз (ф) – аскар.

<sup>5</sup> Рўбарў (ф) – юзма-юзи, бетма-бет, бузилаётган шакли рунари.

<sup>6</sup> Жувонмарг (ф) – еш ўлмоқлик.

<sup>7</sup> Банда (ф) – Аллоҳнинг қули. «Ихтиёрим Аллоҳ қўлида», деб биланиш.



Ўлгунча сир сенга ёр,  
 То бўлмайтин шарманда.  
 Бажарсанг бу тилакни,  
 Сенга инҳом пулу мол,  
 Йўқса тутмоқ кўп маҳол!  
 Эл оғзига элакни.  
 Жим қол, яша шод, қувноқ  
 Ё вақиллаб бўл вайрон,  
 Уйла: ўлик арслондан  
 Тирик сичқон яхшироқ!  
 Тугатди соҳиби тож,  
 Нима қилсин бечора,  
 Қўлида борми чора?  
 Кўниб қолди ноилож...  
 Ҳар кун, ҳар кун келарди,  
 Шу эди унинг иши,  
 Дунёда икки киши  
 Мудҳиш сирни биларди.  
 Сартарошнинг дилида.  
 Бу – бир дард, бу – юк эди,  
 Тоғлардан буюк эди –  
 Бу сирдан ҳам ваҳима.  
 Сарполар, сийму зарлар –  
 Сирни сақлаш баҳоси,  
 Лекин сирнинг жафоси –  
 Жаҳаннамдан<sup>2</sup> ҳам баттар,  
 Тўғрилиқ бир қуш каби  
 Уринади қафасда,  
 Эрк тилар ҳар нафасда  
 Кенг қир унинг талаби.  
 Ростни кўмсанг юракка,  
 Парчалаб чиқар яна,  
 Топиб бир кун баҳона,  
 Қовушажак у эрка.  
 Дилдаги сир қуш бўлди,  
 Уни пойлар кечалар,  
 Огоҳ турар кўчалар  
 Армони учиниш бўлди.  
 Бир тун шўрлик сартарош  
 Бир далага чиқипти,

Ҳар томонга боқипти,  
 Хилват экан тоғу тош.  
 Ҳатто кўкда юлдуз йўқ,  
 Мудрак тоғлар ухлайди,  
 Ўрмонлар сир сақлайди,  
 Инсу-жинсдан<sup>3</sup> ҳеч из йўқ.  
 Бор эди бунда бир чоҳ,  
 Қадим чоғдан ёдгор,  
 Утмиш, кекса асрлар  
 Карвонларга қўнимгоҳ.  
 Атрофларин ўт тутган.  
 Туби сувсиз ва қуруқ,  
 Шундай қадим бир қудуқ -  
 Ки, ажал<sup>4</sup> ҳам унутган.  
 Уста ўзин шодланиб,  
 Чоҳ лабига йиқипти.  
 Бошин чоҳга суқипти,  
 Дилида ҳасрат ёниб –  
 Чоҳга бир сўз айтипти:  
 – Войдод, дунёлар шоҳи  
 Искандарнинг бор шоҳи!  
 Сўнгра тинчиб қайтипти.  
 Кўрғон қараб чопипти,  
 Аста қочган номард, деб,  
 Ўчди дилдан бу дард, деб,  
 Кўнгли ором топибди.  
 Утиб кетмиш у чоғдан  
 Минг йилликлар қуш каби  
 Ўсмир кўрган туш каби  
 Кўп ўзгармиш осмон.  
 Юрт олишдан қутуриб  
 Довдираган ғолиб шоҳ  
 Қайтипти ғордан, эвоҳ,  
 Оби ҳайвон<sup>5</sup> қидириб.  
 Тўлиб умрининг хуми  
 Шароблардан, қонлардан,  
 Севгидан, тўфонлардан –  
 Ўтди Искандар Румий.  
 Кўз юмди у Бобилда,<sup>6</sup>  
 Сўнгги унинг шуқуҳи:

<sup>1</sup> Маҳол (а) – қийин, мушкул, бажариб бўлмайдиган иш.

<sup>2</sup> Жаҳаннам (а) – дўзах.

<sup>3</sup> Инсу-жинс (а) – барча жонлилар (инсон ва жинлар).

<sup>4</sup> Ажал (а) – ўлин пайти, мудлати.

<sup>5</sup> Оби ҳайвон (ф-а) – ифсонавий ҳаёт суви, тириклик суви.

<sup>6</sup> Бобил (а) – Ироқда қадим замонда машҳур бўлган шаҳар.



Йўқликка кўчди руҳи –  
 Номи қолди ҳар тилда.  
 Кун чиқарда дам-бадам  
 Атадилар Искандар,  
 Яна «Румий» дедилар  
 «Улуғ» деган лақаб ҳам.  
 Унинг бошқа отини  
 Эшитмаган насллар  
 Утиб кетмиш беҳабар,  
 Билмай асл зотини.  
 Топмайин мангу ҳаёт.  
 Уста ҳам бўпти вафот.  
 Ва лекин исмин, ҳайҳот –  
 Ҳеч қайси тил қилмас ёд.  
 Замонга бермиш барҳам  
 Устага сирдош бўлган,  
 Кечаси дарддош бўлган  
 У қадимги чоҳни ҳам.  
 Чоҳни босиб тупроқ кум  
 Бунда ўсган фаровзор.<sup>1</sup>  
 Қамишлар қатор-қатор  
 Гўёки лашкари Рум...  
 Бир кун ошиқ бир чўпон  
 Пода ҳайдаб, йўл босиб  
 (Шу экан тақдир – насиб!)  
 Қамишларга қизиққан.  
 Бир нозик ва сарвқомат  
 Қамишни ёқтирипти,  
 Пичоқ билан қирипти,

Най қилай, деб, ниҳоят,  
 Уни куйга мослапти,  
 Пардага кўзлар ўйиб,  
 Чийласин, деб тил қўйиб,  
 Хуллас, хўп най созлапти.  
 Найни лабга олипти,  
 Энди чалай деб ғазал,  
 Эшитсин дилдор гўзал,  
 Ҳайҳот, гаранг қолипти:  
 Босилганда панжаси  
 Найдаги пардаларга,  
 Зўр бериб ўпкаларга  
 Чиқмапти натижаси.  
 Фақат найдан бир овоз:  
 «Войдод, дунёлар шоҳи  
 Искандарнинг бор шоҳи!»  
 Ҳадеб қилипти парвоз...  
 Чўпон ҳайрон қолипти:  
 Искандар эмас хўкиз,  
 Негадир бошда мўғиз?!<sup>2</sup>  
 Гап ҳар ён тарқалипти.  
 Шундай хизмат қилиб най  
 Очилипти шоҳ сирин,  
 Лақабнинг яна бири  
 Тўқилипти кўп ўтмай.  
 Искандарни «Зулқарнайн»<sup>3</sup>  
 Ўша чоғдан ҳамма дер,  
 Яъники кўш<sup>4</sup> шоҳли эр:  
 «Искандар – Зулқарнайн».

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Искандар ким бўлган ва қаерда яшаган?
2. Искандар ўзидаги қандай сирни яшириб юради?
3. Искандарнинг сочини олган сартарошнинг қисмати қандай яқинларди?
4. Юртда қолган охириги сартарошнинг фаолиятини изоҳлаб беринг.
5. Искандар ўша сартарошга нималарни уқтиради?
6. Сартарошнинг сирни сақлаш жараёнидаги ҳаракатларини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг.
7. Сартарош ўзи билган сирини қандай ошкор қилди?
8. Чўпон ясаган найнинг Искандарнинг сиринга қандай дахли бор?
9. "Искандар Зулқарнайн" сўзининг маъносини асар воқеаларига таянган ҳолда изоҳланг.
10. Сиз сартарошнинг сирини сақлай олмаслигига қандай қарайсиз?

<sup>1</sup> Фаровзор (т) – қамишзор.

<sup>2</sup> Мўғиз (т) – шоҳ.

<sup>3</sup> Зулқарнайн (а) – икки шоҳли.

<sup>4</sup> Кўш (т) – икки, жуфт.



(1939 йил туғилган)



Турсунбой Адашбоев деган шоир ҳақида эшитганмисиз, шеърларини ўқиганмисиз? Ҳа, эшитгансиз, шеърларини ўқигансиз! 2-синфда Уш шаҳрининг ўртасидан оқиб ўтадиган Оқбура дарёсига бағишланган “Оқбура тўлқинлари”, 3-синфда қирғиз халқининг миллий бош кийими таърифига бағишланган “Оқ қалпоқ” шеърларини ўқиб, ёд олганингиз эсингизга тушгандир. Ҳа, баракалла! Марказий Осиёдаги ўзбек ва қирғиз болалари шеърларини севиб ўқийдиган бу шоир Сизнинг ватандошингиз бўлади. Чунки, Турсун-

бой бобонгиз 1939 йили Ўш вилоятининг Олабуқа<sup>1</sup> туманидаги машҳур Сафед Булон қишлоғида туғилган.

Ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат университети ҳамда Москвадаги Горький номи Жаҳон адабиёти институтида таҳсил олди.

У университетни тамомлагач, турли вазифаларда ишлади.

Унинг «Камолнинг олмаси» деб номланган биринчи китоби 1967 йилда талабалик чоғидаёқ нашр этилган.

Т. Адашбоев ўзбек ва қирғиз тилларида ижод қилади. Шоирнинг «Биз саёҳатчилар», «Ала тоолук боломун», «Арслонбоб шаршараси», «Сурнай», «Нур дарё», «Гулдаста», «Олатоғ-лолатоғ», «Оқбура тўлқинлари», «Совға», «Сичқоннинг орзуси» каби тўпламлари болаларнинг сеvimли китобларига айланиб кетган. Бу китоблар ичида қизиқарли адабий афсоналар ҳам мавжуд.

## Тулпоркўл афсонаси

Олабуқа қишлоғидан  
Ўн чақирим нарида,  
Чотқол тизма тоғларининг  
Этагида – барида  
Булутларга манзил бўлиб  
Тулпор<sup>2</sup> кўли жойлашган.

Булбул, майна баҳор ва ёз,  
Уни макон айлашган.  
Баландлиги ер сатҳидан  
Минг қулочча юқори.  
Кўрган кўзни қамаштирар  
Салобати, виқори.

<sup>1</sup> Олабуқа ёки Олабуга (т) – ҳозирда Жалолобод вилоятига қарашли туман.

<sup>2</sup> Тулпор (т) – афсонавий қаноғли от.





Қизил, сариқ ва тимқора  
Уч хил лола ўсади.  
Чор тарафин арчазор  
Киприк мисол тўсади.  
Ушбу эртак момолардан  
Мерос бўлиб қолгандир.  
Тулпоркўлнинг афсонаси  
Эс-хушимни олгандир.  
Эмиш бир чол Чотқол ёқдан  
Овул томон келаркан,  
Айтиб билган қўшиғини,  
Байталида<sup>1</sup> еларкан.  
Тулпоркўлга дуч келибди,  
Айни пешин чоғида.  
Уловига<sup>2</sup> дам берибди,  
Ям-яшил қирғоғида.  
Майса узра чакмонини  
Аста ёзиб ташлабди.  
Кун ботарга юзланиб чол  
Намоз ўқий бошлабди.  
Шу пайт кўлнинг ўртасидан  
Олтин ёлли от чиқиб,  
Кўзни очиб-юмгунчайини,  
Соҳил томон бот чиқиб,  
Кўкка сапчиб пишқирдида,  
Кўзи ёниб, шайланиб,  
Бўз байталнинг атрофидан  
Ўтди уч бор айланиб.  
Кишноғига тоғу-тошлар  
Садо берди узмасдан.  
Чўпон эса беғам, бефарқ  
Ибодатин бузмасдан –  
Туриб боқса дулдул<sup>3</sup> айғир<sup>4</sup>  
Шўнғиди кўл қатига.  
Калимасин<sup>5</sup> айтиб бобо

Қамчи босди отига.  
Қуилар бир-бир ўтаверди,  
Ўн икки бор ой туғди.  
Баҳор чоғи тўриқ байтал  
Олтин ёлли той туғди.  
Бу ҳодиса тез орада  
Овул бўйлаб тарқалди.  
Қўшибчатди кўрганлар ҳам,  
Газак олди, фарқ олди.  
Чол ҳангу манг, кампир эса  
Уни қистаб қўймади.  
Яна битта қулун<sup>6</sup> олиш  
Чорасини ўйлади.  
Тўғри келди кампиршонинг  
Тонгда очган фоли ҳам,  
Тараддудга тушиб қолди  
Унинг қайсар чоли ҳам.  
Мол-дунёга ҳирсин қўйган,  
Режасидан қайтарми,  
Эгар уриб йўлга созлар,  
Силаб-сийпаб байтални.  
Тулпоркўлга жўнаб қолди,  
Ўзга йўлга қайрилмай.  
Олтин ёлли тойчоқ чопар  
Онасидан айрилмай.  
Авжи пешин, атроф сокин  
Кўлда ошуфта<sup>7</sup> ҳолат.  
Ёзди шошиб чакмонини  
Олиб-олмай таҳорат.  
Чол шунчаки, номи учун  
Намоз ўқиб ўтирар.  
Олтин ёлли от ташвиши  
Юрагини ўпирар.  
Тоғу-тошлар янграб кетди  
Шу маҳал шовқинмасдан.

<sup>1</sup> Байтал (т) – урғочи от.

<sup>2</sup> Улов (т) – миниладиган ҳайвон – эшак, ҳачир, от, туя, фил, кўтос, ҳўкиз, велосипед, мотоцикл, машина.

<sup>3</sup> Дулдул (а) – афсонавий учар от; Ҳазрати Алдинин ҳачири.

<sup>4</sup> Айғир (т) – эркак от; бу ерда учар эркак от.

<sup>5</sup> Калима (а) – Қуръон ояти: «Та шиаҳа иллолоҳу Муҳаммадур расулulloҳ», сўз нутқ.

<sup>6</sup> Қулун (т) – отнинг боласи, тойчоқ.

<sup>7</sup> Ошуфта (ф) – паршон, тўнган, тарқоқ.



Айғир тўғри ўтиб бориб  
Байтални айланмасдан,  
Тўнғирчоқлаб ўқтин-ўқтин  
Депсиниб кишнаганча,  
Олтин ёлли қулунни у  
Елкадан тишлаганча,  
Кўл остига кириб кетди  
Икки дулдул бир бўлиб.

Чол овулга қайтди ночор  
Ҳафсаласи пир бўлиб.  
Бу бир чўпчак, чўнг<sup>1</sup> момо-  
дан  
Бизларга мерос қолган.  
Тулпоркўлнинг афсонаси,  
Балки рост, балки ёлғон...

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Афсонада Тулпоркўл манзараси қандай тасвирланган?
2. Чотқоллик чолнинг бошидан кечирганларини сўзлаб беринг.
3. Олтин ёлли тойнинг туғилишини изоҳланг.
4. Чолкампирнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?
5. Олтин ёлли тулпор нима учун қулунни сув остига олиб кетди?
6. Чолни овулга қандай ҳолатда қайтганлигини сўзлаб беринг.
7. Афсонада тасвирланган воқеага муносабатингиз қандай?
8. Ушбу афсона мазмуни билан Сиз бошланғич мактабда ўқиган А.С. Пушкиннинг "Олтин балиқ..." адабий эртаги мазмуни орасида қандай яқинлик бор?
9. "Очкўзликнинг оқибати" мавзусида уй иншоси ёзинг.

---

<sup>1</sup>Чўнг (т) – катта, ёши улуғ, кекса, қари, узоқ яшаган.



## АРСЛОН РАСУЛ

(1962 йил туғилган)



Ўш шаҳрининг Мажнунтол маҳалласидаги кекса-ю ёш Меҳринисо холани бирдек эъзозлаб, ҳурмат қилишарди. Бу хушмуомала, меҳнаткаш аёл турмуш ўртоғидан барвақт айрилган бўлса-да, оиласини ўз меҳнати билан боқар, фарзандини бошқалардан кам бўлмаслиги учун тиришарди. Чунки у эрининг касби нонвойликни мукаммал ўзлаштирган эди. Хола икки қиз, бир ўғил фарзанд кўрган бўлиб, қизлари дардга чалиниб, дунёдан эрта кўз юмган, ёлғизгина ўғлига суяниб кун кечирар эди. Фарзандини бир

қўл билан тарбиялаб, вояга етказди. Ёшлар маҳалласидаги косиблар оиласидан келин туширди. Тез орада икки қиз набирали бўлди. Лекин Меҳринисо холанинг қалбини бир армон беаёв кемирар эди. У ёлғиз ўғлининг зурриёди-ўғли бўлишини яратгандан уззу-кун илтижо қиларди.

Қиш кунларининг бирида келини Улфатхон онасига ажойиб туш кўрганини айтиб берди. Эмишки, юзидан нур ёғилиб турган кампир унинг қўлига юзи оппоқ, кўзи мунчоқдек ўғил болани тутқазиб, бу сенинг арслонинг дермиш...

Туши ўнгидан келиб, 1962 йилнинг 6 январида келинининг кўзи ёриб, оила ўғиллик бўлди. Меҳринисо хола Аллоҳга беадад шукроналар айтди. Чақалоқнинг қулоғига тушдаги исми билан азон айтилибди. Оиладаги бу шодлик узоққа чўзилмабди. Арслонбек тўрт ёшга қадам кўйган чоғида отаси Турғунбой ака оғир хасталикдан сўнг вафот этибди. Улфатхоннинг кенжа ўғли энди қирқ кунлик бўлган экан. Ёш Арслонга онасининг турмуш икир-чикирлари билан куйиб-пишиши қаттиқ таъсир қилар, тезроқ онасининг ёнига кириб, ёрдам беришни истарди. Тиришқоқлиги боис боғчада ўтказилган тадбирларда берилган шеърларни, нафақат ўзиникинигина эмас, балки барча ўртоқларига берилган шеърларни ҳам ёдлаб оларди.

Арслонбек 1969 йилда Ўш шаҳридаги М. Горький номли мактабга ўқишга борди. Адабиёт ўқитувчиси Муҳаббат онадан шеър ёзиш йўлларини ўрганди. У тўққизинчи синфда ўқиб юрган пайтидаёқ "Ленин йўли" вилоят газетасидаги "Илҳом" ижодкорлар клубига аъзо бўлди. Турсунбой Адашбоев, Усмон Темур, Муҳаммадсоли Исмоилов, Қосимжон Раҳмиевдек



шоирлар билан яқиндан мулоқотда бўлди. Шу рўзномада илк шеър босилиб чиқди. Шоир Усмон Темур Арслондаги болаларга хос қувноқлик ва иқтидорни илғаб унга ўзлигини англаб етишида кўмаклашди.

Мактабни аъло баҳоларга битиришига қарамай, олий ўқув юртига ўқишга боролмади, Ўш насос заводига ишга кирди. У ерда чилангарлик<sup>1</sup> касбини эгаллади. У онасига меҳрибон фарзанд қатори рўзгор юкини бироз бўлса ҳам, енгиллатишни ўз вазифаси, деб билди. Ишлаш давомида Арслон Расул бадий ижоддан бир нафас ҳам чалғигани йўқ. Шоир Андижон вилояти ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Камалак” клубида ҳам иштирок этган. Клубда у Олимжон Холдордек адиб билан танишди, сабоқ олди.

Арслон Расул болалар учун шеър ёзишдек ўта машаққатли ишни яхшигина уддалаб келаётганига ҳам ўттиз йилдан ошибди. 2000 йилда шоирнинг илк китоби “Сулаймон тоғ афсонаси” шеърый тўплами нашрдан чиқди. Ўнлаб эртаклар, юздан ортиқ қувноқ шеърлар муаллифи, юртдошимиз Арслон Расул (Мамарасулов) бугунги кунда Жалолобод шаҳрида болалар учун энг яхши асарлар яратиш иштиёқида яшайбди. Қуйида шоирнинг “Сулаймон тоғ афсонаси” шеърый эртагини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### Сулаймон тоғ афсонаси

Бор экан-у йўқ экан,  
Оч экан-у тўқ экан.  
Навқирон Уш шаҳримиз  
Фақат эзгу иш билан  
Кун кўраркан шодумон.  
Сулаймон деб ном берган  
Экан унга худойим.  
Содиқ хизмат қиларкан  
Тангрисига у доим.  
Барча жонзот тилини  
Билар экан Сулаймон.  
Жониворларга ҳокимлик  
Қилар экан Сулаймон.  
Барчасига бу инсон  
Одил ҳукм этаркан.

Кимки қилса ёвузлик,  
Ўз бошига етаркан.  
Бу ҳол юҳо девларга  
Ёқмас экан асти ҳам,  
Ёсуманнинг<sup>2</sup> бор экан  
Сулаймонда қасди ҳам.  
Ғоят қора бир тунда  
Ёвуз кучлар бирлашди.  
Мажлис қилиб яширин,  
Режа тузиб сирлашди.  
Сўз бошлади фитначи  
Тўдага бош Қирондев.  
Янгиликни кутишди,  
Фиринг демай бирон дев.  
– Зулм қилиб Сулаймон,

<sup>1</sup> Чилангар – темир эритувчи.

<sup>2</sup> Ёсуман (ф) – жасмин, хуш исли оқ ва сариқ тусли гул; Бу ерда «ёвуз кампир» маъносиди.



Эркимизни хорлади.  
 Унга атаб Ёсуман  
 Бир дори тайёрлади.  
 Бу кечада Ёсуман  
 Айланади Сичқонга.  
 Яшаш бўлур ортиқча,  
 Ўша сувни ичганга!  
 Кўкда танҳо ой ҳоким,  
 Кечлик қилар Сулаймон.  
 Кириб келар шу асно  
 Хонасига бир Сичқон.  
 Таклиф қилар аста у  
 Меҳмонни дастурхонга.  
 Ўз овқатин тутади  
 Дори солган Сичқонга.  
 Сичқон қўли қалтираб,  
 Овқат ерга тўкилар.  
 – Ҳазрат, кечинг қонимдан!  
 Деб у етти букилар.  
 – Сизга кеча яширин  
 Қилган эдик хиёнат, –  
 Деб тундаги фитнадан  
 Сичқон берар баёнот.  
 Хукмдор жим тинглади  
 Ёсуманининг сўзини.  
 Сўнг девларга йўллади  
 Элчи қилиб ўзини.  
 Тўкиб кўздан ёшини,  
 Сичқон юрди қирма-қир.  
 Қуйи эгиб бошини  
 Девлар келди бирма-бир.  
 “Тақсир, бизни кечиринг”  
 Деб девлар кўз ёшлади.  
 Ҳазабин босиб андак  
 Сулаймон сўз бошлади:  
 – Бу фитна мангуликка  
 Ибрат бўлиб қолади!  
 Оллоҳ берган умрин  
 Керак чоғда олади.  
 Кечиримни, меҳрин  
 Сиз Тангридан кутингиз.  
 Энди қўллар жазоим

Недир? – қулоқ тутингиз:  
 Шу кундан эътиборан  
 Қўл тегмас бош қашишга,  
 Қилинасиз сафарбар  
 Соилардан тош ташишга!  
 Қилмай зарра<sup>1</sup> ёвузлик,  
 Тош кўтариб юрасиз.  
 Ўш шаҳрининг тўрига  
 Буюк бир тоғ қурасиз.  
 Ёсуман энди мангу  
 Сичқон бўлиб ўтади!  
 Ёлғиз олий фармон бу,  
 Ҳамма ижро этади!  
 Таланишиб, шарҳлашиб  
 Девлар қилган ишини,  
 Бари сойга йўл олар,  
 Тишга қўйиб тишини.  
 Кунлар ўтди сафланиб,  
 Ишлар кетди юришиб.  
 Қилишарди тоғ барпо  
 Девлар мудом тиришиб.  
 Чикиб олар тахтига,  
 Кузатарди Сулаймон.  
 Қанийди эл бахтига  
 Юрса яна соғ-омон  
 Тугаб борар кун, суви,  
 Бунга яққол сезарди.  
 Тоғнинг битмай қолиши  
 Юрагини эзарди.  
 Девлар ишга тутиниб,  
 Тугаганди қонхўрлик.  
 Бу маҳвода йўқ эди  
 Жаҳолату ҳам зўрлик.  
 Аммо умр охирлаб,  
 Ажал аста бўйларди.  
 Бехосдан жон олишин  
 Ел сингари сўйларди.  
 Ким билар яшаш қадрин,  
 Эрк қадрин ким туйди?  
 Деб хукмдор ҳассасин  
 Зўр қояга суйди.  
 Салласин ўраб унга.

<sup>1</sup> Зарра (а) – энг майда бўлик, оғзини, кичкина.



Чопонини ёпти сўнг.  
Энди жоним ол дея  
Оллоҳга юз бурди ўнг.  
Бу ҳолдан жами девлар  
Бўлишмади хабардор,  
Неча йилки ковакда,  
Яшар эди Сичқон хор.  
Чиқа олмай ташқари  
Алам ичра юрарди,  
Ҳукмдорнинг ўлимин  
У кузатиб турарди.  
Бориб айтди девларга,  
Ишонмади ҳеч бири.  
Ишлашарди ҳассага

Ташлаганча кўз қирин.  
Сичқон аста ҳассанинг  
Тагин ковлай бошлади.  
Роса бир ой уриниб,  
Сўнг йўмириб ташлади.  
Девлар қочиб қолишди,  
Боши оққан ёкларга,  
Улар яратган бу тоғ  
Ном ёйди узоқларга,  
Аталди Сулаймонтоғ,  
Атрофи элга тўлди,  
Ўша тоғу шаҳарга,  
Қаранг, уч минг йил бўлди.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Сулаймон алайҳиссалом қандай фазилатларга эга эканлигини айтинг.
2. Ёвуз кучлар нега Сулаймон алайҳиссаломдан норози эдилар?
3. Қирондев бошлиқ девлар қандай фитна тайёрлашди?
4. Сичқонга айланган Ёсуманнинг заҳарни нега Сулаймон алайҳиссалом косасига сололмай тўкиб юборганини изоҳланг.
5. Сулаймон алайҳиссалом девларга ва Ёсуманга қандай жазо берди?
6. Умри тугаб бораётган Сулаймон алайҳиссалом Ўш шаҳри тўридаги тоғнинг қуриб битказилиши учун қандай чора қўллади?
7. Сулаймонтоғ устига чиқиб Ўш шаҳрини томоша қилганмисиз? Тоғ ва шаҳар ҳақидаги таассуротларингизни айтиб беринг.
8. Узоқ ва яқин тарихда Ўшдаги Сулаймон тоғига қандай улуғ инсонлар ташриф буюрганини биласизми? Билмасангиз, билишга уриниб кўринг.



# ЭПИК АСАРЛАР

## Масал ҳақида

Бадий асарлар шакл жиҳатидан жуда хилма-хил бўлади, шунинг учун уларни алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратиб ўрганиш лозим. Бадий асарларнинг энг йирик гуруҳлари адабий тур дейилади. Адабий турнинг ички кичик шакллари эса адабий жанрлар деб юритилади. Сиз I чоракда халқ оғзаки ижодига мансуб эртак, мақол, топишмоқ, афсона каби жанрлар билан танишдингиз. Энди ёзма адабиётдаги адабий тур ва жанрлар билан танишасиз.

Бундан 2350 йил олдин, яъни эрамыздан<sup>1</sup> олдинги 384-322 йилларда яшаб ўтган юнон олими Аристотель (Шарқда Арасту номи билан машҳур) бадий адабиётни уч йирик турга ажратади. Булар: эпос, лирика ва драматир. Аввало, эпос ҳақида.

Воқеаларни ҳикоя қилишга асосланган бадий асарлар гуруҳи эпос ёки эпик тур деб аталади.

Эпос юнонча сўз бўлиб, ҳикоя, ривоя демакдир. Эпик асарда бирор воқеа ёки воқеалар занжири ифода қилинган бўлади. Сиз ўқиган «Уч оға-ини ботирлар», «Гулиқаҳқаҳ», «Ойгул билан Бахтиёр», «Шохдор Она Буғи ҳақида эртак», «Булбул», «Нон ва тилла» каби эртаклар, «Широқ», «Тумарис», «Манас», «Тулпоркўл афсонаси», «Сулаймон тоғ афсонаси», «Искандар Зулқарнайн», «Сартарош ва чўпон» каби афсоналар эпосга, яъни эпик турга мансуб асарлардир.

Эпик турга кирувчи адабий асарлардан яна бири масалдир.

Масал арабча «намуна» деган маънони билдиради. Масал таълимий ахлоқий, тарбиявий характердаги кичик ҳажмли шеърӣ ёхуд насрий асардир. Уларда одамларга хос айрим нуқсонлар, турмушдаги камчиликлар мажозий<sup>2</sup> образлар воситасида танқид қилинади. Мажозий образларга ҳайвонлар, паррандалар, қушлар, турли жониворлар, табиат ҳодисалари киради. Уларнинг қилган ишлари, ўзаро муносабатлари, гап-сўзлари одамларга намунадир. Масалан, масал ва айрим эртаклардаги тулки – айёр кишиларга, бўри – очкўз, зўравон, чаён – ёвуз, илон – маккор, тўти – гапдон одамларга нисбатан киноя сифатида қўлланади.

Мажозий образларни қўллашда ҳар бир халқнинг ўзига хос рамзий аънаналарига амал қилинади. Кўпгина халқларда шер – ҳокимлик, тулки – айёрлик, эшак – гўллик, қорамол – фаросатсизлик рамзидир.

<sup>1</sup> Эра (р-и) – йил ҳисоби.

<sup>2</sup> Мажоз (а) – сўзнинг кўчма маънода ишлатилиши.



Аммо шундай ҳайвонлар ҳам борки, улар турли халқларда турли маънони билдиради. Жумладан, қўй русларда фаросатсизлик рамзи ҳисобланса, ўзбекларда ювошлик тимсолидир.

Қуйи синфларда кўп масаллар ўқигансиз. «Филлар ва қуёнлар», «Сичқон, қурбақа ва қарға», «Қарға ила Зағизгон» эпик турнинг масал жанрига мансубдир.

Масалларда кўпинча қиссадан ҳисса чиқарилади, яъни масал сўнгида таълимий-ахлоқий мазмундаги хулоса-фикр айтилади. Масалан, «Сичқон, қурбақа ва қарға» масалида «Ёмон ва нодон билан дўстлашган одамнинг қисмати ана шундай бўлади» деган хулоса чиқарилган.

Масалнинг масал-эртак, масал-ҳикоят каби турлари мавжуд. Масал оғзаки ва ёзма адабиётда муҳим ўрин тутади. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий, Гулханий, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Ямин Қурбон, Сами Абдуқаҳҳор, Анвар Обиджон каби шоирлар масал жанрининг ажойиб намуналарини яратдилар. Мумтоз адабиётимизда қушлар ва ҳайвонлар иштирок этадиган кичик шеърий ва насрий асарлар ҳикоят деб ҳам аталган. Иштирокчилари мажозий маънога эга бундай ҳикоятлар ҳозир масал (русча: басня) деб аталади.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Эпик тур ҳақида нималар биласиз?
2. Масал жанрининг ўзига хос хусусиятларини изоҳланг.
3. Масалда ахлоқий таълимий тушунчалар қандай ифодаланади?
4. Мажозий образ деганда нимани тушунасиз?
5. Бошланғич синфларда қандай масаллар билан танишгансиз?
6. Масал жанрида ижод қилган қайси ёзувчиларни биласиз?





# АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441- 1501)



Умумтуркий адабиётнинг чўккиси – Алишер Навоий ижоди. Биз улуғ бобомиз асарлари билан, унинг номи билан ҳақли равишда фахрланамиз. Сиз бобомиз номини кўп эшитгансиз, шеърларини ўқигансиз, шеърларидан намуналар ёд олгансиз, ҳикоятларининг, масалларининг мазмуни билан танишсиз. Биз йилдан-йилга Алишер Навоий ижодини ўрганишни чуқурлаштириб, кенгайтириб бораверамиз. Сиз тайёرمىсиз? Жуда яхши!

Ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий 1441

йилнинг 9 февралда Ҳирот (Афғонистон) шаҳрининг Боғи Давлатхона деган ерида туғилган.

Алишер болалигиданоқ ўткир зеҳни, фаҳм-фаросати билан ўз тенгдошлари орасида алоҳида ажралиб турарди. У тўрт-беш ёшлигиданоқ шеърятга меҳр қўяди. Чунки Алишерлар хонадонида шеърят мухлислари, таниқли шоирлар тез-тез йиғилишиб, шеърхонликлар бўлиб турар эди. Қолаверса, ёш Алишернинг тарбиясида ўз замонасининг истеъдодли шоирлари бўлмиш тоғалари Мир Саид ва Муҳаммад Али Кобулийларнинг таъсири катта бўлган.

Алишер мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Фаридиддин Аттор асарларини қунт билан ўқиди ва улардан илҳом олди. У ўн беш ёшларидан бошлаб "Навоий" тахаллуси билан ижод қила бошлади.

Алишер Навоийдан улкан бадий ва илмий мерос қолди. У ilk бор туркий тилда беш дostonни ўз ичига қамраб олувчи "Хамса"ни, жаҳон шеърятининг гултожи ҳисобланмиш 4 девондан иборат "Хазойинулмаоний" ("Маънолар хазинаси") тўпламини ва кўплаб насрий асарларини яратди.

"Хамса"нинг биринчи дostonи "Ҳайрат-ул аброр" ("Яхши кишиларнинг ҳайрати") дostonи бўлиб, унда жуда кўп ҳикоятлар ва масаллар берилган. 3-синфда Сиз ўқиган "Бир кабутар ҳикояси" ана шу дostonдан олинган эди. Қуйида яна шу дostonдан ёлғончиликни қораловчи, ёлғоннинг, алдамчиликнинг охири ёмон, фожiali бўлиши мумкинлигини



кўрсатувчи масални эътиборингизга ҳавола қиламиз. Ўқиб,  
мулоҳаза қилинг.

## «Шер билан Дуррож»<sup>1</sup>

(Дуррожнинг ёлғонни чин ўрнига айтуридин ҳодиса домига  
тушғонида, чин сўзин шер ёлғон соғиниб, фарёдиға етмағони  
ва ани бало домидан халос этмағони)

Бор эди бир бешада<sup>2</sup> бир тунд<sup>3</sup> шер,  
Ваҳшат аро кўк асадидек<sup>4</sup> далир.<sup>5</sup>

Чун бўлур эрди болалаб завқнок,  
Мўр<sup>6</sup> боласин қилур эрди ҳалок.

Тишлабон ул мояи пайвандини,<sup>7</sup>  
Оғзида асрар эди фарзандини.

Бор эди Дурроже ўшул бешада,  
Шери жаён<sup>8</sup> ваҳмидан андешада.

Шерки тишлаб боласин дамбадам,  
Бешада ҳар ён қўяр эрди қадам.

Етгач анинг боши уза ногаҳон.  
Фир эта учса эди ул нотавон,

Ваҳм ила сесканмак эди Шер иши,  
Ўлтурур эрди боласиға тиши.

Тиш била айлаб боласи ёрасин,  
Ёра этиб ўз жигари порасин.

Дойим анга бу ғам аро ғам эди,  
Ғам неки, мотам уза мотам эди.

<sup>1</sup> Дуррож (а) – қирғовул, какликнинг ўхшаши.

<sup>2</sup> Беша (ф) – тўқай, ўрмон, жой.

<sup>3</sup> Тунд (ф) – ғазабкор, шиддатли, ваҳшатли.

<sup>4</sup> Асад (а) – шер, кўёш буржларидан 5-бурж номи.

<sup>5</sup> Далир (ф) – жасур, ботир, юракли.

<sup>6</sup> Мўр (ф) – қумурсқа, чумоли

<sup>7</sup> Мояи пайванд (ф) – бола, фарзанд, наслнинг давомчиси.

<sup>8</sup> Шери жаён (ф) – ғазабнок шер, даҳшатли шер.



Кўнгли бу ишдин бўлуб озорлиқ,  
Бошлади Дуррож била ёрлиқ.<sup>1</sup>

Дедики мендин санга йўқ қасду кийн,<sup>2</sup>  
Эмин<sup>3</sup> ўлу бил мени доғи амин.<sup>4</sup>

Ваҳми қўй, ҳамдаму ҳамрозим<sup>5</sup> ўл,  
Айшу тараб<sup>6</sup> вақти навосозим ўл.

Мен доғи лаҳнинг<sup>7</sup> эшитиб шод ўлай,  
Нағманг ила қайғудин озод ўлай.

Шарт буким етса газанде<sup>8</sup> санга,  
Солса фалак хийласи банде<sup>9</sup> санга,

Лутф<sup>10</sup> қўлин ҳолингга ҳамдаст этай,  
Хасми<sup>11</sup> бир панжа била паст этай.

Кўргузуб ихлос ишида ихтисос,  
Сени адув домидин<sup>12</sup> айлай халос.

Шер кўп афсун била чун қилди жаҳд,  
Сидқ<sup>13</sup> ила Дуррож доғи қилди аҳд.

Андоқ аро ерда аён бўлди меҳр  
Ким ҳасад элтур эди андин сипеҳр.<sup>14</sup>

Қайдаки ором тутуб шарза Шер,<sup>15</sup>  
Гирдида Дуррож учубон далир.

<sup>1</sup> Ёрлиқ (т) – дўстлик; амр, фармон.

<sup>2</sup> Қасду кийн (ф) – душманлик нияти.

<sup>3</sup> Эмин (а) – эркин, озод.

<sup>4</sup> Амин (а) – сақловчи, асровчи, амонатли.

<sup>5</sup> Ҳамдаму ҳамрозим (ф) – дўсту сирдошим.

<sup>6</sup> Айшу тараб (а) – хши, хурсандлик, ширин турмуш.

<sup>7</sup> Лаҳнинг (а) – сайрашнинг, куйлашнинг.

<sup>8</sup> Газанде (ф) – зиён-заҳмат етказувчи, бало, офат, душман.

<sup>9</sup> Банде (ф) – тузоқ, кишан.

<sup>10</sup> Лутф (а) – марҳамат, яхши муомила, яхшилик.

<sup>11</sup> Хасм (а) – душман, рақиб.

<sup>12</sup> Адув домидин (а) – душман тузоғи.

<sup>13</sup> Сидқ (а) – тўғрилик, садоқат, поклик, роҳтлик.

<sup>14</sup> Сипеҳр (ф) – осмон, фалак.

<sup>15</sup> Шарза шер (ф) – ғазабнок шер.



Бошига парвоз ила гардиш намой,<sup>1</sup>  
Уйлаки султон боши узра хумой.<sup>2</sup>

Шер эшитиб анинг илҳонини,<sup>3</sup>  
Фаҳм қилиб савтида<sup>4</sup> ёлғонини.

Дер эди, ёлғон демаким шум эрур,  
Кизб<sup>5</sup> туз эл<sup>6</sup> оллида мазмум<sup>7</sup> эрур.

Панд эшитмас эди Дуррожи маст,  
Кизбдин этмас эди афғонни<sup>8</sup> паст.

Бир кун анинг қасдига бир сайдгар,<sup>9</sup>  
Ҳодиса домин ёйиб эрди магар.

Дона била сув сари қилғоч хиром,  
Тортти сайёд анинг устига дом.

Қичқирибон дом аро ул мубтало,  
Неча деди, тот мени туттило.

Шер қулоғига етиб ул мақол,  
Савтини дойимғидек этти хаёл,

Қўп эшитиб эрди бу ёлғонини,  
Уйла гумон этти чин афғонини.

Ҳар нечаким рост фиғон айлади,  
Сидқини ҳам кизб гумон айлади.

Махласига<sup>10</sup> айламади илтифот,  
Токи анга мунқатиҳ<sup>11</sup> ўлди ҳаёт.

<sup>1</sup> Гардиш намой (ф) – айланиб учувчи, чамбараксимон, доирасимон.

<sup>2</sup> Хумой (ф) – афсонавий бахт қуши.

<sup>3</sup> Илҳонини (а) – ёқимли сайраш; Бу ерда: ёлғондан қичқириб ёрдамга чақирини.

<sup>4</sup> Савти (а) – овози, шовқини.

<sup>5</sup> Кизб (а) – ёлғон, алдов.

<sup>6</sup> Туз Эл (т) – ростғўй, тўғрисўз одамлар.

<sup>7</sup> Мазмум (а) – нафратли, ёмон.

<sup>8</sup> Афғон (ф) – фарёд чекмоқ, нола қилмоқ; халқ номи.

<sup>9</sup> Сайдгар (а-ф) – овчи.

<sup>10</sup> Махласи (а) – қутилиш, халос бўлиш.

<sup>11</sup> Мунқатиҳ (а) – узилган, кесилган.



Ҳар кишиким ростни бехост<sup>1</sup> дер,  
Айтса ёлғон доғи эл рост дер.

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,  
Рост наво нағмаға таҳсин дегил.

Соқий,<sup>2</sup> олиб кел қадаҳи дилпазир,<sup>3</sup>  
Айла мени журҳасидин<sup>4</sup> шергир.<sup>5</sup>

Базмнинг асбобини қилғил насақ,<sup>6</sup>  
Ҳозир этиб сиху кабобу табақ.

## Мазмуни

Бир ўрмонда зўр Шер ва Дуррож яшар эди. Шер ҳар йили бола кўрар ва бундан жуда хурсанд бўларди. Бироқ қурт-қумурсқалар шер боласини чақиб ўлдириб қўйишарди. Шунинг учун у боласини бирор жойга қўйишга ишонмай, доимо тишлаб олиб юарди. Дуррож эса Шернинг ҳайбатидан қўрқар эди.

Бир куни Шер ўрмон ичида боласини тишлаб юар эди. Дуррож пар этиб, Шернинг ёнидан учиб ўтди. Шер чўчиб, қўрққанидан боласини қаттиқ тишлаб, уни яралади. У бу ҳолга жуда ҳам ачинди. Дуррож ҳар гал шерни шундай чўчитар эди. Ниҳоят, Шер Дуррож билан дўстлашмоқчи бўлди. Шер Дуррожга қараб: «Сен хотиржам бўл, мен сенга мутлақо зарар етказмайман, душманлик қилмайман, шунинг учун мендан ваҳимага тушма, бир-биримизга ҳамдам бўлиб, шу ўрмонда тинчгина яшайлик. Сен ёқимли ашулалар куйлаб, кўнглимни хурсанд қил, сенинг чиройли овозингни эшитиб шодланай, қайғуларимни унутай. Бирор кимса сенга қасд қилса, мен ҳамма вақт ёрдам берай», – деди. Дуррож ҳам Шернинг сўзини маъқул кўрди ва шу ўрмонда ҳар иккови дўстона яшай бошлади.

Кунлардан бир куни Дуррож: «Мен тузоққа тушдим», – деб Шерни алдади. Шер унинг алдаганини кўриб: «Мени алдамагин, ёлғончидан эл нафратланади», – деса ҳам, Дуррож қулоқ солмас, ёлғончиликни, алдашни қўймас эди.

<sup>1</sup> Бехост – кутилмаганда, беихтиёр, бехосдан.

<sup>2</sup> Соқий (ф) – май қуювчи, шароб тарқатувчи.

<sup>3</sup> Дилпазир (ф) – кўшикда ёқувчи.

<sup>4</sup> Журҳа (а) – бир қултум ичимлик.

<sup>5</sup> Шергир (ф) – шер овловчи, жасур, ботир.

<sup>6</sup> Насақ (а) – тартиб, интизом, ҳозирламоқ, тайёрламоқ.



Бир куни бир овчи Дуррожнинг қасдига тушиб, уни тутиб олмоқчи бўлиб, тузоқ қўйди. У тузоққа дон сепди. Дуррож тузоққа илдинди ва: «Мени тутиб олдилар», – деб қаттиқ қичқирди. Дуррожнинг овози Шернинг қулоғига етди. Аммо Шер «Бу гал ҳам Дуррож мени алдаяпти», – деб уни қутқаришга бормади. Дуррож бўлса ўзининг ёлғончилигидан овчининг тузоғига илдинди.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Масални ўқиб чиқингиз. У Сизга ёқдимми?
2. Нима учун Шер Дуррож билан дўстлашмоқчи бўлди?
3. Дуррож Шерни қандай алдади? У Шернинг танбеҳларига қулоқ солдими?
4. Дуррожнинг фалокатга йўлиқиши сабабларини изоҳланг.
5. Ёлғончиликнинг оқибатлари нималарга олиб келиши мумкин?
6. Масал ғояси нимадан иборат?
7. Масалдаги воқеага ўхшаш асарларни эсланг ва таққосланг.
8. "Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил, Рост наво-нағмаға таҳсин дегил..." байтини изоҳланг.
9. "Ростгўйлик – улугъ фазилат" мавзусида уй иншоси ёзинг.



Масалчи бобонгиз Муҳаммад Шариф Гулханий XVIII асрнинг 2-ярми ва XIX асрнинг бошларида Қўқонда яшади. Шоирнинг отаси асли қоратегинлик (ҳозир Тожикистон ҳудудида) бўлиб, Қўқон хони лашкарлари таркибида юзбошилиқ лавозимида хизмат қилган.

Муҳаммад Шариф ёшлигидан шеърятга ҳавас қўйди. Ўзининг қизиққангомалари, масаллари билан давраларни, дўстлар суҳбатини қизитгани учун бўлса керак, ўзига “Гулханий” деган тахаллус олган. “Гулханий” – ўт, олов ёқувчи маъносини билдиради. Ўзининг нозик диди, ростгўйлиги, шеърятдаги юксак истеъдоди туфайли Қўқон шоирлари орасида танилди.

Гулханий ўзбек ва тожик тилларида ижод қилиб, ажойиб ғазаллар яратди. Шоир қалами билан йирик эпик асар – “Зарбулмасал”нинг яратилиши адабиётимиз тарихининг муҳим ютуқларидан бири бўлди. “Зарбулмасал” сўзи икки хил маънога эга. Биринчиси, “мақоллар мажмуаси, йиғиндиси” маъносидир. Чунки “масал” сўзи мақол маъносида ҳам ишлатилади. Муаллиф ҳикоясида, асар қаҳрамонлари нутқида жуда кўп халқ мақоллари ишлатилади. Шунга кўра асар мақоллар мажмуаси – “Зарбулмасал” деб номланган бўлиши мумкин. Иккинчиси, масаллар, яъни масал-ҳикоятлар мажмуаси маъносидирки, асарда қаҳрамонлар томонидан бир нечта масал-ҳикоятлар айтилади. Масалан, “Маймун билан Нажжор”<sup>1</sup>, “Туя билан Бўталоқ”, “Тошбақа билан Чаён” каби масал-ҳикоятлар берилган бўлиб, улар таълимий характерга эга мустақил асарлардир. Қуйида эътиборингизга “Тошбақа билан Чаён” масалини ҳавола қиламиз.

## Тошбақа билан Чаён

... Навозанда<sup>2</sup> айдик: “...Сафарда рафиқ<sup>3</sup> керак... Яхши рафиқ бирла сафар қилсанг, саодат топарсан ва ёмон рафиқ бирла шақоват. <sup>4</sup>Далилдур: нечукким, Сангпушт<sup>5</sup> бирла Чаён ҳамроҳ бўлгондек”.

Анда Бозанда<sup>6</sup> айти: “Қандоқ эрди. Сўзлагил!”

Навозанда айти: “Андоғ эшитганим борки, Сангпушт Ироқдин Ҳижоз сари борур эрди. Йўл узасида ночор бир

<sup>1</sup> Нажжор (а) – дурадгор.

<sup>2</sup> Навозанда (ф) – куйловчи, куй чалувчи; Бу ерда кабутар номи.

<sup>3</sup> Рафиқ (ф) – дўст, ҳамроҳ, бирозар.

<sup>4</sup> Шақоват (а) – ёмонлик, ярамаслик, азоб-укубат.

<sup>5</sup> Сангпушт (ф) – тошбақа.

<sup>6</sup> Бозанда (ф) – ўйинчи; Бу ерда кабутар номи.



Чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамроҳ бўлдилар. Аммо Сангпушт бағоят фаросатли эрди. То баҳаддики кўп сафарларда юриб, кўп тажрибалар ҳосил қилган эрди. Аммо Чаёнга инон-ихтиёрин бериб, бодиялар<sup>1</sup> қатҳ этуб, манозил<sup>2</sup> ва мароҳил<sup>3</sup> тай қилиб юрур эрди. Ушал аснода ногоҳ бир наҳри азимга<sup>4</sup> дучор бўлдилар. Андин ўтмак иложини топмадилар. Тафаккур ёғочи анга кўприк бўлурга ожиз ва тадбир қамиши сол бўлурга нојиздир. Охирулҳамр, Сангпушт мурод ҳадафи га<sup>5</sup> макрун<sup>6</sup> бўлуб, шиноварлик<sup>7</sup> бирла муддао истиғдосининг соҳилига ўзини олди.

Ғоз ва ўрдакдек силкунуб турди. Ногоҳ орқасиға боқти, кўрдик, йўлдоши йўлда ҳорғон... найзасини кифтига тик ушлаб юқориқуйи юрубдур. Сангпушт айдики: "Эй биродар, сабаб надурки, буён ўтмайси?"

Чаён айди: "Кўз ёшича сув бўлса, бизга маъзур тутунг". Сангпушт кўнглида айдики: "Йўлдош бўлмоқ шарти бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсам унча хўб эмас. Авло улдурки, ўтқариб қўйсам. Қадимий яхшилар масалидурким, "Яхшилиқ қил – сувга сол, сув билур, сув билмаса, балиқ билур, балиқ билмаса, холик билур".

Алқисса, Сангпушт чўлғочини<sup>8</sup> қўлиға олиб, оз ҳаракат бирла ўзини нажот соҳилига олди. Айди: "Эй биродар, сени дарёдин ўтқарғали ўғрадим. Менинг устимға мин. Бежо ҳаракат қилмаки, ўз жонингга жабр қилурсан."

Анда Чаён айди: "Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур", деб Сангпуштнинг орқасиға минди. Дарёға тушуб оқдилар. Замондин сўнг Чаён тебрана берди. Сангпушт айди: "Бу бежо ҳаракатдан муддаонг надур?" Чаён айди: "Букун майдонингни васиҳ<sup>10</sup> топдим. Бурунги яхшилар: "Эшак ўюни қирқ йилда", – дебдурлар. Букун пўлод найзамни якжирма<sup>11</sup> қалқонингга озмойиш<sup>12</sup> қилай дерман".

Сангпушт айди: "Сенинг бу хор сифат найзайи бемажолинг менинг бу якжирма қалқонимга нима кор қилсин?"

<sup>1</sup> Бодия (а) – сахро, чўл.

<sup>2</sup> Манозил (а) – манзиллар.

<sup>3</sup> Мароҳил (а) – йўллар.

<sup>4</sup> Наҳри азим (а) – катта дарё, катта ариқ.

<sup>5</sup> Халиф (а) – иншон.

<sup>6</sup> Макрун (а) – етинган, яқин.

<sup>7</sup> Шиновар (ф) – сузувчилик.

<sup>8</sup> Истиғдох (а) – илтимос, сураш, утиниш.

<sup>9</sup> Чўлғоч (т) – сузғич, элкак маҳносида.

<sup>10</sup> Васиҳ (а) – кенг, ёйиқ.

<sup>11</sup> Якжирма (ф) – яқинг, мустаҳкам маҳносида.

<sup>12</sup> Озмойиш (ф) – йўналтириш, синанг, тажриба қилиш.





Анда Чаён айди: "Билганинг йўқмуким, ақрабнинг<sup>1</sup> муддао-си ниш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадур, хоҳ душман орқасина".

Сангпушт айди: "Яхшилардин бир масал қолибдурким: "Ишонмагил дўстингга, сомон тикар пўстингга", "Ошнангдин топ" дегандек, дўстим, сув узра хасдек юрмоқ токай. Бу баҳри амиқ<sup>2</sup> жавоҳирларин тамошо қилмоқ керак", деб гаввослардек бир гўта<sup>3</sup> урдиким, ул жавоҳир термоқда ва чаён жон бермоқда қолди.

## Мазмуни

Навозанда айтди-ки: "...Сафарда ҳамроҳ керак. Яхши ҳамроҳ билан сафар қилсанг, бахт топасан, ёмон ҳамроҳ билан ёмонлиг. Бунга далил шуки: Тошбақа билан Чаён ҳамроҳ бўлганидек".

Шунда Бозанда айтди: "У қандай воқеа эди, сўзлагин".

Навозанда айтди: Шундай эшитганим борки, бир Тошбақа Ироқдан Ҳижоз сари борар эди. Йўл ёқасида ночор бир Чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдан ҳамроҳ бўлдилар. Тошбақа бағоят фаросатли эди, чунки кўп сафарларда юриб, тажриба орттирган эди. Аммо Чаёнга инон-ихтиёрини бериб, саҳролардан ўтиб, кўп манзиллар ва йўллар юрди. Йўлда ногоҳ катта дарёга дучор бўлдилар. Дарёдан ўтишнинг иложини топмадилар. Тафаккур ёғочи дарёга кўприк бўлишга ожиз ва тадбир қамиши сол бўлишга иложсиздир. Охири Тошбақа муродига етишиш учун сузувчилардек ўзини сувга отди ва нариги соҳилга чиқди. Ногоҳ орқасига қараб, йўлдошининг найзасини кифтига тик ушлаганча у ёқ бу ёққа юриб турганини кўрди.

Тошбақа сўради: «Эй биродар, нима сабабдан бу ёққа ўтмайси?»

Чаён жавоб берди: «Кўз ёши миқдорича сув бўлса ҳам узр, мен ўтолмайман». Тошбақа кўнглидан ўтказди: «Йўлдош бўлиш шарт бундай эмас, кичкина сабаб туфайли ҳамроҳлик қондасини бузсам, яхши бўлмас. Яхшисин, ҳамроҳимни сувдан ўтказиб қўяй. Қадимги яхшилар масали бор: «Яхшилик қил – сувга сол, сув билар, сув билмаса, балиқ билар, балиқ билмаса, Холиқ билар».

Шундан сўнг Тошбақа аввалги соҳилга қайтиб Чаёнга шундай деди: «Эй биродар, сени дарёдан ўтказиб қўйгани қайтдим. Менинг устимга мин. Бежо ҳаракат қилма-ки, ўз жонингга жабр қиласан».

<sup>1</sup> Ақраб (а) – чаён.

<sup>2</sup> Баҳри амиқ (а) – чуқур денгиз.

<sup>3</sup> Гўта (а) – шўнғиш; гўта урмоқ – шўнғимоқ маъносиди.



Чаён деди: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билади», деб Тошбақанинг устига минди. Дарёга гушиб суздилар. Бир пайт Чаён тебрана бошлади. Тошбақа сўради: «Бу бежо ҳаракатдан мақсадинг нима?». Чаён жавоб берди: «Бугун ўз ниятимни амалга ошириш учун имкон топдим». Бурунги яхшилар: «Эшак ўйини қирқ йилда», – деганлар. Бугун пўлат найзамни қалқонингга санчай дерман».

Тошбақа айтди:

Сенинг бу нозик найзанг менинг бу мустаҳкам қалқонимга қандай таъсир қилсин?

Шунда Чаён деди: «Билмаганмисан, Чаённинг мақсади хоҳ дўст кўксига, хоҳ душман орқасига бўлсин найза урмоқдир».

Тошбақа деди: Яхшилардан бир мақол қолибдики: «Ишонмагил дўстингга, сомон тикар пўстингга». «Ошнангдан топ» дегандек, дўстим, қачонгача сув устида хасдек юрамиз? Бу дарё, денгиз жавоҳирларини тамошо қилмоқ керак, деб ғаввослардек бир шўнғиди, Тошбақа жавоҳир терди, Чаён эса жон берди.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Навозанда Бозандага қандай масал айтиб берди? Масал Сизга ёқдими?
2. Тошбақа сафарда нимага ҳамроҳ бўлди? Бу истакми ё ноиложлик?
3. Нима учун Тошбақа Чаённи дарёдан ўтказиб қўймоқчи бўлди?
4. Тошбақа устида кетаётган Чаённинг бежо ҳаракатини тушунтиринг.
5. Чаённинг Тошбақага муносабатини қандай баҳолайсиз?
6. Чаён ҳалокатининг сабаби нимада?
7. Тошбақа билан Чаённинг "дўстлашуви"га қандай қарайсиз?
8. "Ёмоннинг жазоси" мавзусида уй иншоси ёзинг.

## АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

(1878-1934)



Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг Мерганча маҳалласида тўқувчи оиласида туғилди.

Абдулла Авлоний мактаб ва мадрасаларда таҳсил олди. Мадрасадаги таҳсил Абдулланинг илмга бўлган иштиёқини ҳар жиҳатдан оширди.

Абдулла Авлоний ўз даврининг етук маърифатпарвар шоири эди. У – бир қатор дарсликлар муаллифи.

Авлоний “Мактаб”, “Ёлғончи чўпон”, “Тулки ила Қарға” каби асарларида илм маърифатни улуғлайди, жаҳолат, ёлғончилик, фирибгарликни қоралайди.

Фикр агар яхши тарбият топса,  
Ханжар, олмосдан бўлур ўткир... –

деб ёзади шоир.

Абдулла Авлоний маориф ва маданият, санъат ва матбуот соҳаларида баракали ижод қилган фидойилардан бири эди.

### Тулки ила Қарға

Бир куни оч қолиб эди Тулки,  
Очлигиндан толиб эди Тулки.  
Неча хил ҳийлаларни ўйлар эди,  
Очлигин ўз-ўзига сўйлар эди.  
Ҳеч киши етмас эди додига,  
Бир қизиқ ҳийла тушди ёдига.  
Бир чинорда бор эди Лаклак ини,  
Учта ёш боласи бор эрди ани.  
Тулки қурди у доми газвирин,<sup>1</sup>  
Ишлатур бўлди ҳийла тадбирин.  
Олди арра тешасини кўтариб,  
Кесмоқ учун чинор тубига бориб.  
Лаклакка айди: – Эй, узун бўйлуқ!

<sup>1</sup> Доми газвир (ф-а) – ҳийла тузони, алданч, фириб беринч.



Бизни ерда бўлурмисен ўйлуқ?  
 Бу дарахт, ер мерос менга отадан,  
 Ўзга жойида ин қўюб ётасан.  
 Кет бу ердан бўлак ера ин сол,  
 Мен кесарман чинорими алҳол.<sup>1</sup>  
 Лаклак айди: – Биродар жоним,  
 Бузуб уйимни, қилмағил гирён,<sup>2</sup>  
 Уйи йиққанлар бўлур хонавайрон.  
 Марҳамат қил бу ёш гўдақларима,  
 Монех<sup>3</sup> ўлма бутун тилақларима.  
 Бир боламни берай, ебон тўйғил,  
 Хонавайрон қилмай, тинч қўйғил.  
 Бир боласини Тулкига отди,  
 Бўлди маънос қайғуга ботди.  
 Тулки қорнини тўйғазуб кетди,  
 Ҳийла бирлан муродига етди.  
 Қарға воқиф<sup>4</sup> эди бу ишлардан,  
 Лаклакка ўргатай, деди бир фан:  
 – Ҳўб узундур бўйингу ақлинг оз,  
 Қишга йўқ тоқатинг тиларсан ёз.  
 Тулкининг корими<sup>5</sup> ўтин кесмоқ,  
 Шунга ҳам етмас ақлинг, эй аҳмоқ.  
 Йўқға бир бола айладинг қурбон,  
 Бефаросат, тушунчасиз, нодон.  
 Қарғанинг сўзлари қилиб таъсир.  
 Билди – тулки сўзлари экан тадбир.  
 Эртаси келди ҳийлагар Тулки,  
 Тамаҳи<sup>6</sup> қўзғалиб чу<sup>7</sup> аввалги.  
 Яна ости чинорига етди,  
 Кет, дебон Лаклакка хитоб этди.  
 Лаклак айди: – Йўқол, аё хоин!  
 Ишлат, ҳийлангни, сен билуб жойин.  
 Қарғанинг панд берганин<sup>8</sup> билди,  
 Очлик бағрини яна тилди.  
 Ҳийласин Қарға сарига бурди,  
 Қарғани тутмоға тузоғ қурди.

<sup>1</sup> Алҳол (а) – ҳозирок, энди.

<sup>2</sup> Гирён (ф) – йиғловчи, йиғлаб турган.

<sup>3</sup> Монех (а) – қарши, тўсиқ бўлувчи, ён.

<sup>4</sup> Воқиф (а) – хабардор, билувчи.

<sup>5</sup> Кор (ф) – иш

<sup>6</sup> Тамаҳи (а) – нафс орзуси, очкўзлик.

<sup>7</sup> Чу (т) – каби, ўхшаш, чулки.

<sup>8</sup> Панд бермоқ (ф-т) – насихат қилмоқ, ўғит бермоқ; Бу ерда – алдамоқ маъносиди.



Бир баланд ерда ётди ўлгандек,  
 Кўзларин юмди мурда бўлгандек,  
 Қарға Тулкини ўлук гумон айлаб,  
 Қўнди бошининг устига пойлаб.  
 Чўқмоқчи бўлуб эди кўзини,  
 Хийлагар Тулки тишлади ўзини.  
 Доди-фарёдига назар солмай,  
 Қарғани Тулки бошлади ямлай.  
 Қарға чиндан ўларини билди,  
 Буда бир яхши хийлани қилди.  
 Тулкига: – Эй, биродаржоним!  
 Сенга бўлсин ҳалол эту қоним.  
 Бу байтни ўқиб, егил гўштим,  
 Бу васиятни сенга мен қўштим:  
 “Беватан, бегўру кафан<sup>1</sup> Қарға  
 Лаклакка яхшилик эдан<sup>2</sup> Қарға!”  
 Тулки бу байтни ўқимоқ учун  
 Шавқ ила йиғди жонда бор кучин:  
 “Беватан, бегўру кафан Қарға  
 Лаклакка яхшилик эдан Қарға!”  
 Тулки “Қарға” деганда оғзини очиб,  
 Ўқ каби Қарға чиқди-кетди қочиб.  
 Тулки ҳайронда қолди ақли шошуб,  
 Бўлди ҳижрон<sup>3</sup> бўғумлари бўшашуб.  
 Хийлада меңдан ўтди Қарға дебон.  
 Укунуб, хўрсунуб еди пушмон.  
 Қарға мақсад-муродига етди,  
 Хийлагар тулки оч қолуб кетди.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Тулки Лаклак олдига нима мақсадда борди ва қандай дағдаға қилди?
2. Нима учун Лаклак Тулкига боласини беришга мажбур бўлди?
3. Қарға Лаклакка қандай йўл кўрсатди?
4. Лаклак образига муносабатингиз қандай?
5. Тулкининг юзсизлиги ва айёрлигини мисоллар орқали изоҳланг.
6. Қарға образи орқали қандай инсонлар характери кўрсатилган?
7. Масални ролларга бўлиб ўқинг.
8. Адиб “Тулки ила Қарға” масали орқали нима демоқчи?
9. Масал мазмунини эслатувчи бошқа бадиий асарларни эслашга ҳарикат қилинг.

<sup>1</sup> Кафан (а) – ўликни ўрайдиған мато, оғ сурп ёки доқа.

<sup>2</sup> Эдан (т) – қилган, этган.

<sup>3</sup> Ҳижрон (а) – айрилиқ, ажралниш.



# ИВАН АНДРЕЕВИЧ КРИЛОВ

(1769-1844)



Санкт-Петербург шахрига улур рус ёзувчиси И. А. Криловнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг ҳайкали қурилган. Чунки, Крилов ижодига халқнинг муҳаббати чексиз.

Крилов қизиқарли масаллар яратди. Бу масалларни болалар ҳам, катталар ҳам севиб ўқийдилар. Китобхон масалдаги қаҳрамонларнинг хулқ-атворидан маза қилиб кулади, баъзан эса қаттиқ қайғуради.

Унинг масалларида ақллилик, ботирлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби кишиларлик,

нинг юксак фазилатлари инсоннинг маккорлик, ҳийлагарлик, зўравонлик, нодонлик, кўрқоқлик каби салбий хислатларидан ҳамма вақт юқори туради.

Крилов масаллари ҳозирги давримизга қадар ўз қимматини йўқотган эмас.

## Бўри билан қўзичоқ

«Ёғочнинг бўшини қурт ёйди доим»,  
Тарихда мисоллар жуда кўп бунга.  
Тарих тўғрисида қолайликда жим.  
Эртак сўзлайлик: қулоқ бер шунга.

Ёзнинг иссиқ бир куннда  
Қўзи борди сув ичгали.  
Ўз жонига қасд қилгандан  
Хабари йўқ унинг ҳали.  
Ўша жойда оч Бўрининг  
Юрганини билмайди у.  
Қўзичоқни кўрар-кўрмас,  
Бўри чолиб қоладику!  
Ўз қасдини қонунга ҳам  
Бир оз тўғриламоқ бўлиб,  
Қичқиради қўзичоққа  
Икки кўзи қонга тўлиб:  
– Сен ифлосни биламан ман.  
Тумшуғингни сувга тиқиб,

Тоза сувни булғатасан!  
Сув юзига қолар чиқиб  
Тагидаги ҳамма лойлар.  
Тоза бир сув ичолмайман  
Бу ариқдан йиллар, ойлар.  
Тутиб олиб бир ямлайман!  
Қўзи деди: Эй, ҳурматли,  
Арзимни бир тингласалар,  
Менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ,  
Менга ғазаб қилмасалар.  
Юз қадамча пастдаман ман  
Жанобингиз ичган жойдан,  
Менинг асло хабарим йўқ  
Сув бетига чиққан лойдан!



– Демак, менинг гапим ёлгон?  
 Бу гуноҳинг ундан ёмон!  
 Дунёда йўқ бундай бўҳтон!  
 Шошма, ҳали сен оқпадар,<sup>1</sup>  
 Уч йил бурун жуда дағал  
 Бир гап қилиб эдинг менга!  
 Кўрсатаман энди сенга!  
 – Ўтган йили туғилдимку!  
 – Ундай бўлса акангдир у.  
 – На акам бор, на укам бор...  
 – Гап тўқима, эй бадкирдор!<sup>2</sup>  
 Уруғингдир, аймоғингдир?<sup>3</sup>  
 Бирон оғзи маймоғингдир?  
 Улардан ҳам тонасанми?  
 Бу осонми? Бу осонми?  
 Сиз ҳаммангиз бир бўласиз!  
 Доим менга қасд қиласиз!  
 Ҳамманг менга бир дардисар,<sup>4</sup>  
 Ҳаммасига сен жавобгар!  
 – Тақсир, менинг айбим нима?  
 – Жим тур энди, кўп гапирма!  
 Суриштириб ўтиришга вақтим борми?  
 Қорин очса, овқат бўлса – танланарми?  
 Айбинг шуки, учраб қолдинг қорним очганда! –  
 Шундай қилиб Қўзичоқни еди ўрмонда.

*Савол ва топшириқлар:*

1. “Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим...” гапини қандай маъноларда тушуниш мумкин?
2. Қўзичоқ билан Бўри қаерда учрашиб қолишди?
3. Бўри Қўзичоққа нима мақсадда туҳмат қилди?
4. Жанжал вақтида Қўзичоқ қандай аҳволга тушади?
5. Бўрининг беорлиги, уятсизлиги аке эттирилган мисраларни топиб ўқинг.
6. Бўри Қўзичоқни нимада “айблади”?
7. Қўзичоқнинг аянчли тақдирига қандай қарайсиз?
8. Масални ролларга бўлиб ўқинг.
9. Масалдаги воқелик асосида расм чизишга ҳаракат қилинг.

<sup>1</sup> Оқпадар (т-ф) – отаси лаҳнатлаган, воз кечини.

<sup>2</sup> Бадкирдор (ф) – ёмон ниятли, ёмон иш қилувчи.

<sup>3</sup> Аймоқ (т) – уруғ, қабила.

<sup>4</sup> Дардисар (ф) – бош оғриғи; Бу ерда: «менга ёмонлик қилувчи маъносинда.»



# ЛИРИКА

## Шеърӣ нутқ ҳақида

Биз бадий адабиётнинг уч йирик адабий турдан иборат эканлигини билиб олдик. Лирика ана шу адабий турлардан биридир.

“Лирика” юнонча сўз бўлиб, “лира жўрлигида куйлаш” деган маънони билдиради. “Лира” – мусиқа асбобининг номи. Демак, лирика, яъни лирик асарлар оҳангдорлик, мусиқийлик билан боғлиқдир.

Лирика нимани ифода этади? Унинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?

Лирика бирор воқеа ҳодиса таъсирида инсон қалбида туғилган руҳий кечинмани, фикр ва туйғуларни ифода этади.

Бадий асар, одатда, насрий ёки шеърӣ шаклда яратилади. Шунга кўра бадий нутқ икки хил бўлади:

1. Насрий (сочма) нутқ;
2. Шеърӣ (тизма) нутқ.

Эпик асарлар ҳам насрий, ҳам шеърӣ йўлда яратилаверади, бироқ лирика, яъни лирик асарлар, асосан, шеърӣ йўлда ёзилади.

Насрий нутқ одатдаги гаплардан иборат бўлади. Одатдаги гаплар эса бирор ўлчовга солинмайди, яъни гаплар таркибидаги сўзларнинг сони жиҳатдан бир-бирига тенг, мутаносиб бўлиши шарт эмас.

Шеърӣ нутқнинг насрий нутқдан фарқи шундаки, шеърӣ нутқ вазли, оҳангли, қофияли бўлади. Шеърӣ нутқ таркибидаги гаплар қаторларга, яъни мисраларга бўлинади. Бир қатор бир мисра дейилади. Мисралардаги бўғинлар сонининг бир-бирига тенг бўлиши ёки мутаносиб такрорланиши вази дейилади.

Масалан:

Болалик кунларимда, 7 бўғин  
Уйқусиз тунларимда, 7 бўғин  
Кўп эртақ эшитгандим 7 бўғин  
Сўйлаб берарди бувим. 7 бўғин

(Ҳамид Олимжон)

Ушбу мисралардаги бўғинлар сонининг тенглиги оҳангдорликни, мусиқийликни ҳосил қилмоқда.





Мисралардаги оҳангдош сўзлар ва бўғинлар қофия дейилади. "Кунларимда" билан "тунларимда" сўзлари, "эшитгандим" билан "бувим" сўзларидаги "-дим" ва "-вим" бўғинлари оҳангдош бўлгани учун қофия саналади. Қофия ҳам шеърий нутқ мусиқийлигини оширади.

Лирика деганда биз, энг аввало, шеърни тушунамиз. Шеърни эса шоирлар, яъни шоирлик истеъдодига эга бўлган одамларгина тўқишлари мумкин. Шоирлар атрофда рўй бераётган воқеаҳодисаларга нисбатан муносабатларини, ички ҳис-туйғуларини, қувонч ёки қайғуларини, меҳр-муҳаббат ёки нафратларини, руҳий ҳаяжонларини бадиий образлар орқали шеърий нутқ шаклида ифодалайдилар. Ўз таассуротларини баён қилиш учун сўзларни шоирона истеъдод билан танлайдилар. Шеърий нутқ сифатлаш, ўхшатиш, истиора, жонлантириш, муболаға ва бошқа шулар каби тасвирий воситаларсиз жуда ғариб, таъсирсиз бўлиб қолади. Шоир маҳорати ана шу тасвир воситаларидан усталик билан фойдаланишида ҳам кўринади. Демак, тасвирий воситалар шеърга кийгизилган чиройли либосдир.

Лирик тур рубоий, қўшиқ, ғазал, мураббаҳ, мухаммас, мусаддас, қитға, туюқ каби жанрларга ажратилади. Шеър ҳозирги лириканинг кенг тарқалган шаклидир.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Лирика ҳақида қандай тушунчага эга бўлдингиз?
2. Шеърий нутқ насрий нутқдан қандай фарқ қилади?
3. Шеърий нутқда қандай тасвир воситалари ишлатилади?
4. Лирик турнинг қандай жанрларини, шаклларини биласиз? Уларга мисоллар келтира оласизми?

# ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

(1889-1929)



Эсингиздами, 2-синфда “Тўғри сўз бола” шеърий ҳикоясини, 3-синфда “Мевалар можароси” шеърини ўқиган эдингиз. Улар кимнинг қаламига мансуб эди? Тўппа-тўғри. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий шоир бобонгизнинг қаламига мансуб эди. Марҳамат, шоир бобонгиз ҳаёти ва ижодий-маърифий фаолияти ҳақидаги баъзи маълумотларни билиб олинг.

Ҳамза 1889 йилнинг 7 мартида Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди. Ҳамза мактаб ва мадрасаларда ўқиб араб, форс, турк, рус тилларини мукаммал ўрганди. У ёшлигиданоқ ижод қилишга қизиқа бошлади. Халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини доимий равишда ўрганиб борди.

Шунингдек, Ҳамза маърифатчи сифатида ўзи мактаблар очди. Мазкур мактаблар учун “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” каби дарсликлар яратди.

Ҳамзанинг болалар учун ёзилган “Тўғри сўз бола”, “Китоб”, “Ҳикмат”, “Ўқи”, “Тошбақа билан Чаён” номли асарларида илм маърифат, китобга бўлган муносабат, ҳурфикрлилик, илмни қадрлаш, дўстликни улуғлаш, ростгўйлик ва ҳалоллик каби инсоний фазилатлар улуғланади. Ҳамза, айниқса, илм олиш масаласига алоҳида эътибор қаратади:

Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,

Нурларин олиб кўзга сурман Сулаймон қил...

Ҳамза Ҳақимзода эрк ва озодлик, тутқун Туркистон халқининг оғир аҳволи, уларнинг босқинчи Россия давлати ва маҳаллий амалдорлар зулми остида ёзилганлиги ҳақида ҳам кўплаб шеърлар, драматик асарлар ёзди. “Соғиниб”, “Салом айтинг” каби шеърларида мажбуран мардикорликка олинган туркистонлик йигитларнинг қайғу-ҳасратлари, Ватан соғинчи ўз ифодасини топгандир.



## Соғиниб

Қаттиқ тегма манга мунча, юз-бошим,  
Оқузма кўп ғамим узра кўз ёшим,  
Юрак-бағрим ўзи ҳадсиз<sup>1</sup> эзилган,  
Юрту ватан, элларимни соғиниб.

Олти ойдур тушдим мундоғ гурбатга,  
Суйганларим ташлаб бирдан фурқатга,  
Дилим қондур ширин ўғлон, қизларим,  
Муҳаббатлик дилбаримни соғиниб.

Рангим сомон янглиғ дард ила ғамдин,  
Жудолиғдан тушган ҳажру аламдин,  
Тоқатим йўқ эслаб чидаб турарға,  
Ака, сингил, жигаримни соғиниб.

Ўз юртимдан келдим қанча узоғлаб,  
Билолмасдин кимдин элим сўроғлаб,  
Кундан-кунга ортар дарду ҳасратим,  
Мунис<sup>2</sup> аҳли дардларимни соғиниб.

Тушса ногоҳ қайси бири ёдимга,  
Фалак титрар чин оҳ урсам додимга,  
Босолмасман кўнглум кетар дам-бадам,  
Қари ота, модаримни<sup>3</sup> соғиниб.

Юртимдаги эсга тушиб чорбоғлар,  
Жўраларим, жондан ортуқ ўртоқлар.  
Бутун ақлу ҳушсиз девона бўлғум.  
Ўйнаб юрган кунларимни соғиниб.

Алалхусус<sup>4</sup> тўй қилолмай ўғлоним,  
Кетарму деб юракда бу дармоним,  
Қўлим ишга бормас, кўзимдан ўтса,  
Ширин қизим – Раҳбаримни соғиниб.

Кўрмай ўсган эрдим қаттиқ меҳнатни,  
Фалак солди нетай шўйла<sup>5</sup> кулфатни,  
Узоқ ўйлаб тунлар кўзим юммасман,  
Фароғатлик тунларимни соғиниб.

<sup>1</sup> Ҳадсиз (а) – чексиз, жуда.

<sup>2</sup> Мунис (а) – дўст, ҳамдам.

<sup>3</sup> Модар (ф) – она.

<sup>4</sup> Алалхусус (а) – хусусан, айниқса, оқибатда.

<sup>5</sup> Шўйла (т) – шундай.



Кўнгли синуқ мусофирман, қақшатма,  
Бўлақларга мани асло ўхшатма,  
Дилим кўтар, хатлар ёзиб элимга,  
Ўқисинлар, дафтаримни соғиниб.

Қачон озод бўлур, тангрим, бошимиз,  
Ватан бориб қурур кўздин ёшимиз.  
Кўп қатори раҳм айлағил бу зора,  
Адо бўлдум элларимни соғиниб.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Шеър қандай воқеа муносабати билан ёзилган?
2. "Олти ойдуру тушдим мундоғ гурбатга" мисраларини изоҳланг.
3. Лирик қаҳрамоннинг кайфиятини шеърдаги мисралар асосида ҳикоя қилиб бериңг.
4. Қаҳрамоннинг қариндош уруғлари ва дўстларига бўлган муносабатини ифодаловчи мисраларни танлаб ўқинг ва изоҳланг.
5. Ватан соғинчи шоир томонидан қандай ифода этилган?
6. Ҳозирги даврда ҳам шеърда ифода этилган ҳодисаларни учратиш мумкинми? Сиз бунга қандай қарайсиз?

**Салом айтинг**  
(қисқартириб олинди)

\* \* \*

Оға, соғ борсангиз, аввал  
Дадамларга салом айтинг.  
Югуриб чиққан у мушфиқ<sup>1</sup>  
Онамларга салом айтинг.

Кўзи қон ҳамширам<sup>2</sup> бирлан,  
Акамларга салом айтинг,  
Ўпиб пешонасин менчун,  
Укамларга салом айтинг.  
Кўни-қўшни, кичик-катта,  
Оғамларга салом айтинг.

Илмсизлик биза охир,  
Кетурди бунча савдолар.  
Экан фармони олий шул,  
Биз эдик ўзга ғавғолар.<sup>3</sup>  
Эсак дониш<sup>4</sup> эли, ўлмас  
Эдик биз мунча расволар.  
Бу кунлар ибрат<sup>5</sup> ўлсун, эй,  
Ватан кетгувчи ҳамроҳлар.  
Илм таҳсилига<sup>6</sup> қилсун,  
Ҳамма ҳар дам, давом айтинг.

<sup>1</sup> Мушфиқ (а) - меҳрибон, шафқатли

<sup>2</sup> Ҳамшира (ф) - опа, сингил.

<sup>3</sup> Ғавғо (ф) - шовқин, тўполон; ғам-ташвиш.

<sup>4</sup> Дониш (ф) - билимли, билимдон, ўқимшли.

<sup>5</sup> Ибрат (а) - намуна, ўрнак бўладиган ҳаракат, воқеа.

<sup>6</sup> Таҳсил (а) - ўқини, билим олиш.



Ҳавас бас эмди, тарк этсун  
Ҳама тўю-тамошони.  
Базм, айшу тараб, бидҳат  
Каби беҳуда савдони.  
Ҳама якдил бўлуб тутсун  
Умури шарҳи мавлони,<sup>1</sup>  
Ўзи раҳм этмас ўлса гар  
Ҳақиқий сулҳ султони.  
Қарор олмасга ўхшайди,  
Ҳамон нокому<sup>2</sup> ком<sup>3</sup> айтинг.

\* \* \*

Биз ишлармиз арслондек,  
Бобомиз қаҳрамон ўтган.  
Суягимиз бу хил меҳнат,  
Машаққатлар билан қотган.  
Ва лекин ерли маҳмурлар,

Бизи қўрқувга ўргатган.  
Садоқатли бу хизматни,  
Биза бир бошқа кўрсатган.  
Бўлак кўп шубҳалик хавфу,  
Хатар, ўзга калом айтинг.

\* \* \*

Омон ўлсун бизи йиғлаб  
Бу ғурбатга узатганлар.  
Дуода бўлсалар тункун  
Ғами фурқатни тортганлар.  
Ўзуб тангрим насибини  
Йўналса мунда ётганлар,  
Қўрушса на ажаб бир кун  
Йўқолган ҳам йўқотганлар,  
Хайр эмди, етинг сиҳат,  
Бўлак йўқ муддаом, айтинг.

1916 й.

? *Савол ва тошшириқлар:*

1. Шеър кимнинг тилидан айтилган?
2. Мардикор йигитнинг ўз қариндошларига салом йўллаш тартибига эътибор беринг: қандай маъно сездингиз?
3. Лирик қаҳрамон нега мунча қайғули, армонли сўзлайди?
4. Йигитнинг бундай эркислик ҳолатига – тутқунга тушиб қолиш сабаблари нимада?
5. “Эсақ дониш<sup>4</sup> эли, ўлмас Эдик биз мунча расволар” мисраларини изоҳланг.
6. “Ва лекин ерли маҳмурлар, Бизи қўрқувга ўргатган” мисраларида лирик қаҳрамон нима демоқчи?
7. Мардикор йигит озодликни, адолатни кимдан умид қилади?
8. Шеърни ёд олинг ва ифодали ўқинг.

<sup>1</sup> Умури шарҳи мавлю (а) – Жаноб, яъни Аллоҳ буюрган шарият ишлари.

<sup>2</sup> Ноком (ф-а) – мақсадсиз, мақсадга етмаган.

<sup>3</sup> Ком (а) – мақсад, ният; оғиз танглай.

<sup>4</sup> Дониш (ф) – билимли, билимдон, ўқимшли.



# ФАФУР ФУЛОМ

(1903 – 1966)



Фафур Фулом 1903 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Унинг болалиги жуда қийинчилик билан ўтди. Отасидан эрта етим қолган Фафур Фулом оиланинг бутун ташвишини ўз зиммасига олади. Оғир шароитда ҳам Фафур Фулом билим олишга, бадиий адабиётни мустақил ўрганишга астойдил ҳаракат қилади. У мактабни тамомлаб, ўқитувчилик қила бошлайди, бадиий ижод билан шуғулланади.

Фафур Фулом, энг аввало, файласуф шоир сифатида машҳурдир. “Турксиб йўлларида”, “Соғиниш”,

“Кузатиш”, “Сен етим эмассан” каби шеърлари XX аср ўзбек шеърятининг дурдоналаридир.

Бундан ташқари, “Шум бола” қиссаси, “Китоб-офтоб”, “Яша, дейман ўғлим”, “Билиб қўйки, сени Ватан кутади”, “Олтин медаль” каби шеърлари болаларнинг сеvimли асарларига айланиб кетган.

## Сен етим эмассан

Сен етим эмассан,  
Тинчлан, жигарим,  
куёшдай меҳрибон  
Ватанинг – онанг,  
Заминдай вазмину<sup>1</sup>  
Меҳнаткаш, мушфиқ  
Истаган нарсангни  
тайёрлагувчи  
Халқ бор – отанг бор,  
Чўчима, жигарим.  
Ўз уйингдасан,  
Бу ерда

на гурбат,  
на офат,  
на ғам,

Бунда бор:

ҳарорат,  
муҳаббат,  
шафқат.

Ва меҳнат нонини  
Кўрамиз баҳам.  
Сен етим эмассан,  
Ухла, жигарим.  
Бу ерда музлаган  
Аждар ҳалқумли  
Ваҳшат тўпларининг  
Қаҳқақаси йўқ.  
Бу ерда – одамзод  
шаклида юрган  
лаънати девларнинг  
Манфур, юкумли  
Мараз намоиши

<sup>1</sup> Вазмин (ф) – оғир, босиқ.



Тополмас ҳуқуқ.  
Улуғ жанг кунидир,  
Жанги, беомон,  
Лашкар деган ахир  
Бехатар бўлмас,  
Отанг ўлган бўлса,  
Қайғурма, қўзим,  
Кўзим усти  
Миннатинг<sup>1</sup> бошимга дурра,  
Шу соғлом ҳавода  
Саломат-омон,  
Хўрсинмай, эркинлаб  
Ола бер нафас.  
Эй, улуғ наслимнинг  
Юраги, жони,  
Қипригингга илинмас  
Йиғидан зарра.  
Сен етим эмассан,  
Ухла, жигарим.  
Етимлик нимадир –  
Бизлардан сўра,  
Ўнинчи йилларнинг  
Саргардонлиги,  
Иситма аралаш  
Қўрқинч туш каби  
Ҳаёл кўзгусидан  
Ўчмайди сира,  
Мен етим ўтганман,  
Оҳ, у етимлик...  
Вой бечора жоним,  
Десам арзийди.  
Бошимни силашга  
Бир меҳрибон қўл,  
Бир оғиз ширин сўз  
Нондек арзанда.  
Мен одам эдимку,  
Инсон фарзанди...  
Сен етим эмассан,  
Ухла, жигарим.  
Кўзимга уйқунинг

Мудроқ овчиси  
Тўрин солмасдан,  
(Биринчи гудокка  
Икки соат бор) –  
Оталик ҳиссининг  
Бебаҳо, лазиз  
Тўлқинлари ичра  
Ғарқ бўлиб кетиб,  
Азиз бошинг устида  
Термулмакдаман  
Сен етим эмассан,  
Ухла жигарим.  
Нега чўчиб тушдинг?  
Мурғак тасаввур,  
Гўдак хаёлингга  
Нималар келди?  
Балки Одесс даҳшати,  
Керч фожиаси,  
Ёввойи маҳлуқлар,  
Қонхўр ваҳшийлар...  
Шўрлик онангнинг  
Пажмурда<sup>2</sup> гавдаси  
Кўзинг ўнгида  
Бутун даҳшатила  
Акс этар энди.  
Онанг хўрландими,  
Отанг ўлдими,  
Сен етим қолдингми,  
Қайғурма, қўзим,  
Кўзим усти  
Миннатинг бошимга дурра.  
Ота-онасининг  
Тайини ҳам йўқ,  
Сут кўр қилгур, ҳароми  
Гитлер оқпадар –  
Фарзанднинг қадрини  
Қаердан билсин?  
Бир қўнғиз мўйловли,  
Бароқ соч малҳун,<sup>3</sup>  
Жигар ранг бир мундир<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Миннат (а) – қилинган аҳшиликни юзига айтиш.

<sup>2</sup> Пажмурда (ф) – жонсиз, тизилган.

<sup>3</sup> Малҳун (а) – лаънати, лаънатланган.

<sup>4</sup> Мундир (р) – ҳарбий кийим; Бу ерда: Гитлер маъносига.



Истаги учун,  
 Наҳотки еримиз  
 Чапша айланиб,  
 Наҳотки дарёлар  
 Оқар тескари,  
 Наҳотки одамлар  
 Кезар дарбадар?!  
 Ахир, жуда яқин  
 Қонли интиқом.<sup>1</sup>  
 Алҳазар, алҳазар,  
 Кўпирар томирларда қон  
 Ва портлар ҳадемай  
 Бу ўтли вулқон.  
 Сен етим эмассан.  
 Ухла, жигарим.  
 Сен кулаётибсан,  
 Балки бу кулги  
 Сўнгги ойлар ичра  
 Биринчи чечак,  
 Лаҳли<sup>2</sup> лабингдаги  
 Фунча табассум,  
 Албат толеингга  
 Муҳр бўлади.  
 Ва бунда аке этар  
 Порлоқ келажак.

Тонг яқин, тонг яқин,  
 оппоқ тонг яқин.  
 Бир нафас ором ол,  
 Ухла, жигарим.  
 Оқ ойдин тонг олди  
 Ухламоқдасен.  
 Лабларинг шивирлар,  
 Изламоқдалар...  
 Балки бир эркалаш,  
 Бир она бўса.  
 Улуф оиланинг  
 Гўдак фарзанди  
 билиб қўй энди:  
 Сен тезда улғайиб,  
 Олам кезасан.  
 Манглайда порлаган  
 Толеинг – қуёш  
 Бутун ер юзини  
 Қилур мунаввар.<sup>3</sup>  
 Ҳақорат емрилур,  
 Зулм янчилур,  
 Жаҳонда бўлурмиз  
 Озод, музаффар,<sup>4</sup>  
 Сен етим эмассан,  
 Менинг жигарим!

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Шеърни ифодали ўқинг ва мазмунини тушутиринг. Шеърнинг ёзилиш тарихини биласизми?
2. Шеърдаги қайси мисраларда уруш фожиалари аке эттирилган? Топиб ўқинг.
3. Шоирнинг шеърдаги ўз ўтмишини элаган мисраларни топиб, қайта ўқинг ва бошқа бандлар билан қисланг.
4. Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги қандай асарларни ўқигансиз? Уларни шеър билан таққослаб айтиб бериңг.
5. Уруш йилларидаги етим болалар ҳаётини аке эттирган қандай кинофильмларни томоша қилгансиз?
6. Шоирнинг галабага ишончи ифодаланган мисраларни топиб изоҳланг.
7. Шеърдаги ўхшатишларни дафтарингизга кўчириб, остига чизинг. «Қуёшдай меҳрибон – Ватанинг онанг»... каби.
8. Шеърни ёд олинг.

<sup>1</sup> Интиқом (а) – қасос, ўч олиш.

<sup>2</sup> Лаҳл (а) – қизил рангли тош; Бу ерда қизил маъноснда.

<sup>3</sup> Мунаввар (а) – ёруғ, чароғон, нурли.

<sup>4</sup> Музаффар (а) – голиб, зафар кучган.





## ШАВКАТ РАҲМОН

(1950 – 1996)



Шавкат Раҳмон деган  
бир ўжар шоир,  
бир куни қайтадан яраладимиз?  
Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,  
сайладим сўзларнинг  
сараларини.

Ҳар бир сўз  
юз сўзнинг ўрнини босар –  
Ватан, Халқ, Жасорат, Кураш,  
Озодлик.

Ҳар бир сўз етажак юзта умримга,  
Ҳар бири бахш этар  
руҳимга шодлик...

Шавкат Раҳмон... Қирғизистонлик ўзбеклар учун бу ном нақадар азиз ва мўътабар эканлигини биласизми? Ҳа, XX аср ўзбек шеърлятида ўзига хос овози билан чуқур из қолдирган, ўз даври шеърлятига янгича руҳ – исёнкорлик руҳини олиб кира олган бу “ўжар” шоир Сиз билан бизнинг юртдошимиздир, ватандошимиздир ва биз У билан ҳақли равишда фахрланамиз. Афсуски, Шавкат Раҳмон жуда қисқа – 46 йил умр кўрди, холос.

Юртдошимиз Шавкат Раҳмон 1950 йилнинг 12 сентябрида Ўш вилоятининг Қорасув туманига қарашли Помир маҳалласида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, дастлаб, “Ленин йўли” (ҳозирги “Ўш садоси”) вилоят газетасида ишлади. Сўнг 1975 йилда Москвадаги Адабиёт институтини тугатди. Шеърлятга бўлган кучли интилиш уни ҳозирги ўзбек адабиётининг маркази бўлган Тошкент шаҳрига етаклади. У қизгин ижодга берилди.

1977 йили унинг биринчи шеърлар тўплами “Рангин лаҳзалар” номи билан босилиб чиқди ва ўзбек шеърляти осмонида яна бир янги шоир пайдо бўлганидан хабар берди. Шундан сўнг унинг “Юрак қирралари” (1981), “Очиқ кунлар” (1984), “Гулдаётган тош” (1985), “Уйғоқ тоғлар” (1986), “Ҳулво” (1988) каби тўпламлари нашр этилди.

XX аср испан шеърлятининг таниқли вакили Федерико Гарсиа Лорка ижодига қизиқиб қолган Шавкат Раҳмон Лорка шеърларини испан тилидан таржима қилиш учун қисқа муддат – 3 ой ичида испан тилини ўрганиб олганлиги кишини ҳайратга солади. У Лорка шеърларини таржима қилиб, “Энг қайғули шодлик” деган ном билан китоб шаклида нашр эттирди.



Шавкат Раҳмон оғир касаллик туфайли 1996 йилнинг 2 октябрида Тошкент шаҳрида вафот этди ва шу ерга дафн этилди.

Оташнафас ҳам миллатпарвар шоир юртдошимиз Шавкат Раҳмон ҳаётлик чоғида ўз қўли билан тузган шеърлар тўплами “Сайланма” номи билан босиб чиқарилди. Китобнинг биринчи саҳифасида қуйидаги сўзлар битилган: “Ўйлаймизки, вило китоби XX аср ўзбек шеърлятида, умуман, умумтуркий адабиётда чинакам ҳодиса бўлган ШОИР шахсияти ва унинг кўнгил кенгликларию юрак қирралари тўғрисида ўқувчиға тўла-тўкис тасаввур беради”.

Этиборингизға Шоирнинг Ватан соғинчи ифодаланган шеърларидан айримларини ҳавола қиламиз, азиз ўқувчим!

Қайтдим ёруғ юлдузларимға,  
Шуҳдаларға тўлди ҳар оним.  
Мени кўриб қўзғалиб кетди  
Адирларнинг сариқ карвони.

Борганимда ҳар сафар Ўшға,  
Аравонға, Новқат ёқларға,  
Энг аввало, назарим тушар  
Довруғи йўқ кичик тоғларға.

Туманларни кўпорар тоғлар,  
Гиёҳлар ҳам кўзин ёшлайди.  
Ўшнинг кўҳна қучоқларида  
Кўнглим яна ўса бошлайди.

Кичик тоғлар азал-азалдан  
Маълум бўлган кўп инсонларға,  
Неға ўсмай қолган бу тоғлар,  
Тенг келмаган Тиёншонларға?

Мажнунтоллар кўтарар бошин,  
Яна рақс тушар тераклар  
Ва хотиржам яшай бошлайди  
Мени узоқ кутган юраклар.

Бу юрт ёвға бўйинсулмаган,  
Тиланмаган ёвлар шафқатин.  
Балки тоғлар улўғвор ернинг  
Қотиб қолган кўҳна нафрати.

Ариқларда товланган шеърға,  
Япроқларнинг қатига индим.  
Оёқларим ерга ботади;  
Шу ўлкада ўсарман энди.

Ё чиндан ҳам ёшдир бу тоғлар,  
Келса ҳамки минг йиллар ошиб,  
Ё ҳаётни баланд кўтариб,  
Чўккан буюк тоғларнинг боши.

### Сулаймон тоғ этагида ўйлаганларим

Диёнатли, орли ажлодлар  
бу ҳайбатли тошлар тагида  
бирор лаҳза хаёл сурмаган  
сохта шуҳрат, таъма ҳақида.

Бундан не-не аллома ўтган,  
не жаҳонгир, нечалаб шоир.  
Бироқ азиз тоғ тошларига  
ёздирмаган ҳеч бири номин.

Яшарканлар юртда саргардон,  
кезарканлар ғурбатда ёхуд,  
Сулаймон тоғ пойида бир кўп  
кўмилмакни қилганлар орзу.

Сулаймон тоғ юксалиб турар  
бир златнинг буюк ёдидай,  
ҳайрон бўлиб пойига бугун  
келгувчилар этиқодидан.



Бугун келар истаган кимса,  
бериб таҳма илинжигга зеб,  
Номин ёзар тоғ тошларига,  
палончилар келиб-кетган деб.

Кузатаркан орсиз, виждонсиз  
кимсалардан тўйган кунларим,  
бир ҳаяжон, титроқда туйдим  
ер тагидан келган унларни.

Сулаймон тоғ, муқаддас ёдим,  
кўрсам юрак-бағримни доғлар,  
бетайинлар номин кўтариб,  
соат сайин ўсар қоялар.

\* \* \*

Айт, эй, хаста булбулим,  
Ўшга қачон етамиз?  
Яшил боғлар сарғарди,  
Мағиз бўлди гужумлар.  
Оҳ, вой, мунча йўл оғир,  
Булбулим,

Ўлкан соат ўртасида  
Мадорим йўқ юрмоққа,  
Қашқирлар даврасида  
Судраламан турмоққа.  
Шунда қолиб кетсам гар  
нетамиз?

Абадият оралаб  
Ўшга қачон етамиз?  
Қорли тоғлар бағрида  
Бегим – Ўшим кўринди,  
Султон – Ўшим кўринди...

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Эслай оласизми: бошланғич синфларда Шавкат Раҳмоннинг қайси шеърларини ўқигансиз?
2. “Қайтдим ёруғ юлдузларимга...” шеърдаги шоир кайфиятини аниқлашга уриниб кўринг. Лирик қаҳрамон нимани соғинади?
3. “ва хотиржам яшай бошлайди мени узоқ кутган юраклар” мисраларини қандай тушунса бўлади?
4. “Борганимда ҳар сафар Ўшга...” шеърда шоирнинг қандай кечинмалари ифода этилган?
5. “Сулаймон тоғ этагида ўйлаганларим” номли шеърнинг ёзилиш сабаби ҳақида Сиз қандай фикрдасиз? Шоир нимадан норози?
6. “Бундан не-не аллома ўтган, не жаҳонгир, нечалаб шоир”, мисраларида шоир кимларни назарда тутган бўлиши мумкин? Сулаймон тоғига алоқаси бор таниқли тарихий шахслардан кимларни биласиз?
7. “Айт, эй, хаста булбулим” шеъри шоир шахсияти билан боғлиқ деб ўйлайсизми? Сизнингча, шеърда шоирнинг қандай ҳолатдаги руҳияти ифодаланган?
8. Шоир шеърларидан бирини ташлаб, вази тузиллишини, яъни бўғинлар сони ва туроқланиш тартибини, қофия тизимини аниқлашга ҳаракат қилиб кўринг.
9. Шеърларни ёд олинг.



## АВЛИЁХОН ЭШОН

(1957 йил туғилган)



Мен ўзимни енгшим керак!  
Бунинг учун етарли асос –  
Бу ёруғ дунёга  
ўзгани эмас,  
ўзимни енгмоққа  
келганман,  
холос.

Мустақиллик даври ўзбек шеърятининг истеъдодли вакиллари-дан бири шоир Авлиёхон Эшон (Шукруллаев) ҳам бизнинг юртдошимиздир. У 1957 йили Ўш (ҳозирги

Боткен) вилоятининг Лайлак туманидаги Андархам қишлоғида туғилди. Қўшни Тожикистон Республикаси Хўжанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирди. Узоқ йиллар Ленинобод (ҳозирги Хўжанд) шаҳридаги “Ҳақиқати Ленинобод” вилоят газетасида мухбир ва таржимон бўлиб ишлади. Авлиёхон Эшон мустақиллик йилларида “Қадрият” эркин газетасининг ташкилотчиларидан бири ва биринчи бош муҳаррири сифатида фаолият олиб борди. Сўнгра “Ленинобод ҳақиқати” вилоят газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари вазифасини бажарди.

Авлиёхон Эшон ўтган асрнинг сўнгги чорагида шеърят майдонига кириб келди. Унинг ўзига хос овози, нозик ташбеҳларга бой услуби шеърят мухлисларининг, адабий жамоатчиликнинг эътиборини тортди. Бу даврнинг Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Усмон Азим, Абдували Қутбиддин каби таниқли шоирлари Авлиёхон Эшон тимсолида янги бир шоирни кўриб қувондилар. Шоир Азиз Саид унинг 1991 йил Тошкентда нашр этилган “Тунги тиловатлар” шеърлар тўплами ҳақида қўйидагиларни ёзган эди: Авлиёхон Эшон шеърлари “...кутилмаган ташбеҳлар, жонлантириш ва истиораларга бой. Бу эса бугунги ёшлар шеърятининг асосий фазилатларидан. Шеърларни бирор мавзуга бағишланган дейиш уларни баҳоламаслик билан баробар. Ўз-ўзини изҳор этаётган Авлиёхон Эшон шеърларини ўқир экансиз, гуллаётган дард ва гўзал изтиробдан завқлансиз”.

Кейинги йилларда шоирнинг “Қайғу гули” (1995), “Қўшқанот” (2004), “Тилсим” (2006), “Кўзгу ичида” (2008) каби шеър



рий китоблари нашр этилди ва шеърхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Унинг шеърларида Ватан туйғуси, она тупроқ соғинчи самимий ифода қилинади, лирик қаҳрамоннинг турфа хил кайфияти манзаралари тасвирланади.

Авлиёхон Эшон ҳозирги кунда Қирғизистонда ўзбек тилида ижод қилаётган Муғанний (Фанижон Холматов), Қўлдош Мирзо, Усмон Темур, Арслон Расул, Раҳим Карим, Аъзам Раҳим, Абдул Ҳақ каби шоирлар қаторида ватанимизда ўзбек адабиётини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. У 2002 йилдан бери беморлик нафақасида. Боткен вилояти Лайлак туманига қарашли Тожикистон билан чегарадош Арқа қишлоғида истиқомат қилади.

\* \* \*

Қор ёғди сўрамай, хаёлпараст куз  
Чизиб улгурмасдан ҳамма бўёғин.  
Ҳали юпун анор тупроққа кириб,  
Қучоқлаб олмаган эди оёғин.

Терак шоҳларига илинган варрак,  
Ҳали ҳам бир қушдай берарди овоз.  
Ҳовуз атрофида толлар ўтмишни  
Эслаб кулишарди кексаларга хос.

Ҳали бостирмага<sup>1</sup> чиқмаган эди,  
Беллари боғланган гўзапоялар.  
Ҳомиладор кузнинг ёнидан кетмай,  
Тасалли берарди кампир доялар.<sup>2</sup>

Ҳали тўйга айтиб кетмаган эди,  
Икки қир нариги қишлоқдан биров,  
Подага қўшилмай қолган бузоқлар  
Ялаб кўрмаганди музлаган қиров.

Қиш узоқда эди. Хирмон оралаб  
Юрган куз рўмолин ҳали ўрамай,  
Одамлар бошига бахт каби иссиқ  
Қор ёғди ҳеч кимдан изи сўрамай.

<sup>1</sup> Бостирма (т.) – уй ҳайвонлари боғланадиган олди очиқ айвон.

<sup>2</sup> Доя – ҳомиладор аёлнинг куз ёриши учун ердан берувчи аёл, акушер амшира.



## Қишлоқ йўли

Қишлоқ йўли. Йўловчи ўтар,  
Елкасидан қоқиб чангини.  
Ҳар бир дарахт яшил туғ бўлиб,  
Ҳилпиратиб турар енгини.

Йўл ёқалаб ёввойи гуллар  
Томошага чиқар қизлардай.  
Тупроқ йўлда битта жуфт япроқ  
Кўринади қадим излардай.

Тегирмонга ўтган арава  
Орқасида чумчуқ галаси.  
Эшитилар қулоғинг тутсанг,  
Оппоқ-оппоқ тошлар нафаси.

Еллар ўтар боғлар оралаб,  
Чиқармасдан товушларини.  
Бойчечаклар тонгда адирга  
Ечиб кетар ковушларини.

Оқ булутлар – тулпорлар – сойга  
Тушиб келиб ўзин унутар,  
Ивиб кетган кўйлақларини  
Тош устига ёйиб қуритар...

Қишлоқ йўли. Йўловчи қайтар,  
Ҳаёт гўзал кўринар – янги.  
Орқасига боқар, хўрсинар,  
Юрагининг тўкилар чанги.

## Лавҳа

Сайхонликда от димоғига  
Урилади беда ислари.  
Пичанзорга тушган ўроқнинг  
Кўпаяди сарғиш излари.

Пайдо бўлар қирда ғарамлар,  
Бошга қўнган янги дўппидай.  
Оқ дуррали қизлар кўринар  
Учиб юрган қушлар тўпидай.



Дала чорлар парча булутни,  
Хўлламоқчи тамоқларини.  
Терга ботган ишчан болалар  
Ямар ернинг ямоқларини.

Оқшом келиб, катта қишлоқни  
Кўмиб ташлар қуюқ сояга.  
Совуқ сувлар киради оқиб,  
Илиб ётган шолipoяга.

От пишқириб қарайди йўлга,  
Соғинади одам тафтини.  
Энтикади эслаб, ем тутган  
Болаларининг иссиқ кафтини.

Одам келиб тушовни<sup>1</sup> ечар,  
От индамай эргашар унга.  
Дарвозалар олдида ўсган  
Гуллар тўлиб борар хусинга.

### Оқшом ташбеҳлари

Оқшомгул ёқади чироқларини,  
Қоп-қора кўйлакка сачраб кетар чўғ.  
Дарахтлар туширар байроқларини,  
Шамолнинг қўлида яроқлари йўқ.

Қумфонлар аёлдай оловга кирар,  
Бўйнидан тўкилар дурри маржони.  
Шўх сувлар илдизга қараб югурар,  
Бармоқлар тафтидан яйрайди жони.

Устунлар ўраниб олар чопонга,  
Ховлини айланиб сўз юрар – илиқ.  
Сачратиб исини ҳамма томонга,  
Хокандоз ичида ўйнар исиріқ.

Бошига ёқутни қадар осмонлар,  
Ўт -ўлан яширар оққушларини.  
Супалар устида ўтирган жонлар  
Дуога тўлдирар ҳовучларини.

<sup>1</sup> Тушов (т) – қочиб кетмаслиги учун отнинг оланиги оёқларини бир-бирга жипс қилмасдан боғлаб қўйилиши.



Сузмалар халтаси олма шохидан  
Тупроққа тўкади қайғуларини.  
Хурлари гул териб кўнгил боғидан  
Қийиққа тикади туйғуларини.

Оқшом ўтиб кетар. Тушиб келар тун,  
Ғичирлаб бўшайди эски сўрилар.  
Ўчоқлар бошидан ҳайдалар тутун,  
Одамдай қорайиб турар мўрилар.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Кузда қор ёққанини кўрганмисиз? Таққосланг: кўрганларингиз биринчи шеърдаги тасвирларга мос тушадими?

2. Авлиёхон Эшоннинг «Қишлоқ йўли» шеърда қишлоқдаги ҳаёт манзараси қандай чизилади? Бундай манзарани ҳеч кузатганмисиз? Йўловчи руҳияти ҳақида қандай фикрдасиз?

3. «Лавҳа» шеърда қишлоқ ҳаётининг қандай манзаралари тасвир берилган? Шеърдаги от образи, унинг руҳий ҳолати ҳақида мулоҳаза юритинг.

4. «Оқшом ташбеҳлари» шеҳрида қишлоқ оқшоми манзараси қандай тасвирланади? Шеърда Сизга таниш манзаралар борми? Уларни шеърдаги манзаралар билан таққосланг.

5. Шеърлардаги ўхшатиш, истиора, жонлантириш каби тасвирий воқиталарни топишга ҳаракат қилинг ва дафтарингизга кўчириб, остига чизинг.

Масалан, жонлантириш: «Бойчечаклар тонгда адирга

Ечиб кетар ковушларини».

Ўки, ўхшатиш:

«Йўл ёқалаб ёввойи гуллар

Томошага чиқар қизлардай».

Ўки, истиора:

«Юрагининг тўкилар чанги».

6. Шеърларни ёд олинг.





# ЭПИК АСАРЛАР

## Ҳикоят ҳақида

Ҳикоят ахлоқий-таълимий характердаги эпик турга мансуб кичик жанрлардан биридир. Уларда ижодкорнинг бирор ижтимоий-фалсафий, сиёсий, маиший масалаларга нисбатан қарашлари акс этади. Қадимги ҳикоятлар насрий ёки шеърий шаклда яратилган. Насрий ҳикоятлар ичида шеърий парчалар ҳам берилган. Бундай насрий ҳикоятларнинг гўзал намуналарини тожик шоири Шайх Муслиҳиддин Саҳдий Шерозий "Гулистон", ўзбек шоири Хожа "Мифтоҳул-адл", "Гулзор" асарларида яратдилар.

Алишер Навоийнинг "Ҳайратул-аброр", "Лисонуттайр", тожик шоири Абдурахмон Жомийнинг "Баҳористон", Саъдийнинг "Бўстон" асарларида эса шеърий ҳикоятларнинг ўлмас намуналари ижод қилинди.

Ҳикоятларнинг муаллифлари ҳукмдорларни адолатли, савоатли бўлишга чақирадилар, фуқароларга ноҳақ жабр-зулм қилмасликка даъват этадилар. Ҳикоятларда инсоний фазилатлар улуғланиб, зolimлик, адолатсизлик, ахлоқсизлик, очкўзлик, баднафслик, нопоклик каби ёмон хусусиятлар қораланади.

Ҳикоятлар катта бадий маҳорат билан яратилган. Уларда салқ мақоллари ва ҳикматларидан, бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланганлар. Масалан, Хожанинг Луқмони Ҳаким ва унинг хўжайини ҳақидаги ҳикояти сўнгида халқнинг "Ҳар ким экканини ўради" мақоли "Эмди билмоқ керакким, ар ким бу дунёда не экса, они ўрар" шаклида берилган.

**Савол ва топшириқлар:**

1. Ҳикоят жанри ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
2. Ҳикоятларда қандай ғоялар илгари сурилади?
3. Ҳикоятларда қандай бадий тасвир воситалари унумли ишлатилган?





Носириддин Бурхониддин ўғли Рабғузий XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларида Хоразмнинг Работи Ўғиз деган жойида яшаб ижод этган. Рабғузийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида унинг "Қисаси Рабғузий" асарининг муқаддимасидаги жуда қисқа маълумотдан бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ. Муқаддимадан маълум бўлишича, Рабғузий Работнинг қозиси бўлган.

Носириддин Рабғузийдан бизгача "Қисаси Рабғузий" асаригина етиб келган бўлиб, у бу асарни ҳижрий 710, милодий 1311 йилда ёзиб тугаллаган. Асарнинг бир неча нусхалари Лондон, Санкт-Петербург ва Тошкент каби йирик шаҳарларда сақланади.

"Қисаси Рабғузий" жами 72 қиссадан ташкил топган. Унда кичик ҳажмли қисса - ҳикоялар билан бирга анча катта ҳажмли қиссалар ҳам бор.

"Қисаси Рабғузий"даги қиссаларда Шиш, Мусо, Исо, Сулаймон, Нуҳ, Довуд, Муҳаммад (С.А.В) каби пайғамбарлар; Хорут ва Морут каби фаришталар, Қобил ва Ҳобил каби шахслар ҳақидаги турли-туман саргузашт воқеалар ҳикоя қилинган.

"Қисаси Рабғузий"да насрий баён етакчилиқ қилса ҳам ўрни билан унда гўзал шеърӣй парчалар ҳам учрайдики, улар Рабғузийнинг нозик дилли шоир ҳам бўлганлигидан далолат беради.

## «Нуҳ пайғамбарнинг кема сафари ҳикояти» («Қисаси Рабғузий»дан)

Яна бир ривоятда Жади тоғинда қўзди<sup>1</sup> теюрлар, аммо эти териси Сарандибада турур, сўнгуклари Жадида турур. Қачон сув кеми қироқинга келди эрса, Нуҳ неча қатигланди, кеми юримади. Жабройил айтди: «Эй Нуҳ, тўрт бўлунинда тўрт айинни оти бирла қўзғил». Қўзди эрса кема юрди. Айтмишлар, бир айинни Отиқ эрди, иккинчи айинни Умар эрди, учунчи айинни Усмон эрди, тўртунчи айинни Али эрди. У кема сузар эрди кўз олдимизда, токи мукофот бўлсин дейилган одамга (яъни Нуҳ пайғамбарга) Ироқдин мунди Маккага борди, андин Машриқга борди. Ражаб ойининг ўнунчи куни кемига кирди. Олти ой кемида эрди, қирқ тун-кун ёғин ёғди, ердин сув чиқди. Осмон эшиқларини қуйиб оқадиган сувга очиб ташладик

<sup>1</sup> Қўзмоқ (т) - жойлаштирмақ.



ва ерда чашмаларни оқизиб қўйдик. Хабарда келур, Нуҳқа рисолат келмишда юз ёшар эрди. Тўққуз юз эллик йил даъват қилди. Яна бир ривоятда тўрт юз ёшар эрди. Тўфонда кезин<sup>1</sup> уч юз эллик йил тириди. Қомуқи<sup>2</sup> минг етти юз бўлур. Айтмишлар, қирқ тун-кун ёғди. Текма бир қатраси тегирмон тоши чоғлик эрди. Дунёда қаю тоғ адиз<sup>3</sup> эрса анинг устунда қирқ қари<sup>4</sup> сув эрди. Кемидаги саксан кишидан азин олам ичинда ҳеч ким эрса қолмади, қамуғ ўлдилар. Хабарда андоғ келтурмушлар, уч нарса йўқ эрди кемада, дарё ичинда бўлди. Бири мушук, иккинчи сичғон, учунчи тўнгуз. Сичғон пайдо бўлди, кемини тарашлади. Ёрлик бўлди, Нуҳ арслон бошинга сифади. Бурнидан икки мушук чиқди. Ул сичғонни едилар. Яна айтмишлар: сичғон кемини тилишида одамларга фарқ бўлғу қўрқунчи бўлди эрса, сув ичиндаги тешукни тилаб бўлмайдилар. Нуҳ айтди: «Ким бу тешукни беркутса, не тилаги бўлса бергаймен», теди. Йилон айди: «Ман буларни беркитайин, сув кирмасун. Кирган сувларни чиқарсунлар». Яна йилон айди: «Манга не бергайсен?» Нуҳ айди: «Не тилайсен?» Йилон айди: «Қаю эт тотлик бўлса, ани бергил». Нуҳ қабул қилди. Йилон сувга кириб тешукни бўлди, анда қивулиб ётди, сув кирмас бўлди. Ичиндаги сувни ташқару солдилар. Сув қўрқунчи қолмади. Кемидин чиқмишда кезин йилон келиб Нуҳдин ул этни қўлди.<sup>5</sup> Нуҳ айди: «Қамуғ танлиелар чиқди, ёйилдилар, этни қайдан булаланг». Йилон кўп сақлиди эрса Нуҳ алайҳиссалом сингакни<sup>6</sup> изти. «Борғил, ер юзиндаги этларни тотгил, бералинг» – теди. Сингак борди, кеч қолди. Йилон тақозо қилди. Қарлуғоч келиб сингакни бўлди. «Налук кеч қолинг?» теди эрса, сингак айтди: «Ер юзи кенг эрмиш, тезгину кеч қолдим» теди. Қарлуғоч айди: «Этларни тотдингму? қаю эт тотлик турур?» Сингак айди: «Қамуғ этлардин одамий эти тотлик турур». Қарлуғоч айди: «Ул этнинг тотиги оғзингда бор бўлғай. Оғзингни очқил, йизлайин»,<sup>7</sup> – теди. Сингак оғзини очди, қарлуғоч сингак оғзин йизлайур бўлуб тумшуқи бирла сингак тилин кесиб солди. Ул кундин беру сингак тилсиз қолди. Икагу Нуҳ пайғамбарга келдилар. Сингакка неча сўрсалар сўзлаюмас, Яроғсиз ун қилур. Қарлуғочга сўрди: «Нагрук сўзламас?» теб. Қарлуғоч айтди: «Менинг бирла сўзлашдин қамуғ этларда сув бақасининг эти тотлик теб айди. Кеч қолиши учун қўрқуб сўзлаюмас», – теди.

<sup>1</sup> Кезин (т) – кейин, сўнг.

<sup>2</sup> Қамуқ (т) – ҳамма, барча.

<sup>3</sup> Адиз (т) – баланд, қир.

<sup>4</sup> Қари (т) – қирч.

<sup>5</sup> Қўлди (т) – сўради, талаб қилди.

<sup>6</sup> Сингак (т) – чинчи.

<sup>7</sup> Йизламоқ (т) – хилламоқ.



Нух алайҳиссалом бақа этини йилонга берди. Агар қарлуғоч ул кун онча эзгулик қилмаса эрди, биз қамуғ одамийлар йилонга ем бўлмай эрдилар.

## Мазмуни

Нух алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг ҳукми билан катта бир кема ясаб, унга ер юзидаги махлуқотларнинг барчасидан бир жуфтдан олади. Нух алайҳиссалом ўз аҳли – саксон мўмин кишилар билан кемага жойлашадилар. Аллоҳдан кофирларга келаётган сув азоби Одам алайҳиссалом жасадига тегмаслиги учун Яратганнинг буйруғи билан Одам алайҳиссаломнинг жасади ҳам кемага олиб чиқилади. Нух алайҳиссаломнинг кофир аёлининг тандиридан сув чиқиб, пайғамбарга сафарга отланишлиги аён бўлади.

Шундан сўнг кема сафарга жўнайди. Қирқ кун жала ёғиб, ер юзини сув босади. Кемадаги жониворлар ва саксон мўмин бандалардан бошқа ҳамма ҳалок бўлади.

Кемада сичқон, мушук, тўнғиз йўқ эди. Бир куни сичқон пайдо бўлиб, кеманинг тубини тешиб қўяди. Нух арслон бошини силайди. Бурнидан кемани сув боса бошлайди, ер юзидаги мавжудот уруғининг қирилиб кетиш хавфи туғилади. Шунда Нух барчага мурожаат қилиб, кеманинг тешигини ким берки-та олишини сўрайди. Илон тешикни бир шарт билан берки-тишга рози бўлади. Илоннинг шарти бўйича тўфон ўтгач, Нух ер юзидаги махлуқотдан қай бирининг гўшти ширин бўлса, ана шуни илонга доимий емиш қилиб бериши лозим эди. Нух илоннинг шартига кўнади. Сўнгра илон кеманинг тешилган жойига кулча бўлиб ётиб олади. Кема ҳалокатдан сақланиб қолади.

Тўфон тугаб, кемадагилар қуруқликка чиққач, илон Нухдан ўз шартининг бажарилишини талаб қилади. Нух алайҳиссалом чивинни ер юзидаги мавжуд жонзотларнинг гўштидан татиб, энг ширинини аниқлаб келишга юборади.

Чивин анча ҳаяллаб қолади. Шунда қалдирғоч чивинни излаб топади ва қайси жонзотнинг гўшти ширин экан, деб сўрайди. Чивин: "Одам гўшти ширин экан", – дейди. Шунда қалдирғоч: "Қани оғзингни оч, мазаси тилингда қолгандир, мен ҳам бир татиб кўрайинчи", деб чивиннинг тилини узиб олади. Чивин сўзлай олмайдиган бўлиб қолади. Иккаласи Нух алайҳиссалом ҳузурига келишади. Чивиндан қанча гап сўрасалар ҳам ғўнғиллаб, жавоб беролмайди. Нух алайҳиссалом қалдирғочдан: "Нима учун сўзлай олмаяпти?" – деб сўрайди.



Қалдирғоч жавоб беради: "Мен чивин билан сўзлашганимда у сув бақасининг гўшти энг ширин экан, деб айтди. Кеч қолганлиги учун қўрқиб гапиролмаяпти". Сўнгра Нуҳ алайҳиссалом бақа гўштини илонга емиш қилиб берди. Агар қалдирғоч ўша куни бундай яхшилик қилмаганда, инсонлар илонларнинг емиши бўлиб қолар эди.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Ҳикоятни ўқинг, сўнгра ҳикоя қилинг. Тушунилиши қийин сўзларни лугат ёрдамида изоҳланг.
2. Ҳикоятда баён қилинган воқеа «Нуҳ тўфони» деб аталади. Нима учун?
3. Сичқон кема аҳлига қандай хавф туғдирди?
4. Илон қандай шарт қўйди? Нуҳ пайғамбар нега уни қабул қилди?
5. Қалдирғоч инсониятга қандай яхшилик қилди?
6. Инсонлар ўзларига яхшилик қилган қалдирғочга яхшилик билан жавоб қайтаряптиларми? Сизчи?



XIII асрда яшаб ижод этган Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий форс-тожик адабиётининг йирик вакиллари билан биридир. Ажойиб лирик шеърлар – ғазаллар, рубоийлар муаллифи бўлган Саъдий кўпроқ “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари билан Шарқда машҳур бўлди. Наср ва шеърда битилган “Гулистон”, шеърда ёзилган “Бўстон” бадий-маърифий асарлар бўлиб, уларда таълим-тарбиявий мазмундаги кўплаб ҳикоятлар ўрин олган. Бу ҳикоятларда яхши инсоний фазилатлар,

исломий қадриятлар улуғланади. Ёмон хулқ кўринишлари эса қораланади. Саъдий ўз замонининг файласуф донишманди, етук педагоги, доно, инсондўст, мураббий шоири, чуқур психолог олими бўлган. Мутафаккир шоир шеърлари, ҳикоятлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

## “Гулистон” китобидан

### 7-боб. Тарбиянинг таъсири баёни

#### Ҳикоят

Бир вазирнинг такасалтанг ўғли бор эди. Вазир ўғлини бир донишманд ҳузурига элтиб: “Шуни тарбия қил, шояд, ақли кириб, одам бўлса”, деди. Донишманд вазирзодани узоқ муддат тарбия қилди, фойдаси бўлмади. Боланинг отасига бир одам орқали: “Ўғлинг одам бўлмади, мени ҳам ақлдан оздирди”, деб хабар қилди.

Қобилият бўлса аслида,  
Табият унга қилади асар.  
Қанча уринма бўлмас сайқали,  
Темир аслида бўлмаса жавҳар.<sup>1</sup>  
Шундайча қолур Исо<sup>2</sup> эшаги,  
Маккага бориб келса ҳам агар.

<sup>1</sup> Жавҳар (а) – гавҳар, бебаҳо, қимматбаҳо тош.

<sup>2</sup> Исо – Пайгамбар номи: Исо алайҳиссалом.



## Ҳикоят

Бир донишманд фарзандларига шундай панду насихат қиларди: “Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинглари, зероки, моли дунёга эътимод<sup>1</sup> йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молдан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса, ҳаминша машаққат чекади, тиланчилик қилади”.

Ўзи буюрмоққа ўрганган киши  
Қийин бошқаларга қулоқ солиши.  
Ким агар ўсибди нозу неъматда,  
Ҳоли оғир бўлар қолса кулфатда.

Бир маҳал Шомда қўзғалди фитна,  
Ҳар ким уйдан зада югуришди зир.  
Қишлоқлардан келган ақлли ёшлар,  
Янги подшоҳга бўлишди вазир.  
Шаҳарлик калтафаҳм вазирзодалар,  
Гадо бўлиб, қишлоқ кетишди охир.

Истар эсанг отангдан мерос  
Боғла отанг илмига ихлос.  
Не нафи бор отанг бойлигини,  
Бир кун тугатарсан неча ойлигини.

## Ҳикоят

Мағриб диёрида қош-қовоғи осилган, тили аччиқ, бадфеъл, дилозор, гадоё табият ва фосиқ бир муаллимни учратдим, уни кўрган маҳалда мусулмонларнинг таъби тирриқ бўлар, қуръон ўқиганини эшитганда, кишиларнинг диллари сиёҳ<sup>2</sup> бўларди. Барча покиза ўғлонлар ва қизлар унинг жафосига гирифтор, на кулишга журъат ва на сўзлашга жасорат этардилар. Муаллим гоҳ бирининг нуқрадай<sup>3</sup> юзга тарсаки туширар, гоҳ бошқасининг биллурдай оёғига исканжа соларди. Хулосан калом, бир кун эшитдимки, ота-оналар муаллимнинг разиллигини пайқаб, уни мадрасадан уриб ҳайдадилар. Шундан кейин мактабни софдил, намозхон, содда ва мулоим табиятли бир кишига

<sup>1</sup> Эътимод (а) – ишонч, умид.

<sup>2</sup> Сиёҳ (ф) – қора; бу ерда ғаш, хафа маъносига.

<sup>3</sup> Нукра (а) – оппоқ, тоза.



топширдилар. Бу муаллим зарурат бўлмаса лом-лим демас ва ҳеч кимсага озор бермас эди. Болалар янги муаллимнинг фариштадай мулойимлигини кўргач, аввалги муаллимнинг қаттиққўл ва зolimлигини унутдилар, девтабиат бўлиб кетдилар ва илм ўрганишни тарк этдилар. Улар кўп вақтларини ўйин-кулги билан ўтказар ва савод тахталарини бир-бирларининг бошларига уриб синдирар эдилар.

Агарда муаллим бўлса беозор,  
Болалар синфни қилишар бозор.

Орадан икки ҳафта ўтгач бояги масжидга бордим. Кўрдимки, аввалги муаллимнинг кўнглини овлаб келтириб, яна ўз ўрнига тайинлаб қўйибдилар. Бу ҳолатдан ранжидим, беихтиёр: “Нега яна ўша иблисни бу фаришталарга муаллим қилибдилар?” дедим. Кўпни кўрган, заки таъб бир мўйсафид деди:

“Юборди ўғлини мактабга подшо,  
Қилиб қўйнига нуқра тахтача жо.  
Кумуш ул тахтага зардин битиб ёд:  
“Ота меҳридан афзал жабри устод”.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Саъдий Шерозий ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. “Гулистон” китобидан олинган биринчи ҳикоятдаги вазирзодани до-нишманд нега тарбия қила олмади? Сабаби нимада деб ўйлайсиз?
3. Ота ўғилларига нимани насиҳат қилади? Бу насиҳатларнинг ҳозир қандай аҳамияти бор?
4. “Хунарманд молидан маҳрум бўлса, Қайғуси йўқдир, чунки хунар-нинг ўзи давлатдир” жумласини қандай изоҳлайсиз?
5. Учинчи ҳикоятда қандай ўқитувчилар ҳақида ҳикоя қилинган?
6. Таълим-тарбияда ота-она ва муаллимнинг қаттиқ қўлигига қандай қарайсиз?
7. Закий мўйсафиднинг «Ота меҳридан афзал жабри устод» жумласини изоҳлаб беринг.

## Ҳикоят

Бир шайхнинг ўғлига амакиларидан ҳисобсиз мол-дунё ме-рос қолди. У бу маблағларни айш-ишратга харжлаб, исроф қила бошлади. Қилмаган ярамас иши, ичмаган ичкилиги қол-мади. Бир кун унга насиҳат қилиб дедим: “Эй ўғлим, даромад<sup>1</sup> – оқар сув, маншат эса тегирмондир, яъни катта харжлаш дои-мий даромади бор одамга ярашади.

<sup>1</sup> Даромад (ф) – кирим, кирадиган бойлик, соф фойда.





Кириминг бўлмаса, чиқимни тўхтат,  
Қайиқчилар куйлар шундай бир қўшиқ:  
“Агар тоққа ёмғир ёғиб турмаса,  
Бир йилда Дажла<sup>1</sup> ҳам бўлар қуп-қуруқ”.

Ақл-хушингни йиғиштириб, айш-ишратни бас қил, чунки пулинг тутагач, мушкул аҳволга тушиб, пушаймон қилиб юрасан!” Бироқ айш-ишрат, мусиқадан кайфланиб юрган ўғлон насиҳатимга қулоқ солмади ва менга эътироз билдириб, деди: “Эртаги ғам-ташвиш қайғуси учун бугунги кайф-сафони барбод бермоқ донишмандлар раёйига хилофдир.

Орзуга етишган бахтиёр нечун  
Қаро кун ғамида чекади алам?  
Шодлик-ла еб-ичиб, яша, эй дилкаш,  
Эртанги кунни деб, бугун чекма ғам.

Бунинг устига мен саховат тахтида ўлтириб, лутфу эҳсон камарини белимга боғлаганман, қўли очиқ одамлигим овозаси авом<sup>2</sup> халқ тилида дoston бўлган”.

Кимни машҳур этмиш сахнийлик, карам,  
Қулфга тушмасин динору дирам.<sup>3</sup>  
Яхши номи чиққан бўлса кўчага,  
Одамлардан эшик ёполмас ҳечам.

Насиҳатимни қабул этмаётгани ва иссиқ нафасим унинг совуқ темирдай худбин қалбига таъсир этмаётганини кўриб, насиҳатгўйликни йиғиштириб, доноларнинг: “Сен билганингни гапир, агар айтганиннга қулоқ солмасалар, ўзлари айбдордирлар”, деган сўзларига амал қилдим.

Яхши кишилар сўзини сўзлагил,  
Гарчи сенга солмасалар ҳам қулоқ.  
Тинглагучи қанча ўжар бўлса ҳам  
Бандга тушар икки қўл, икки оёқ.  
Сўнгра чапак чалга-ю айтар ўзи:  
“Тингламай доно сўзин ҳолим чатоқ!”

Орадан сал вақт ўтгач, кўрсам, худди мен тусмол қилганимдай, оғир аҳволга тушибди. Кийим-бошлари жулдур-жулдур,

<sup>1</sup> Дажла - Ҳиндистондаги улкан дарё.

<sup>2</sup> Авом (а) - саводсиз халқ, оломон маъносида.

<sup>3</sup> Динору дирам - Эрон ва Ироқдаги пул бирлиги.



ямоқ-ямоқ ҳолда тиланчилик қилиб юрибди. Унинг аянчли аҳволини кўриб, юрагим ачиди, лекин шу ҳолатида уни таъна-маломат қилиб, ярасига туз сепишни эп кўрмадим. Кейин ўз-ўзимга дедим:

“Паст нодон мастликда ўйламас асло  
Не кечар аҳволи йўқлик кунда.  
Баҳорда барги мўл дарахтлар ночор  
Яланғоч қолар қиш изғиринида”.

## “Бўстон” китобидан

### 2-боб. Хайру эҳсон хусусида

Элга хотиржамлик келтирган одам,  
Ўлгач тупроқ ичра ётар хотиржам.  
Қўлингдан келганча меҳнат қил, меҳнат,  
Меҳнатдан ёғилур бошингга раҳмат.

### Ҳикоят

Шол<sup>1</sup> тулкини кўриб қолди бир киши,  
Кўп ҳайратга солди худонинг иши.

«Тириклиги қандай ўтар бу аҳвол,  
Хўраги<sup>2</sup> не бўлур қўл-оёғи шол?»

Шундай хаёл билан дарвеш турар лол,  
Бир шер чиқиб қолди тишида шағол.<sup>3</sup>

Овин еб йўлига равон бўлар шер,  
Қолғон сарқитини тулки тўйиб ер...

Эртасига кўрса яна шу аҳвол,  
Тулки сарқит териб яшар бемалол.

Буни кўриб яна фикр қилди у,  
Яратганга беҳад шукр қилди у.

Деди: «Бундан кейин бурчакка кирсам,  
Куч бирла ризқ топмас зўравон фил ҳам.

<sup>1</sup> Шол (а) – оёқ-қўл ёки улардан бири ишламай қолгани;

<sup>2</sup> Хўрак (ф) – овқат, таом, озиқ;

<sup>3</sup> Шағол (ф) – чиябўри;



Меҳрибонинг худо ўзи эрмасми,  
Яратгач, ул ўзи ризқинг бермасми?»

На бегона келди унинг қошига,  
На дўст етиб келди ғариб бошига.

Гойибдан ризқ кутиб ётарди якка,  
Оқибат ёпишди пўсти суякка.  
Охир қимирлашга қолмади мажол,  
Девордан бир овоз келди: «Қулоқ сол,

Ўрнингдан туриб шер бўл, эй бедаво,  
Шол тулки йўлини тутма мутлақо.

Шердек топиб еда, қолганин ирғит,  
Одамсан, тулкидек емагил сарқит.

Шер мағрурлигига одамлик пайваст,<sup>1</sup>  
Тулкидек судралган саёқ итдан паст.

Ўзинг топиб егил дўст бирла баҳам,<sup>2</sup>  
Ўзгалар сарқитин кўзлама бир дам.

Билак кучинг билан ишлабон ҳалол,  
Ҳиммат тарозуси ўлчаганин ол.

Мардлик ила топгил ўз роҳатингни,  
Бошқадан кўзлама фароғатингни.

Ёшликда тута бил кексалар қўлин,  
«Қўлимни тут!» дебон тутмагил йўлин.

Қимдан енгил бўлар халқнинг заҳмати,  
Ўшанга ёғилар худо раҳмати.

Кимда ҳиммат бўлса унга ақл ёр,  
Ҳимматсизда на ҳуш ва на ақл бор.

Яхши ишга келур яхшилик жавоб,  
Яхшининг бошига ёғилар савоб”.

<sup>1</sup> Пайваст (ф) – туташ, доимо, ҳаминша, боғланган;

<sup>2</sup> Баҳам (ф) – биргалликда;



? Савол ва топшириқлар:

1. Шайхнинг ўғли нега амакиларидан қолган меросни айш-ишратга сарф қилди?
2. Меросхўр йигит нега донишманднинг насиҳатларини қулоғига ол-мади?
3. Шайхнинг ўғли ўрнида Сиз нима қилган бўлардингиз?
4. “Бўстон” китобидан олинган ҳикоятда дарвешни қандай ҳодиса ҳай-ратга солди?
5. Дарвешнинг нима учун пўсти суягига ёпишди?
6. Девордан келган овоз мазмунини сўзлаб беринг.
7. Қандай кишига худонинг раҳмати ёғилади?
8. Бошимизга савоб ёғилиши учун нималар қилишимиз керак?
9. Ҳикоятлардаги афоризм даражасидаги мисра ва байтларни дафта-рингизга кўчиринг ва ёд олинг. Масалан: “Ким агар ўсибди нозу нь-матда, Ҳоли оғир бўлар қолса кулфатда”, каби.
10. “Гулистон” ва “Бўстон” китобларидан олинган ҳикоятларни син-чиклаб ўқиб, мазмунини қайта ҳикоя қилинг ва уларни эслаб қолишга интилинг.
11. Ҳикоятлардан ўзингиз учун тегишли хулосалар чиқариб олишга ҳа-ракат қилинг.





XVI аср ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Хожадир.<sup>1</sup> Унинг ижодиёти кўҳна ва қадимий Шарқда анчадан бери маълум ва машҳур. Адибнинг тўлиқ исми Ибодулло Сайид Пошшахожа бинни Абдуваҳҳобхожа бўлиб, Хожа унинг адабий тахаллусидир. У 1480 йилда Балх шаҳрида туғилган.

Хожанинг ҳаёти темурийлар ҳукмронлигининг охириги чо­раги ва Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида кечади. У бир қанча вақт вақф ерларининг ҳисоби устидан назорат олиб бо­рувчи садрлик лавозимида ишлайди. Балх ҳокимлиги Кистан қаро султон қўлига ўтгач, у Хожани дин ақллари ва уламолари бош­лиги-шайхулисломлик мансабига тайинлайди.

Шарқнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Балх бу даврда Бухородан кейин иккинчи ўринда турарди. Кистан қаро ёш бўлганлиги учун Хожа гоҳ унинг ўрнида додхоҳлик қилса, гоҳ ўз ўрнида шайхулисломлик қилади. Хожа ниҳоятда чиройли хат ёзганлиги ва шеърый ижод билан шуғулланганли­ги учун хоилар ўртасидаги ёзишмаларни ҳам олиб боради.

Хожа моҳир ҳикоянавис, қасиданавис бўлиш билан бирга рубоий, ғазал, китъа каби жанрларда ҳам баракали ижод эт­ган. Хусусан, унинг "Мифтоҳул-адл" ва "Гулзор" асарлари машҳурдир.

Хожанинг вафот этган йили маълум эмас.

### Ҳикоят

Луқмони ҳаким аввал бир қул эрди. Хожаси бир кун айди: «Ё Луқмон, фалон ерга бориб арпа экил, фалон ерга бориб буғдой экил», – деди. Эrsa Луқмон бориб, «арпа экил» де­ган ерга буғдой эки, «буғдой экил» деган ерга арпа эки. қачонким экин тамом бўлди, эrsa Луқмоннинг Хожаси келди, кўрдиким, арпа ерида буғдой экилмиш ва буғдой ерида арпа экилмиш. Хожаси айди: «Нечун мундоқ қилдинг?» Луқмон айди: «Мен гумон қилдимки, арпа еринда буғдой битар ва буғ­дой еринда арпа битар, деб андоқ қилиб эрдим». Тақи Луқмон айди: «Эй Хожа, нечукким ёзуқ ўрнида савоб битар, савоб ўр­нида ёзуқ битар? Туну кун зулм қилурсан, тақи қиёматда са­воб умид этарсан?» Хожаси бу сўзни эшитди, эrsa бир оҳ урди.

<sup>1</sup> Хожа (ф) – хўжайин, уй эгаси, бошлиқ, катта савдогар.



жамҳи этган гуноҳларидан тавба ва истиффор<sup>1</sup> қилди ва ҳам Луқмонни озод қилди.

Эмди билмоқ керакким, ҳар ким бу дунёда не экса, они ўрар.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Хожа ҳақида қандай маълумотларни билиб олдингиз?
2. Луқмони ҳаким ким эди? У хожасининг топшириғини қандай ба-  
жарди?
3. Луқмони Ҳаким ўз қилмишини қандай изоҳлади?
4. Хўжайин нима сабабдан Луқмони ҳакимни озод қилди?
5. «Ҳар ким бу дунёда не экса, они ўрар» жумласини изоҳлаб беринг.

## Ҳикоят

Айтурларким, бир киши бир муршид<sup>2</sup> қошига келиб айт-  
тиким: «Эй шайх, маңдин журм<sup>3</sup> ва хато кўп воқеҳ бўлибдур,  
эмди манға тавба ва инобат берғил».

Шайх айдиким: «Сенинг кўнглунг бир ҳавзға ўхшар ва анга  
беш ариғдин лой сувлар кириб, тақи ул ҳавзни тийра<sup>4</sup> қилур-  
лар. Агар ул ариғларнинг йўлларин боғласанг ва бу ҳавзға  
тийра сувлар кирмаса, ондин сўнг санға тавба ва инобат бер-  
урман, йўқса тавбанинг санға ҳеч фойдаси йўқдур». Ул сўр-  
диким: «Ул беш ариғ қайсилардир?» Шайх айди: «Бир ариғ  
– кўзингнинг йўлидурким, мусулмонларнинг аҳли аёлига хиё-  
нат бирлан боқмағайсан. Яна бир ариғ – оғзингнинг йўлидур-  
ким, андин ёмон, ҳаром нималарни емағайсан. Яна бир ариғ  
– иликларингдурки,<sup>5</sup> кишини ноҳақ уриб, молларини олмағай-  
сан. Яна бир ариғ – аёқларингнинг йўлидурким, онинг бирла  
номашруҳ<sup>6</sup> йўлларга бормағайсан, мисли бўзахона ва шароб-  
хона ва мафсақа.<sup>7</sup> Яна бир ариғ – кулоқларинг йўлидурким,  
ғийбат сўзларини эшитмағайсан». Ул киши айди: «Эй шайх,  
йўллардин қайтиб боғладим». Ондин шайх ул кишиға тавба ва  
инобат берди ва оз фурсатда ул киши ул тарийқ<sup>8</sup> бирлан сулук<sup>9</sup>  
қилди, эрса соҳиб камол муршид бўлди.

<sup>1</sup> Истиффор (а) – тавба қилмоқ, Аллоҳдан кечирим сўрамоқ.

<sup>2</sup> Муршид (а) – пир, эшон, исломда ҳақ йўлини кўрсатувчи, устоз.

<sup>3</sup> Журм (а) – гуноҳ, жиноят.

<sup>4</sup> Тийра (ф) – қора, қоронғи; Бу ерда «лойқа, ифлослик» маъноснда.

<sup>5</sup> Илик (т) – қўл, оёқ ва қўл суяклари ичидаги ёғ.

<sup>6</sup> Номашруҳ (ф-а) – шарият қондасига хилоф, ҳаром.

<sup>7</sup> Мавсақа (а) – фисқ уйи, бузуқчилик, инно қилинадиган уй.

<sup>8</sup> Тарийқ (а) – сабаб, маслак, қонда, усул, қоида.

<sup>9</sup> Сулук (а) – йўл, тариқат йўли.



## Маснавий

Халқга алтофни<sup>1</sup> кам қилмоғил,  
Ҳеч кишига жавру ситам қилмағил.  
Айла худонинг ғазабидан ҳазар,  
Солма кишининг ҳарамига<sup>2</sup> назар.  
Фаҳш<sup>3</sup> сўзин оғзинга олма мудом,  
Шумлар ила доғи ичма ҳаром.<sup>4</sup>  
Мафсақалар кўйиға қўйма қадам,  
Бўлма алар таври<sup>5</sup> билан муттаҳам.  
Ғийбати бад кўйиға солма қулоқ,  
Доим ўшал тоифадан бўл йироқ...

? Савол ва топшириқлар:

1. Мурид<sup>6</sup> муриддан нимани илтимос қилди?
2. Шайх айтган ҳовуз ва ариқ тимсоллари қандай маъноларни англатишини аниқланг.
3. Шайхнинг таълим беришича, одам Аллоҳнинг марҳаматига эришмоғи учун нималар қилмоғи керак?
4. Ҳикоят охирида келтирилган шеър – маснавийнинг мазмунини айтинг. Унинг мазмуни ҳикоят мазмунига мосми?
5. Ҳикоятда кўчма маънода ишлатилган сўзларни топиб, маъноси билан бирга дафтарингизга ёзинг.
6. Комил инсон бўлиш учун Шайх қўйган талабларни бажарса бўладими?

## Ҳикоя ҳақида

Эсингиздами, кўйи синфларда “Чироқ”, “Хатосини тушунган бола”, “Гулсара”, “Кураш” номли кичик-кичик бадий асарларни ўқиган эдингиз. Уларнинг бирида бобо билан набиранинг бозордаги бир кампирдан тешик чироқ сотиб олиши, иккинчисида “шоир бола” Қосимжоннинг ўз хатосини тушуниши, учинчисида Гулсаранинг ёмон хулқи, яна бирида ёш полвончалар – Шукур ва Эрматнинг кураш тушиш воқеалари баён қилинган эди.

Бундай бадий асарлар ҳикоя ёки новелла деб аталишини яхши биласиз. Хўп, ҳикоя қандай жанр?

Ҳикоя ёки новелла эпик турнинг энг кичик жанри. Новелла италянча сўз бўлиб, “янгилик” деган маънони билдиради.

<sup>1</sup> Алтоф (а) – илтифотлар, яхшиликлар.

<sup>2</sup> Ҳарам (а) – кишининг аёл-қизлари; аёллар яшайдиган ичкари уй.

<sup>3</sup> Фаҳш (а) – бузуқлик, зино, одобсизлик.

<sup>4</sup> Ичма ҳаром (т-а) – ароқ ичма маҳносиди.

<sup>5</sup> Таври (а) – одат, қилиқ.

<sup>6</sup> Мурид (а) – бирга, эшонга, яхши устозга эргашувчи киши.



Инсон ҳаётидаги у ёки бу ҳодисани қаҳрамон билан узвий боғлиқ ҳолда ривоявий усулда тасвирловчи кичик эпик асар ҳикоя дейилади. Ҳикоя ёки новелла киши ҳаётидаги ғоятда муҳим воқеа тасвирига бағишланади, унда шу воқеага қадар ва ундан сўнг рўй берадиган воқеалар батафсил баён қилинмайди. Ҳикояда тасвирланган воқеа киши ҳаётининг бир парчасидир.

Ҳикояда ҳаёт воқеалари, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, фикрлари, ўзаро муносабатлари ҳаққоний, ҳаётда қандай бўлса, шундай аниқлик билан тасвирланади. Жумладан, Ўшлик ёзувчи Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг "Чироқ" ҳикоясида бобо билан набира ҳаётидаги биргина воқеа – ночорлик туфайли тешик чироғини бозорга олиб чиққан кампирга ёрдам бериш учун унинг яроқсиз чироғини сотиб олишлари ҳикоя қилинган. Шу воқеа тасвири орқали бобонинг инсофли, савобталаб, олийжаноб инсон эканлиги кўрсатилган. Бироқ, бобо билан набиранинг шу воқеадан олдинги ва кейинги ҳаёти ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлсада, бобонинг нуроний сиймоси хотирамизда сақланиб қолади.

Ўзбек реалистик ҳикоячилигини улуғ адиб Абдулла Қодирӣ "Улоқда" номли ҳикояси билан бошлаб берди.

? *Савол ва тошһриқлар:*

1. Ҳикоя жанри ҳақида нима биласиз?
2. Ҳикояда воқелик қандай акс эттирилади?
3. Қуйи синфларда қайси ҳикоялар билан танишиб чиқдингиз?





# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(1894-1938)



Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий 1894 йили 10 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. Абдулла Қодирий аввал эски мактабда, сўнгра рус-тузем мактабида таҳсил олди.

Абдулла болалигиданоқ зукко, ақлли, фаросатли бўлишга интиларди. У жуда кўп адабиётларни мустақил равишда ўрганди. 1913-1914 йиллардан бошлаб турли газета ва журналларда унинг асарлари босила бошлади.

Абдулла Қодирий биринчи ўзбек романи "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Обид кетмон" каби эпик асарларнинг муаллифидир. У моҳир таржимон сифатида рус ва ғарб ёзувчиларининг бир неча асарларини ўзбек тилига ўгирди. Абдулла Қодирий ўз даврининг фидойи маърифатчиларидан бири эди. Адибнинг моҳир қалами билан ёзилган "Улоқда" биринчи ўзбек реалистик ҳикоясидир.

## Улоқда

### 1

Кеча дадамдан сўраб қўйганим учун бугун акам ҳам "керак эмас, борма" деган жекиришини қилмади. Чойни наридан-бери ичиб, отхонага югурдим.

Дадам билан оғим:

– Оёғинг олти, қўлинг етти бўлиб қолди-ёв! – деб кулишиб қолдилар.

Қашлоғични олдимда, қора қашқамни яланғочлаб, у ёқ бу ёғини қашлаб чиқдим. Жонивор типир-типир қилади, бош чайқайди, ер тепинади, дум силкитади.

... Шунинг билан менинг кўнглимга: "Худо хоҳласа, келаси йилга бир улоқлар чопайки, ҳамма мени: "Турғун чавандоз" деб атасин, деган орзулар тушади.

Улуғ ҳайитдаги ҳайитликка олдирган мўғул эгарча билан ғалатича қилиб тойчамни эгарладим. Тоғамга ялиниб-ёлвориб олдирган ўрус юганни<sup>1</sup> артиб-суриб солдимда, ўзим четроқдан туриб кам-кўстини кузатдим:

<sup>1</sup> Юган (т) – отни бошқариш учун оёзига солинадиган темир – қайиш мослама.



– Қуюшқони<sup>1</sup> ҳам ўрнида, эгар ҳам яхши қўнган, қоринбоғи ҳам жипсе, юган ҳам тўраларникидек! Лекин ўмилдиригининг<sup>2</sup> йўқлиги бир оз кўнглимни ғаш қилди. Анчагина ўйлаб турганимдан кейин, акамнинг юган учун асраб қўйган қайиши эсимга тушиб, секингина ертўладан ҳалиги қайишни олиб чиқиб, умилдириқ ясадим.

Энди тойчам жуда ҳам гижинглаб, худди тўраларникидек бўлиб кетди. У ёқ бу ёғини супургандан кейин устунга қантариб қўйдим. Энди қолди: оқ жунжунча камзулимни,<sup>3</sup> ўрисча шимни, амиркон этикни, бахмал дўппини кийиш... Ана шундан кейин отга минсак, чин тўрача бўламизда!

Ойимнинг бир қизиқ одати бор: ҳар қачон янгироқ кийим киймоқчи бўлсам, кўзини ола-кула қилиб: "Қақшағир, кир қиласан, тўй-пўйга борганда киярсан!" – деб қарғай бошлайди. Озгина "шайтон йиғиси" қилмагунигча иш ўнганмайди. Бу гал ҳам ўшандоқ йиғидан қилиб олганимдан кейин, кийимларимни кийиб, шоҳи қийиқчамни белимга боғлаб олдим. Ойимга билдирмасдан секингина уйга кириб, дадамнинг кумуш чопқон қамчисини ичимга тиқиб, ташқарига чиқдим.

Хизматчи гўшт келтириб турган экан. Отхонадаги қора қашқани кўчага чиқариб туришга буюриб, гўштни ойимга киргизиб бердим-да, ташқарига қараб чопдим.

Ойим орқамдан:

– Кийимларнингни кир қилма, тойингни қаттиқ чоптирма, улоқчилар орасига кириб, бирор ҳодисага йўлиқма, ўртоқларинг билан бир четда туриб томоша қил! – деб жавраб қолди.

Хизматчидан отни олиб миндим. Тўнимнинг этакларини йиғиштириб, қашқамнинг човига бир-икки қамчи берган эдим, жонивор шаталоқ отиб кетди. Хизматчининг "Ҳа, баракалла! Чавандоз!" деган товушини эшитиб, қаттиқроқ қамчилаб эдим, жонивор қашқачам кўтариб кетаёзди.

## II

Чуқур ариқдан тойимни суғориб чиқаётганимда бир тўда улоқчи-чавандозлар учраб қолдилар. Уларнинг баъзилари акамнинг ўртоқлари эдилар, мен билан сўрашдилар. Улардан бири акамнинг қаердалигини сўраган эди, мен эрталаб улоққа кетганлигини айтдим.

<sup>1</sup> Қуюшқон (т) – эгар олдинга силжимаслиги учун отнинг думи остидан айлантирилиб эгарга боғланган қайиш.

<sup>2</sup> Умилдириқ (т) – эгар орқага силжимаслиги учун отнинг ўмровидан утқилиб айылга боғланган безакли қайиш.

<sup>3</sup> Жунжунча камзул – қалин ипак газламадан қилинган ситсиз уст кийим.



– Бизнинг Маҳкамбой улоққа жуда ҳам ишқибоз-да!- деди ҳалиги.

– Йўл бўлсин, бойвачча?- деб сўради мендан яна бири. Мен уялинқирадим:

– Улоққа! – дедим.

– Баракалла, чавандоз! Баракалла, Турғун чавандоз! – дейишди улар. Айниқса, мени “чавандоз” деб аташлари жуда ҳам кайфимни келтириб, ичимда: “Отанга раҳмат”, – деб кўйдим.

Биз бир дуркум<sup>1</sup> отлиқ борамиз. Жонивор тойчам бошқа отлардан қолишмайди ва гоҳо уларнинг отларидан ўтиб ҳам кетади. Тойчам ўта қолса: “Отингиз жуда ҳам йўрға эканда, бойвачча”, деб менга пичинг отишадилар.

Ҳар ким ҳар нарсадан баҳс қилади, орада менга ҳам сўз қотиб қўядилар. Мен уяламан. Сўз уриниб, яна Маҳкам акам устида тўхталди:

– Шу чоққача кўп улоқчи кўрдим, лекин Маҳкамдек улоққа серзавқини кўрмадим! – деди биттаси.

– Маҳкам бойваччанинг ота-бобоси улоқчи бўлиб келганда! – деди Собир тегирмончининг ўғли.

– Ахир, ўн икки яшар укасини кўрмайсизми, шу ёшидан улоқ чопмоқчи!

Бу сўздан менинг аъзойи баданим жимирлашиб кетди ва оз қолдики кулиб юборсам.

– Дадам Маҳкамнинг бобосининг улоқ чопишини гапираверса, киши ҳайрон қолади, – деди яна бир мўйлови шопдек йигит, – юз, икки юз чавандоз ичидан ёппа-ёлғиз улоқни ажратиб чиқар экан-да!

– У вақтнинг одамини улоқнинг пири десангчи! – деди Собир тегирмончининг ўғли.

– Отинг яхши ва билагингда куч сероб бўлса, сен ҳам улоқнинг пири бўласан! – деди яна бири.

Мен бобомнинг мақтовини эшитиб, кеккайиб бормоқдаман... Шу пайтда орқамиздан от шаталоғи эшитилиб, қайрилиб қараган эдик, олдига бир ола эчкини ўнгарган, кўкраги очиқ, ятакчан, саман отлиқ бир йигитни кўрдик. У бизга етиб тўхтади ва ҳамма билан от устида туриб сўрашди.

– Бу ҳафта ёрдамлашасизда, карвон! – деди кулимсираб Тўғон ака...

– Ҳа, бўлмасамчи, сиздек оғайниларга кўмаклашмасам бўладими! – деди ҳалиги йигит ва тўзумсизланди: – Қани, илдамроқ юринглар!

Йигит билан биргалашиб кетдик. Бир оз боргач, бизнинг отимизнинг оёғи билан чавандоз йигитнинг сабри тугади ше-

<sup>1</sup> Дуркум (т) - тўда, гуруҳ.



килли, отига бирдан шартиллатиб қамчи берди ва қушдек учиб кетди. Биз фақат унинг: "Мен тезроқ борай", – деган сўзини эшитиб қолдик.

Энди сўз ҳалиги чавандознинг оти тўғрисида бошланди.

– Валаднинг<sup>1</sup> оти жуда ҳам чопқир-да, – деди Тўғон ака, – улоқчи бўлганингга яраша шундақанги отинг бўлса!

– Худди бодирафрафдек<sup>2</sup> учади! – деди мўйлови шопдек йигит.

Шу вақт нима учундир, ҳамма бирдан шарақлаб кулиб юборди. Кулги сабабига тушунмасамда, мен ҳам уларга қўшилиб кулишдим.

– Бодирафрафми, бодисарсар? – деб сўради ундан амаким.

Биз, акамга "Дўмбуровот" гузарида учрадик. Акамлар самоварчига палов дамлаб қўйиш учун ўзаро пул йиғиб беришгандан кейин, биз яна йўлга тушдик.

Даланинг кўчаси қишдан бошқа вақтда сув кўрмагани учун икки газ келадиган билқ-билқ гуппон тупроқ, йигирма-ўттиз улоқчи бирданига йўл босиб, қайси отини чоптириб, қайси лўкиллаиб боради.

Кўчани тўзон қоплаган, киши кишини танимаслик ҳолга келган. Мен бўлсам уйга қайтиб борганимда: "Кийимларингни пес қилибсан!" деб ойимнинг қарғашидан кўрқиб бораман.

Талайгина йўл босгандан кейин улоқ чопиладиган жойга етдик. Ўзи тўрт тарафи кўз илғамайдирғон даражада катта ва сайҳон бир ер экан. Бу жойга жуда кўп халқ йиғилган, бундаги улоқчи отлиқлар билан томошачи яёвларнинг ҳад-ҳисоби йўқ.

Катта садақайрағочнинг тагида иккита бордондек<sup>3</sup> самоварга ўтин қалаб қайнатадилар. Ундан нарироқда бир-икки киши уч-тўрт қоп бодрингни бир-бирисига тираб қўйиб: "Мирза қирон бодринг! Касур-кусур бодринг!" деб мақташадилар.

Акамлар саданинг остига – самоварчининг палосига отдан қўндилар. Кун қизиғида туриш қийин бўлгани учун мен ҳам тойчам билан садақайроғочнинг бир бағрига бориб турдим. Теваракдаги кишилар бир менга ва бир тойчамга қарайдилар. Мен уялиб тойчамнинг ёлини тарайман. Теварагимдаги кишилар орасида вағир-вағир гап, тўзумсизланиб улоқнинг бошланишини кутадилар.

Бириси: "Бугун улоқ қизимайди", деса, иккинчиси: "Бекор айтибсан, бугун улоқ жуда ҳам қизийди, чунки Салим билан Мурод чавандозлар келар эмиш", – дейди. Яна бири: "Ҳа-ҳа! Агар Салим келса, улоқ жуда ҳам қизир экан!" – деса, алла-

<sup>1</sup> Валад (а) – бола, фарзанд.

<sup>2</sup> Бодирафраф (ф) – варрак, Бу ерда: шамол маъносига.

<sup>3</sup> Бордон (ф) – қамшидан тўқилган, доп солиб қўйиладиган катта қоп.



ким: "Салимнинг оти қозоқи от, қамчи кўтармайди, ҳайт деса бас!" – дейди. Тағин биров: "Улар уч киши эди, икки йилдан бери бири кўринмай қолди, ана Ушанисига чавандоз боласи бас келолмас эди!" – деса, яна аллаким: "Ўлма, ўлма! Мен ҳам шуни кўпдан бери кўрмайман, гирдиғумдан<sup>1</sup> келган, ердан бичиб олгандек йигит-а?" "Балли, балли! Отанга раҳмат, худди ўша йигит, қанча сўроғласам ҳам ҳеч кимдан дарагини билолмадим. Шу йигитнинг устида анчагина жанжал бўлиб қолди, бири: "Ўлиб кетган", – иккинчиси: "Тирик!" – деб бақиради.

Уларга яна бириси қарши туриб: "От босган, докторхонада ўлган!" – дейди, сўфироқ бир одам: "Бировга ёмон нафас қилманглар!" – деган эди, аллақайси киши: "Ўлса ўлгандир, бунга нима жанжал!" – деб қўйди, тағин биров: "Бекор ҳам ўлдириб-миз-да!" – деб кулди. Яна: Сираси-сираси!" Тағин шовқин-сурон, яна: "Ҳа-ҳа!" Тағин: "Йўқ-йўқ"...

Бир кишининг: "Ана улоқ келди, деб юбориши билан ҳамма тип-тинч бўлиб, улоққа қараб қолди. Яна бир оздан кейин: "Улоғи ёш экан! Яхши чавандозга учурвоқ<sup>2</sup> ҳам бўлмайди!" "Шуниси тузук, шуниси!" – дея жанжал бошлаган ҳам эди, майдонга икки чавандознинг от ўйнатиб кириши ҳамманинг товушини ўчириб қўйди ва секин-секин "Салим чавандоз!", "Мурод чавандоз!" деган шивирлашишлар эшитилиб қолди.

– Қораси Салимми, чўтирими?

– Салимнинг билаги кучликка ўхшайди!

Чавандозларнинг бириси кўк човқар ва иккинчиси ола отга минган баҳайбат чапани<sup>3</sup> йигитлар эдилар. Булар келгандан кейин халқ чидамсизланиб қолди:

– Ана энди чин улоқ кўрасан!-дейишадилар.

– Бу кун қиёмат улоғи бўлар экан!-деб бошларини чайқатиб кўядилар.

– Муроднинг отини кўр, худди қаноти борга ўхшайди.

– Кўк човқарни айтасанми, тўриқнимми?

– Ҳар иккаласига от етмайди, иккови ҳам яхши зот!

– Қулоғи чимирилган от чопқир бўлади!

– Қулоқда гап йўқ, гап зотда!

– Қора от чопқир бўлади, деганлар, қораси яхши, қораси!

– Дадам раҳматлик от олганда туёғига диққат қилар эди, гап туёқда.

Баҳсланадилар, ҳар ким ўз ёнидаги билан талашади. Мен ҳам шу тўғрида ўйлаб, уларнинг айтган нишонларини қора қашқамдан қидириб топсам суюниб, топмасам куюниб тураман.

<sup>1</sup> Гирдиғум (ф) – юмалоқ, пакана, семиз, бироқ кучли, чайир.

<sup>2</sup> Учурвоқ (т) – кичкина, таррадек.

<sup>3</sup> Чапани (ф-т) – жаҳли тез, ўжар.



Маҳалламиздаги ўртоқларимдан Нурхон, Ҳайдар соқов, Шокир мишиқилар ҳам отларини лўкиллашиб келиб қолдилар. Биз тўртовимиз отларимизни қатор қўйиб, у ёқ бу ёқдан гаплашиб турдик. Нурхон дадасидан ола йўрғани сўраганда қилган баҳонасини айтиб кулади. Ҳайдар соқов саман отнинг йўлда Шокир мишиқининг байталига қараб кишнаганини айтиб, Шокирни масхара қилади. Кулишамиз. Шокир бўлса, бурнини торта-торта: "Уялиб кетдим, бундан сўғин бия минмайман", деб қизариб-бўзарди. Отимнинг умулдириғига уларнинг ҳаваслари келиб, баҳосини сўрашдилар, мен: "Ўн беш танга", – деб, кумуш қамчини ҳам кўрсинлар учун ўйнагансимон эгарнинг қошига "тақ-тақ" уриб қўяман. Улар: "Қани, қани, кумушми?" – деб қамчини қўлимдан олиб кўрадилар. Мен секингина бошимни қимирлатиб, ўзимда алланима сезинаман. Уларнинг отларига, ўзимникига, кийимларига, кийимимга қараб, ўзимни улардан аллақанча юқорида кўраман. Ҳайдар соқов тутила-тутила... "Келинлар, бир чоптирайлик", – деди. Нурхон кўнмаса ҳам тортиб олиб кетишди. Уларнинг орқасидан Шокир ҳам байталини югуртирди. Чидаб туриб бўлмас экан, улар орқасидан тойчамга бир қамчи бериб юборган эдим, жонивор икки ямлаб бир ютиб, ўн одимда уларни йўлда қолдириб кетди. Анчагина узоқлашганимдан сўнг орқамдагиларга қараган эдим, ҳамманинг кўзида мен эканман. Яна қаттиқроқ ҳайдадим. Қирнинг бир чеккасига бориб отимни тўхтатдим, талай вақтдан кейин улар отларини лўкиллашиб, ёнимга етдилар. Бу ерда отларимизнинг чопқирлиги тўғрисида сўзладик. Нурхон отининг чопмаслиғига акасининг иссиқ ҳолда сув берганини сабаб қилиб кўрсатди. Ҳайдар соқов бўлса, Эсон кўкнорининг ўғлини сўка-сўка:

– Бозорга ун учун борганимда бехос том бошидан гувала ташлаб юборди. Шундан бери қамчи билан юз минг урсанг ҳам жонивор қуловини чимириб, ҳуркиб тура беради! – деди.

Менинг қашқачам тўғрисида Ҳайдар айтади: "Сенинг, – деди, – отингга ҳеч от боласи етмайди!" – деди. Нурхон айтади: "Отдан сенинг бахтинг бор экан,

Лекин, – дейди, – ем-хашакни ўзинг бер, хизматкорга ишонсанг отингни бузиб қўяди, ўртоқ, мен сенга бир айтиб қўйдим", – дейди.

Шу ерда узоққина сўзлашиб тургандан кейин яна отни кейинга қараб қўйдик. Тагин улардан ўзиб кетдим. Халққа яқинлашгандан кейин "Мени ҳам таниб қўйсинлар" деб қашқачамни уст-устига қамчилашим борми, шамолда, шамол... энди халқ бир ўзимга ва бир қора қашқамга тикила бошлади. Мен бўлсам, "Мени энди танийсизлар!" деб тойимнинг ёлини қамчи сопи билан тараб тура бердим.



Томошачилар орасида яна олаговур кўпти: "Ана улоқнинг солиғини йиғаётибдилар!", "Улоқ ҳозир бошланади!", "Мурод чавандоз ҳам турди!", "Салим қалпоғини кийди!", "Рўзи қассоб улоқни бўғизламоқчи, пичоғини қайраяпти!", "Бойваччалар ҳам кўзғалишдилар!", "Салим чопонини ечмоқчига ўхшайди!", "Ҳай баракалла, шоввозлар!"

Ўртоқларим билан мен ҳам улоқнинг тезроқ бошланишини кутмоқдамиз. Чавандозларнинг қайсиси тўнини ечмоқда, баъзиси отининг айшанини<sup>1</sup> тортмоқда ва қайси бировлари улоқнинг солиғини бермоқда эдилар.

Улоқчилар биринсини ўртага гуз бўла бошлаган бўлсалар ҳам, ҳануз улоқ ўртага кирмаган эди. Ҳамма томошачилар сабрсизланиб: "Шу тобгача туя бўғизласа ҳам бўлар эди, улоғи яхлаб қолдимми?" – дейишадилар.

Орадан талай вақт ўтгандан кейин бўғизланган улоғини олдига ўнгариб Ориф саркор<sup>2</sup> ва унинг орқасидан бояги машҳур чавандозлар қалпоқни чаккага қия қўйиб, эгарга қийшиқ ўлтириб, ўртага кирдилар. Томошачилар улоқни кўрганлари он: "Хоҳ, жонивор, бормисан!" дейишдилар.

Орадан аллаким: "Улоқнинг қони яхши ювилдимми?" – деб сўрашган эди. Ориф саркор:

– Хотиржам! – деди ва улоқни шалқ этиб ташлади, сўнгра халққа яқинроқ келиб: "Оғайнилар! Бола-чақаларни четга чиқаринглар, от оёғида қолгудек бўлмасин, ўзларинг ҳам эҳтиётроқ жойда туринглар, ҳайвон билан бўладиган иш қийин!" – деб айтди.

Ориф саркор халқдан фотиҳа олиб, отини югуртириб, тўдага кетди. Томошачилар тўдадаги ўз яқинларига: «Бу кун ғайратларингни кўрамизда!» – деб бакиришдилар.

Улоқ бошланди...

Бириси олади, иккинчиси тортади. Иккинчисининг ёнига учинчиси ва тўртинчиси қўшилиб, бирдан саккиз томонга тортқилашадилар, орага четдаги улоқчилар ҳам сиқилишиб кириб, яна улоқни буйдалашдилар. Жуда қизиқ... ҳар ким улоқни ўз тақимига босиш ҳаракатида, лекин улоқнинг думидан, оёғидан, ёлидан тортувчилар жуда ҳам кўп. Тўдадан олиб чиқиш жуда қийин. Баъзан улоқни тўдадан олиб чиқувчи ҳам кўриниб қолади, бироқ унинг кетидан улоқчилар чуғурчүкдек ёпирилишиб, ўн-ўн беш қадамда тутиб оладилар. Яна тортиш бошланади.

<sup>1</sup> Айил (т) – эгарни отга мўҳкамлайдиган қайиш белбоғ.

<sup>2</sup> Саркор (ф) – ишбони.



Бу ёқдаги томошачилар: «Тақимга<sup>1</sup> бос, тақимга!», «Отнинг бошини қўй, човига қамчини шиғаб бер!», «Бўш келма, маҳкам тут!», «Юганини бўшат, қамчингни тишлаб ол, ёнингга алаҳсима!», «Олдинг, олдинг!», «Берма, чапга бурил, чапга!», «Тут, қўйма!», «Вой тўймагур, бериб юбордин-га, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисанда!», «Отинг ҳаром қотсин, отми, эшакми – бу ҳаром ўлгулинг?»... деб ҳар хил товушда бақиривадилар. Улоқ ерга тушиб кетиб қолса, томошабинлардан баъзиси югуриб бориб ердан улоқни азот кўтариб олади, укаси, ошнасими – ишқилиб бирорта яқин кишисига тутқазмоқчи бўлади. Лекин бошқа чавандозлар улоқни ундан олмоқчи бўлиб устига дув йиғилдилар, у бермасликка тиришади, бошқалар ўртага санжоб<sup>2</sup> қилиб сиқадилар. Бечора анчадан кейин оқсоқланиб ёки қўлини силаб ўртадан аранг чиқиб кетади.

Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чапг-тўзон, терлаган, пишилган, ҳар ким улоқни тақимига босиш қайғусида. Бош ёрилиб, кўз чиққан билан, отдан йиқилиб қўли синган билан парвойи фалак... Ишқилиб, улоқни тақимга босилса бўлди... Тақимига босиш ўзи жуда ҳам нашҳалиқда!

Лекин тақимига босиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди, тақимига кўпроқ босувчилар бояги чавандозлар: азобланиб, ўлаёзиб бўлса ҳам, улоқни тақимига босгач, отга қамчи бериб элик-олтмиш одим нарига қочиб борадиларда, яна орқадагилар тарафидан ўралиб олинадилар. Яна тортиш...

Улоқ бошланганидан бирор соат вақт ўтган эди. Бирдан улоқчилар сув қуйгандек тинчиб, тортиш ўрнида тўпланишиб қолдилар. Биз, отлиқ, яёв томошабинлар ҳам ҳаммамиз ўртага югуришдик. Мен кейинроқ борганим учун отлиқ, яёв халқ ўртани сириб олган эди. Мен чеккада қолдим. Ҳар қанча уринсам ҳам ўртага киришининг эши бўлмаганидан кейин одамларнинг оғзига қараб турдим. Лекин улоқчилар орасидаги ҳодиса ҳаммага ҳам номаълум эди. Ҳар кимнинг юзида таажжуб ва бир-бирисидан: – Нима гап? – деб сўрашар эди.

Бир неча дақиқадан кейин: "Қимирлатманг, қимирлатманг!" – деган товуш эшитилиб, халқ яна таажжубга тушди.

– Нар и бўлинглар, ҳовв! – деб ўртадан биров бақирди.

Халқ бир четлик бўлиб, йўл очди.

– Нима гап, нима гап?

– Ҳеч нарса эмас... Эсонбойни от босипти!

– Қўрқинчли эмасми?

– Йўқ, сағал.

Кишилар бир-бирларига қараб: "Фалокат-фалокат", –

<sup>1</sup> Тақим (т) – оёқнинг ости букиладиган жойи.

<sup>2</sup> Санжоб (ф) – қаттиқ сиқув, зич тахлаш, исканжа.





дейишдилар. Нар и тур-бери тур қилиб, беш-олти киши отга босириқ бўлганини ўртадан олиб чиқдилар. Кишиларнинг кўмаги остида келтириб, саданинг остига ётқиздилар.

Дарров бир киши аравага юборилди, биттаси ўзига келармикан, деб ўлгудек бўлиб ётган Эсонбойнинг юзига сув сепиб кўрган эди, кимир этмади.

– Беш-олти отнинг тагида қолдида, бечора!

– Ўнта отнинг тагида қолса ҳам ҳеч гап эмаску, бироқ қалтисроқ жойидан босганга ўхшайди...

– Умри боқий бўлса ҳеч гап эмас.

"Бечора бултурги ҳайитда менга ярим сўм ҳайитлик берган эди. Илоҳи яхши бўлсин", – деб кўнглимдан ўтказдим.

Арава келди. Эсонбой акани аравага ётқиздилар. Акам уч-тўртта ўргоқлари билан арава ёнида Эсонбойни кузатиб шаҳарга жўнаб кетди.

– Шўр пахта қилсин, кепак қиздириб боссин, – деб халқ чурвурлашиб қолди.

Улар жўнагандан кейин улоқ яна бошланиб кетди. Мен улоқ тугагунча томоша қилиб турдим. Лекин яхши-ки энди ҳеч кимни от босмади.

Кеча мени от қоққан<sup>1</sup> экан, ўрнимга киришим билан тирракдек қотиб ухлабман. Эрталаб ойим: "Тур, тур тезроқ, даданг келса нақ ўлдиради!" – деб устимдан кўрпамни тортиб ташлади. Мен уйқули кўзим билан: "Дадам бозор кетмадими?" – деб сўраган эдим, ойим:

– Эсонбойнинг жанозасига! – деб жавоб берди.

Менинг уйқум ўчди.

(1916)

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикоя нима учун "Улоқда" деб номланган?
2. Турғун нимани орзу қилади ва бу ҳикояда қандай ифодаланган?
3. Пойга пайтидаги Турғуннинг руҳий ҳолати қандай тасвирланган?
4. Ҳикояда улоқнинг қандай фожиаги оқибати кўрсатилган? Улоқ ҳақида фикр мулоҳазаларингизни билдириг.
5. Ҳикоядаги от билан боғлиқ бўлган сўзларни дафтарингизга кўчириб ўзинг ва ўқитувчи ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қилиг.
6. Улоққа отланган Турғуннинг ҳолати тасвирланган эпизодларни қайта ўқинг ва ўз сўзингиз билан гапириб бериг.

<sup>1</sup> От қоққан (т) – отда юриб эзилган, чарчаган маъносига.



## ҒАҒУР ҒУЛОМ

Ғағур Ғулом ўтган чорақда танишганимиздек, нафақат шоир, балки маҳоратли ёзувчи ҳамдир. У ўтмиш ва замонавий мавзуларда бири-бирдан қизиқарли қисса ва ҳикоялар ёзиб қолдирди. Бу қисса ва ҳикояларнинг мазмуни адибнинг болалик ва йигитлик даври хотиралари билан боғлиқдир. “Менинг ўғригина болам” ана шундай ҳикоялардан биридир.

“Ғағур Ғулом ўз ҳикояларида ҳақиқий ёзувчи учун шарт бўлган бирдан-бир йўлдан – кишиларнинг характерларини очиб бериш йўлидан боради ва бунинг учун керагича реалистик деталлар топа ва ярата олади”.

Иzzат Султoн, адабиётшунос.

### Менинг ўғригина болам (Воқеий ҳикоя)

Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил – ўн еттинчи йилнинг<sup>1</sup> кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам – онамнинг оналари Роқия биби келиб турибдилар. Бу кишини биз эркалаб “қора буви” деб атаيمиз.

Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очиқ айвонда увинтўда кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина Ўратепанинг<sup>2</sup> кир ип шолчаси устида ухлаймиз.

Сентябрь ойларининг охири, илк куз оқшомларининг бири эди. Ҳаво анчагина салқин. Биз етимлар бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб, бир-биримизни иситиб уйқуга кетганмиз. Қаторда энг сўнгги бўлиб, она чумчуқдай қора бувим ётардилар. У киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар.

Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, етти қароқчи юлдузтик келганда гўнғир-гўнғир овоздан уйғониб кетдим. Бувим ким биландир анчагина баланд овоз билан суҳбатлашмоқда эдилар. Ҳовлимиз ота-бувадан қолган, анчагина катта бўлиб, тўрт бурчак таноби<sup>3</sup> ҳовлилардан эди. Гир<sup>4</sup> атрофи иморат, шимол томонда амакиваччаларимиз туришарди. Лекин улар ёзда боққа кўчиб кетадилар. Ҳозир улар томон бўш.

<sup>1</sup> Ўн еттинчи йил – 1917 йил.

<sup>2</sup> Ўратепа – Тожикистоннинг Суғд вилоятига қарашли шаҳар.

<sup>3</sup> Таноб – ер сатҳи ўлчови бирлиги, 16 сотихга тенг.

<sup>4</sup> Гир (ф) – айланаси.



Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри келди. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да, дунёда. Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да. “Бизникига ўғри келди”. Гурур билан айтилса бўлади. Лекин ишоншармикин?

Ўғри ўша амакиваччаларнинг тоmidан секин юра келиб, бувимнинг тўғриларига келганда акса уриб юборибди. Бувим эса ёстиқни кўкракларига қўйиб, тил тагидаги нос билан ётар эканлар. Бувим пуф этиб носни туфлаб, томга қараб:

– Ўғригина болам, ҳой ўғригина болам, ҳойнаҳой бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринасан, ахир касбинг носик тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдим, – дебдилар.

Ўғри томдан туриб:

– Ахир, бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдим, бизнинг тирикчилигимизнинг йўлини тўсаверасизми? – дебди.

Мен гап шу ерларга келганда уйғониб кетган бўлсам керак. Қолган гапларни эшитганимча қилиб ёзаман.

– Ҳой, айланай ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйқу келадими. Мана, олти ой бўлди, бирор соат мижжа қоқиб ухлаганим йўқ. Кундуз кунлар гарангдай довдираб юраман. Бирор ерга ўтиб, мизғигандай қуш уйқуси қиламан. Кечалари хаёл олиб қочиб кетади.

– Нималарни хаёл сурасиз, бувижон? – Бу гапдан кейин устидаги тўнани турмушлаб, бўғотнинг устига ёстиқ қилиб қўйиб, ўғри ҳам ёнбошлаб олди.

– Нималарнинг хаёлини сурардим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонини ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқонга<sup>1</sup> шапиг. Ҳали буларнинг қўлидан иш келмайди. Сўққабошгина аравакаш тоғаларининг топгани ўзининг рўзфоридан ортиб, қут-лоямут бўлиши кийин. Рўзфорда бўлса, кўз кўриб, қўл тутгудай арзигулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. “Туриб еганга турумтоғ чидамас”, деганлар. Эҳ, бу болалар қачон улғаяди-ю, қачон ўзининг нонини ўзи топиб ейдиган бўлади. Чор-ночор хаёл сурасан, киши. Тагин бу етимларнинг биттагинаси ўғил, учтаси қиз. Энди ўн тўртдан ўн бешга ўтди. Қизлари қурғур қачон бир ерга элашиб кетади-ю. Ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жой чиқмаса, буларга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсан. Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!

– Тўғри айтасиз, бувижон, – деди ўғри, – меннинг ҳам икки

<sup>1</sup> Анқо - афсонавий қуш. «Анқонга шапиг» сўз бирикмасида анқоннинг тухумидай камчил, демоқчи.



болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, шуларни боқишим керак. Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўкка, Алининг<sup>1</sup> тигига ураман. Бўлмаса, ишлай десам билагимда қувват бор, ақлу ҳушим жойида. Менга ҳозир шу қилиб турган ўғрилиқ касби ёқади, дейсизми. Туппа-тузик аёлманд косибнинг боласи эдим. Замон чаппасига кетди. Керинска<sup>2</sup> пошшо бўлганидан кейин уруш тўхтайдиган деган эдилар. Ҳали-бери тўхтайдиган кўринмайди. Ҳали ҳам замон-замон илиги тўқларники<sup>3</sup>.

– Бирор бошқа касб қилсанг бўлмайдими, болам, – деди кампир.

– Нима касб қилай? Ҳамма касбларнинг ҳам бозори касод. Ота касбим кавушдўзликни қилайми? Аввало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на мих, на лок. Масаллиғининг ўзи, битиб чиққан кавушдан уч баравар қиммат. Ҳаммолик қилай десам, аввалгидек қоплаб ғалла, қоплаб савзи-шолғом оладиган бадавлатларнинг тухуми қуриган. Тунов куни шу маҳалланинг девкор этикдўзларидан Бувадат ота бутун қолип, шону, сўзан<sup>4</sup>, бигизларини улгуржисига икки пуд<sup>5</sup> жўхори унга маваза қилди. Яхши қилди. Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шаҳримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқсиз қўлини чўзиб “Амаки нон беринг” дейди. Нон-а, ўзимникига тополмайману. Битта ман эмас, буви, маҳалладаги ҳамма косибларнинг аҳволи шунақа. Пичоқчилар ҳам, бўзчилар ҳам, кўнчилар ҳам, борингки, мактаб домлалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано<sup>6</sup>. Бир қошиқ оби ёвғонга зор. Санқиб юрибди.

– Хув, худоё уруши бошига етсин. Қиёмат-қойим дегани шудирда, а, ўғригина болам. Ҳа, майли, шу етимларнинг ҳам пешонасига ёзгани бордир. Хўш, энди ўзингдан сўрай. Ахир, ноилжликдан-ку, шу ҳаром йўлга қадам босибсан, ўзига тўқроқ, бадавлатроқ одамларникига борсанг бўлмайдими? Мана, шу маҳаллада Карим қори деган читфуруш бор. Одилхўжа бой деган пудратчи бор. Матёкуббой деган кончи бор. Буларнинг

<sup>1</sup> Али – Али (розиллоху анху) саҳоба. Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в.)нинг куёвлари, тўртинчи халифа.

<sup>2</sup> Керинска – Керинский: Россияда 1917 йил феврал инқилобидан сўнг тузилган муваққат ҳукумат раҳбари.

<sup>3</sup> Ишиги тўқлар – бойлар маъносига.

<sup>4</sup> Сўзан (ф) – игна.

<sup>5</sup> Пуд – оғирлик ўлчови, бир пуд – 16 кг.

<sup>6</sup> Ранги пано – ранги ўсал, сариқ маъносига.



давлати-ку мил-мил<sup>1</sup>. Бешикдаги боласи ҳам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади. Шуларнинг томини тешсанг бўлмайдимми?

– Эй, бувим тушмагур, соддасиз-да, содда, – деди ўғри, – бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг пахсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар биттасининг кўрасида эшакдай-эшакдай иккита, учтадан итлари бор. Бу итлар ҳовли саҳнидан битта капалак ўтса, бир ҳафта вовуллайди. Одилхўжа бойнинг фуломгардиши (йўлак)да-чи, милтиқ ушлаган городовой туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам сибир қилиб юборадим<sup>2</sup>.

– Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо, лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдида тагин бадном бўлиб қолмагин, – деди бизнинг кампир.

– Гапингиз тўғри, буви, тунов куни Ориф сассиқнинг отхонасидан тўртта товуқ, битта хўроз ўмарган эдим.

– Товуқ-хўроз дедингми? Ҳа, бу махлуқлари қурғур қақалаб сени шарманда қилмадимми?

– Ҳамма ишнинг ҳам ўз мароми бўлар экан, буви, товуқ олгани борганда чўнтагимда бир шишага сув солиб оламан. Кейин кўндоқнинг<sup>3</sup> тагига бориб, оғзимни сувга тўлдириб товуқларга пуркайман. Товуқдай аҳмоқ жонивор оламда йўқ. Ёмғир ёғябди шекилли деб ўйлаб, бошини ичига тикиб, хап ётаверади, кейин битта-битта ҳикилдоғидан тутиб халтага соламан.

– Шунақа дегин, вой товба-ей. Ҳамма ҳунарнинг ҳам ўзини мўрт гардони бўлар экан-да.

– Шундай қилиб десангиз, бувижон, сиримнинг хашаги очилишига оз қолди. Йўқ, элликбошимиз Раҳмонхўжага хўрозни олиб бориб берган эдим, ишни бости-бости қилиб юборди. Раҳмонхўжа мен билан тузук, яхши одам. Бултур уни-буни сотиб саксон уч сўм пул жамғариб “топганимиз шу, элликбоши ота”, деб пора берган эдим, рабочийга<sup>4</sup> кетишдан олиб қолди.

– Ҳа, ишқилиб, бола-чақасининг эгилигини кўрсин. Энди бу ёққа қара, ўғри болам, ҳадемай тонг ҳам ёришиб қолар. Ана ёруғ юлдуз ҳам тиккага келиб қолди. Ошхонанинг ёнидаги тутдан сирғалиб пастга туш, ўтинимиз йўқ. Ошхонада бир замонлар боғдан келган бир-иккита ёнғоқ тўнка бор, болгани олиб, шунинг бир чеккасидан озгина учириб бер, қумғон қўяман. Кеча тоғанг бериб кетган зогорадан иккитасини олиб қўйганман, биргалашиб чой ичамиз.

<sup>1</sup> Давлати мил-мил – бойлиги кўп, миллион-миллион маъносиди.

<sup>2</sup> Сибир қилиб юбормоқ – қаматиб, Сибирга сургун қилмоқ маъносиди.

<sup>3</sup> Кўндоқ (т) – катакда товуқлар кўниб ухлайдиган узун ёвоч.

<sup>4</sup> Рабочийга – 1916 йилдаги мардикорликка олдин назарда тутилган.



– Йўғ-э, буви, – деди ўғри, – тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қола-сиз. Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан.

– Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам. Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоқи, ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп, катта қозонда ош ичардик. Худонинг гашига тегдик шекилли, шундоқ катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим қолиб турибди. Эҳ-а, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шуни олиб кета қол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўғригина болам.

– Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто, бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Уша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-кулиб хизмат қилайлик. Хайр энди, буви, мен кетаман, тоғ томон ҳам ёришиб қолди.

– Хайр, ўғригина болам, келиб тур.

– Хўп, она, хўп...

Мен ўша ўғри кишини танир эдим. Ҳалигача ҳеч кимга кимлигини айтган эмасман.

## ? Савол ва тошириқлар:

1. Мана, ҳикояни ҳам ўқиб чиқдингиз, Сизга ёқдимми? Унда қайси йиллар воқеалари акс этган?
2. Ҳикоячининг оиласи ҳақида нималарни билиб олдингиз? Ҳикоячи бола оиласи билан “Улоқда” ҳикоясидаги Турғуннинг оиласи ўртасида қандай фарқ сиздингиз?
3. Кампир билан “ўғри” йигит ўртасидаги суҳбатдан нималарни англадингиз?
4. “Ўғри” йигитнинг шикоятлари воситасида замона ҳақидаги қандай ҳақиқатлар ошкор этилган?
5. Ҳикояда келтирилган халқ мақоллари ва маталларини топиб дафтаришгизга кўчиринг ва оғзаки изоҳлаб бериш.
6. Ҳикояда акс этган миллий руҳ, миллийлик нималарда кўринади?
6. Ҳикоядаги “қуш уйқуси қиламан”, “кимнинг ҳам кўзи учиб турибди” каби кўчма маъноли сўз бирикмаларини топиб дафтаришгизга ёзинг ва маъносини тушунтиринг.
7. Ҳикоя мативидаги ўхшатишларни топинг ва изоҳланг.
8. Ҳикояда касб-ҳунарга оид қандай сўзлар ишлатилган? Топиб кўчиринг.



## МИРЗОҲИД МИРЗАРАҲИМОВ

(1943-1997)



Мирзоҳид Мирзараҳимов деган ёзувчини биласизми? У бизнинг ватандошимиздир. Чунки ажойиб журналист ва адиб Мирзоҳид Мирзараҳимов 1943 – 1997 йилларда Ўш шаҳрида яшаб ижод қилди.

Мирзоҳид Мирзараҳимов оиланинг тўнғич фарзанди эди. Шунинг учун оиланинг юки, ташвишлари унинг елкасига тушди. У дорилфунуннинг кундузги бўлимида ўқий олмади. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат дорилфунунда сиртдан ўқиб, олий маълумотли журналист бўлиб етишди. Йигирма

ёшида отасидан айрилди. Онасининг тирикчилик учун кўчага чиқишига йўл қўймади, рўзғор аравасини ўзи тортди. Ука ва сингилларини ўқитди, турмуш чорраҳасида туриб уларни йўлга солди.

1960 йилнинг августида “Ленин йўли” (ҳозирги “Ўш садоси”) газетасининг таҳририяти Фрунзедан (ҳозирги Бишкек) Ўш шаҳрига кўчиб келди. Ўша кунлари таҳририят остонасидан ҳатлаб кирган Мирзоҳид Мирзараҳимов бир умрга газетга боғланиб қолди. Йигитлик куч-ғайратини газета ривожига берди. Ўша ерда ўсди, улғайди, камол топди. Баркамол журналист Тошкент адабий муҳити ҳавас қиладиган ёзувчи бўлди.

Мирзоҳид дастлаб шеърлар машқ қилди. Унинг мушоҳадаҳислари шеърга сизмас эди. Ҳикоялар ёза бошлади. Уларни Марказий Осие адабиётининг кўзгуси бўлмиш “Шарқ юлдузи” журнали нашр этди. “Ойдин кечалар” тўплами дунёга келди. Кейин “Оқ булутлар” китоби нашрдан чиқди. Катта адиб Ўткир Ҳошимов Мирзоҳид Мирзараҳимов ҳикояларидан олган завқини изҳор қилиб хат ёзди. Бу мактублар ёзувчига далда бўлди. “Чашма”, “Нурафшон олам”, “Куйган кеча” каби ҳикоялар тўплами Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг номини кенг адабий жамоатчиликка танитди.

Мирзоҳид Мирзараҳимов ўз ҳикояларини бир зарб билан ёзган, шунинг учун ҳам улар бир нафас билан ўқилади. Ёзувчи ҳикояларининг тили раво ва ширадор. Унинг ҳикояларини ўқиганингизда кўнглингиз равшан тортади.

*(Қўлдош Мирзо, Қирғизистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси)*



## Бобом ҳақида ҳикоялар

Уйимиз тўридаги қозикда анчагина уринган, тўқаси<sup>1</sup> катта камар осигелик туради. Эҳ, агар уни боғлаб, кўчага чиқсам борми... Лекин бунинг иложи йўқ-да. Бобом кўрса қаттиқ ранжийди. Бобоси ичи тор, ўлгудай хасис, заҳар одам экан, деб ўйламанг яна. Дунёда ундай сахий одам йўқ. Қишлоғимизда каттаю кичик – ҳамма уни Полвон дейди. Бобом шундай норғул-ки<sup>2</sup>, уйимиз эшиги икки қанотли, ҳамманикидан баланд бўлса ҳам, у эгилиб кириб, эгилиб чиқади. Бўйига яраша гавдаси ҳам борда, ўзи. Ҳар елкаси бир қулочдан келади, икки-уч йил бурун қучоқласам бўйнига қўлим етмасди.

Бобом қишин-ёзин оёғига этик, бошига дўппи кийиб юради. Ёзда кўйлаги этагини шими устидан тушириб, чорси<sup>3</sup> боғлайди, қишда қора қоплама тўн кияди.

Бобом полвонлик қилиб умрида биров билан кураш тушмаган, ҳеч ким билан уришмаган. Қизиқ, нимага одамлар уни Полвон дейишади, деб ҳайрон бўлардим. Билсам, гап бошқа томонда экан. Колхозда дурадгор уста эмас-ми, иккита шоғирди билан битта уй томини икки кунда ёпиб битиради. Тўғри, ҳашамга хуши йўқроқ, лекин ишини пишиқ дейишади. Ишқилиб, қишлоқдаги уйларнинг ярмидан кўпини бобом қурганда. Мана шунга, ишни тезу пишиқ битиргани учун одамлар уни "Полвон" дейишаркан.

Ҳа, гап камар устида кетаётганди. Бобом бу тўқаси катта, эски камарни нимага бунча аяйди, билмайман. Билмаганим сари унга қизиқишим ортаверади. Пайт топдим дегунча уни тақиб, уйда солдатчасига гурс-гурс юриб қоламан. Ўзи ғалати сеҳри борда, уни тақсам бирдан улғайиб, ҳаммадан кучли бўлиб қолганга ўхшайман. Лекин кўчага чиқишнинг иложи йўқ-да, бўлмаса Сардор билан беллашиб қўярдим.

– Ҳа, сен, – деди қўққисдан кириб келган бобом кўрсаткич бармоғи билан пўписа қилиб, – яна тегибсан-да.

– Текканим йўқ, – дедим шошиб қолганимдан камар тўқасини кўйлагимга тез-тез ишқалаб, – чангини артаятувдим.

– Ҳа, яхши, – бобом камарни худди чақалоқдай авайлаб қўлига олди.

– Бобо, сиз урушга боргансиз-а?

– Йўқ, – деди у.

Бу биринчи сўрашим эмас. Ҳар сафар «йўқ» жавобини олганда ҳафсалам пир бўлиб, бўшашиб кетаман-ку, яна сўрайве-

<sup>1</sup> Тўқа (т) – камар учигаги япалоқ темир.

<sup>2</sup> Норғул (г) – гавдали, барваста, жуссаси катти, баланд бўйли.

<sup>3</sup> Чорси (ф) – тўрт бурчакли, белбоғ.





оаман. Сабаби бир кун мен унинг «ҳа» дейишини истайман. Қизиқ, унда эски камарни нимага бунча аяйдди?

– Ишқилиб, камарни ҳарбийдан опекеганмисиз? – сўрайман

на.  
– Йўқ, – дейди у, – бу улуг бир одамнинг камари, ўғлим.

– Унда нимага бизникида туради?

– Совғада, ўғлим, эсдалик совға.

– Эскию, – дейман ишонмай, – ростини айтинг?

– Хўп, майли, айтиб берай, – бобом чайир қўллари билан бошимни юшоқ силаб, бир оз жим тургач, ҳикоясини бошлади. – Айни уруш авжига минган қирқ учинчи йил буғдой шишиғида адирга чиқдик. Ўшанда ўн олтига чиқсам ҳам еттинчи синфда ўқирдим. Мактабга кеч кирганман шекиллида, ўйлмаса ўзим аьлочийдим. Айниқса ҳисоб-китобни дўндириб ашлардим. Шундан бўлса керак, мени ҳисобчи қилиб қўйишди. Буғдой баҳоси олтиндан қиммат маҳал. Бундоқ қарасам, тонна-тонна доннинг тепасида ўзим турибман. Бувим раҳматини ҳам қувонади, ҳам қайғуради.

– Сиззиям бувингиз бормиди? – ҳайрон бўлиб сўрайман.

Бобом маънос жилмайди.

– Бориди бўтам<sup>1</sup>, бориди. Урушда ҳалок бўлган дадамни тида куйиб-куйиб адоғ бўлди.

«Воҳ! – дедим ичимда қувониб, бобомнинг дадаси урушда атнашган экан-у, билмай юрганганимни қаранг!»

– Шундоқ қилиб, бувим бир ёғи қувониб, бир ёғи қайғуради, ҳикоясини давом эттирди бобом. – Ҳар гапда эҳтиёт бўлгин. Ар бошоқ дон фронтга мадор, қанча-қанча одамнинг тақдирини ени қўлингда, агар ким бир бошоқ буғдойга хиёнат қилсанг, асти рози эмасман, деб тайинлагани-тайинлаган.

Адирда катта тандир қурилган. Икки нонвой тинмай нон пади. Уроқчию бошоқчи, аравакашу хирмончи – ҳаммасига ш ҳақиға нон берилади.

Бир кун хирмонга ўроқчилардан хабар олгани раис келиб олди. Атрофида тўрт одам. Дастурхон ёзилиб, нон-чоё қўйилди. Орадан бир ҳафта ўтиб, у яна келди. Ёнида яна тўрттаси. Огур-югур, дастурхон ёз, чоё қўй, нон синдир. Ўрим охирига та тўрт-беш чиқдиёв. қулоғимда бувимнинг гапи: «Бир бошоқ буғдойга хиёнат қилсанг, асти розимасман». Хўш, раис олдиға индирилган нонлар ҳисобини қайдан чиқараман, уни кимми бўйинига ёзаман. Биргат<sup>2</sup> ҳаммага сочвор, дейди. Йўқ, шошма, гулла Мўмин, дейман ўзимча, бу ахир хиёнат бўлади.

Ўйлаб-ўйлаб, охир идораға йўл олдим.

<sup>1</sup> Бўта (т) – туянинг боласи; бўталок; бу ерда эркилан маъносида.

<sup>2</sup> Биргат – бригадир, бошлиқ.



– Ке, мирза Мўмин, – деди раис, бу ерда нима қилиб юрибсан, дегандай қилиб.

– Шу озгина чатоқ бориди, – дедим хижолат тортиб, – бувим кўпчилик ҳақиға хиёнат қилмагин, рози бўлмайман, деганди.

– Бувинг – авлиё хотин, тўғри айтибди, – деди раис.

– Эсизда бўлса, уч-тўрт адирга чиқувдиз, – дедим.

– Эсимда, эсимда, – деди у.

– Шунда ўртада беш-ўнта нон синдирилувди, – дедим сал ҳайиқиб.

– Хўш, хўш? – ҳушёр тортиб сўради раис.

– Хиёнат бўлмасин, деб шуни ёзиб қўювдим, – дедим қўйнимдан қарз дафтариини олиб. Раис донг қотиб қолди. Бир оздан сўнг:

– Қани, бу ёққа берчи? – деди у бирдан жонланиб. Қўрқаписа дафтарни узатдим. Унда раисдан ташқари ҳосилот, буғолтир, район вакили – ҳаммаси бўлиб олти киши рўйхат қилиниб, қаршисига еган нонлари ёзилганди. Раис рўйхатни кўздан кечириб туриб, бирдан момагулдирақдай «охо»лаб кулиб юборди.

– Яхши, яхши, – деди ниҳоят раис дастрўмоли билан юзкўзини артиб,

– Боплабсан, ота ўғил. Фақат шу район вакилини ўчирворда, уни ҳам менга ёзиб қўй, хўпми?

Раис айтгандай қилиб, рўйхатни бўғолтирга топширдим. Аммо лекин бу гап шу кунгек қишлоқ қолиб, бутун районга тарқаб кетибди. Ҳали ҳеч бир раис еган нонни биров унинг бўйнига қарз қилиб ёзмаган эканда.

– Роса боплабсиз, – дедим бобомга қойил қолиб, – ишқилиб колхоздан ҳайдашвормадими?

– Йўқ, ҳайдашмади, – кулди бобом, – уруш тугаган йили ҳарбийга чақирув қоғози олиб, шаҳарга тушдим, ҳикоясини давом эттирди у. – Уч-тўрт улфат бир бўлиб, болаҳонали чойхонага кирдик. Бир маҳал чой ташийдиган дастёр<sup>1</sup> бола ёнимга келиб:

– Сизни герой<sup>2</sup> чақиряпти, деб қолса бўладими?

– Қанақа герой? – дедим атрофга аланглаб.

– Анов томонда, – бола тўридаги сўрида улфатлари даврасида ўтирган шопмўйлов кишини кўрсатди, – кўрдизми, рostaкам герой.

Бир зум нима қиларимни билмай гангиб туриб, яна бола кўрсатган томонга қарадим. Шунда ҳалиги кўкрагига Олтин Юлдуз таққан шопмўлов киши қўлини кўксига қўйиб, қуллук

<sup>1</sup> Дастёр (ф) – ёрдамчи.

<sup>2</sup> Герой (р) – қаҳрамон.



қилса нима дейсан? Лунжымдаги нонни ютишни ҳам унутиб, ўрнимдан туриб кетибман-у, энди яқинлашганимда герой қўлтиқтаёққа таяниб ўрнидан туриб қолса борми. Уни кўриб бошқалар ҳам кўзғолишди. Илгимда<sup>1</sup> жон йўқ, дир-дир титрайман, ҳозир бир нима бўлади, ё ер ёрилади, ёки осмон қулайдида, мен майда-майда бўлиб тирқираб кетаман, деб кетяпман. Йўқ, ҳеч гап йўқ. Кўришдик, ўтирдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Қани қулоғимга гап кирса.

Бўш пиёлани узатиб, ҳайрон бўлиб геройга қарадим. Ёпирай! Унинг кўзида ёниб турган меҳр, ғалати бир ҳавасни кўриб, донг қотиб қолдим.

– «Қизил юлдуз»данмисан?

Маъқуллаб бош ирғадим.

– Исминг Мўминжон-а?

– Шундоқ, – дедим энди бир оз ўзимни қўлга олиб.

– Қани айтчи, раис еган нонни бўйнига қарз қилиб ёзиб қўйганинг ростми?

– Бувим, сен торозини шайинисан, агар битта донга хиёнат қилсанг, розимасман, деганди, – дедим мен.

– Бувинг яхши хотин экан, – деди герой.

– Уни ҳамма авлиё дейди, – дедим мен.

– Сен бўлсанг чинакам геройсан, – деди у, – агар сендақалар бўлмаса, биз ғалабага эришолмасдик, бизга жўнатган нон учун катта раҳмат сенга!

Кўзларимга филт-филт ёш келди. Қани энди бир нима десам. Тилим танглайимга ёпишиб қобди. Шу вақт герой қайиш кариини ечиб, менга узатди.

– Ма, ука, бу сенга эсдалик, доим тақиб юр, хўпми?

Кейин нима бўлганини билмайман, раҳмат айтдимми, йўқми, чойхонадан қандай чиқиб кетдим, эсимда йўқ. Аммо лекин унинг меҳр тўла кўзларини ҳозир ҳам шундоқ кўриб тургандайман.

Ким бобосини ёмон кўрсин, бироқ мен уни ҳаммадан ҳам яхши кўраман. Бобомга кўзим тушди дегунча, серёғин баҳор кунлари тонгда чарақлаб чиққан қуёшни кўргандай қувониб кетаман. Ўзиям юз-кўзидан шундоқ офтоб ёғилиб турадида.

<sup>1</sup> Илгимда (т) – қўлимда, оёқ-қўлимда маъносида.



? Савол ва топшириқлар:

1. Эсланг: Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг қайси ҳикоясини ўқигансиз?
2. Бола нима учун уй тўридаги осиятлик камарга қизиқиб қолди?
3. Полвон образининг қандай характерли хусусиятларини биласиз?
4. Полвон набирасига камарнинг тарихи ҳақидаги қандай воқеани сўзлаб берди?
5. Мўминнинг ҳисобчилигини қандай баҳолайсиз?
6. Раиснинг Мўминга муносабати ҳақида фикрингиз?
7. "Герой" нима учун Мўминга камар совға қилди?
8. Нима учун чол камарни кўз қорачиғидай сақлайди?
9. Боланинг ўз бобосига бўлган муносабатини қандай баҳолайсиз?
10. Сиз ҳам ўз бобонгиз ҳақида кичик иншо ёзинг.





Худойберди Тўхтабоев 1933 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Унинг болалик ва ёшлик йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Шу сабабдан Худойберди Тўхтабоев ёшлик йиллари жуда қийинчилик билан ўтганлигини эслайди.

Худойберди Тўхтабоев мактабни битиргач, Тошкент Давлат университетига кириб ўқиди. Ўз ижодини талабалик давридаёқ кичик-кичик асарлар ёзиш билан бошлади. Худойберди Тўхтабоевнинг биринчи ҳикоялар тўплами 1961 йилда “Шош-

қалок” номи билан босилиб чиқди. Кейинчалик Худойберди Тўхтабоев болаларнинг сеvimли ёзувчисига айланди.

Ёзувчининг “Сариқ девни миниб”, “Сариқ девнинг ўлими”, “Беш болали йигитча”, “Ширин қовунлар мамлакати”, “Мунгли кўзлар”, “Қасоскорнинг олтин боши” каби асарлари болаларнинг энг сеvimли асарларига айланиб кетди. Унинг “Ниҳоллар ноласи” номли мажозий ҳикояси ҳам сизларга аталган.

## Ниҳоллар ноласи

Шаҳарда кўкаламзорлаштириш ойлиги бўлиб ўтганди. Шу ойлик давомида кўчалар чеккасига, ариқларнинг бўйига, хиёбонларга<sup>1</sup> нақ уч юз мингга яқин мевали, мевасиз, манзарали кўчатлар ўтқазилди. Ҳафталикда, газеталарнинг ёзишча, мактаб ўқувчилари, район коммунал хўжалиklarининг<sup>2</sup> жуда илғор, жуда ҳам илғор бўлмаган ходимлари, маҳаллаларнинг тажрибали ва жуда ҳам тажрибали бўлмаган чоллари актив иштирок этишди.

Бу иш жуда тез, худди ёв қувлаб келаётгандек шошилгинч ўтказилди.

«Шодлик» кўчасининг икки юзида қачонлардир сувлари ўйноқлаб равон оқадиغان ариқлар бўларди, лекин бу ариқларнинг сувлари аллақачон, тўғрироғи, бундан тўрт йилларча олдин қуриб қолганди.

Ана шу суви аллақачон қуриб қолган ариқларнинг бўйига 22-мактаб ўқувчилари икки юзтача чинор экиб кетишди.

<sup>1</sup> Хиёбон (ф) — боғ, гулзорлар орасидаги йўл.

<sup>2</sup> Коммунал хўжалик (р-ў) — шаҳар ҳаёти билан боғлиқ ташкилот.



Жуда хурсанд бўлиб, бир-бирларига, ҳазил-мутойиба сўзлар айтишиб, қиқирлашиб кулишиб, бир хил кўчатларни жуда тўғри, остини сернам қилиб, бир хилларини салпал қийшайтириб, майда томирчалари ёнига қуруқ тупроқ тортиб экиб кетишди.

Тавба қилдим деб гапирай-ку, худди қўйлар қўйлар билан, эчкилар эчкилар билан ёки, айтайлик, чумчуқлар чумчуқлар билан ўз тилларида гаплашганларидек чинорлар ҳам чинорлар билан гаплашишар экан.

Ҳалиги ўқувчилар қийқиришиб бири кетмонини асфальт йўлда даранглатиб судраб, бири белкуракни елкасига тескари қўйиб, яна биттаси бўш челақни чилдирма қилиб чалиб жўнаб кетишгач, чинорлар бир-бирларига маъноли қараб қолишди.

– Хўш, ҳаммаларинг эсон-омон жойлашиб олдиларингми? – тўсатдан гап бошлаб деди қадди-қомати келишган новча ниҳол.

– Чакки эмас, – деб қўйди ўнг томондаги пакана ниҳолча.

– Экишаётганда менинг битта шохимни синдириб қўйишди, – деб зорланди шохи синган ниҳолча.

– Ҳечқиси йўқ, – далда берди қадди-қомати келишган новча ниҳол, – ҳаммаси яхши бўлиб кетади, томирларимизни тупроқ орасига эсон-омон ёйиб олсак, гуркираб ўса бошлаймиз, баргларимиз шаббодада ўйнаб, қарсақлар чаламиз. Ўтган-кетганлар салқинимизда ўтириб, баҳра олишади... Бизга ҳали раҳматлар ёғилиб кетади.

Қадди-қомати келишган новча ниҳол бошқа шерикларидан ҳам ҳол-аҳвол сўраб кўнгилни кўтарувчи, далда берувчи сўзлар айтиб, ўз ишига машғул бўлди... Тоғ этакларидаги қирлардан бу ерларга етиб келгунча машинадан машинага ўтавериб танасининг кўп жойлари заха еган<sup>1</sup>, бир неча кун офтобда қолиб кетиб майда, пат томирлари қурий-қурий деб қолган экан. Новча ниҳолча ана шу жароҳатларини<sup>2</sup> тузатишга, пат томирларини қайтадан жонлаштиришга киришди. Лекин ён-атрофларида нам тупроқ жуда кам экан, сўришга ҳарчанд<sup>3</sup> уринмасин, бир томчи ҳам сув йиға олмади. Сув бўлмаса жароҳати ҳам битмайди, пат томирлари ҳам тирилмайди. Уқ томирида қишда ғамлаб қўйган озгина сув бор эди. Шу сувдан бир томчисини олиб жароҳатини бир оз даволаган бўлди. Ўлай-ўлай деб қолган пат томирлари ҳам бу сувдан жонланиб, рангига сарғиш нур югурди, ҳаммалари гимирлашиб қолишди, сўнгра кўз илғамас майда қўлчалари билан тупроққа ёпишиб, чақа-

<sup>1</sup> Заха سموқ – эзилмоқ.

<sup>2</sup> Жароҳат (а) – яра, озор.

<sup>3</sup> Ҳарчанд (ф) – ҳар қанча, кучининг борича.



лоқ ойисининг кўксини эмгандек, нам тупроқларни сўрғилай кетишди...

Эрталаб, қуёш чиқиши билан икки юз ниҳолча бирдан уйғониб енгил-енгил чайқалишиб, бир-бирларига салом бергандек бўлишди, сўнгра тунлари қандай ўтганлигини айта бошлашди.

– Менинг томирларим туни билан сув ахтариб чиқишди, деди битта нозиккина ниҳолча.

– Мен бўлсам танаму шохчаларим билан шабнам сўрдим, – деди бошқаси.

– Мен йўлда карахт<sup>1</sup> бўлиб қолган эканман, ҳалиям ўзимга келолмаяпман, – деб қўйди учинчиси...

Қадди-қомати келишган новча ниҳолча бошқаларга қараганда ёши бир-икки ёш улугроқ бўлиб, бобо чинорлардан кўп ривоятлар эшитганди: янги ерларга кўчиб борилганда сув учун, қуёш нурларини, озиқ-овқатлар учун омонсиз жанглар кетаркан, бир хил ниҳолчалар ожизлик қилиб ана шу жангларида нобуд бўлиб<sup>2</sup> кетишаркан... Новча ниҳолча бобокалонларидан эшитган бу гапларни ўйлаб кетди... Йўғэ, бу ерда унақа бўлмас, ахир шундоққина ёгиналарида ариқлар борку, бугун эрта сув ҳайдаб юборишлари ажаб эмас. Ундан кейин кўчат экиб кетган болалар ҳам жа бепарво, беғам эмасдир. Эҳтимол, сув тўла челақларини кўтариб, бир-бирларини қувлашиб, қийқиришиб келиб қолишар...

Сабр қилиш керак, сабр!

Ниҳоллар сабру бардошлари зўр, унча-мунча қийинчиликка парво қилмайдиган, қуёш тафтига, сувсизликка ўргатилган эди. Ҳали-бери сув ҳам, озиқ-овқат ҳам келмаслигига кўзлари етганидан пат томирлари билан намхуш тупроққа ёпишиб, танаю шохчалари билан шабнам сўриб, икки-уч ҳафтани бир амаллаб ўтказишди, бу ўртада шохчаларидан яшил баргчалар чиқариб, таналаридаги озгина намлик билан уларга ҳаёт бахш эта бошлашди. Аммо кунлар ўтган сари баргчалар катталашиб, кўпроқ сув, кўпроқ озиқ-овқат сўрай бошлашди. Ниҳолчаларнинг танаси пат томирларига кўпроқ озиқ-овқат юборинглар деб буйруқ берган эди, томирчалар бирдан тилга кириб: «Озиқ-овқат атрофимизда мўл, лекин уларни нима билан йиғиб оламузу, нима билан жўнатамиз? Озиқ-овқат жўнатадиган бирдан-бир воситамиз сув зарралари эди, ахир улар йўқку, бизга ҳадеб буйруқ беравергандан кўра озгина сув топиб берсаларинг бўлмайдимми!..» деб ҳар томондан чуғурлашиб қолишди.

<sup>1</sup> Карахт – ҳаракатсиз, сезмайдиган, қотиб қолган.

<sup>2</sup> Нобуд бўлмоқ (ф-т) – ўлмоқ, йўқ бўлмоқ, қуриб қолмоқ.



Ниҳолчалар бирданига:

– Сув!

– Сув!

– Сув!!! – деб бақиришга тушишди.

Қадди-қомати келишган новча ниҳолча тўсатдан кўрқиб кетди: йўқ ўзи учун эмас! Майда ниҳолчаларга, укаларига ачиниб кетди. Бобокалонлари айтган сўз учун, озиқ-овқат учун бўладиган жанглarning энг оғир палласи<sup>1</sup> бошланганга ўхшайди. Бундай пайтларда одамлар ёрдамга келишмаса, нозик ниҳолчаларнинг кўпчилиги нобуд бўлиб кетиши мумкин-ку, ахир! Наҳотки, наҳотки шундай бўлса! Ахир улар тоғ бағридаги серсув, баҳаво<sup>2</sup> адирларда мазза қилиб ўсишаётган эди, ўз ҳолларига қўйиб беришганда, бу ерларга мажбуран кўчириб келилмаганда, қандай соз бўларди-я!

– Сув!

– Сув!

– Сув!!!- деган фарёд ҳамма ёқни қоплаб кетгандек бўлди яна.

Новча ниҳолча шошиб қолди, нима қилишини, бир томчи сувга зор бўлиб жон бераётган нозик ниҳолчаларга қандай ёрдам беришни билмасди у.

Кўчадан шошилиб машиналар ўтяпти, бир-бирлари билан гаплашиб, аллакимни ёмонлаб, аллакимни мақтаб одамлар ҳам ўтиб...

Нозик ниҳолчаларнинг фарёдига бўлса ҳеч ким парво қилмайди. Нимжон баргчалари қуёш тафтида аста-секин қовжираб, ожиз новдалари очлик, сувсизликдан бирин-кетин сўлиб боряпти.

– Сув!

– Сув!

– Сув!!! – дейишяпти улар.

Эртасига эрталаб ниҳолчаларнинг кўплари уйғонмади, тунги шабнамга етолмай намозгар<sup>3</sup> палласидаги димликда бирин-кетин нобуд бўлишган экан...

Қадди-қомати келишган новча ниҳолча бу жудоликдан даҳшатга тушдию, лекин ўзини йўқотмади. «Мен энди бошқа ниҳолчалар учун ҳам яшашим керак, бўй чўзиб ҳар томонга чиройли шохлар отиб, яшил барглар чиқаришим, салқинимда ўтган-кетганлар дам олиб, биз, чинорлар шаънимизга раҳматлар ёғдириши керак...» деб ўйларди у. Пат томирчалари қуриб, иккита ён ва битта ўқ томири қолган эди. Ана шуларнинг та-

<sup>1</sup> Палласи (т) – пайт, вақт, тарози палласи.

<sup>2</sup> Баҳаво (ф) – ҳавоси тоза, намчил.

<sup>3</sup> Намозгар (а-ф) – шом намози пайти, кечқурун.





насида ҳали бир-икки томчи сув борга ўхшайди, аммо новча ниҳолча шошилишда яшил баргчаларни кўпроқ чиқариб юборган экан, эртасига эрталабданоқ ана шу яшил баргчалар кўпроқ сув берилишини сўраб танага мурожаат қила бошлади. Тана юқорининг илтимосини пастга етказган эди, аччиқланиб турган ўқ томир:

– Сув йўқ! – деб жеркиб берди.

– Сув!

– Сув, биз ўляпмиз!

– Қовжираб боряпмиз!

Кун пешиндан<sup>1</sup> оққанда шохчалар билан томирлар ўртасидаги алоқа бутунлай узилиб қолди, томирлар энди ўзларини ўйлаб, ўлмаслик учун сўнгги томчи сувни ўзларига олиб қолишганди. Новча ниҳолчанинг шохлари сўлиб, барглари сарғая бошлади, танаси қуришиб, ўзини лоҳас<sup>2</sup> сеза бошладиво, вужуди қизишиб, пўстлари тарс-тарс ёрилиб кетаётганини сезиб қолди. «Йўқ, – дея чайқалиб кетди новча ниҳолча, – мен ўлмаслигим керак, мен яшайман, яшайман!»

– Сув! – деб чинқириб юборди охирида...

Кўчадан шошилиб машиналар ўтиб борарди. Одамлар ҳам ўтяпти. Кимнидир мақтаб, кимнидир ёмонлаб кетишябди, бу кўчалар беҳад жазирама, озгина бўлса ҳам салқин жойи йўқлигидан зорланиб бораётганлар ҳам бор.

Чоллар, кампирлар ўтяпти.

Йигитлар, қизлар ўтяпти.

Болалар, қизчалар ўтяпти...

Новча ниҳолча ҳамон ажал билан олишиб ётибди, жанг бокалонлари айтишганидек беомон, шафқатсиз эди. Биринкетин яшил баргчалари қовжираб таслим бўлишди, шохчаларидаги ҳаёт сўнди. «Танам тирик ҳали, – энтикиб деди новча ниҳолча, – мен яшашим керак, албатта яшайман...» У кимдандир ёрдам кутгандек жовдираб атрофга қарай бошлади. Мени бу ерга экиб, кетмонини асфальтда даранглатиб судраб кетган болалар келиб қолмасмикан, деб яна бир бор кўча бошига кўз ташлади, ёмғир томчиларидан умидвор бўлиб, булут бўлма-са ҳам кўкка тикилиб, узоқ қотиб турди... қизиқ, ҳаммалари тик турганча жон беришибди... Ўтган йили худди шу кечакундузларда ҳаммалари тирик, яйраб-яшнаб барқ уриб ўсишаётган эди... Энди бўлса... «Йўқ, мен яшашим керак...»

– Сув! Сув! Сув!

Қадди-қомати келишган новча ниҳолча аста-секин ўзидан кетиб, аллақандай сеҳрли хаёлот нашъаси билан маст бўла

<sup>1</sup> Пешин (ф) – кўёш қиёмдан (тиккадан) ўтган пайт.

<sup>2</sup> Лоҳас (а) – бўшишган, чарчаган.



бошлади, кейин ўша кун – ҳаддан ташқари қиздириб юборган  
19 июнь куни кундуз соат олтиларда жон берди.

Тик турганча қотиб қолди у.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Шаҳарда кўкаламзорлаштириш ойлиги қандай тартибда ўтказилди?
2. 22-мактаб ўқувчилари фаолияти ҳикояда қандай акс эттирилган?
3. Нима учун чинорлар ўзаро суҳбат қуришди?
4. Новча ниҳол саргузаштларини сўзлаб беринг.
5. Экилган кўчатларга қандай муносабатда бўлишди?
6. Новча ниҳолнинг асосий ташвиши нимада эди?
7. Ниҳолчалар ҳалокатининг асосий сабаби нимада деб биласиз?
8. Ниҳолчалар ҳалокатини кўрган новча ниҳол нега саросимага тушди?
9. Новча ниҳолнинг тақдирини ҳақида нима биласиз?
10. Сиз ён атрофдаги дарахтларга қандай муносабатда бўласиз?
11. "Биз табиатни асраб қолишимиз керак" деган мавзуда уй иншоси ёзинг.



# ЛИРИКА

## РУБОИЙ ҲАҚИДА

Лирика ҳақидаги олдинги суҳбатимизда лирик турга мансуб жанрларни қайд этгандик. Улардан бири рубоий эди. Рубоий атамаси сизга бегона эмас. 4-синф «Адабий ўқиш» китобидаги Умар Ҳайём, Жомий рубоийларини ўқиб, ёд олгансиз. Рубоийнинг тугалланган маънога эга тўрт қаторли шеър эканлигини ҳам биласиз.

Ҳақиқатан ҳам, "рубоий" арабча сўз бўлиб, тўртлик деган маънони билдиради. Рубоий – тўрт мисрадан иборат мустақил лирик жанр. Рубоий жанрининг бош хусусияти шундаки, у инсон ҳаётида, ички кечинмаларида юз берган энг поэтик ва кескин ҳолатлардаги мулоҳаза ва фикрларни қуйма мисраларда ифода этади. Рубоий асосан фалсафий, ахлоқий мавзуларда ёзилади.

Рубоий Шарқ адабиётида кенг тарқалган. Рўдакий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Умар Ҳайём каби файласуф шоирлар рубоий жанрида жаҳонга шуҳрат таратганлар. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийлари ҳаётини мушоҳадаларга бойлиги, теран фалсафий хулосаларини содда тилда, юксак бадний умумлашмалар орқали шеърхононгига етказа олиши билан ўзбек рубоий навислигини янги таракқиёт босқичига кўтарди.

Ҳозирги ўзбек шеърлятида рубоийга ўхшаб кетадиган шеър, бу тўртликдир. Тўртлик ҳам тўрт мисрадан иборат мустақил шеърини асар.

Махсус жанр сифатида тўртлик рубоийдан ўзининг шакли ва мазмун томонлари билан фарқланади. Рубоий аруз вазнида ёзилса, тўртлик бармоқ вазнида яратилади. Уларнинг қофияланиш тартиби ҳам бир-бирига ўхшайди. Асосан, биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар ўзаро қофиядош бўлади. Баъзан тўрт мисранинг ҳаммаси ўзаро қофияланиши ҳам мумкин ва бундай рубоий ёки тўртликлар шоирнинг юксак маҳорати меvasидир.

Тўртликларнинг мавзу доираси ҳам кенг бўлиб, уларда турли ҳаётини воқеалар таъсирида пайдо бўлган кечинмалар, фикр-мулоҳазалар ифодаланиши мумкин. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева каби шоир ва шоиралар ижодида тўртлик намуналари мавжуд.

Ижодкорнинг бирор ҳаётини воқелик ҳақидаги таассурот



ва хулосаларини тўртликлар лўнда, поэтик ифодалаб беради.  
Шунинг учун уларнинг аксарияти сарлавҳасиз бўлади.  
Масалан:

Кетган пирлар<sup>1</sup>, ўтмиш пирлар, ўздир худойим,  
Улар азиз, улар аён сўздир, худойим.  
Гўдакларнинг орасида келар пирлар бор,  
Шу пирларни кўрадиган кўз бер, худойим.

(Ҳалима Худойбердиева)

? Савол ва топшириқлар:

1. Рубой жанри ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
2. Рубойларда илгари сурилган ғоя қандай ифодаланди?
3. Машҳур рубойнавислардан кимларни биласиз?
4. Тўртликларнинг рубойларга ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг?
5. Қуйи синфларда қайси рубой ёки тўртликларни ёд олгансиз

## АЛИШЕР НАВОЙЙ

### Рубойлар

Зевар<sup>2</sup> кишига не тожу, не афсар<sup>3</sup> бил,  
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар<sup>4</sup> бил.  
Ҳар кимки адабсиздур, ишин абтар<sup>5</sup> бил,  
Алқисса, эранларға<sup>6</sup> адаб зевар бил.

\* \* \*

Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,  
Ул одат ила касби саодат қилғай.  
Ҳар кимки, атоға кўп риоят<sup>7</sup> қилғай,  
Ўғлидин анга бу иш сироят<sup>8</sup> қилғай.

\* \* \*

<sup>1</sup> Пир – устоз, йўл кўрсатувчи.

<sup>2</sup> Зевар (ф) – безак, зийнат, тақинчок.

<sup>3</sup> Афсар (ф) – тож, жиға; мансуб белгиси.

<sup>4</sup> Дархар (ф) – муносиб, ярашиқли.

<sup>5</sup> Абтар (а) – бузук, бахтсиз.

<sup>6</sup> Эранлар (т) – эрлар, мардлар, йигитлар.

<sup>7</sup> Риоят (а) – риюя, эътиборга олинш.

<sup>8</sup> Сироят (а) – кириш, юқиш, таъсир қилиш.



Хар кимки, чучук<sup>1</sup> сўз элга изҳор айлар,  
Хар нечаки ағёр<sup>2</sup> дурур ёр айлар.  
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,  
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор<sup>3</sup> айлар.

\* \* \*

Хўб эл<sup>4</sup> била суҳбат тутубон хўб ўлғил,  
Яхшини талаб қилғилу матлуб<sup>5</sup> ўлғил.  
Ширин сўз ила халққа марғуб<sup>6</sup> ўлғил,  
Юмшоқ де ҳадисингнию<sup>7</sup> маҳбуб<sup>8</sup> ўлғил.

? Савол ва топириқлар:

1. Алишер Навоий рубоийларини диққат билан ўқинг ва мушоҳада қилинг.
2. Шоир инсоннинг гўзаллигини нимада кўради?
3. Нима учун Навоий отасини ҳурмат қилган фарзандни саодатманд (бахтли) фарзанд деб билади?
4. Рубоийларда сўзининг қудрати қандай баён қилинган?
5. Нега шоир кишиларни яхши инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлишга даъват этади?
6. Шоир рубоийларини ифодали ўқинг, луғат ёрдамида мазмунини шарҳланг.
7. Навоий рубоийларида одоб-ахлоқ қоидалари қандай ифодаланган?
8. Рубоийларни дафтарингизга кўчиринг, қофияланиш тартибини аниқланг ва остига чизинг.
9. Рубоийлардан намуналар ёд олинг.

<sup>1</sup> Чучук (т) – ёқимли, ширин.

<sup>2</sup> Ағёр (а) – рақиб, бегона.

<sup>3</sup> Гирифтор (ф) – асир бўлган, учраган.

<sup>4</sup> Хўб эл (ф-т) – яхши одамлар.

<sup>5</sup> Матлуб (а) – исгалган, талаб қилинган.

<sup>6</sup> Марғуб (а) – ёқимли, кишига маъқул бўладиган.

<sup>7</sup> Ҳадис (а) – сўз, гап; Пайғамбар (САВ) сўзлари.

<sup>8</sup> Маҳбуб (а) – сеvimли киши.



## БОБУР

(1483 – 1503)



Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилда Андижон ҳоқими Умаршайх мирзо оиласида дунёга келди. Бобур оиланинг катта фарзанди эди. Уша замон қонуниятларига биноан Бобур болалигидан мустаҳкам таълим ва тарбия олди. Отаси ўлимидан сўнг, 1494 йил июнь ойида Андижон тахтига ўтирди.

Бобур ўзининг шеърий машқларини жуда эрта бошлади. Бобур лириканинг ғазал, қитъа, рубоий, туюқ, фард каби кўплаб жанрларида баракали ижод қилди. Бобур рубоийларида нозик лирик кечинма,

шоирона самимий туйғулар, ҳазин оҳанг ва юракни ўртовчи дарду, улкан ҳаётий фалсафа мавжуд. Қолаверса, шоир рубоийларининг тили содда, жонли халқ тилига яқинлиги билан кишини мафтун этади.

Бобур ўзининг бошидан кечирган барча воқеалар, ўзи кўрган ва кезган жойлар, ўзи билган ва учратган шахслар ҳақида муфассал маълумот берувчи "Бобурнома" асарини яратди-ки, бу асар XVI аср Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон ҳақидаги мукамал тарихий ёзма ёдгорлик намунасига айланди.

### Рубоийлар

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидир,  
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидир.  
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,  
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидир.

\*\*\*

Аҳбоб<sup>1</sup>, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,  
Жамҳиятингиз борини давлат тутунгиз.  
Чун гардиши чарх<sup>2</sup> бу дурур, тенгри учун,  
Бирбирни неча кунки ғанимат тутунгиз.

\*\*\*

<sup>1</sup> Аҳбоб (а) – дўстлар, қадрдонлар.

<sup>2</sup> Гардиши чарх (ф) – айланувчи дунё, фалак.



Беқайдмену хароби сийм<sup>1</sup> эрмасмен,  
Ҳам мол йиғиштирур лаим<sup>2</sup> эрмасмен.  
Қобулда иқомат<sup>3</sup> этти Бобур, дерсиз,  
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

\* \* \*

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда<sup>4</sup> киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.  
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,  
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Шоир нима учун яхши инсон ҳаётда ёмонлик кўрмаелигига ишонади?
2. Нима учун шоир инсонларнинг йиғилиб суҳбат қуришини фароғат ва давлат деб билади?
3. "Ёд этмас эмиш..." рубойси Бобурнинг таржиман ҳолидаги қайси воқеалар билан боғлиқ деб ўйлайсиз?
4. Бобур рубойларининг мавзу доираси ҳақида сўзланг.
5. Рубой жанрининг ўзига хос хусусияти нима?
6. Бобурнинг "Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидир" рубойисини ёддан айтиб, таҳлил қилинг.
7. Инсон умрининг ўткинчилиги, фаниматлиги адиб рубойларида қандай янграйдиги?

<sup>1</sup> Харобу сийм (а-ф) – пул, бойликка ўчлик.

<sup>2</sup> Лаим (а) – паст, хасис, тубан, пасткаш.

<sup>3</sup> Иқомат (а) – яшамоқ, истиқомат қилмоқ.

<sup>4</sup> Ғурбат (а) – ғариблик, мусофирлик.

# МАҚСУД ШАЙХЗОДА

## Тўртликлар

Файрат: мен тўхтамай жадал<sup>1</sup> юрдим, дер.  
Меҳнат: экканимни барвақт<sup>2</sup> тердим, дер.  
Билим: мушкулларни<sup>3</sup> тез емирдим, дер.  
Уч дўстнинг кучида ўлка баҳра ер.

\* \* \*

Бокуда бир чолга дедимки: – Дойи<sup>4</sup>,  
Кўнглинг кўп донолик ҳикматлар жойи,  
«Қардош» деганингнинг недур маъноси!  
Деди: – Шайх Низомий<sup>5</sup> ҳамда Навоий!

\* \* \*

«Салом» битта сўзки, жавобсиз қолмас,  
Ҳеч қайси тарози уни тортолмас,  
Юрак саломига «алик» деганлар –  
Юракдош, шу учун ёт деб аталмас.

\* \* \*

Кўклам, деб аталган у сўлим ғазал,  
«Ўлкам»га оҳангдош бўлгани гўзал,  
Ҳар саҳар чечаклар уқдирар бизга:  
Баҳорга меҳнатдан тож қўйсак афзал.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. "Файрат: мен тўхтамай жадал юрдим, дер..." деб бошланувчи тўртликдаги уч дўстни тушунтиринг.
2. "Уч дўстнинг кучида ўлка баҳра ер" мисрасини изоҳланг.
3. "Бокуда бир чолга дедимки..." мисрали тўртликда дўстлик ва қардошлик ғоялари қандай ифода этилган?
4. "Салом" битта сўзки..." жумласи билан бошланувчи тўртликда "саломлашиш одоби" қандай акс эттирилган?
5. "Кўклам, деб аталган у сўлим ғазал..." мисрали тўртлигида шоир кўклам манзарасини қай тарзда тасвирлаган?
6. Тўртликлардаги қофиядош сўзларни аниқланг.
7. Тўртликлардан намуналар ёд олинг.

<sup>1</sup> Жадал (а) – тез, тезлик билан; шошилич.

<sup>2</sup> Барвақт (қ) – эрта тонгда, вақтли.

<sup>3</sup> Мушкул (а) – қийин, ечилиши қийин бўлган оғир ҳолат.

<sup>4</sup> Дойи (т) – тоға.

<sup>5</sup> Шайх Низомий – XII асрда яшаган озарбайжон шоири Низомий Ганжавий.





# АБДУЛЛА ОРИПОВ

(1941 йил туғилган)



Абдулла Орипов Қашқадарё вилоятининг Некўз қишлоғида деҳқон оиласида туғилган.

Абдулла 1968 йили ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тамомлади. Абдулла Ориповнинг илк шеърлари талаблик давридаёқ матбуот саҳифаларида чоп этила бошлади. Унинг "Митти юлдуз" номли биринчи шеърлар тўплами 1965 йили нашрдан чиқди. Шундан сўнг шоир ўзининг кўплаб шеърӣ тўпламлари, дostonлари,

драматик асарлари билан ўзбек адабиёти хазинасини бойитишга ҳисса қўшди. "Жаннатга йўл" драматик достони шоир ижодининг чўққисидир.

Абдулла Ориповнинг "Онажон", "Булбул", "Ўзбекистон", "Дорбоз", "Юртим шамоли" "Сен баҳорни соғинмадингми?" каби шеърлари мухлислар қалбидан жой олган. Шоир чуқур фалсафий мазмундаги тўртликлар ҳам ижод қилди.

Абдулла Орипов жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони-дир.

## Тўртликлар

Эркалангиз қаламни олиб,  
Ўпиб қўйинг уни мулойим.  
Шўрлик ўзи яланғоч қолиб,  
Кийинтирар эгасин доим.

\*\*\*

Ногоҳ<sup>1</sup> энтикдию, эгилди камон,  
Ўқ учди белгисиз ёқларга томон.  
Кекса отасининг қаддин дол этиб<sup>2</sup>,  
Кетиб борар эди фарзанд шу замон.

\*\*\*

<sup>1</sup> Ногоҳ (ф) – тўсатдан, кутилмаганда.

<sup>2</sup> Дол этмоқ (а-т) – араб алифбосидаги 9-харфнинг (д) номи; қаддини этмоқ маъносид.



Сахро сўқмоғида бошин эгиб жим,  
Бир кимса кетмоқда, билмасман у ким.  
Агар у сен бўлсанг, қошингга борай,  
Агар у мен бўлсам, тезроқ кел, дўстим.

\* \* \*

Коинот гултожи инсондир азал,<sup>1</sup>  
Ундадир энг олий тафаккур,<sup>2</sup> амал.  
Хатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,  
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.

\* \* \*

Оқар дарёга ҳам кимдир банд берган,  
Хаёт кимга заҳар, кимга қанд берган.  
Эй, ғофил,<sup>3</sup> саркаш,<sup>4</sup> деб мени камситма,  
Фаним<sup>5</sup> сенга эмас, менга панд<sup>6</sup> берган.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. "Эркалангиз қаламни олиб..." мисрали тўртликнинг мазмунини изоҳланг.
2. "Кекса отасининг қаддин дол этиб..." мисрасида қандай ўхшатиш мавжуд?
3. "Сахро сўқмоғида..." деб бошланувчи тўртликда дўстлик ва ҳамкорлик ғоялари қандай ифодаланган?
4. "Коинот гултожи..." деб бошланувчи тўртликда инсон қандай улуғланди?
5. "Оқар дарёга..." деб бошланувчи тўртлик мазмунини ёзма равишда изоҳланг.
6. Тўртликларда қандай тасвирий воситалар борлигини аниқлашга ҳаракат қилинг. Қофиядош сўзларни дафтарингизга кўчиринг.
7. Тўртликларни ёд олинг ва ифодали айтиб беринг.

<sup>1</sup> Азал (а) – бошланувчи вақти номаълум, боши, қадим, ўтмиш.

<sup>2</sup> Тафаккур (а) – фикр, инсоннинг фикрлаш қобилияти.

<sup>3</sup> Ғофил (а) – гафлатда қолган, ҳеч нарсадан беҳабар.

<sup>4</sup> Саркаш (ф) – бош тевловчи, ўжар, итбатсиз, қайсар.

<sup>5</sup> Танним (ф) – душман, ёв.

<sup>6</sup> Панд (ф) – насиҳат; алдов, зиён етказмоқ.





### АНТОН ПАВЛОВИЧ ЧЕХОВ

(1860 – 1904)



Улуғ рус ёзувчиси Антон Павлович Чехов 1860 йилнинг 29 январида Таганрог шаҳрида туғилди. Чеховнинг болалиги ва мактабда – гимназияда ўқиш йиллари анча қийинчиликда ўтди. Катта оила – беш ўғил ва бир қизни ота-онаси зўрға эплаб боқар ва ўқитар эди. Чехов олтинчи синфдалигида отасининг савдо ишлари юришмай қолди ва у Москвага кетди. Сўнг онаси, ака-укалари ҳам Москвага кўчиб кетдилар. Чехов гимназияда ўқишни давом эттириш учун Таганрогда ёлғиз қолди.

Уч йил мустақил ҳаёт кечириш ёш Чеховга кўп нарсани ўргатди. У ўзи туғилиб ўсган ҳовлининг тор бир уйчасида турар эди, бироқ уни ҳам қарз эвазига олиб қўйишди. У, ўқиш билан бир қаторда, тирикчилигини ўтказмоқ учун дарс беришга ҳам мажбур бўлди. Бу қийинчилик йиллари Чеховни меҳнат қилишга ўргатди, унинг меҳнатга ҳурмати ва муҳаббатини оширди. Чехов бўш вақтларида Таганрог кутубхонасида Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Толстой ва чет эл ёзувчиларининг асарларини ўқиди.

Чехов ўн тўққиз ёшида гимназияни битириб, Москвага борди ва университетнинг тиббиёт факультетига кирди, беш йиллик жиддий машғулотдан сўнг врачлик унвонини олди.

Бироқ Чехов врачлик фаолияти билан эмас, балки ёзувчилик иши билан шуҳрат қозонди. У университетда ўқиганида адабий асарлар ёзишга иштиёқи кучая борди. Москва журналларида кичкина ҳикоялари чиқа бошлади. У баъзан ўз ҳикояларига Антоша Чехонте деб имзо қўяр эди. Бу ҳикояларда Чехов турмушдаги ярамасликлардан кулар, уларни масхара қилар эди. Унинг номи ҳаммага танилди, чунки адиб ҳикояларида турмушнинг энг нозик томонлари акс этар эди. Чехов ҳикоялари ўқувчилар диққатини фақат ўтқир фикрли ва кулгили бўлгани учун жалб қилмади. Балки унинг ҳикояларида такаббур ва жоҳил рус помешчиклари, лаганбардорлар, ифвогар чиновниклар, тор фикрли, жаҳолатпараст зиёлилар, онгсиз ва кўпол



полициячиларнинг феъл-атвори усталик билан тасвирланиб, фош қилинар эди. Бу ҳикоялардан энг яхшилари “Чиновникнинг ўлими”, “Филоф бандаси”, “Орден” ва “Буқаламун” дир.

Антон Павлович Чехов узоқ умр кўрмади. У 1904 йилда сил касали билан вафот этди. Лекин ўзининг йигирма беш йиллик адабий фаолияти давомида жуда кўп ажойиб асарлар яратди. Бу асарлар ҳаётни ва кишиларни англашга, қабиҳликка нафрат билан қарашга ва меҳнатни севишга ўргатади.

## Буқаламун<sup>1</sup>

Устида янги шинель, қўлида тугунча, полиция назоратчиси Очумелов бозор майдони ўртасидан юриб келмоқда. Унинг орқасидан қўлида мусодара қилинган крижовник<sup>2</sup> тўлдирилган ғалвир кўтариб афти-ангори сап-сарик городской қадам ташлаб келаётир. Теварак жим-жит. Бозор майдонида қимирлаган жон кўринмайди... Дўкон ва қовоқхоналарнинг эшиклари оч йиртқичнинг оғзидай очилиб, мунғайиб турар эди; уларнинг олдида ҳатто гадой ҳам йўқ.

Очумеловнинг қулоғига бирдан:

– Сен ҳали одам тишлайсанми, малхун! Биродарлар қочириб юборманглар! Ҳозир бировни тишлашга ижозат йўқ! Ушла! Ушла! – деган товуш эшитилди. Кучук вангиллади. Очумелов атрофга қараб, савдогар Пичугиннинг ўтинхонасидан бир ит уч оёқлаб, орқа-ўнгига қараб, чопиб чиқиб келаётганини кўриб қолди. Кучукни чит кўйлак кийган ва желаткасининг тугмалари очилган бир киши қувлаб келмоқда эди. У кучукнинг кетидан чопаркан, ўзини ерга ташлаб, кучукнинг кейинги оёғидан ушлаб олди. Кучук яна вангиллади ва “қочириб юборманг” деган овоз эшитилди. Дўконлардан мудроқ босиб ўтирган кишилар каллаларини чиқазиб қарашди ва шу дамда ўтинхонанинг олдига, худди ер остидан чиққандек, халойиқ йиғилди.

– Жаноби олийлари, бу тартибсизлик... – деди городской.

Очумелов сўлга бурилиб, одамлар йиғилган жойга қараб юрди. Ўтинхона дарвозаси олдида, юқорида тасвир қилинган желаткасининг тугмалари ечилган киши ўнг қўлини юқорига кўтариб, қонга бўялган бармоғини одамларга кўрсатиб турарди. Унинг ширакайф башараси гўё “Сени қараб тур, лаънати” деб турар ва бармоғи ҳам ғалаба туғига ўхшарди. Очумелов бу кишини таниди: у заргар Хрюкин эди. Ўртада олдинги оёқла-

<sup>1</sup> Буқаламун ёки хамелеон – Африкада буладиган бир турли эчкемар. Буқаламун ўзининг пўстини тез ўзгартира олади. Қасрда бўлса, тезда ўша ернинг тусига кира олади.

<sup>2</sup> Крижовник – меванинг бир тури.



рини кериб, вужуди титраб, тўполоннинг сабабчиси – тумшуғи узун ола този турарди. Унинг ёшланган кўзлари жовдирарди.

Очумелов одамлар орасига ёриб кираркан:

– Нимага йиғилдиларинг, нима гап? Бармоғингга нима қилди? Ким қичқирди? – деб сўради.

Хрюкин муштани оғзига тутиб йўталиб қўйиб, сўз бошлади:

– Мен, жаноби олийлари, ўз йўлимга кетаётган эдим... Митрий Митрич билан ўтин тўғрисида гаплашмоқчи эдим. Сиз менни кечиринг, мен иш қиладиган одам. Менинг ишим майда иш, менга товон тўласинлар, ким билади, балки мен бармоғимни бир ҳафта қимирлата олмасман. Жаноби олийлари, законда мунақа махлуқ кишига озор берсин дейилган эмас... Агар ҳар нарса тишлайверса, у вақтда дунёда турмаслик яхшироқ...

– Ҳм... яхши... – деди Очумелов жиддий билан йўталиб ва қошларини қимирлатиб, – яхши... Кимнинг кучуги? Мен буни шундай қўймайман! Мен сизларга кучукларни бўш қўйиб юбориш нима эканини кўрсатиб қўяман! Қарорларга итоат қилишни хоҳламаган жанобларга диққат қилиш вақти келди. Бу аблаҳга штраф солинса, у вақтда кучук ва бошқа тентираб юрадиган ҳайвонлар нима эканини билиб қўяди. Мен унга кўрсатиб қўяман. Елдин, – деди назоратчи городскойга қараб, – сен бу кучукнинг эгасини топиб, протокол ёз! Кучукни йўқотиш керак. Тездан! Қутурган кучук бўлса эҳтимол... Бу кимнинг кучуги ўзи?

– Генерал Жигловники, шекилли... – деди кимдир.

– Генерал Жигловники? Ҳм... Елдин, қани менинг пальтомни ечиб ол: жуда ҳам кун исиб кетди. Ёмғир ёғса керак... Лекин мен бир нарсага тушуна олмадим, у сени қандай қилиб тишлаб олди? – деб Очумелов Хрюкинга мурожаат қилди. – Қандай қилиб бармоғингга бўйи етди? У кичкина, сен бўлсанг кап-катта одамсан! Сен балки бармоғингни миҳ билан тешгандирсан, ундан кейин кучукни баҳона қилиб товон олиш фикри бошингга келгандир. Сенинг ким эканинг ҳаммага маҳдум! Мен сиз лаънатиларни биламан.

– Бу, жаноби олийлари, кулги учун ёниб турган папиросни кучукнинг тумшуғига тутди, кучук ҳам аҳмоқ эмас, фарч этиб тишлаб олди... Бу одамнинг ўзи тентак экан, жаноби олийлари.

– Ёлғон айтасан, кўр! Кўрмаганингдан кейин нимага ёлғон гапирасан? Жаноблари ақлли одамлар, ким ёлғон гапирганини, ким худо олдида тургандек, рост айтаётганини – ҳаммасини биладилар. Агарда мен ёлғон гапирган бўлсам, суд ҳукм қилсин... Ҳозир ҳамма баравар... Менинг биродарим жандармада ишлайди... Агар билгингиз келса...



– Тилингни тий!  
– Йўқ, бу генералнинг кучуги эмас. Генералнинг бунақа ити йўқ; унинг итлари овчи итлар, – деди городской маъноли қилиб.

– Сен буни аниқ биласанми?

– Аниқ биламан, жаноби олийлари.

– Ўзим ҳам биламан. Генералнинг итлари қимматбаҳо итлар, шу ҳам итми? Бунинг афтини қара... Расво бир нарса... Шуни ҳам ит деб сақлайдими киши? Сизда ақл борми ўзи? Бунақа ит Петербург ёки Москвада кўриниб қолса, биласизларми, нима бўлар эди? У ерда законга қараб ўтирмасдан, ўлдириб қўя қолар эдилар. Сен, Хрюкин, жафо кўрибсан, бу ишни шундай қўйиб кетаверма!.. Адабини бериш керак. Вақт келди...

– Эҳтимол генералникидир... – деб городской назоратчига қараб қўйди. – Унинг тумшуғига ёзиб қўймаган-ку... Бир кун генералнинг ҳовлисида шундай итни кўрган эдим.

– Албатта, генералники бўлса керак, – деди кимдир.

– Ҳм... Елдинин, биродар. Пальтомни елкамга ташла... Шамол тургандек бўлди... баданим увишиб кетди... Сен итни генералнинг олдига обориб сўра. Итни мен топиб юборганлигимни айт... Кўчага чиқармасинлар. Айтиб қўй. Балки у қимматбаҳодир, ҳар бир чўчқа унинг тумшуғига папирос тегизаверса, ит айниб қолади. Аҳмоқлик қилиб, бармоғингни кўрсатиб туришга ҳеч ҳожат йўқ! Айб ўзингда!..

– Генералнинг ошпази келябди, ўшандан сўраймиз... Ҳай, Прохор! Азизим, қани бу ёққа кел! Итни кўр-чи... Сизларникими?

– Шу ҳам гап бўлдимми? Биз ҳеч қачон бунақа ит тутганимиз йўқ.

– Бу ерда сўраб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ, – деди Очумелов, – Бу ўзи саёқ ит. Гапни чўзиш нимага керак? Ўзим саёқ ит деб айтдим-ку, саёқ-да! Ўлдириш керак, вассалом.

– Бу бизники эмас, – деди ошпаз, – бу генералнинг яқинда келган укасиники. Бизда бунақа итни ёқтиришмайди. У кишининг укалари бунақа итни яхши кўради.

– У кишининг укалари келдимми? Владимир Иванович-а? – деб Очумелов сўради, ийиб кетиб оғзи қулоғига етди. – Уни қара-я, мен билганим йўқ, меҳмон бўлиб келдилар дегин.

– Меҳмон бўлиб келдилар.

– Уни қарап-а... Акаларини соғиниб қолибдилар-да... Мен билганим йўқ эди. Бу ўша кишининг итлари дегин. Кўп хурсандман... Ол, уни... Яхшигина ит кўринади... Ўлгунча югурдак кўринади... Мана бунинг бармоғини тишла, ҳа-ҳа-ҳа. Нега титрайсан? Ол, киш-киш. Кўрдингми... жаҳли чиқади-я...



Ошпаз Прохор итни чақириб олиб кетади... Тўпланиб турган одамлар Хрюкинни масхара қилиб, қаҳ-қаҳа урадилар.

– Шошмай тур, мен сенга кўрсатиб қўяман, – деб Очумелов Хрюкинга дўқ қилади ва шинелига ўраниб, бозор майдонидан йўлда давом этади.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Хикояни ўқиб чиқдингиз. У ҳақда фикр-мулоҳаза юритишга тайёрланинг.
2. Хикояда қандай образларни учратдингиз? Улар ичидан асосий образни ажратинг.
3. Хикоя мазмунига асосланиб полиция назоратчиси Очумелов образига тавсиф беришга уриниб кўринг. Аввало, унинг ташқи кўриниши, кийими, гавда тузилишини ифодалаган сўзларга, жумлаларга эътибор беринг.
4. “Генерал Жигловники? Ҳм... Елдирик, қани менинг пальтомни ечи ол: жуда ҳам кун исиб кетди. Ёмғир ёғса керак...”, “Ҳм... Елдирик, биродар. Пальтомни елкамга ташла... Шамол тургандек бўлди... баданим увишиб кетди...” каби жумлаларда Очумеловнинг қандай руҳий ҳолатлари ифодаланган? Сизнингча, унинг аввал исиб, кейин совуқ қотишига сабаб нима?
5. Тўпланиб турган одамлар нима сабабдан жабрланувчи Хрюкинни масхара қилиб, қаҳ-қаҳа урадилар?
6. “Очумелов – буқаламун” деган мавзуда эссе ёзинг. Шу кунгача ҳаётингизда Очумеловга ўхшаш одамларни учратдингизми, учратган бўлсангиз, номини ўзгартириб, эссенгизга киритинг.

## Абдулла Қодирий Чеховнинг хикоячилиги ҳақида

Майда хикоялар устаси Чехов сўз тўғрисида келганда ҳаддан ташқари хасис, ортиқча сарф қилиш у ёқда турсин, керакдиларидан ҳам мумкин қадар юлишга ҳаракат қилади. Унинг “Буқаламун” хикояси ҳам бошқа хикояларидай фоят сиқик, қуюқ ёзилгандир. Унинг сўзга хасислиги ўқувчига малол келмайди. Яъни, айтмоқчи бўлган фикрининг тушунилишини оғирлаштирмайди. “Буқаламун”да воқеа йилнинг қайси фаслида бўлаётгани айтилмайди, аммо бундаги сўзлардан фаслни аниқлаш мумкин. (Албатта, бу сўзлар йилнинг фаслини билдириш учунгина келтирилмайди). “Пальтомни еч-чи, Елдирик... Кун жуда исиб кетди... ёмғир ёғса ажаб эмас”.

Қуйидаги сўзлардан воқеа тушқи овқатдан кейин бўлаётганини ҳам билиб бўлади:

“Теварак жим. Майдончада ҳеч ким кўринмайди. Дўкон ва қовоқхоналарнинг эшиклари очиқ. Хувиллаб турадилар. Бу эшиклар ёнида гадоё у ёқда турсин, бир зоғ ҳам кўринмайди”.



Деталлар (воқеани ташкил этган воқеачалар) ҳам ўзи ёлғиз қолиб, кераксиз сўз бўлиб қолмайди. Масалан, ҳикоянинг бошида “Очумелов янги шинель кийган” дейилган экан, бу нарироққа бориб, шинелнинг ечилиши, яна кийилиши билан боғланади.

Хрюкеннинг ўнг қўлини юқорига кўтариб, халойиққа қонган бармоғини кўрсатиши, унинг: “Энди, шу мажруҳ бармоғим билан эҳтимол-ки бир ҳафта ишга ярамасман”, деган арзи Очумеловнинг: “Сен аҳмоқ, қўлингни тушир! Айб ўзингда!” – деб қичқириши билан боғланган.

Ҳикояни “серсув” (кўп сувли) қиладиган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир. Агар Очумеловнинг буқаламун эканини унинг сўзлари орқали кўрсатилмаса, автор томонидан таҳрифланса, дунё-дунё сўз кетар ейди. Чехов буни ўзи айтиб бермасдан, Очумеловнинг ўз сўзи билан кўрсатади:

Очумеловнинг дастлабки фикри:

“ – Итни ўлдириш керак, қутурган бўлса ҳам ажаб эмас”.

Ит генералга қарашли, дейилгандан кейин:

“ – Ит нозик, сен ҳўкиздай, бўйингни қара!”

Яна ит генералники эмас, дейилгандан кейин:

“ – Генералнинг итлари қимматбаҳо нарсалар ейди. Бу бўлса, эгасиз дайди итга ўхшайди. Эпақалик юнги ҳам йўқ. Шундай бемаъни итни ҳам сақлайдими киши!”

Яна ит генералники, дейилгандан кейин:

“ – Балки қимматбаҳо зотли итдир”.

Ошпаз, ит генералники эмас, дегандан кейин:

“ – Бу эгасиз дайди ит”.

Ит генералнинг акасига қарашли экани маълум бўлганда:

“ – Яхшигина ит кўринади. Ўлгунча югурдак кўринади”.

Мана бу диалогларга авторнинг ҳеч қандай изоҳи керак эмас. Бу диалоглар ҳам воқеани силжитади, ҳам ҳикоя қаҳрамони Очумеловни характерлайди.

Чехов дейди: “Табиатни тасвир қилишда майда бўлақлар олиш ва буларга шундай тартиб бериш керакки, ўқиб кўзингни юмганинда кўз олдинга бир манзара келсин”.

“Буқаламун” ҳикоясининг бирон сўзини чиқариб ташлаш ёки бирон сўзни қўшиш мумкин бўлмаганлиги, сўзга нақадар диққат қилганлигини кўрсатади.

## ? Савол ва топшириқлар:

1. Чеховнинг сўз ишлатишга хасислиги, сизнингча, яхшими ёки ёмонми?
2. А. Қодирий фикрича, ҳикояни нима «серсув» қилади?
3. Ҳикояда сўзни кам ишлатиш учун нима қилиш керак экан?
4. Ўзингиз мустақил ўқиган бирор ҳикояни А. Қодирий услубида таҳлил қилишга уриниб кўринг.





## НОДАР ДУМБАДЗЕ

(1923 – 1984)



Нодар Думбадзе–XX аср грузин адабиётининг йирик вакили. У ижодини кичик ҳикоялар ёзиш билан бошлаган. 1958 йилда босилиб чиққан «Қишлоқ болалари» ҳикоялар тўплами уни элга танитди, «Мен, бувим, Илико ва Илларион» романи эса адибга катта шуҳрат келтирди. Бирин-кетин яратилган «Қуёшни кўраяпман», «Қўрқманг, онагинам!», «Оқ байроқлар» романлари замонавий грузин адабиётининг кўркем намуналари сифатида жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Айниқса, «Абадият қону-

ни» романи ёзувчи ижодининг чўққиси ва ўзига хос яқуни сифатида юксак баҳоланди.

Нодар Думбадзенинг грузин халқи ҳаётини, миллий характери, руҳиятини ғоят ёрқин ва бетакрор тарзда гавдалантирган, ўткир умуминсоний маънавий-ахлоқий муаммоларни кўтариб чиққан роман ва ҳикоялари ўзбек тилига маҳорат билан таржима этилган, улар ўзбек ўқувчиларининг сеvimли асарларига айланган.

## ХЕЛЛАДОС

Янгули – сухумилик грек Христа Александридининг ўғли. Чўндай озғин, елкалари туртиб чиққан, қирра бурун, кўзлари чаросдек<sup>1</sup> қоп-қора, қўллари узунлигидан тиззасига тушиб турадиган ўн тўрт ёшли бу бола ён-атрофидаги тенгқурлари учун нақд асроилнинг ўзи эди. Муштлашишда ҳеч ким унга бас келолмасди. Ана-мана дегунча бирваракайига икки-уч болани ерга чалпак қилиб қўяверарди. Мушукдай чаққон, қайишдай чайир бола эди у. Қишин-ёзин олди очиқ қора сатин кўйлак кийиб юарди.

Янгули отаси билан Венециан кўчасида, Чалбаш дарёсининг бўйида яшарди. Онасини эслолмайди – чақалоқлигидаёқ етим қолган. Ота-боланинг бор-йўқ давлати бир парча томорқа, биттагина сигир ва эшакдан иборат. Ош-кўк, сут-қатиқ сотиб кун кўришади.

<sup>1</sup> Чарос (ф) – қора узум нави; чиройли қоракўз.



Янгули ҳеч қаерда ўқимасди. Отасининг юмушларига қарашар, аҳён-аҳён эшакда қўшниларга сут-қатиқ тарқатар эди. Ўзига ўзи инъом этган бор вақтини у кўчада ўтказарди. Темирйўл кесиб ўтиладиган жойда мактабдан қайтадиган болаларни пойлаб турар, биттама-битта уларнинг чўнтаklarини тимирскилаб, тамакими, сариқ чақами, соат занжирими ёхуд рангли қаламми – нимаики бўлса, барини шип-шийдам қилиб олиб қўяр эди. Эртасига эса ўша нарсаларни яна ўша болаларнинг ўзига арзонроққа пуллар, сўнг тушган ақчага улар билан қимор ўйнаб, ношуд шерикларининг бор-будини обдон шиларди-да, чўнтаklarини қаппайтириб уйига қайтарди.

Худонинг берган куни аҳвол шу эди...

Ўн тўрт ёшли бу золим Венециан кўчасида истиқомат қилувчи барча устидан, жумладан, холваччам Кока устидан ҳам танҳо ҳукмронлик қиларди.

Хулласи калом, Янгули даҳанинг<sup>1</sup> тан олинган сардори эди.

Бизнинг танишувимиз ўттиз саккизинчи йилнинг кузларида бошланган. Нина холам мени Тбилисидан олиб келган куннинг эртасигаёқ бутун Сухумига номи кетган мусиқа муаллими Елена Михайловна Навродскаянинг уйига бошлаб бориб, ўзини таппа унинг оёқлари остига ташлади:

– Етимчага раҳмингиз келсин! Онаси скрипкага олиб борарди... Оллоҳнинг иродаси экан, бир кунда онасидан ҳам ажради, скрипкасидан ҳам жудо бўлди... Шу болани тарбиянгизга олинг... қанча сўрасангиз ҳам майли...

Навродская эшитиш қобилиятимни текширди, ҳар турли ноталарни ўқитиб кўрди, бармоқларимни кўздан кечирди, иягим остидаги қадоқни<sup>2</sup> сийпалади. Сўнг бироз иккиланиб турдида, нариги хонадан скрипка кўтариб чиқиб, уни созлашимни буюрди. Холам типирчилаб қолди, аммо топшириқни туппа-тузук уддалаганимни кўриб, сал хотиржам бўлди.

– Энди Бетховеннинг<sup>3</sup> «Сурка» сини<sup>4</sup> чал! – Елена Михайловна шундай деди-ю, креслога<sup>5</sup> ястанганча чалишимини кута бошлади.

Бетховеннинг номини эшитиб, холамнинг авзойи бузилди.

– Муҳтарама Елена Михайловна, балки бошқа, мундоғроқ композиторни танлаган маъқулроқмикин? – деди у рўмолчаси билан пешонасидаги терни артиб.

<sup>1</sup> Даҳа (ф) – маҳалла, инак қуртининг уйқуга кетиш пайти.

<sup>2</sup> Қадоқ (т) – узоқ ишқалавиши натижасида қўл, оёқда пайдо бўладиган қавариқ; гузадган яранинг ўрни; тақсим, оғирлик ўлчови.

<sup>3</sup> Бетховен – жаҳонга машҳур мусиқачи, бастакор.

<sup>4</sup> «Сурка» – куй номи.

<sup>5</sup> Кресло – юмшоқ стул, оромкурси.



– Ие, «Сурка» ни чалолмайдими ҳали! – дея ҳайратдан Навродскаянинг қошлари чимирилди.

Ҳаётимдаги орзиқиб кутилган дақиқалар етиб келди. Олти ёшимдан буён мени эзиб янчиб келаётган шафқатсиз мусиқа жабр-зулмидан биратўла ва бир умрга ҳалос бўлиш имкониёти туғилган эди. Шу тобда биргина «Йўқ!» деган афсунгар сўз оғзимдан чиқса, бутун азобларим барҳам топган бўларди. Аммо ... холамнинг ёлворгандай мўлтираб қараб туришими, Навродскаянинг таажжубланганими ёхуд ўн уч яшар боланинг ғурурими – билмадим, ишқилиб аллақандай сеҳрли куч мени камончани қўлга олишга мажбур қилди-ю... хона ичи «Сурка»нинг содда ва бемисл оҳангларига тўлиб кетди...

Ниҳоят куйни чалиб бўлдим. Холамнинг кўзларида лик-лик ёш, Навродскаянинг чехраси эса ял-ял ёнарди.

Елена Михайловна рози бўлди...

Уйга қайта туриб, темирйўл кесиб ўтиладиган жойда, кўприк устида ўтирган болага кўзимиз тушди. У бир парча гишт билан зўр бериб ёнғоқ пўстини ишқаларди.

– Салом, Нина Ивановна! - деди у.

– Салом! – деди холам қуруққина қилиб.

– Кока қаерда?

– Мактаблада, қаерда бўларди? Ҳамма сенга ўхшаган бекорчими?

– Ким бу бола?

– Ишинг бўлмасин! – деб жавоб берди холам елкамга ниқтаб.

Янгули чўзиб хуштак чалиб қўйди. Биз йўлга равона бўлдик.

– Ҳеёй, скрипка!

Мен ўгирилиб қарадим.

Янгули тилини чиқарганча бир кўзини қисиб, худди скрипка чалаётгандай, ўнг қўлини чап билагига ишқади. Жон-поним чиқиб кетди.

– Маймун! – деб қичқирдим узоқдан мушт ўқталиб.

– Эртага бизникига кир, мушт ўқталишни ўргатиб қўяман!

– деди у хахолаб.

– Қачон безорилигинг қолади, а? – холам куюниб бошини сарак-сарак қилди.

– Ким бу?

– Грек бола, Янгули. Отаси уйимизга сут опкеб туради...

Унга яқинлаша кўрма! Безори у... Куну-гун кўчага таңда қўйган.

Мен яна бир бор ўгирилиб қарадим. Янгули ёнғоқ ишқалаганча масхаромуз тиржайиб турарди.

Холам мени жойлаштирган ўн учинчи мактаб темирйўл



кўтармасининг нариги томонида бўлганидан деярли ҳар куни Янгулига дуч келишим муқаррар эди.

Қарийб бир ойгача у менга мутлақо эътибор бермади. Ўзининг одатий машғулотлари – атрофига ўртоқларини йиғволиб, ошиқ ташлаш ёки қимор ўйнаш билан андармон бўлиб юрарди. Аммо ҳар гал мен яқинлашганимда Янгули болалардан бирортасига ташланиб қолар – гоҳ телпагини кўзига бостириб қўйса, гоҳ ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, юмшоқ жойига тепар эди. Шунда негадир нигоҳини мен томондан узмасди.

Айни пайтда, мен ҳам ўзимни на Янгули, на унинг ўртоқлари зиғирча ҳам қизиқтирмайдигандай тутардим. Аслида эса ҳозироқ болаларга қўшилиб кетгим келиб турар – уларга ўзимнинг нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўйишни истардим. Бироқ маҳаллада янги одам эдим, ён-атрофимда Кокадан бўлак ёрдўстим йўқ эди, бинобарин, Янгулининг каллақесарларига яқинлашишга юрагим дов бермасди. Аммо ўртамиздаги бетараф майдон тобора қисқараётганини, вишиллаб ёнаётган пилик пистонга яқинлашиб қолганини, бир кун мас бир кун портлаш юз беришини кўнглим сезиб турарди.

Орадан роппа-роса бир ой ўтгач, ана шу кун келди...

Елена Михайловна ичкарида бошқа бир шогирди билан машғулот ўтказар, мен даҳлизда навбат кутардим.

Доира стол устида аквариум турар, унинг ичида сув ўтлари, бири биридан чиройли чиганоқ ва тошлар оралаб тилла балиқчалар сузиб юрар эди. Балиқлар оғзини кап-кап очиб, пуфакчалар чиқараверганидан негадир уларнинг қорни оч, деган хулосага келдим. Дарров чўнтагимдан қоғозга ўроғлиқ бир бўлак қора нон билан пишлоқни чиқардим-да, апил-тапил ушоқлаб, аквариумга сепдим. Балиқчалар аввалига хуркиб кетиб, тошлар ортига беркинишди, кейин, гўё ниятим ёмон-маслигини сезгандай, бирин-кетин пана жойларидан чиқиб, емишга ташланишди.

Мен сув ичида кўтарилган олтин қуюнни завқ билан томоша қила бошладим. Аквариум бамисоли жажжи океандек жўш уриб, бурқирарди. Аста-секин тўлқин босилди. Нафси ором олган балиқчалар сув ичида яна у ёқдан бу ёққа хотиржам суза бошлашди. Айримлари аквариумнинг шиша деворига яқин келишарди, худди менга миннатдорлик билдиргандай, думларини хиёл қимирлатиб, жилпанглаб қўйишарди. Тўсатдан балиқчалардан бири – энг каттаси – тўнкарилиб қолди. Кейин яна биттаси шундай бўлди. Хаял ўтмай аквариумдаги жамики балиқчалар қорнини осмонга қилиб, орқаси билан суза бошлади. Қўлимни сувга тиқиб, жониворларни ўнглаб қўйишга ҳарчанд уринмайин, улар яна лип этиб тўнкарилиб қолишарди.



Шундагина ножўя иш қилиб қўйганимни англаб етдим. Ҳашпаш дегунча аквариум ичидаги ҳаёт сўнди. Заҳарланган балиқчалар сув юзасига қалқиб чиқди... Даҳшатдан юрагим орқага тортиб кетди. Скрипка солинган филофимни секин кўтариб жуфтакни ростламоқчи бўлиб турувдим – э, воҳ! – ичкаридан шогирдини кузатиб Елена Михайловна чиқиб келди.

– Кир! – деб мурожаат қилди у менга. Қоққан қозикдек туравердим.

– Кирақол! – деди у яна елкамдан эшик томон ишқтаб. Турган жойимдан жилмадим.

– Нима бало, дарсингни қилмадингми? – Елена Михайловнанинг овози ўзгарди. Миқ этмадим. У менга таажжубланиб қаради, сўнг нигоҳи нигоҳимга эргашиб, аквариум томон оғди-ю... фақат балиқшуносларгина тасаввур қиладиган ҳодиса юз берди. Елена Михайловнанинг тиззалари қалтирай бошлади, бир зумда лаблари кўкариб кетди, аранг бориб креслога ўтирди-ю, титроқ овоз билан менга сўз қотди:

– Сен... нима қилиб қўйдинг, ярама!

– Билмайман, Елена Михайловна... Хаёлимда... қора нон билан пишлоқ сепдим, холос...

– Заҳарлабсан! – деди у инграб. Кейин, худди биров арзанда боласини бўғизлаб қўйгандай, иккала кафтини юзига босиб ҳўнграб юборди.

Бир нималар деб гудранганим, ўзимни оқлаганим, аламзада аёлни юпатишга уринганим эсимда. Қани энди нафи тегса. Аёл ўрнидан туриб, аквариум ёнига борди. Сувдан жонсиз балиқчаларни биттама-битта олиб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўшиб, яна аквариумга ташларкан, йиғи аралаш нуқул:

Азизларим, олтинларим, нуридийдаларим... Сизларни заҳарладилар, ўлдирдилар! – дея санарди.

Кейин у менга юзланди. Қути ўчган, ияги титрар, кўзларидан дув-дув ёш қуйилар эди. Қўққисдан Елена Михайловна юзимга тарсаки тортиб юборган эди, ағдарилиб тушишимга сал қолди.

– Жўна, бу ердан, ваҳший! Иккинчи қадамингни босма!.. Йўқол!

Шапалоқ оғриғини ҳам, бўғзимга қадалиб турган алам ёшларини ҳам базўр ичимга ютиб, хонадан чиқиб кетдим.

Эсанкираган, шарманда-ю шармисор, чала ўлик бир аҳволда уйга қараб жўнадим. Темирийўл кесиб ўтадиган жойда одатдагидек, Янгулининг тўдаси уймаланарди. Беихтиёр бошим ўша томон оғди – ҳозир уйга боришдан нима фойда! Болаларга яқин қолганда қадамимни секинлатдим-да, атайин энгашиб, ботинкамнинг ипларини титкилай бошладим.



– Ҳеёй, скрипка!

Янгулининг овозини дарров танидим.

– Нима дейсан?

– Бу ёққа кел!

– Ишинг бўлса ўзинг кел!

Янгули ўзидан ҳам баттар таажжубланган ўртоқларига бир қараб қўйди-да, аста мен томонга юра бошлади.

– Кимлигимни биласанми ҳали? – деб сўради у кишининг гашига тегадиган бир оҳангда.

– Биладан, – дедим кўзларига тик қараб.

– Бўлмаса, нега чақирганимда келмайсан?

– Ким бўпсан мени чақирадиган? – дедим яна беписандлик билан, аммо, ҳар эҳтимолга қарши, скрипка солинган филофни ерга қўйдим.

Янгули ўйинни ҳам унутиб, бизни қуршаб олган болаларга яна бир қараб чиқди.

– Янгули, кимлигингни бир кўрсатиб қўй? – деди болалардан бири.

– Сол, Янгули! – дея қўшимча қилди иккинчиси.

– Бир шапалоққина! – деб маслаҳат берди учинчи бола.

– Олдин зўрлигини бир кўрайликчи! – Янгули шундай деб юзимни бир сийпалаб қўйди.

– Қўлингни торт! – деб бақирдим унга.

– Олла! – дея ҳайрон бўлди Янгули.

– Уни қаранглара!

– Папиросни чиқаз! – деди Янгули бирдан қўлини чўзиб.

– Чекмайман!

– Пулни ол!

– Пулим йўқ.

– Чўнтақларингни ағдар!

– Ўзинг ағдар!

Болалар пичирлаша бошлашди. Янгули довдираб қолди, аммо дарров ўзини босиб, скрипкага қўл чўзди.

– Торт паншахангни!<sup>1</sup> – деб бақирдим скрипка устига энгашиб. Лекин Янгули ўзғирлик қилди – филофни очиб, асбобни менга узатди.

– Қани, бирорга куй чалиб, болаларни хурсанд қилгинчи!

– Чалмайман!

– Нега бўлмаса бу даҳмазани кўтариб юрибсан? Эси йўқ эшакмисан?

– Бер скрипкани!

Янгули асбобни орқасига яшириб, бир қадам тисарилди.

– Петя, Фема, Курлик, Панчо, Тена! Умрларингизда скрип-

<sup>1</sup> Паншаха (ф-т) – беш санчиқиси – шохи бўлган иш куроли, бешиллик.



ка овозини эшитганмисизлар? – деди у болаларга мурожаат қилиб. Улар бараварига чулдирашди.

– Радиодан эшитганман! – деди Петя.

– Бўлақол, Янгули бир кўрсатиб қўй!

Скрипканинг овозини ҳаммадан олдин ўзим эшитдим: Янгули қулочкашлаб туриб скрипка билан бошимга туширди.

«Зинг... қарс...» этган товушдан сўнг асбоб иккига бўлинди, унинг қорни, худди шартта чопиб ташланган қўлдай, нозик симларга осилганча лапанглаб турарди.

Болалар хахолаб, ерга думалашди.

Юрагим гўё тўхтаб қолгандай бўлди, миямга қон урилди, қулоқларим битиб қолди. Мен ҳеч нарсани эшитмас, сезмас эдим, фақат қорнини чангаллаб кулаётган болаларни, пачоқ бўлган скрипкани ва Янгулининг туртиб чиққан озғин иягини илғардим, холос. Бирдан бор кучим билан ана шу няк остига мушт солдим.

Эс-ҳушимни йиғиб олганимда Янгули кўприк устида ўтирар, менга ҳайратомуз тикилганча ўнг қўли билан иягини ишқалар эди. Болалар чурқ этишмасди.

Шартта туриб, уйга жўнадим.

Ўша куни кечқуруноқ қўшнимиз ва Янгулининг ўнг қўли ҳисобланмиш Петя мажақланган скрипка билан филофни уйимизга олиб келиб, остонага ташлади-да, қуённи сурворди.

Фигони фалакка чиққан холам аввал Петяни, сўнг Янгули Александридини, охирида ўзимни бисотида бор сўзлар билан қарғашга тушди:

– Ҳаа, ер ютсин сени, Петя касофат!.. Илойим, бўйнигинанг гўрда чирисин!.. Сен ҳам бир, кўкатфуруш отанг ҳам бир! Сенлар скрипканинг қадрига етасанларми? Паганиними, Страдиварими,<sup>1</sup> арракашми – сенларга бари бир!.. Энг аввал сенинг гўштингни қиймалаш керак эди, Янгули Александриди! Ҳайф сенга мусиқа! Эшакнинг ханграшини эшитиб катта бўлган бола мусиқани тушунармиди! Ҳаммасига уйимдаги янги безори айбдор! Мана шуни оёғидан осиб керак! О, опажоним Анико?! Ўзимнинг ташвишим етмаётувмиди-ки, яна манови гурбатни бошимга бало қилиб ташлаб кетдинг-а! Нима гуноҳ қилдим, эй парвардигор!..

Ўша куни мусиқа оламидаги саргузаштларимга нуқта қўйилди. Ҳаётимда янги давр – яшаш учун кураш даври бошланди...

Эртаси куни Янгули билан Петя бизни мактаб дарвозаси олдида қарши олишди. Юрагим шув этди, аммо, гўё кеча ҳеч нарса бўлмагандай, ёнидан бепарво ўтиб кетдим.

<sup>1</sup> Паганини, Страдивари – таниқли мусиқачилар, бастакорлар.



– Скрипка! – Петянинг овози эди бу.

Тўхтадим.

– Гаплашволишимиз керак! – деди Янгули ёнимга келиб.

– Нимани гаплашамиз?

– Бу ерда ноқулай, – дея у мактабдан чиқиб келаётган ўқувчи ва муаллималарга ишора қилди.

– Қаерда бўлмаса? – деб сўрадим.

– Темирийўлнинг наригида, кўприк остида.

Ихтиёринг.

Янгули йўл бошлади. Кока иккаламиз унга эргашдик. Петя эса орқада келарди. («қочиб кетмаслигимиз учун» деган ўй кечди кўнглимдан.)

– Тамом бўлдик! – деди саросимага тушган Кока. У мендан икки ёш кичик, бунинг устига, Янгулининг тарсакилари ёдидан кўтарилмаган эди.

– Қўрқма! – дедим унга тасалли бериб, лекин ичимдан ўтганини ўзим билиб турардим.

Темирийўл кўтармасидан пастга тушаётганимизда Кока қочиб кетмоқчи бўлди, базўр билагидан ушлаб қолдим:

– Қаёққа? Шарманда бўлгинг келябдими?

– Сен уни билмайсан. Иккаламизниям дабдала қилади! – деди Кока ялинчоқ овозда.

– Қилса қилар! Улдирмайдику ҳарқалай!

Кока худди қурбонликка аталган бузоқдай чор-ночор яна менга эргашди.

Янгули темирийўл кўприги остида тўхтаб атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқ эди.

– Мана, келдик. Хўш, нима демоқчисан, – дедим.

Янгули бир оз индамай турди, кейин аста сўз бошлади:

– Кеча мени болаларнинг олдида шарманда қилдинг... қаттиқ урдинг, қўққисдан... Ўрнимдан туролмадим, шунинг учун ҳам сен насибангни олмадинг... Турмоқчи бўлди-му, туролмадим...

Янгулининг бундай очиқ, самимий гапиришидан ҳайратландим.

– Мен – раҳбарман, маҳалланинг хўжайиниман, шундай бўлиб қоламан... – дея давом этди у.

– Бўлсанг бўлавер, лекин мени тинч қўй, – дедим мен ҳам ўшандай самимийлик билан.

– Мендан катта бўлганингда – майли эди! Лекин, мендан ёшсан, шунга қарамай, қўл кўтардинг... Бунақаси кетмайди. Подада серка битта бўлиши керак – ё сен, ё мен!

– Айтдимку, менга ҳеч нарса керак эмас! – деб такрорладим мен.





– Йўқ, урғочи гап бу... Муштлашамиз!  
– Майли, – дедим рози бўлиб.  
– Фақат ҳалол муштлашамиз!  
– Ҳалол деганинг нимаси?  
– Петя билан Кока аралашмайди! Сўкишиш йўқ! Тош билан уриш йўқ! Йиқилганда тегилмайди!

– Бўбди!  
– Агар бугун сени енгсам, эртага кечаги болаларнинг олдида яна бир марта ураман. Шу билан тамом.  
– Кўрамиз ҳали ким кимни енгади...

Янгули қора сатин кўйлагини ечди. Кенг, таранг кўкрагини кўриб, сесканиб кетдим. Бу ҳам майли, чап тўшининг устига кўкиш рангда нақшланган лотин ҳарфларидаги ёзув мени негадир буткул довдиратиб қўйди: "Hellados".

Янгули Петяга грекчалаб бир нималар деди. Петя миқ этмади.

Янгули яна такрорлади. Петя истамайгина иккала чўнтагидан иккита каттакон тошни чиқариб, бир четга улоқтирди. Янгули Кокага қаради. Кока шоша-пиша қоқ-қуруқ чўнтақларини ағдариб кўрсатди.

– Бошладик! – деди Янгули.

– Бошладик! – дедим мен ҳам.

Олишув икки-уч дақиқагина давом этди.

Мен муштларимни туғиб, Янгули эса панжаси билан урарди. Мен урганда овоз чиқмас, аммо Янгули туширганда атрофдан қарсиллаган акс-садо келарди. Петя Янгулига грекчалаб далда берар, Кока эса менга грузинчалаб бидирлар эди:

– Калла қил, Жамол, калла қил!

Муштлашганда калла қилиш нималигини ўзим ҳам биламан, бироқ Янгулига яқинлашиб бўлмаётган эди: унинг чайир, терлаган гавдаси ҳар гал сирғалиб қўлимдан чиқиб кетаверарди.

Яна бир қарсиллаган товуш эшитилди-ю, бурнимдан тизиллаб қон отилди. Қонни артгунимча Янгули тағин бир марта туширди: натижаси шу бўлди-ки, кеча худди Янгули ағдарилгандай гуп этиб ерга қуладим, фақат битта фарқи бор: ҳозир мен турадиган ҳолдаман, аммо Янгули кеча ўрнидан туролмаган эди.

Нима бўлганда ҳам бугунги олишувнинг якуни маълум: мен ютқаздим. Янгули бир оз кутиб турди, муштлашишни давом эттириш ниятим йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шошмасдан кўйлагини кия бошлади. Нигоҳим яна кўксидagi галати сўзга тушди: «Хелладос».

– Эртагача! – деди Янгули. Устки лаби шишиб кетганини, чап қоши ёрилганини шундагина пайқадим.



Янгули билан Петя тепага кўтарилиб, темирйўл ёқалаб кетишди. Кока иккаламиз пастда қолдик.

– Ҳечқиси йўқ, у ҳам оладиганини олди! – дея Кока менга тасалли берган бўлди.

– Эртага бари бир уни енгаман! – дедим.

– Олдин бир ойнага қараволсанг бўларди! – деди хўрсиниб Кока.

– Юзим ёмон шишибдими?

– Кўпчиган хамирнинг ўзгинаси, – деди Кока четга қараб.

– Уў, ярамас!

Бу гал холам индамади. Юзимга авайлаб ҳўл латта босди. Эртасига эрталаб худди ўшандай хотиржамлик билан қатик тўла хурмачани Христо Александридининг бошига уриб синдирди, баайни Янгули скрипкани менинг бошимга уриб синдиргандай. Кейин, «совет пионерини» ваҳшийларча калтаклагани учун безори ўғлингни қамоқда чиритаман, дея унга обдан пўписа қилди.

? *Савол ва тошшириқлар:*

1. Ҳикоя билан танишяпсиз, унинг мазмуни ким томонидан ҳикоя қилинмоқда?

2. Жамол нега холасининг қарамоғида қолди? Муסיқа муаллимаси нима учун Жамолни ҳайдаб юборди?

3. Сухумилик грек Янгулининг қиёфаси – қадди-бастини тасвирлаб беринг.

4. Янгулининг қилиқ-одатларини таърифланг. Унинг «даҳанинг тан олинган сардори» экани нималарда кўринади?

5. Жамол билан Янгули орасидаги олишувлар сабабини изоҳланг. Бу олишувларда ким ғолиб бўлди?

\* \* \*

Эртасига мактабга бормадим – юзимдаги шиш ва момата-лоқларни даволадим. Учинчи куни темирйўл кесиб ўтадиган жойда Янгулидан бошқа деярли бутун маҳалланинг болалари тўпланиб турганини кўрдик. Улар бизни ҳуштак ва таҳқирлар билан кутиб олишди.

– Қалай, Скрипка, тавбангга таяндингми?

– Энди уни тинч қўярсан? Ё ўлгинг келябдими?

Бу ер сенга Тбилиси эмас!

Бутун тўда ўтган кунги мағлубиятимни эшитиб бўлган эди.

Уларнинг гап-сўзларига эътибор бермай, сумкамни аста ерга қўйдим, ўзим ҳам ўтириб, Янгулини кута бошладим.

– Келябди! – деб қичқирди кимдир бирдан.



- Ҳозир кўрамиз томошани! – деди яна биров.
- Салом! – Янгули ҳамма билан сўрашди, кейин менга кўзи тушди-ю, бақа бўлиб қолди.
- Мана, Янгули, лаҳм гўшт ўз оёғи билан келди. Тезроқ ея-қол! – деди Петя уни гиж-гижлаб.
- Шундоқ еяверасанми, икра ё сариёғ биланми?
- Янгули амирона ишора билан ҳамманинг овозини ўчирди, сўнг бамисоли қабила оқсоқолидай ўз қавмига юзланиб тарихий нутқ сўзлади:
- Болалар! Мен, Янгули Александриди, сизлар сайлаган сардор, сизларга, Венешиан кўчасининг ҳур фарзандларига мурожаат қиламан! Рўпарангизда тбилисилик рангпар лақма билан унинг жияни – ватан ва қабила хоини, мишиқи Кока турибди. Мана бу рангпар келгинди бизнинг меҳмондўстлигимиз ва муруватимиздан баҳраманд бўлиш ўрнига – худо сийлаган ери-мизни, денгизимизни, жамики дарёларимиз, олтин ва кумушларимиз, ўтлоқларимизни ўзиники қилиб олмоқчи...
- Бас қил майнавозчиликни! – дедим унинг гапини бўлиб.
- Муштлашамиз!
- Янгули менга тикилиб турди-да, сўзида давом этди:
- Ҳозир сизларга рангпар гўштдан қандай қилиб қовурдоқ тайёрлашни кўрсатиб қўяман.
- Олифтагарчилик қилма! Бошлаймиз!
- Ҳой мишиқи! – Янгули Кокага мурожаат қилди. – Югур, “Тез ёрдам”га кўнғироқ қил, беш минутдан кейин келиб, холла-ваччангни олиб кетсин. Унгача беҳуш бўлади.
- Болалар ҳузур қилиб кулишди.
- “Тез ёрдам” бугун сени олиб кетади! – шундай деб, ўрнимдан турдим.
- Томошабинлар давра олишди.
- Янгули Петяга икки оғизгина пичирлади. У камарини еча бошлади. “Наҳотки, камар билан урса?” деган ўй ўтди кўнглимдан.
- Петя камарини Янгулига узатиб, даврага қайтди. Янгули тўпланганларга виқор билан бир назар ташлаб чиққач, деди:
- Мен бу рангпар билан икки қўллаб муштлашмайман. Бунга битта қўл ҳам кифоя. Петя, чиқ бу ёққа, қўлимни боғла!
- Атрофда “қойи-ил!” деган хитоблар эшитилди, менинг эса юрагим орқага тортиб кетди. Бу яна қанақа найранг!
- Петя ўртага чиқиб, Янгулининг чап қўлини гавдасига қўшиб боғлаб қўйди.
- Масхарабозликни бас қил! Чиқаз қўлингни! – дедим мен.
- Йўқ, сен билан икки қўллаб муштлашни менга уят!
- Болалар яна завқланиб кулишди.



- Э-э, унақада муштлашмайман! – Мен сумкамга энгашдим.
  - Қўрқяпсанми? – деб сўради Янгули.
  - Йўқ, қўрқаётганим йўқ, хоҳламайман. Чиқаз қўлингни!
- Бари бир бугун калтак ейсан!
- Бошла, кейин афсус ейсан! – Янгулининг жаҳли чиқа бошлади.
  - Солсанг-чи, нимани кутяпсан! – деб шивирлади менга Кока.

Бош чайқаб туравердим. Ахийри бўлмагач, Янгули яқин келиб, тарсаки тортиб юборди. Юзимдан олов чиқиб кетди, лекин қўлимни қимирлатмадим. Янгули яна урди, кейин яна. Сезиб турибманки, бор кучи билан урмаяпти. Унинг тарсакилари рақибига зарба беришдан кўра ўйинқароқ болага пўписа қилишга ўхшарди. Жавоб қайтармаётганимни кўриб, Янгули қўлини туширди. Мен шартта бурилиб, бир оғиз ҳам гапирмай, жанг майдонини тарк этдим. Болалар индамай йўл бўша-тишди.

Хў Скрипка! – Бу Петянинг овози эди, шу заҳотиёқ чарсиллаган товуш эшитилди. Янгули Петянинг юзига тарсаки тортган эди.

Орқамга қарамадим – мен йиғлардим, болалар кўз ёшимни кўришларини истамас эдим. Йиғладим-у, лекин бугунги олишувда голиб чиққанганимни ич - ичимдан ҳис этардим.

Тонготар, ҳали гира-шира пайтда мен Александридилар дарвозаси олдида турардим. Христо эшакка тўқим урар, Янгули эса унга ёрдамлашар эди. Мени кўриб ёнимга келди.

- Ҳа, арз қилгани келдингми? – деди у отаси томон бош ирғаб. Христо орқа ўгириб турганидан мени кўрмасди.

- Ким кебди? – деб бақирди у, ишидан кўз узмай.

- Ўртоғим.

- Янгулининг вақти йўқ, бозорига боради! – Христо ўгирилиб мени кўрди -ю, ҳайрон бўлди: – Ия, ярашдингларми?

- Ярашдик! – деб жавоб қилдим мен.

- Ҳа, мана бу бошқа гап! Икковинг ҳам зўр йиғитсан-ку!

- Христо суюниб кетди. – Кир буёққа.

- Раҳмат, шошилиб турибман... қачон қайтасан?

- Кечки пайт, – деб жавоб берди Янгули.

- Кўприк тагида кутаман!

Шундай дедим-у, изимга қайтдим.

У келди, индамай эшагини бир четга боғлади-да, кўйлагини ечиб тўқим устига ташлади, шунда яна кўксидаги афсунгар сўзга кўзим тушди: "Hellados".

Бугунги олишувимизга фақат эшак шоҳид<sup>1</sup> бўлди. Мушт-

<sup>1</sup> Шоҳид (ф) – гувоҳ, томошабин.



лашиш узоқ давом этди. Ҳар қанча уринмайин, Янгули ўз-ғирлик қилди.- Биринчи зарбани у берди. Мен йиқилмадим, фақат чайқалдим, холос. Иккинчи марта ҳамла қилганида чаққонлик билан гавдамни орқага ташладим, қўли бурним ёнидан шувиллаб ўтиб кетди. Аммо у шу қадар шиддат билан қулоч отган эдики, мувозанатини<sup>1</sup> йўқотиб, мункайганича бир қадам олдинга ташлади. Шунда... У, ўша биринчи бор муштлашганимизда бўлганидай, озғин ияги ўнгимга келиб қолди. Мен ҳам ўша ияк остига қаттиқ мушт солдим. Янгули йиқилди, бир муддат қимир этмади. Энди ўрнидан туролмайди, деб ўйлаган эдим. Аммо у бирдан сапчиб турди-ю, яна менга ташланди. Унинг очиқ панжаси билан менинг муштим нишонга бир вақтда тегди. Кўзим тиниб, чўккалаб қолдим, беихтиёр кафтларимни юзимга босган эдим, бурнимдан тизиллаб қон оқаётганини сездим. Сал ўзимга келиб қарасам, Янгули ҳам чўккалаганча ёрилиб кетган лабларидаги қонни артаябди. Бир амаллаб қаддимни ростладим, Янгули ҳам ўрнидан турди.

Биз бир-биримизга узоқ тикилиб қолдик. Пишиллаб нафас олаётганимизни ҳар иккаламиз ҳам эшитиб турардик. Мен Янгулининг яна ҳамла қилишини кутардим, аммо таажжубки, муштлашишга менда на ҳоҳиш, на кайфият қолган эди. Бироқ энди ҳеч қачон Янгули менга зўравонлик қилолмаслигини билиб турардим.

– Бас! – деди Янгули кутилмаганда.

– Бўпти! – мен ҳам рози бўлдим. – Лекин эртага болаларнинг олдида муштлашамиз! – дея қўшиб қўйдим ҳар эҳтимолга қарши.

– Кераги йўқ. Зўр бола эканлигинини болаларга ўзим айтаман. Лекин, билиб қўй, биринчилиكنи сенга бермайман!

– Кераги ҳам йўқ!

– Хоҳласанг, иккинчи бўла қол.

– Менга ҳеч нарса керак эмас! Сенинг йўлинг бошқа, менинг йўлим бошқа! Мен кетишга чоғландим.

– Тўхта! Бунақаси кетмайди. Ҳар кун муштлашавермай-миз-ку, ахир. Ке, келишволайлик: эртадан бошлаб фақат сўкишамиз. Ким қойиллатса - ўша ғолиб!

– Майли, розиман.

Мана, яна болалар қуршовидамиз. Бу гал ўртамызда даҳанаки<sup>2</sup> жанг авжига чиққан.

– Жамол – эшакмия!

– Янгули – кўкатфуруш грек!

– Тбилиситик мишиқи!

<sup>1</sup> Мувозанат (а) – тинч, турғун ҳолатда бўлиш.

<sup>2</sup> Даҳанаки (ф) – оғзаки уришиш, айтишимоқ.



- Эшакбоқар!
- Тўнғиз!
- Чириган бодринг!
- Тошбақа!
- Итбалиқ!
- Медуза!<sup>1</sup>
- Овсар!
- Паганини!

Бисотимдаги ҳақоратбоп сўзлар тугади. Янгули кутиб турарди – навбат меники эди.

- Бўлақол, ютқазасан! – деб турткилади Кока.
- Менда бошқа йўқ!
- Онасига ўт!
- Йўқ, онани аралаштириб бўлмайди!
- Шени деда ватире, дегин! Уят жойи йўқ буни!
- Ўрисчасига нима дегани? – Сен грузинчасига айтавер! У барибир тушунмайди! – Кока ҳолжонимга қўймасди.
- Янгули, шени деда ватире! – грузинчалаб шундай дедим,
- у жавобини жон ҳовучлаб кутиб турардим.
- Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Сездимки, Янгули ҳам онамга тил текизди, аммо бу сўзлар шу қадар хушоҳанг, шу қадар ёқимли эшитилди-ки, гўё у гўзал бир қўшиқни бошлагандай бўлди назаримда. Мен яна такрорладим – Шени деда ватире, Янгули!

- Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Бу ҳол ярим йилча давом этди. Сўнг эхтиросларимиз аста-секин сўнди. Иккаламизнинг ҳам ҳақорат репертуаримизда битта-ю битта жумла қолди, ҳар учрашганимизда мен: – "Шени деда ватире, Янгули!" дердим, у бўлса: "Имана су ине простикаса инека, Жамол!" дерди.

Офтоб чарақлаб турарди. Кока иккаламиз мактабдан қайтардик. Темирийўл кесиб ўтиладиган жойда, одатдагидек, Янгули ўртоқлари билан ивирсиб ўтирарди. Мени кўрди-ю, шартта ўрнидан туриб, истиқболимга юра бошлади.

- Янгули, шени деда ватире! – дея ўзғирлик қилдим мен.

У тўхтаб маъносиз нигоҳ билан узоқ тикилиб турди.

- Шени деда ватире, Янгули! – деб такрорладим яна.

Янгули бошини эгди, кейин бурилиб аста... уйи томон кета бошлади. Мен донг қотиб қолдим.

- Кўрдингми куён бўлганини?! Энди хўжайинлик қилолмайди! – дедим Кокага.

- Йўқ, энди бошланди! – Кока мийиғида кулиб қўйди.

- Қанақасига?

<sup>1</sup> Медуза – сувда яшовчи саккиз оёқли жонивор.



– Шунақасигада. У сени енгди. Жамол!  
– Нега сўкинмади бўлмаса!  
– Кеча ойингни суриштирган эди: қим, қаерда... Мен нима дейин... Шунақа, шунақа... Ҳалиги... Йўқ... ўлган, дедим. Шунинг учун ҳам сўкмади-да, сени...

Фалати бўлиб кетдим.

– Аҳмоқ, оvsар! Нега кеча шуни менга айтмадинг?  
– Қайдам...  
– Янгули! – деб қичқирдим орқасидан. Аммо у анча узоқлашиб кетган, овозимни эшитмасди. Ё эшитса ҳам, эшитмаганга олдим...

Шу ондан бошлаб Янгули ўн баробар улфайгандай бўлди менинг назаримда. Орамизда ганимлик бўлмаганидек, яқин дўст ҳам бўлолмадик у билан. Учрашиб қолганимизда бир-биримизга жилмайиб, қўл силкиб қўярдик, холос. Аҳён - аҳён, отасининг ўрнига уйимизга сут ёки қатиқ олиб келганида уч-тўрт обиз гаплашардик. Шунда ҳам суҳбатимиз сут-қатиқнинг баҳоси-ю эшакдан нарига ўтмасди.

Уша куни Янгули сут обкелди. Ҳовлида унга кўзим тушди - ю... таниёлмай қолдим. Башараси моматалоқ бўлиб кетган эди.

– Нима бўлди? – деб сўрадим ажабланиб.

Ақл бовар қилмасди – бу атрофда Янгулига ким қўл кўтариши мумкин?! Ёки бирорта каттароқ ёшдаги одамнинг ишимикан бу?

– Ҳеч нарса! – деди у четга қараб.  
– Афтинга бир қарагин...  
– Ҳечқиси йўқ! – дея жилмайди у.  
– Янгули, ким урди? Агар кучинг етмаган бўлса бирга борамиз!

Янгули бош чайқади.

– Эшагингни боғла, ҳозироқ борамиз! – деб сут солинган хурмачани зинага қўйдим.

– Кераги йўқ, унга бари бир кучимиз етмайди! – деди Янгули синиқ кулимсираб.

– Нега етмас экан?! Иккаламизниям-а?  
– Иккаламизниям, бутун Венециан кўчасиниям!  
– Ким экан у муштумзўр?!  
– Отам!  
– Отанг?!  
– Отам.  
– Нима гуноҳ қилувдинг? – дея унинг шишиб кетган чаккасига авайлаб қўлимни текказдим.  
– Сабаби борда...  
– Нима иш қилиб қўйдинг?



– Уч кундан кейин Сухумига Грециядан кема келади. Бу ерлик греклар Элладага қайтишябди. Отам ҳам...

– Хўш, нима қибди?

– Кетмоқчи эмасман... Отамнинг гапига қараганда, бизнинг ватанимиз, она тупроғимиз ўша ерда... Бизни аждодлар руҳи чақираётганмиш, бу нидога қулоқ солиш шарт эмиш...

– Нега бирга кетмоқчимассан? – деб сўрадим астойдил таажжубланиб.

Янгулидан анча вақтгача садо чиқмади. Нукул эшагининг қулоқларини силарди. Силаб турганида қулоқ кафтига ётар, аммо қўйиб юборди дегунча, худди суҳбатимизни эшитолмай қолишдан қўрққандай, дарров яна диккайиб оларди.

– Қандоқ тушунтирсамикин... – дея гап бошлади у ниҳоят.

– Онам йўқ, ҳатто эслолмайман ҳам. Отам уззу-кун томорқада ёки тирикчилик ташвишида... Мен кўчада, Венециан кўчасида катта бўлдим... Менинг ватаним, менинг Элладам бу – Сухуми, кўча, Чалбаш; бу – Кока, Петя, Курлика, Фема, қора денгиз, кўприк... – У бир ютиниб олиб давом этди. – Бу – Мида... қолаверса, сен...

Миданинг исмини менинг олдимда Янгули биринчи марта тилга олаётган эди. Аммо мен Мида – бир абхаз кишига турмушга чиққан грек аёлининг қизи эканини, Сухумида ундан гўзал қиз йўқлигини, Янгули уни яхши кўришини билардим.

– Тушундингми энди?

Аъзой баданим жимирлашиб кетди. Бунақа сўзларни умримда биринчи марта эшитаётган эдим.

– Бу нима бўлмаса? – Мен Янгулининг кўкрагини очиб, баланд овозда ўқидим: – “Hellados”

– Бу – нақш, Жамол. Ватан – ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида! – Янгули қўлини кўксига қўйди.

Ўпкам тўлиб томоғимга аччиқ бир нарса қадалди, унга яна бир нималар демоқчи эдим-у, аммо Янгули эшагини нўхтасидан етаклаб ҳовлидан чиқиб кетди. Орадан уч кун ўтгач, эрта тонгда ҳовлимизга эшагини етаклаб, Янгули яна кириб келди.

– Отам ҳамма нарсани сотди: сигирниям, уйниям, бошқа лаш-лушларниям. Эшакни ҳеч ким олмаябди. Биламан, сизлар уйда эшак сақламайсизлар, урф - одатингларга тўғри келмайди. Лекин чакки қиласизлар. Бундан беозор жонивор йўқ дунёда – меҳнаткаш, беминнат дастёр... Нима қиламан буни энди? Грекларнинг ҳаммаси кетябди... Кўчага ҳайдаворолмайман-ку... қўрқма, бунга парваришнинг кераги йўқ. Бир тутам хашак бўлса кифоя... – Янгули тутилиб – тутилиб гапирар, тўхтовсиз эшакнинг бўйинини силар эди.

– Сенчи? Сен ҳам кетябсанми?





– Кетябман... Эшакни опқоласанми?  
 – Бўбди!  
 – Лекин ҳайдаворма!  
 – Йўқ, йўқ!  
 – Нина Ивановнага ҳам айтиб қўй, ҳайдамасин!  
 – Албатта, айтаман.  
 – Кока ёрдамлашади... Эшакка кўп нарса керак эмас. Бир тутам хашак...

– Ташвишланма, Янгули.  
 – Исми Аполлон.  
 – Биладан.  
 – Авайлайсанми?  
 – Хотиржам бўл.  
 – Майли, мен кетдим... Кема кечқурун жўнайди.  
 – Борақол...  
 – Хайр, Жамол!  
 – Кечқурун портга чиқаман, Янгули!

Биз қучоқлашдик. Янгули анча вақтгача мени бағридан бўшатмади. Кейин шартта бурилиб, гўё аллақандай мудҳиш ва ёвуз нарсадан қочгандай, чопиб, чиқиб кетди.

Кечқурун портга бутун Сухуми кўчиб чиқди.

Ҳаммаёқ гулга кўмилган, оркестр жаранглари, одамлар қўшиқ айтиб, рақсга тушишар эди. Вағур-вуғур орасидан "раҳмат", "хайр", "омон бўлинглар" деган сўзлар қулоққа чалинар, аммо кўз ёшлари ундан ҳам бисёр эди.

Сухумиликлар ўзлари билан эт-тирноқ бўлиб кетган қадрдонлари – греклар билан хайрлашишарди. Греклар аллақачон нуқрадай оппоқ "Посейдон" кемасига чиқиб олишган. Ўша ердан туриб қўл силкишар, грекча, русча, грузинча, арманча лафзда бир нималар деб кичқиришар эди.

Мен болаларга қўшилиб, соҳилдаги панжара деворига қапишганча, нигоҳим билан Янгулини излай бошладим. Ва уни топдим. Эғнида ўша ўзи ёқтирган олди очик қора сатин кўйлак.

– Янгули, Янгули! – дея қийқиришга тушдим қўл силкитиб. Янгули кузатувчиларга узоқ, жуда узоқ разм солди ва бирдан мени кўриб қолди. Иккала қўлини баланд кўтариб, нидо берди:

– Жамол, ego agaro imana su!

– Жамол, ойингни яхши кўраман! – У грекча нимадир деб бақирди-ю, аммо менга қўшиқ айтгандай туюлди. Тағин шу нарсани сездимки, назаримда, кемадан қочиб кетмасин дебми, отаси уни билагидан маҳкам ушлаб турарди. Яна унинг қўшиғини эшитишга, яна унга мўлтираб туришга бардошим етмади. Кемага тере ўгирилдим-да, йиғлаганча уйга жўнадим.



Орадан бир кун ўтиб, Келасури дарёсининг қуйилиш жойида денгиз тўлқинлари бир боланинг жасадини соҳилга чиқариб ташлабди. Тўғрироғи, уни кекса балиқчилар сувдан тортиб олиб, қумга ётқизишибди. Сўнг мурданинг кимлигини аниқлаш учун шу атрофда ўйнаб юрган болаларни чақиритибди.

Марҳумнинг башараси шу қадар дабдала бўлиб кетган эканки, уни ҳеч ким танимабди.

Уни мен танидим. Чап тўшининг устидаги "Hellados" деган сеҳрли ёзувни кўргандан кейин танидим.

Нафасимни ичимга ютганча соҳилдан, сўнг темирйўл бўйлаб, кейин Венециан кўчасидан тўхтовсиз югуриб, телбаларча уйга отилиб кирдим.

– Ҳа, нима бўлди?! – Холамнинг капалаги учиб кетди.

– Нина хола... Янгули қайтиб келди...

Сўнг холамнинг олдида чўккалаб, оёқларини қучоқлаганча хўнграб йиғлаб юбордим...

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Ҳикояни ўқиб чиқдингиз, у Сизга ёқдим?

2. Безорилиги билан машҳур Янгули табиатида қанақа яхши хислатлар бор? Унинг танглиги нималарда кўринади?

3. Жамолнинг етим экани, онаси ўлганлигини билгандан кейин Янгули нега кескин ўзгариб қолди?

4. Янгули кўксидаги «Хелладос» деган ёзув нимани англатади?

5. Янгулининг отаси томонидан калтакланишига сабаб нимада?

6. Янгулидаги Ватан туйғуси нималардан иборат? Нега у ота юрти Грецияга кетишни истамайди?

7. Янгулининг фожей қисмати – ҳалокати сизни қай аҳволга солди, сизда қандай ўй-фикрлар уйғотди?

8. «Ватан», «ватанпарвар» деганда сиз нималарни тушунасиз?

9. «Янгули – ватанпарвар» деган сарлавҳа остида уй иншоси ёзинг.

# ШАТМАН САДИБАҚАСОВ

(1932 – 1983)



Эсингизда бўлса, 2-синфда “Асилтой ва Абултой” исмли болалар ҳақидаги ҳикояни ўқиган эдингиз. Унда Асилтойнинг отни яхши кўриши, Абултойнинг эса ёмон кўриши ҳақида, Абултойнинг отга қилган кўполликлари ҳақида ҳикоя қилинар эди. Бу ҳикояни таниқли қирғиз ёзувчиси Шатман Садибақасов ёзганди. Бугун адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда яна бир ҳикояси билан танишамиз.

Норин вилоятининг Жумғол тумани–жуғрофий ўрни, табиати ва аҳолисининг турмуш тарзи билан диққатга сазовор жой. Бу ерда қирғиз халқ мусиқасининг миллий оҳанглари сақланиб қолган. Фольклор жанрлари ниҳоятда равнақ топган, ким кўп – халқ оқинлари кўп. Истеъдодли ёзувчи Шатман Садибақасов шу диёрда – Жумғол туманининг Дийқан қишлоғида туғилган.

Бўлажак ёзувчи ўрта мактабда таҳсил олгач, қирғиз Миллий университетининг қирғиз тили ва адабиёти бўлимида ўқиб, олий маълумотли бўлди. Аввал “Жаш ленинчи” журналида ишлади. “Қирғизистон” нашриётида муҳаррирлик қилди. 1975 йилдан то умрининг охиригача “Ала-Тоо” адабий журнали таҳририятини бошқарди.

У “Ирода”, “Поёнсиз йўл”, “Кенг олам”, “Яшил водий” каби тўпламларнинг муаллифидир. “Кунлар”, “Ажойиб кунлар” романлари унинг ижодида алоҳида ўрин тутади.

Шатман Садибақасовнинг болалар учун ёзган “Ёқимтой бола”, “Кўзгу” каби мазмундор ҳикоялари китобларидан ўрин олган. Мана, ёзувчининг “Кўзгу” номли ҳикояси, марҳамат, ўқиб кўринг-чи.

## Кўзгу

Бувиси қўли билан кўрсатиб: – Хув ана, Иссиқкўл жилоланабди, – деди. Алийса кўзларини порпиратиб, киприк қоқмай ўша ёққа тикилди. Иссиқкўлнинг жилоланаётганини у кўра олмади. Бувиси яна мароқ<sup>1</sup> билан сўзлади: – Ёғду селини қара, роса авжга чиқибди.

<sup>1</sup> Мароқ (а) – ортиқ завқ-шавқ, ҳузурланш.



Алийса кўзларини қаттиқ юмди, такрор-такрор уқалади, юмиб-очди, бари бир ёғду таратаётган Иссиқкўлни кўра олмади. У тошиниб сўради:

– Бувви, мен Иссиқкўлни кўрмайман. Қани у?

Бувиси сўзланди:

– Анови нима, кўм-кўк бўлиб, тўлиб-тошиб ётибди-ку...

Алийса Иссиқкўлни ҳеч ҳам кўрмаган эди. Аммо Иссиқкўл тўғрисида жуда кўп эшитган эди.

Иссиқкўл шунчалар сўлим-ки... Эрталаб оқаради, кунботарда қизаради. Иссиқкўлдан шабада эсади, Иссиқкўл ғазабланади, Иссиқкўл ўйнайди.

Ўша Иссиқкўлнинг қошида турибди Алийса. Кўл мавжланиб, жимирлаб ялангоёқ боланинг қадами шарпасидек товуш чиқаради. Бу шарпа негадир Алийсанинг қулоғига бувисининг шивирлашидек эшитилади. Кўлга қўлини тикди – бувисининг бағридек илиққина экан!

Ҳозиргина кўм-кўк бўлиб турган кўл энди оппоқ бўлиб, юзида қуёш порлаб, жимирлаб, чети-чегарасига кўз етмай қолди. Осмон қайси, кўл қайси фарқлаб бўлмай қолди. Унинг ёқасида турган Алийса билан бувиси ҳам кўлдай яйраб кетди.

Алийса яна кўзини юмиб ҳовлиқди:

– Бувижон... бувижон, мен ғалати бўлиб кетдим.

– Осмонга қара... осмонга қарагин-а.

Осмонда, булутлар устидан самолёт учиб борар эди.

– Энди кўл остига қара, – деди бувиси.

Қараса, ўша самолёт кўлнинг тубида ҳам учиб бораётир. Кўл тубида булут ҳам, оқчорлоқлар<sup>1</sup> ҳам сузиб юрибди. Кўл тубида ҳам бир қуёш нур сочиб турибди. Кўлнинг ич – ичидан бир қиз боқиб турибди: бу Алийса эди, ёнида бувиси ҳам бор!

– Бувижон... бувижон! Иссиқкўл кўзгу экан... кимнинг кўзгуси?

Бувви пақл қила кетди, кўл ва Алийса жимгина уни тинглади.

– Иссиқкўл ҳаммамизнинг кўзгумиз... барчамизга кўзгу.

Қадим-қадимда бу ерда парилар яшаганлар. Қанотлари ярқираб булутга миниб учганлар. У тоғдан бу тоғнинг бошига хадалари эшитилиб, ям-яшил ўтлоқда "оқ чўлмўк"<sup>2</sup> ўйнаганлар. Оқ-оқ, қандай сўлим кунлар бўлган-а. Фам-ташвишни билмаганлар. Бири биридан зебо, бири биридан оқила бўлганлар. Кунларнинг бирида пари қизлардан бири учиб кетаётиб кўлидан кўзгусини тушириб юборади. Ерга тушган кўзгу сув бўлиб эриб атропо-теваракка таралади. Шунда тоғлар унинг

<sup>1</sup> Оқчорлоқ (т) – денгиз қуши, балиқчи қуш.

<sup>2</sup> Оқ чўлмўк (т) – қирғиз миллий ўйинларидан бири.



йўлини қўрғонлаб қоладилар. Иссиқкўл ўша парининг кўзгуси эмиш. Қарагина, қандайин тип-тиниқ кўзгу!

– Пари қизлар қаерда, буви?

– Кўл остида, энг чуқур жойида яшайдилар улар. Тун чоғи, ойдинда сув юзига сузиб чиқадилар. Кўл ёқасига ўтиришиб, узун - узун сочларини тараганича жўр бўлиб куйлайдилар. Улар нидосига осмондан юлдузлар ёғади, тоғлар тобора юксакка ўрлайди, шамол ювош тортади. Иссиқкўл ҳам бўшашиб тонггача ухлайди. Кўл остида... энг чуқур жойида шаҳар бор. Шаҳар ой-юлдузлардан чодир ёпиб, қалқиб турганини кўрганман.

– Кўрганмисан? – деди Алийса ҳайратдан кўзларини пирпиратиб. – Менгаям кўрсат-чи! Кўрсатасанми?

– Кўринмайди! – буви қовоғини солди, оғирини у оёғидан бу оёғига олди. Гўё Алийсанинг атрофини шов-шув қуршаб, кўл ғалаёнга келиб, қайнаб кўкка сапчиб, гирдоб бўлиб чир-чир айлана бошлади.

– Кўрдингми, кўлнинг қаҳри кўзғалди, – деди бувиси Алийсанинг қўлидан етаклаб.

– Нега... Нима учун ғазабланыбди?

– Ановини кўрябсанми?

Кўл долғалари чопиб келиб, думалоқ бир нимани қирғоққа иргитиб юборди. Бу "бир нима" шунчалар ифлос нарса экан-ки, кўл ёқасини, ҳатто Алийсанинг оёқларини ҳам булғаб ташлади. Кўзгудай кўлнинг устида бир ҳовуч қора мой қалқиб қолди, ҳиди димоққа урди.

Буви ўша думалоқ нарсани чуқурга элтиб кўмиб ташлади, ундан қолган доғларни оёғи билан депсаб-депсаб кўйди.

– Нурли кўл... Кўзгудай бўлганингдан ўргилайин... Кўзгудай тоза сақлашмайдим... Кўзгунинг юзини булғаб нималарни ташлашмайди унга. – Алийсага энкайиб, кўзларига тикилиб ёлворди: – Билиб кўй, кўл булганса, бояғи томоша қаёқда дейсан! Кўл шунга ғазабланади. Сен ҳам кўлни булғайсанми?

Алийса тили билан тағлайинга уриб тик этказди, ҳилпираган лентасини ушлади: – Йўқ!

У ўша оқшом лентасини оппоқ қилиб ювди, юз-қўлини қайта-қайта чайди. Покиза бўлиб эртага кўлга борди, Эҳтимол пари қизларни учратар ёки кўл остидаги шаҳарни кўрар. Кўзгудай тоза кўлда ҳаммасини кўрса бўлар экан-ку.

Ростдан ҳам, Алийса тушида оққувга айланиб, ой-юлдузлар сари учиб бораётган эмиш. Пастда кўзгудай ярқираб мовий кўл ясанган эмиш. Соҳили дов-дарахларга бурканган Иссиқкўл муҳташам шаҳри бор кўзгу эмиш...



? Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикоянинг бош қаҳрамонларига тавсиф беринг.
2. Иссиқкўлнинг қандай сир-симоати бор?
3. Алийса дастлаб нима сабабдан Иссиқкўлни кўра олмади?
4. "Осмон қайси, кўл қайси фарқлаб бўлмайд қолди" деганда ёзувчи нима назарда тутяпти?
5. Иссиқкўлни ўз сўзларингиз билан тасвирлаб беринг.
6. "Иссиқкўл шунчалар сўлимки... Эрталаб оқаради. Кун ботарда қизаради... Иссиқкўл ғазабланади, Иссиқкўл ўйнайди" жумлаларини қандай тушунасиз?
7. Нима учун Иссиқкўл кўзгуга ўхшатилади?
8. Ҳикояда табиат ва инсон муаммоси қандай акс эттирилган?



# ШЕЪРИМ, ЯНА ЎЗИНГ ЯХШИСАН!

## Табиат лирикаси ҳақида

Табиат лирикаси лирик турга мансуб жанрлардан биридир. У табиат манзаралари, ҳодисалари ва йил фасллариининг турли кўринишларини шоирнинг лирик кечинмалари орқали акс эттирувчи шеър. Баҳор фаслида адирларда гиламдек ловуллаган кип-қизил лолалар, оқ-пушти рангга бурканган ўрикзорлар бизни ҳайратга солади, қалбимизга қувонч бағишлайди. Кеч кузда эса боғларнинг сариқ-қизғиш рангга товланиши, оёқ остидаги хазон япроқларининг шитирлаши умрнинг ўткинчилигини эслатиб, кишини бироз ғамгин ҳаёлларга чўмдириши мумкин. Ёки тонг отиши, қуёшнинг ботиши, осмон тўла чарақлаган юлдузлар, шивалаб ёғадган ёмғир, оқ капалаклардек ерга учиб тушаётган оппоқ қор, шовуллаб қирғоққа уриладётган тўлқин ҳам кишида турли хил ҳис-туйғулар уйғотади. Шоир мана шу ҳайратни, ҳис-туйғуларни пайдо қилаётган табиат манзараларининг расмини шеъри орқали чизиб, тасвирлаб бера олади.

Масалан:

Нафис чайқалади бир туп наъматак  
Юксакда- шамолнинг беланчагида,  
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,  
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида,  
Нафис чайқалади бир туп наъматак.

(Ойбек)

Табиат лирикаси пейзаж лирикаси ҳам деб юритилади.

«Пейзаж» французча сўз бўлиб, «жой», «макон» деган маъноларни билдиради. Демак, жой, макон тасвири пейзаж дейилади. Одатда, ҳар қандай бадий асарда пейзаж тасвири учрайди. У асар қаҳрамонларига ҳаётийлик, табиийлик, жонлилик бахш этишга хизмат қилади. Аммо соф табиат тасвирига бағишланган асарлар ҳам бўлади. Пейзаж лирикаси деб юритиладиган шундай асарларда юзаки қараганда, шунчаки табиат ҳодисаларининг қуруқ ўзи акс эттириладиганга ўхшайди. Аслида эса шоир-лирик қаҳрамонининг табиатдан олган таассуротлари тасвир этилади. Табиат манзарасини тасвирловчи лирик шеърлар китобхон қалбида табиат ва она-Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотади, завқ-шавқ бағишлайди.



Мавлоно Муқимий, Фурқат, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Хамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа шоирларимиз пейзаж, яъни табиат лирикасининг гўзал намуналарини яратишди.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Табиат лирикаси ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
2. Табиат лирикаси воситасида воқелик қандай тасвирланади?
3. "Пейзаж" атамасининг маъносини изоҳланг.
4. Қайси шоирлар ижодида пейзажнинг гўзал намуналари учрайди?
5. Қуйи синфларда табиат тасвирини ифодаловчи қандай шеърларни ёд олгансиз?
6. Ойбек қаламига мансуб шеърини парчани таҳлил қилишга уриниб кўринг.
7. Шеърини парчадаги «оппоқ наъматак», «қуёш», «ўшшайган қоя» каби образларда қандай рамзийлик бўлиши мумкин?





## УЙҒУН

(1905 – 1990)



Ўзбекистон халқ шоири Раҳматулла Отақўзиев Уйғун 1905 йилнинг 14 майида Қозоғистоннинг Жамбул вилоятига қарашли Марки қишлоғида туғилди. Шоирнинг таржимаи ҳолида ёзилишича, унинг отаси Отақўзи ака ўқимишли киши бўлиб, уйда тез-тез «қиссахонлик» кечалари уюштирар, бу кечаларда “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Эртаргин”, “Қизживек”, “Баҳром ва Гуландом”, “Фарҳод ва Ширин” каби халқ китоблари ўқилар эди. Раҳматулла ана шундай муҳитда улғайди.

Раҳматулла эски мактабда тез хат-саводини чиқарди, шарқ шоирларининг, айниқса, Алишер Навоийнинг шеърларини берилиб ўқий бошлади. У 1923 йилда Тошкентга келиб, педагогика билим юртида таълим олди. Унинг дастлабки шеърий машқлари билим юрти деворий газетасида чиқди. Ўз билимини оширишга тиришган Уйғун 1925 – 1930 йиллар орасида Самарқанддаги Педакадемиянинг (ҳозирги СамДУ) тил-адабиёт факультетида ўқиди. Раҳматулланинг биринчи “Кўнглим” шеъри 1925 йилда Уйғун тахаллуси билан босилиб чиқди.

1929 йилда Уйғуннинг “Баҳор севинчлари” китоби майдонга келди. Шундан сўнг Уйғуннинг элликдан ортиқ китоби ўзбек ва рус тилларида ўқувчилар қўлига етиб борди.

Шоирнинг драматургия соҳасидаги ижоди ҳам маҳсулдор бўлди. У замонавий ва тарихий мавзуларда ўндан ортиқ драмалар яратди. Уйғуннинг Иззат Султон билан ҳамкорликда ёзган “Алишер Навоий” драмаси ҳам катта шуҳрат қозонди. Драма ҳозиргача Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театри сахнасидан тушмай келмоқда.

Уйғун табиат лирикасининг моҳир устасидир. Шоир йил фасллари, табиат ҳодисалари ва уларнинг гўзаллиги ҳақида бир-биридан ажойиб шеърлар яратди. У пейзаж, яъни табиат тасвири билан лирик қаҳрамон кайфиятини, ҳайратини, кечинмаларини уйғунликда тасвирлайди. Аниқроғи, табиат тасвири орқали ўзининг қалбини “фош” қилади, қалбини очади. Қуйида шоирнинг машҳур “Тонг” шеърини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



## Тонг

### I

Бугун эрта туриб тонгни кўрдим,  
Оқ шоҳи рўмоли бошида.  
Уфқ кийинтириб, гўзал фалак  
Сочини тарайди қошида...

Суқланиб қарадим тонгнинг юзига:  
Бир қарашда оппоқ шоҳига ўхшар.  
Бир қарашда мрамар... бир қарашда зар,  
Бир қарашда эса садафга ўхшар.

Тонг ажойиб бир пайт, тенги йўқ ҳусн,  
Гўзал табиатнинг дилбар лавҳаси...  
Йил – китоб, ҳар кундуз ундан бир варақ,  
Тонг эса варақнинг гул сарлавҳаси.

Табиат саҳарда мисли бир ғунча,  
Тонг эса ғунчанинг очилган чоғи.  
Ёки тахмин қилинг: табиат бир қиз,  
Тонг эса у қизнинг мрамар ёноғи.

Тонгнинг тасвирига ранг бисотидан  
Энг ёрқин, энг гўзал мато сайладим.  
Чунки тонг саодат ва нур келтирар,  
Унга илҳомимни ҳадя айладим.

### II

Хўрозлар қичқирди узоқ-яқиндан,  
Оҳиста бўзарди кечанинг туси.  
Минг хил жилва билан кўтарилди тонг  
Гўё қанот ёйди эрам товуси.

Тонгни кўриб ҳиссим, ҳаяжонларим  
Баҳор қушларидай қанот қоқдилар.  
Ажойиб лавҳалар, соз манзаралар  
Товлана-товлана, секин оқдилар.

Тонг қушлари куйлаб севгидан, бахтдан,  
Дилга эзгу бир ўт ёқиб ўтдилар.  
Ўйноқи шабадалар: “Юр биз билан” деб,  
Деразаларимни қоқиб ўтдилар.



Бошимни чиқарсам, деразамдан мен,  
Улар сочларимни силаб ўтдилар.  
Кетар чоғларида сўнги юлдузлар  
Эгилиб юзимга қараб ўтдилар.

Мен эса кузатдим тонгни бахтиёр  
Севинч жўш уради чалган куйимда.

### III

Водийлардан кўтарилган тун,  
Ҳали мудрар чиқа олмай кун.  
Кўшиқ айтиб ўтар ўғиллар, қизлар,  
Кўшиғига саодат мазмун.  
Бири фабрикага, бири мактабга,  
Бири кетар пахтазорига.

### IV

Нега шунча гўзал кўринар олам!  
Нега қараб тўймас кўзларим?  
Нега жўш уради, кўпиради қон?  
Нега мисдай қизир юзларим?

Нега ҳаяжонда туйғулар, ҳислар,  
Нега лабларимда кезар табассум?  
Кўнгил гулзорига тинмасдан нега  
Чексиз севинч келтирар ҳар зум?

Нега имо қилар гўзал табиат?  
Нега чақиради ёнига?  
Нега шунча ўйлар, типирлар юрак?  
Нега шодмен? Айтингиз нега?

Мия асл баҳосиз кўзгу,  
У кўзгуда акс этар ҳаёт,  
Ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли,  
Шунинг учун эрка кўнгил шод.



? Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ифодали ўқинг ва таҳлил қилишга тайёрланинг.
2. Шеърнинг ҳар бир бандига сарлавҳа қўйинг.
3. Шоирнинг тонг палласида туғилган завқ-шавқи, ҳайрати ифодаланган бандларни қайта ўқинг.
4. Тонг палласи нималарга ўхшатилади, қиёс қилинади? Топиб дафтарингизга ёзинг.
5. Сифатлаш, истиора, жонлантириш каби тасвирий воситаларга шеърдан мисоллар топиб, дафтарингизга ёзинг. Масалан, сифатлаш: “оқ шоҳи рўмол”; ўхшатиш: “мисдай қизир юзларим”; истиора: “бир қарашда мрамар”; жонлантириш: “фалак сочини тарайди” каби.
6. Шеърдаги ўз маъносида эмас, балки кўчма маънода қўлланган сўзларни топиб кўчиринг ва ўз маъносини қавс ичида ёзиб қўйинг. Масалан, “тонгнинг боши” (одамнинг боши), “тонгнинг юзи” (одамнинг юзи) каби.
7. Тонгнинг чиройли тасвири билан лирик қаҳрамон – шоирнинг кайфияти, руҳий ҳолати бир-бирига мос тушадими? Мос тушса, нега? Мос тушмаса, нима учун?
8. Бирор мусаввирнинг тонг тасвирига бағишланган расмини биласизми? Шеърдаги тонг тасвири билан расмдаги тонг тасвирини қиёслаб, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқланг.
9. Шеърни ёд олинг.



# УСМОН НОСИР

(1912-1944)



Усмон Носир 1912 йилнинг 13 ноябрида Наманган шаҳрида хунарманд оиласида дунёга келди. Ёшлигидан болалар уйида тарбияланди. У ўрта мактабни тамомлаб, 1931 йилдан Самарқанд Давлат университетида ўқий бошлади.

Усмон Носирнинг илк шеърлари талабалик давридаёқ матбуотда кўрина бошлади. Ёш шоир шеърляти ҳаётийлиги, жозибали ва исёнкорлиги, содда ва равонлиги билан тезда шеърхонлар қалбидан чуқур ўрин олди.

Усмон Носир таржимон сифатида рус шоирлари Пушкин ва Лермонтовнинг шеър ва достонларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган.

Самимий, жўшқин истеъдод эгаси Усмон Носирнинг шеърлари ўзбек китобхонлари томонидан севиб ўқилмоқда.

## Юр, тоғларга чиқайлик

Юр, тоғларга чиқайлик,  
Майли, юр!  
Эҳ... қандайин чиройлик  
Оппоқ нур...

Биласанми, ёшлик бу  
Тўймаган!  
Тиним билмас, гўё сув  
Ўйнаган...

Олмос қаби оппоқ қор  
Ялтирар,  
Нега мунча дил оқар,  
Қалтирар?

Шунга ўта чиройлик  
Кўринур...  
Юр, тоғларга чиқайлик  
Майли, юр!

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Шоирнинг табиат гўзаллигини кўйлашдан мақсади нима? Шеърдан мисоллар келтириб тушунтиринг
  2. Шоир табиат гўзаллигидан қандай илҳомланган?
  3. Биласанми, ёшлик бу  
Тўймаган!  
Тиним билмас, гўё сув  
Ўйнаган...
- бандида шоир нимани назарда тутган?
4. Шеърни кўчириб, бир - бирига оҳангдош бўлган сўзларни, яъни қофияларини топинг ҳамда мисралардаги бўғишлар сонини аниқланг.
  5. Шеърни ёд олинг



## Юрганмисиз бирга ой билан

Юрганмисиз бирга ой билан  
Оқшом пайти кўм-кўк ўрмонда?  
Майсаларга шабнам<sup>1</sup> қўнганда  
Шундай яхши тинч бўлар экан!

Шитир-шитир ўйнар шаббода, Мен маст бўлиб қолдим бир кеча,  
Барглар мусиқаси бир ширин... Сил<sup>3</sup> ўпкамни анча яйратдим.  
Ҳаво гўё тиниқ, соф бода,<sup>2</sup> Ухламасдан то тонг отгунча  
Кўнгил сезар ҳаётнинг сири. Дилгинамни роса сайратдим.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Шеър нима учун "Юрганмисиз бирга ой билан" деб бошланади?
2. Лирик қаҳрамоннинг кайфиятини матнга таянган ҳолда изоҳланг.
3. "Барглар мусиқаси бир ширин" мисрасини изоҳланг.
4. "Сил ўпкамни анча яйратдим" мисрасини тушунтиринг.
5. Шеърнинг якунини ўз сўзларингиз билан сўзлаб беринг.
6. Шеърни ёд олинг.

## Йўлчиман

Йўлчиман, манзилим денгиздан нари,  
Ложувард уфқнинг тубига яқин.  
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин,  
Чайқалар кўзларим тикилган сари.

О, йўллар!  
Чу қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам!  
Муродга қасд қилиб югурган етур.  
Бўронни севмаса, дил нечун тепур?  
Тириклик не керак бемеҳнат, беғам?!  
Чу, қора йўрғам...

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Шеърни ифодали ўқинг ва у ҳақида мулоҳаза юритинг.
2. Шоир дардларини нимага қиёс қилади? Нега?
3. Фаол инсоннинг ҳис-ҳаяжонлари қайси мисраларда ифодаланган деб ўйлайсиз?
4. Шоирнинг келажакка нисбатан ифодаланган мисрани топинг.
5. Шеърни ёд олинг.

<sup>1</sup> Шабнам (ф) – шудринг.

<sup>2</sup> Соф бода (ф) – тоза шароб, ичимлик.

<sup>3</sup> Сил – юқумли ўпка касаллиги; Бу ерда «сиқилган», «қайғули» маъносига.



## МИРТЕМИР

(1910-1978)



Миртемир Турсунов 1910 йилда Жанубий Қозоғистоннинг Қоратўғ қишлоғида туғилди.

Миртемир бошланғич билимни бобосининг мактабида олади. У 11 ёшида Тошкентга келиб, Алмаий номидаги мактабда ўқишни давом эттирди. Сўнгра ўлка эрлар билим юртида таҳсил ола бошлади. Миртемирнинг ўқиш йиллари жуда мураккаб ва қийин шароитда кечганлигини кейинчалик ўз хотираларида ёзиб қолдирган. Миртемир ўқувчилик йилларида адабиётга, хусусан, рус адабиётига меҳр қўяди.

Миртемирнинг биринчи шеъри 1926 йилда босилиб чиқди. Миртемир халқлар ўртасидаги дўстликни, тинчликни тараннум этувчи бир қатор шеърий асарлар яратди. "Қорақалпоқ дафтари", "Қирғиз дафтари", "Туркман дафтари" туркумлари шулар жумласидандир. Шоирнинг "Ёз", "Лолазордан ўтганда", "Булут", "Шудринг" шеърлари табиат лирикасининг нодир намуналари ҳисобланади.

Қирғиз халқининг эпоси – "Манас"нинг Миртемир томонидан ўзбек тилига таржима қилиниши ўзбек таржимачилигининг улкан ютуқларидан бири бўлди.

### Қирғизистон

Ўтлоқлар тиззадан, даралар сулув,  
Қўлларида юзар суқсур ва оққув,  
Қаёнига борма – булоқ, тиниқ сув,  
Қаёнига борма – омон-омон бу –  
Қирғизистон бу!

Лоланинг оқини кўрдим у юртда,  
Зумрад кўк тоғини кўрдим бу юртда,  
Жўмард бир соқийни кўрдим бу юртда...  
Исеиққўл эмас бу – чексиз осмон бу –  
Қирғизистон бу!

Қишлари оппоғу ёзлари салқин,  
Қирғиз кўзларида ярқирай ёлқин.



Меҳнат, манглай тери оқин ва оқин,  
Юз элдан келганга илиқ ошён бу –  
Қирғизистон бу!

Бунда той-той момиқ, ёпоғи, тивит,  
Бунда олма, ипак, мовут, каноф, чит,  
Бунда ҳар ёш қирғиз Манасдай йигит,  
Ўзи ажиб сўлим, яшил жаҳон бу –  
Қирғизистон бу!

Чўққиларда сакрар чўнг мугуз олқор,  
Ҳар кўли, дарёси ўзи бир Чалқор,  
Олмаси қаҳрабо, тоғлари оқ қор,  
Она табиатдан заб армуғон бу –  
Қирғизистон бу!

Қуёш бағишламиш унга етти ранг,  
Қўзилари берар элтиру санг-санг,  
Тулки, қарсоқ, қоплон қутулур аранг,  
Тоғлар мамлакати – қутлуғ макон бу –  
Қирғизистон бу!

Кимки инсоф билан беролса баҳо:  
Бу юртда Манасдай чўнг ҳикмат – даҳо,  
Юз йил чилим чеккан ўпкага даво...  
Коинот сингари умрзоқ дoston бу –  
Қирғизистон бу!

1960 й.

### Бовурдошлик<sup>1</sup>

Боболар бешиги – юксак яшил тов,  
Бобо Қамбар – йилқичилар, чўпонлар,  
Эй, менга жигарбанд, суёк инсонлар,  
Манас ўзи тиккан улкан оқ ўтов.

Бовурдошлик мундоқ бўлибди,  
Кўнгли эгриларнинг кўзлари куйсин.  
Кўзлари ҳам гапми – ўзлари куйсин,  
Даврдошлик мундоқ бўлибди.

Эртактаги жаннат шу жойми,  
Қирғиз тўқайлари – парилар юрти.

<sup>1</sup> Бовурдошлик (к) – жигардошлик, яъни қариндошлик.





Келдибой отадай қарилар юрти,  
Қимиз оққан сой ҳам шу сойми...  
Бовурдошлик бундоқ бўлибди.  
Қораолма ўрмони.

1970 й.

## Булут

Кўк юзида паға булут – оқ булут,  
Оқ булутдан сут ёғарми ёки қут?<sup>1</sup>  
Паға булут – яхши кўклам элчиси,  
Ҳаволарда ёмғир иси, сел иси...  
Кўк юзида дам қалдироқ, дам сукут,<sup>2</sup>  
Ёғмай ўтма, паға булут – оқ булут.  
Ёғиб ўтсанг – тизза бўйи ўт бўлур,  
Ўт бўлур, сут бўлур, ҳам қут бўлур.

Кўк юзида паға булут-оқ булут...  
Бир қарасанг – осмон тўла оққувлар.  
Бир қарасанг – баланд қорли чўққилар,  
Бир қарасанг – кўз илғамас оқ барқут.<sup>3</sup>  
Кўк юзида – ёруғ, ойдин бир рўё...  
Уста рассом чизмиш ажиб манзара –  
Тева-тева пахта – беғубор, сара,  
Кузги хирмонларнинг акслари<sup>4</sup> гўё...

1957 й.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Шеърларни ифодали ўқинг ва мулоҳаза юритишга тайёрланинг.
2. “Қирғизистон” шеърда муаллифнинг бу юрт кишиларига бўлган меҳр-муҳаббати қай тарзда ифода қилинади?
3. “Қишлари оптоғу ёллари салқин” мисраси орқали шоир нима демоқчи?
4. Шеърдан Қирғизистон ўлкасига хос қандай хусусиятлар ҳақида маълумот олиш мумкин? Бу хусусиятлар тасвирланган мисраларни топинг ва қайта ўқинг.
5. “Бовурдошлик” шеърда халқлар дўстлиги қандай улуғланади?
6. “Булут” шеърининг биринчи бандидаги булутга мурожаат ҳақида қандай фикрдасиз?
7. Шеърнинг иккинчи бандида булут нималарга қиёс қилинади? Бу қиёсларга қўшилдасизми?
8. Шеърдаги бирикмали истиораларни топиб, кўчиринг.
9. Шеърларни ёд олинг.

<sup>1</sup> Қут (ф) – бойлик, бахт, барака.

<sup>2</sup> Сукут (а) – жимлик.

<sup>3</sup> Барқут – бахмал.

<sup>4</sup> Акс (а) – нарсанинг силлиқ, ярқироқ сатҳда кўриниши.



## ЖЎРАБОЙ ҚУРАШЕВ

(1931 йилда туғилган)



Шоир ва педагог Жўрабой Қурашев 1931 йил Жалолобод шаҳрида дунёга келди. Шоирнинг ўзи ҳақида берган маълумотларига кўра, унинг болалик ва ўсмирлик йиллари қийинчиликда ўтган. Отаси Тешабой Йўлдош ўғли ва онаси Шаҳриниса Аҳмад Али қизининг рўзғори бузилиб, уч ойлик чақалоқ – Жўрабой холаси Ҳанифа Аҳмад Али қизи ва поччаси қўлида қолади.

“Ҳанифа опам фарзандсизлигиданми, ё табиатан болажонлигиданми, ойимни бошқа турмушга уза-

тишганда, мени ўзлари билан олиб қолган эканлар, – деб ёзади шоир. – Шу боис мен холамни онам, поччам Қурбонали Тожибой ўғлини отам деб билиб улғайганман. Отам мени жуда яхши кўрар, доимо ўзи билан бирга олиб юрар эдилар.

Ҳанифа опам ҳовлимизда очилган яслига (болалар боғчаси) мудир эдилар. Эртадан-кечгача ҳовлимиз тўла бола эди. Опам раҳматлик аллани, ёр-ёрни ҳазин айтар эдилар. Бир вақт унинг қўшиқларидан сеҳрланиб: “Ёр-ёрларни ким айтган?” – дея сўраганимда: “Ёр-ёрларни осмондаги ҳуру парилар айтган”, – деганлари эсимда.

Уруш йиллари отам меҳнат армиясига чақирилди. Кўп ўтмай бизни ҳам ўз бурчини адо этаётган Тошкўмир шаҳрига олиб кетди. Отам чойхоначи, мен эса чой ташувчи дастёр эдим. Чойхўрлар асосан кончилар эдилар. Бир кило нонни 85 сўмга сотганим эсимда... Ҳанифа опамнинг тупроғи ўша ерда экан, уни эгасига топширдик. Отам бошқа аёлга уйланганда ҳам биз бир-биримизни ташламадик.

Кончилар орасида сузоқлик Мулла Хўжамберди бува, Тўхтасин нонвойлар бўлиб, улар эртақларни кўп билишар эди. Мен уларга ялиниб-ёлвориб узоқ тунлар эртақ айттириб, жон қулоғим билан тинглар эдим...”

Доно ва ижодкор халқимизнинг аллалари, ёр-ёрлари, эртақ ва ривоятлари таъсирида улғайган Жўрабой бобонгизда бадий адабиётга, бадий сўзга катта меҳр-муҳаббат уйғонган эди. Бадий сўзга меҳр уни Андижон Давлат университетининг филология факультетига бошлади. У ерда шоир, драматург ва



фольклоршунос олим Ҳошимжон Раззоқов, тилшунос олимлар Фатҳиддин Исҳоқов, Инобат Зияевалардан таълим олди ва ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб етишди. “Рошпа-роса 40 йил бир мактабда – Жалолобод вилояти Сузоқ туманидаги З. М. Бобур (аввалги С. М. Киров) номли гимназия мактабида муаллимлик қилдим”, – деб эслайди Жўрабой Қурашев.

Шоирнинг биринчи шеъри “Ўқитувчимга” сарлавҳаси билан ўқувчилик йилларида мактаб деворий газетасида босилган бўлиб, унда қуйидаги мисралар бор эди:

Денгизда тўлқинлар ошиб-тошади,  
Соатлар ўтади – илмим ошади.

Ҳозиргача Ўзбекистон ва Қирғизистон нашриётларида шоирнинг “Биз тинчлик болалари” (1985), “Ақлли айиқ” (1991), “Умр йўллари” (1991), “Бола – меҳр гадоси” (1994) ва бошқа яна кўплаб китоблари босилиб чиқди. Бу китоблардан шоирнинг шеър, масалл, балладалари, “Тинчлик мактублари”, “Педагогик сабоқ” достонлари, “Арслонбоб ёнғоғи” ривоят-достони ҳамда қирғиз оқинларидан қилган таржималари ўрин олган. Мазкур асарларнинг аксарияти болалар учун ёзилгандир.

Жўрабой Қурашев “Бола – меҳр гадоси” китобини боқиб олган ва тарбиялаб вояга етказган маънавий отаси Қурбонали Тожибой ўели хотираси ва унга ҳурмат рамзи сифатида “Қурбон Жўра” тахаллуси билан нашр эттирди.

Қуйида шоир Қурбон Жўра – Жўрабой Қурашев шеърларидан намуналар ўқийсиз.

## Уфқ

Узоқда еру осмон  
Бир-бирин қучар маҳкам.  
Юрсам, қочар шу замон;  
Тўхтасам, тўхтар у ҳам.

Қуёш ҳар кеч бошиг  
Суйиб ўрар зар рўмол.  
Сурма суртиб қошига,  
Тун бекаси қўяр хол.

Ҳар тонг қайта туғилар  
Уфқ ўша манзилда.  
Қўзғар ажиб туйғулар,  
Бу манзара ҳар дилда.

Нигоҳга уфқ ҳоким,  
Манзил умрим отиға.  
Узоқни кўзласа ким,  
Етажак муродиға.



## Ирмоқ

Тоғлар кўз ёшидан туғилди ирмоқ,  
Учраган жарлигу тошга урди бош.  
Йўлда оғир бўлди қумларни сурмоқ,  
Жилгалар тарнови синади бардош.

Ниҳоят уланди ирмоқ толаси,  
Дарё арқонига бўлиб “қил қувват”.  
Ирмоқдай толпиниб одам боласи,  
Ҳаётдан йўлини топади албат...

## Етакчи турна

Яна товушингдан уйқум бегона,  
Қалбим денгизида безовта тўлқин.  
Шу овоз ишончдур, нажот ягона,  
Сокин соҳилларга чорловчи бир ун.

Наҳот афзал бўлди оқшом кундуздан?!  
Наҳот тун пардаси ишончли паноҳ?!  
Товушлар четланиб бораркан биздан,  
Учар сафингизда меҳр қушим ҳамроҳ.

Сен ҳам битта жонсан шу қушлараро,  
Сафдошларинг учун, майли, жондан кеч.  
Ортингиздан учди ихлосим танҳо:  
Ғафлатда қолмагай ишонганлар ҳеч.

## Соя

### (Масал)

Ойдин кеча. Борар бир Одам,  
Қараб қўяр соясига гоҳ.  
У ҳам бирга ташлаб тенг қадам,  
Манзил сари бўлди чин ҳамроҳ.

Баъзан ўзиб, баъзан эргашиб,  
Одам билан изма-из юрди.  
Тақлид этди бир оз энгашиб,  
Дам олганда чордона қурди.

Ойнинг равшан нур – ёғдусида,  
Маҳкам тутди Одам этагин.  
Афсуски, тонг қоронғусида  
Ғойиб бўлди соя бетайин.



? Савол ва топшириқлар:

1. Шоир Жўрабой Қурашев ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Шеърларни ифодали ўқинг ва улар ҳақида мулоҳаза юритишга тайёрланинг.
3. “Уфқ” шеърида шоирнинг қандай ҳодисадан туғилган ҳайратлари ифодаланган? Шеърдаги ҳаётини хулосани топинг ва дафтарингизга кўчиринг.
4. “Ирмоқ” шеърида шоирнинг қандай кечинмалари, ҳаётини тажрибалари, хулосаси лирик ифода қилинган? Ирмоқни шеърдаги поэтик образ-тимсол дейиш мумкинми?
5. “Тоғлар кўз ёшидан туғилди ирмоқ, Учраган жарлигу тошга урди бош” мисраларида қандай тасвирий воситалар қўлланилган? “Ирмоқдай толшиниб одам боласи, Ҳаётдан йўлини топади албат...” мисраларида-чи?
6. Учинчи шеърдаги Етакчи турна тимсолини ҳаётдаги қандай кишиларга қиёслаш – менгзаш мумкин деб ўйлайсиз? Орангизда Етакчи турнага ўхшаган ўртоқларингиз борми?
7. Охириги шеър – масалда биз – одамлар учун қандай ибрат, намуна бор деб ўйлайсиз? Соя қандай одамларнинг тимсоли?
8. Шеърларни ёд олинг.

## ЭПИК АСАРЛАР

### Қисса ҳақида

Қисса эпик тур жанрларидан биридир. Қисса – бош қаҳрамон тақдири асосида ҳаёт воқеаларини ўртача ҳажмда ривожий усул билан акс эттирувчи асар.

Қисса повесть ҳам дейилади. Повесть русча сўз бўлиб, «повествовать» – ривожий ҳикоя қилиш деган маънони билдиради.

Қисса ёки повесть ҳажман ҳикоядан каттароқ бўлиб, асосий қаҳрамон ҳаётида юз берган бир қанча воқеаларни тасвирлаш билан ҳикоядан фарқланади. Повестнинг ҳажми катта бўлганлиги сабабли унда бир эмас, бир неча персонажлар актив иштирок этадилар. Демак, қисса ҳикояга нисбатан каттароқ ва мураккаброқ баён шаклига эга бўлган жанрдир.

Ўзбек адабиётида ҳаёт воқеаларини ҳақиқий, реалистик акс эттирувчи қиссалар XX асрда пайдо бўлди. Масалан Ғафур Ғулломнинг «Шум бола», Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиғи», Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» каби асарлари қисса жанри намуналаридир.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Қисса жанрининг асосий хусусиятларини изоҳланг.
2. Қисса жанри билан ҳикоянинг қандай фарқли томонлари бор?
3. Сиз қандай қиссаларни ўқигансиз?

# ОЙБЕК

(1905-1968)



Мусо Тошмуҳаммад ўғли – Ойбек 1905 йили Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилди. Мусо болалик йилларида бобоси, бувиси ва онасидан турли эртақлар ва халқ қўшиқларини мароқ билан эшитган эди. Айниқса, бобосининг эртақларини ёш Мусо севиб тингларди.

Ойбек ўрта мактабни тамомлаб, 1922-1925 йилларда Тошкентдаги педагогика билим юртида, сўнгра университетда таҳсил олди. Унинг биринчи шеърлар тўплами 1926 йили “Туйғулар” номи билан босилиб чиқди.

Ойбек баракали ижод қилди – унинг шеърый ва насрий асарлари XX аср ўзбек адабиётининг улкан меросига айланди.

Ойбекнинг “Болалик”, “Алишернинг ёшлиғи”, “Зафар ва Захро”, “Бобом” каби асарлари болалар адабиёти хазинасига қўшилган муносиб тухфадир.

## Алишернинг ёшлиғи

(қиссадан парчалар)

Одати бўйича азонда<sup>1</sup> уйғонган чол, аввало отларга беда солди, тағларини тозаллади, кейин най ясашга киришди. Фаров намроқ эди. Чол унинг энг яхши жойини мўлжаллаб, ўткир пичоғи билан ярим қаричча кесиб олди. Қунт билан ичини тозаллади, қирқилган томонини қиртишлаб силлиқлади. Қамишни дам-бадам кўзларига яқин тутиб айлантирар, синчиклаб қарар эди.

Кундагидан барвақтроқ уйғонган Алишер ювиниб, кийиниб бўлган ҳамон чолнинг олдига югурди.

– Ассалому алайкум, бобо, найни бошлабсизку! – дея унинг қаршисига чўккалади севинчидан кўзлари чақнаб.

– Ваалайкум ассалом, Шерим, нечун барвақт турибсиз? – деди табассум билан чол. – Ухшайдими найга? Най ишини унутибмен, чамамда.

– Сиз билган ҳунарингизни унутмайсиз, шоширмаймен, оламда ягона қилиб ясанг.

<sup>1</sup> Азон (а) – намозга чақирини; Бу ерда эрта тонг, намоз пайти маъносиди.



Чол найни такрор-такрор силлиқлади, пуфлаб-пуфлаб созлади:

– Уста кўрган шогирд бир мақомда йўрғалар, уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, тойчоғим, бизлар уста кўрмаганмизда, майли, таваккал. Ҳозирча яхши, чиройли бўлади, чамамда...

Чолнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ўлтирган Алишернинг назарида дарров най тайёр бўла қолса! Бироқ чол шошилмас, мисли заргардек ишлар эди.

– Чамамда най тайёр бўлди, – деди тусмол билан Алишер.

– Зерикдингми, чироғим? Бир оз ўйнаб кела қол. Бу иш мушкул бир санъат. Соз, пардоз... Эҳэ, ҳали пардаларни қанча созлашим даркор бўлади, тойчоғим.

– Пешинга етиб битирасизми, бобо? – деб сўради Алишер жиддий тусда.

– Менинча, уч кун деганда тайёр бўлур, Шерим, – деди най пардаларини Эҳтиёт билан теша бошлаган чол. – Най ишини фаришталар келтирганмиш, эзгу, табаррук иш бу. Ҳофизлар<sup>1</sup> ошиқлик билан найни мадҳия<sup>2</sup> қилиб чунон куйлайдиларки, эшитсанг сел бўлурсен. Ошиқона байтлар, ғазаллар, ҳикматли гаплар кўп, Алижон, мана бунинг маъносини чақ!

Чол оҳиста мунгли оҳанг ила куйлагандай ўқиб кетди:

Бишнаваз аз най, чун ҳикоят мекунад,

Аз жудойиҳо шикоят мекунад.

Туркийда: тинглагил найни, не ҳикоятлар қилур, жудоликлардан шикоятлар қилур, дегани чироғим.

Чуқур сукутда тинлаган Алишернинг юрагига ширин бир ҳиссиёт куйилиб келди.

– Ғазал кўнглумга чўғдай ёпишур, бобо, қай шоир айтган бу байтни?

– Бузург<sup>3</sup> шоир мавлоно<sup>4</sup> Жалолиддин Румий айтганлар, чироғим.

– Мавлоно Румий ғазалларини кўп эшитурмен, завққа тўлиб тошган, чўх ҳаётгидур барчаси, – дея бир зум ўйланиб қолди Алишер. – Бобо, Тангрим қаерда ўзи, қани? Кўп ўйлаймен, лекин англашга сира иқтидорим<sup>5</sup> етмайду.

Чол най пардаларини тарашларкан:

– Ўғлон, ёшсен, фурсати келгач, ўз фаҳминг билан билиб олурсен, – дея маъноли жилмайди чол.

<sup>1</sup> Ҳофиз (а) – кўшиқчи маъносига.

<sup>2</sup> Мадҳия (а) – мақтов шеър ёки кўшиқ.

<sup>3</sup> Бузург (ф) – улуг, буюк, катта.

<sup>4</sup> Мавлоно (а) – маърифий унвон, олим.

<sup>5</sup> Иқтидор (а) – қодир бўлиш, даёқат, қобилият.





– Ҳамиша камсаводмен, дейсизу, бироқ ҳеч кимса сиздек кўп ғазал билмайдур, ғазаллардан ўқинг яна, – дея ялинди Алишер.

– Чироғим, бир ўйнаб кел, хархаша қилаверсанг, найни бузиб кўюрмен. Бу ҳунар диққат талабдур.

Бир шокосада ширчой келтириб, кампир чол олдиға бўз дастурхон ёзаркан, Алишерға деди:

– Чопинг, Алишербегим, айвонда қаймоқли ширчой сузиб кўйдим, ичинг.

– Ҳозир келурмен, бобожон, ғазалларни ёдингизга йиғиб тургайсиз, – дея чиқиб кетди Алишер.

Нон бурдаларкан, кампир чолни койирди:

– Болада, ниманинг маъносини биларди, юмалоқ ясси қилиб беринг кўйингда, ўзингиз ҳам хўб эзмасиз, бир қарич ғаровни саҳардан бери қиртишлайсиз. Мана бўлди, деб тутқазиб юбо-равермайсизми?!

– Завқу шавқнинг сири кўп, – деди чол койинган оҳангда, – барча чолғуларнинг улуғи ҳам, аълоси ҳам найдур, бир ҳафтадан ортиқ уринсамда, камлик қилур. Уғилчамга жо-бажо<sup>1</sup> қилиб берсам, деган ниятим бор. Кўп синадим, улғайса билгич, донишманд бўлур. Ҳалитдан тили тангани тешади, кўзларидин кўкрагининг ўтини кўрурмен. Ғазалларни завқ билан тинглайдур, чолғуларға ҳаваси баланд.

– Ҳа, кўчқор бўлур кўзининг пешонаси дўнг бўлур, зора бир ишнинг бошидан чиқса, – сўнг чолни койиди, – қаранга, ўлтирган жойингиз нуқул хасчўп...

– Бас, супуриб кўя қол, озода бўлади.

Кампир лабини бурдида, супурги олиб келгани ҳовлиға чиқиб кетди.

## ? Савол ва топшириқлар:

1. Чол азонда туриб нима иш билан шуғулланди?
2. Алишер бобосининг ишларига қандай муносабатда бўлди?
3. Най ҳақидаги ривоятта Алишер қандай фикр билдирди?
4. Чолнинг ўз ишига бўлган муносабатига сиз қандай қарайсиз?
5. Алишернинг келажаги ҳақида бобонинг айтган сўзларини топиб ўқинг.
6. «Ҳалитдан тили тангани тешади» жумласини изоҳланг.

<sup>1</sup> Жо-бажо (ф) – мукамил, беками-кўст, либсиз.



Алишер қўлига най теккан ҳамон уни аввал онасига, отасига кўрсатди.

– Чол хўб ҳафсала қилибди, – деб қўлида айлангирди найни Фиёсиддин.

– Бобом найнинг пири, – деб мақтанди Алишер, – ўзини ҳам олти кун ишладида.

– Қани, чалинг, эшитайлик, – дея кулди ойиси.

Алишер қизариб кетди:

– Найни устаси чалади, дада, бир устоз топсангиз, ўрганардим.

– Хўб, ўғлим, балки бир найчи топилур, суриштирамиз, эҳтиёт қил, – деб отаси найни Алишерга тутқазди.

Кўчада ўртоқлари Алишерни қуршаб олган эдилар. Етти ёшлардаги дуркунгина<sup>1</sup> бир бола:

– Бизнинг найчи устод қариндошимиз бор, хўб десанг, ҳозир олиб борурмен. Йўқ демас, ўрганурсен, – деди ва муллаёқа бўз кўйлак устидан боғланган қийиқни<sup>2</sup> катталардек қунт билан қайта боғлаб олди.

– Уйи яқинми? – дея сўраркан Алишер, ойим койимасмикан, деб ўйлар эди ичида.

– Узокроқ-ку, аммо ҳечқиси йўқ, бир зумда етамиз.

Икковлашиб пастқам, ўнқир-чўнқир йўллардан боришарди. Вақт қиём,<sup>3</sup> ҳаво дим.

– Гузар<sup>4</sup> оша борсак ҳам бўлур эди, йўл бир оз айланишроқда, бу йўл лекин тик кесиб чиқади, ҳозир етамиз, – дея далда берарди Алишерга ўртоғи.

– Майли, хушманзара йўл экан, дарахтларнинг бошини қара, нақ осмонга етаман дейди, – дея жавоб берди Алишер терларини қўли билан сидириб қўяркан. – Устод уйда бўлсинда, шунинг хавотиридамен.

– Йўғ-э, қачон борсам ҳаминша уйда кўрурдим, кексайиб қолганлар...

Болалар баландликдан тик жарга тушдилар ва лопиллама икки хода ташланган бир ариқ олдида тўхтадилар.

– Яқин қолди, лаҳзада етиб олурмиз, – деди ўртоғи сувга тикилиб турган Алишерга қараб.

– Чуқурмикан? – деб сўради Алишер.

– Чамамда чуқур, тиниклигини қара, – дея ўртоғи ҳовучларини тўлатиб бир-икки ичиб олгач, атрофга соча бошлади. -

<sup>1</sup> Дуркунгина (т) - тулагина, бўлиққина.

<sup>2</sup> Қийиқ (т) - белбоғ.

<sup>3</sup> Вақти қиём (а) - туш пайти.

<sup>4</sup> Гузар (ф) - ўтмоқ, асосий ўтин жойи - йўли, қишлоқ маркази.



Қани, ўтайлик.

Алишер чўчиди-ю, аммо буни ўртоғига билдирмасликка тиришди:

– Майли, таваккал, ўтамыз.

Бола найни Алишернинг қўлидан олди:

– Қўрқма, дадил бўл, секин бос, – деди хола устида икки қадам ташлагач, Алишерга қўл узатаркан.

– Йўқ, йўқ, ўзим ўтамен, – деди Алишер.

– Эҳтиёт бўл, сув тез, – дея липиллаганча ўтиб олди бола.

Алишер қўрққанидан оқариброқ кетган эди-ю, лекин ўзини қўлга олиб холага секин оёқ босди ва қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди.

– Бўшанг болалар сувдан қўрқади, тетик, дадил болалар, ҳайт, дейди-ю сакрайди. Анча юракли экансан, Али.

Қинғир-қийшиқ тор кўча бошидаги эшикка кирдилар.

Ховлининг бир четида пастаккина уй, ўртадаги катта тутнинг қуюқ кўланқасидаги суппада дўла болишга<sup>1</sup> ёнбошлаган қария хомуш ўлтирарди.

– Ассалому алайкум, устоз, саломатмисиз? – дея кўришди болалар, қўллари кўксида, таъзим билан.

– Келинлар, йигитлар, боракаллоҳ! Бу кимнинг ўғлони, яхшигина бола кўринадур? – дея Алишерга тикилди у.

– Устоз, бу йигитча менинг ўртоғим, исми Алишер, эҳтимол танирсиз, Фиёсиддинбек жанобларининг фарзандлари.

– Ээ, балли-балли, Фиёсиддин Кичкинанинг ўғиллари дегин? Вой-бўй, одобли, яхши йигитча экан-ку. Қани ўлтиринлар, – деб супадан жой кўрсатди. – Ия, бу найни нечун кўтариб юрибсизлар? Яхшику жуда!

Алишер икки қўллаб найни узатаркан, ўртоғи уни мақташга киришди.

Устоз хўб синчиклаб найни қўлларида айлантирди, силлиқлигини, қандай созланганлигини, гўзаллигини, енгиллигини – ҳаммасини хаёлдан кечирди.

– Ким ясаган бўлса-да, хўб билгич экан! – деди у ниҳоят.

Бола тағин тушунтира бошлади. Алишерни севинтириш учун чол найни неча кун ясаганини гапириб:

– Мана энди сизнинг хузурингизга келдик, най чалишни Алишербекка ўргатурсиз, рад қилмағайсиз, – деди ўртоғи катталардек жиддийат ила.

Одоб сақлаб сукутда ўлтирган Алишер уялибгина мулојим оҳангда деди:

– Эҳтимол, устознинг ишлари кўпдур, лекин найга ҳавасим тушиб қолди.

<sup>1</sup> Дўла болиш (ф) – юмалоқ болиш, ёстиқ.



– Йўқ, йўқ, бемалол, жоним билан ўргатамен.

Алишер билан дўсти кулиб юбордилар.

– Санъат руҳининг жони ва гавҳари десам лоф бўлмас, лекин камина фақиру фуқаролар жумласидандур-ки, мана шу кулбаи вайрона бизнинг маконимиз, – деб бошини тебратди қария. – Зангинлар<sup>1</sup> бўлса муттасил айшу ишратда. Водариф, фалак!

Алишер қизарибгина, чуқур андиша билан пастак уйга, ҳовлининг тупроғи тўкилиб турган пахса деворларига оҳиста қараб қўйди.

– Устоз, Алишернинг ихлоси баланд, меҳнатингиз зое кетмас деб ўйлаймен, сизнинг яхшилигингизни ҳам асло унутмайдур, – катталардек сўзларни бир-бир чертиб гапирарди ўртоғи.

– Ҳа, гапга чечансанда, болам, – дея қўлига найни олди, устоз. – Мана, бу муқаддима, эшитинглар!

Болалар най сеҳридан маст, ўзларини бутунлай унутган ҳолда чуқур сукутда тинглар эдилар. Чол ҳам бутун борлиғи шу куйга сингиб кетгандек узоқда тинди.

– Устоз, раҳмат! – деди ҳаяжонда бола.

– Нафасингиз бениҳоя экан, – деди ийманибгина Алишер ҳам.

– Балли, ўғлон! Дилдаги оҳанг нафас ила найга ўтур.

– Бармоқларчи?

– Бармоқларми? – кулимсираб жавоб берди Алишерга чол.

– Бармоқлар куйни пардаларга солиб турур.

Найни қандай тутиш, нечук нафас бериш ва пардалар сири ҳақида бир оз тушунтиргач, устод деди:

– Бутун сир машқда, чироғим, бир чалиб кўр, – найни узатди.

Алишер найни олиб, бир оз хаёлда сукут қилгач, лабига тутди, чалишга уринди.

– Тузук-ку, – деди бола устодга қараб.

Алишер терлаб кетган эди, найни қўйди.

– Чакки эмас, ўғлим, ҳали ёшсан, – деди устод ва тағин ўзи найда осон бир куйни чалиб, бармоқларини қандай юргизиш, пардаларга нафасни нечук уришни такрор-такрор уқтирди.

– Бугунча бас, уч кун муддат сенга, ўғлим, яхшилаб машқ қилгач, тағин келурсен.

Икки бола хурсанд эди, одоб ва таъзим ила хайрлашгач, хушхандон чиқиб кетдилар.

Алишер уйда онасига, бибисига, айниқса чолга устод найчи олдига борганини, биринчи дарсни қайта-қайта мукамал сўзлаб, «Мана эшитинг!», дея чала бўлсада, билганича чалишга уринарди.

<sup>1</sup> Зангин (ф) – кўнгли қора, подон, ҳиссиётсиз.



? Савол ва топшириқлар:

1. Алишернинг ота - онаси най ҳақида қандай фикр билдирдилар?
2. Алишер дўсти билан қандай режа тузишди?
3. Болалар устаникига етгунча нималарнинг гувоҳи бўлишди?
4. Уста найчи болаларни қандай кутиб олди?
5. Уста ва болаларнинг ўзаро суҳбатини қайта ҳикоя қилинг.
6. Найчи чолнинг "Санъат руҳининг жони ва гавҳари десам лоф бўлмас, лекин камина фақир у фуқаролар жумласидандур-ки, мана шу кулбаи вайрона бизнинг маконимиз, - деб бошини тебратди қария. - Загинлар бўлса муттасил айшу ишратда. Водариг, фалак!" - деган гапларини қандай тушуниш мумкин?
7. Болалар уста найчининг уйдан қандай кайфиятда қайтишди?

\* \* \*

Алишер янги тахтачани қўлтиғига маҳкам қистирган, шод ва мағрур, уч қадамча илгариллаган ҳолда отасининг олдида борур эди. Онаси ихлос билан чўмилтириб, покиза кийинтирган. Оппоқ салла, муллаёқа кўйлак устидан энгил адрас<sup>1</sup> тўн кийган, оёқларида этик. Фиёсиддин бек ҳам соддагина, камтар кийинган. Устидан узун яктақ, катта салла, оёғида маҳси-кафш, катта дастурхонга тугилган бир талай нон ва қатламани кўтариб борар эди. У ҳам шод, руҳи кўтаринки. Боласининг салоҳиятига<sup>2</sup> шубҳаси йўқ, имони комил.

Улар гузардан ўтиб, ўнгга бурилганларида куюқ дарахтлар орасидан мактаб кўринди. Алишернинг ҳаяжони тобора ошарди.

- Домулла мўътабар<sup>3</sup> одам, - деди Фиёсиддин ўғлининг елкасини қучиб. - Ҳурмат ила салом бериб, қўлини ўп!

- Жоним билан айтганингизни бажо келтирурмен, - деб жавоб берди Алишер.

Фиёсиддинбек ўғлини етаклаб мактаб хонасига кирар экан, ўқиш шовқини шартта тўхтади, болалар дув этиб ўринларидан турдилар ва «Ассалому алайкум!», дея таъзим қилгач, қайта ўринларига чўкдилар. Фиёсиддин Алишернинг қўлидан ушлаган ҳолда домулла олдига бориб, эҳтиром ила салом бериб кўришди.

- Ассалому алайкум, тақсирим! - дея Алишер эгилдида, қизариб домулланинг қўлини ўпди.

- Боракаллоҳ, ўқишга келдингизми? Балли, ўғлон, - дея туриб янги шогирдининг отасига жой кўрсатди домулла.

Серсоқол, гавдали кекса домулла бошида катта салла, улуғвор, савлат тўкиб ўлтирар эди.

<sup>1</sup> Адрас (ф) - шойн.

<sup>2</sup> Салоҳият (а) - улуғворлик, қобилият, лаёқат.

<sup>3</sup> Мўътабар (а) - ҳурматли, табаррук, азиз.



– Тақсир, паноҳингизга келдик, – дея жавоб қилди Алишер ҳаяжондан титраб.

Балли. Тахта келтирдингизми, бўтам? Кўп яхши. Алифбонинг аввал ҳарфи Аллоҳ таолонинг муборак исмидан бошланур. Буни асло унутмагайсиз, – деди-да, домумла Фиёсиддинга қаради. – Алишербек туйғун<sup>1</sup> ва закки<sup>2</sup> кўринадур.

Фиёсиддин қуллуқ қилди:

– Ташаккур. Ихтиёрингизга топширдим, тақсир! – У тугунни домумла олдиға сурди ва киссасидан бир тилло чиқариб таъзим ила домумлага тутди. – Тақсир, эти сизники, суяги бизники. Энди каминаға жавоб берсинлар, – дея қўлларини кўксига қўйди.

– Алишер мулло бўлғай! – дея жиддий ва улуғвор оҳангда домумла дуо қилиб, қўлларини юзига сурди.

Фиёсиддин ҳам унга эргашиб ихлос ила дуо қилдида, хайрлашди.

– Бери кел, чироғим! – дея чақирди домумла болалардан бирини.

Ирғиб ўрнидан туриб домумла олдида ҳозир бўлган болага кулча ва қатламалар тугилган дастурхонни узатди:

– Отин ойингга элтиб бер ва тез қайт, уқдингми?

– Хўб, тақсир! – дея дастурхонни кўтариб югурди бола.

Шогирдлар сабоқларини сустроқ ўқир эдилар. Домумла узун жингил<sup>3</sup> таёқни қўлига олиб, ҳавода бир айлантирди:

– Қани, илдам ўқинлар!

Ўқиш шовқини дарҳол авжга минди. Болаларнинг тиниқ, жарангдор товушлари хонани тўлдирди.

Домумла арча ҳиди бурқираган янги тахтачага савағич<sup>4</sup> қаламла хушхат ила йирик қилиб ёза бошлади.

– Ҳали, айтганим, бу Аллоҳнинг оти, уқдингми?

– Алиф! – деб ўқиди Алишер ихлос билан.

– Бе! – деди домумла қамиш қаламни тортиб.

– Без!... – деди Алишер қондаси билан, чўзиқ оҳангда.

Домумла қирт-қирт қилиб қалам тортиб, ёза бошлади. У ўқтин-ўқтин тўхтаб, узун соқолларини бир силаб қўяр ва тағин ёзишда давом этур эди.

Шогирдлар ўқиш орасида бир-бирларини туртиб, зимдан хилма-хил ўйинлар, шўх ҳунарларини ҳам давом эттирур эдилар. Домумла тахтани узатар экан, Алишер суюниб икки қўлаб олди. Тахта юзи ҳарфларга тўлган эди.

<sup>1</sup> Туйғун (а) – сезгир, ақлди.

<sup>2</sup> Закки (а) – ақлди, зукко, заковатли.

<sup>3</sup> Жингил (т) – юлғун, шиник дарахт новдаси.

<sup>4</sup> Савағич – қамишсимон ўсимлик пояси.



– Алифбе... Ўқи, бўтам, – дея кичкиналар қаторидан жой кўрсатди домулла, – ўтиб ўлтур, эртага сабоқ берурмен.

Алишер қувонч билан домуллага қуллуқ қилиб, кўрсатилган жойга ўлтиргач, тиниқ, баланд овозда «алиф, бе»ни қайта-қайта такрорлашга киришди.

Пешин вақти бўлганда кичкиналар озод қилиниб, катталарга танаффус берилди. Шогирдлар шовқин-сурон ила кўчага отилдилар.

Алифбени такрорлашдан томоқлари қирилган Али бир тўда болалар билан бирга ўз маҳалласига жўнади.

– Ойи, қорним оч, таом беринг! – дея онасининг қўлига тахтани тутқазди дарвозадан югуриб кирган Алишер ва дарҳол қўлларини ювишга киришди.

– Сахардан то шомга қалар кўча-кўчада кезар эдинг, мана энди яхши бўлди, Алигинам, пешиндан сўнгги ўйин ҳам етади.

Оппоқ сочиқ ила юз-қўлларини нари-бери артар экан Алишер:

– Майли, мактаб улуғ даргоҳ, онажон, кўп ҳикматларга ошна бўлурмен, – деди катталардек.

Онаси Алишернинг олдига овқат кўйиб, мамнун ҳолда қаршисига ўлтирди ва биринчи сабоқ ҳақида, домулла ҳақида суриштира бошлади.

\* \* \*

Куз фасли. Қуёш олачалпоқ булутлар орасида муҳташам<sup>1</sup> кезади. Сувлар, гўё оғир уйқуга чўмгандек, ҳолсиз сузилиб оқади. Нақ алангадек олтишланган дарахтлар қимир этмайди. Қопқанор, ўтин-чўп ортилган арава, от, эшак, хачирларда боғдорлар шаҳар томон секин борадилар. Куз қишининг хабарчиси, деб барча кишилар қиш ташвишини ўйлайдилар.

Кичкина Алишернинг ҳам ўзига яраша ташвиши бор. Ҳар кун эрталаб онаси бир шокоса қаймоққа юмшоқ нон бурда-лаб, олдига қўяр, Алишер нари-бери ошалаб, тахтани жилдига суқади-да, мактабга югуради. Домулла ҳали бўйра пули, ҳали кўмир пули сўрар.

Шогирдлар домуллани ҳурмат қилар, ҳам кўрқар, ҳайиқар эдилар. Барваста қоматли, ҳаминша салласи катта, ўсиқ қошлари остида маънодор кўзлар... Бутун қиёфатида улуғворлик акс этади. Ўзбек тилидан ташқари у форс ва араб тилини мукаммал билар, шогирдларига бу тиллардан сабоқ берар эди. Саводи чиққан шогирдлар форс шоирларининг шеърларини равон, оҳангдор ўқирдилар-ки, Алишер уларни ҳавас билан тинглар эди.

<sup>1</sup>Муҳташам (а) – чиройли, салобатли, кўркем.



Алишер тахтани сувдек билар, ҳар куни уйда сабоғини бир неча дафҳа такрорлар, отаси ҳам ўқитиб тинглар, текширар эди. Аммо домулласи тушкур уни тахтадан юқорига тезроқ ўт-каза қолмасди. Ниҳоят бир кун у Алишерни ёнига чақирди:

- Боракаллоҳ, бўтам, зеҳнинг баланд, эрта ҳафтияк<sup>1</sup> келтир!
- Домулланинг серажин юзига табассум ёйилди. – Расми, муллабаччалар ҳафтиякка қўшиб қуймоқ келтирурлар, уқдингми?
- Албатта келтиргумдур, – дея жавоб берди Алишер мамнун ҳолда.

Пешин чоғи озод бўлган болалар ҳар вақтдагидек шовқин тўлқинида кўчага отилишар эканлар бир тўда шогирдлар Алишерни чақирдилар:

- Юр, биз билан Чорсуга,<sup>2</sup> бугун маҳбусларга жазо берилур.

Алишер бир зумгина иккиланди-да, сўнг ўртоқларига қўшилиб Чорсу томон шошилди.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Алишер ва унинг отаси Ғиёсиддин қаерга отланишди?
2. Алишернинг илк бор мактабга кириб келишини сўзлаб беринг.
3. Алишернинг отаси домуллага қандай муносабатда бўлди?
4. Дарсхонадаги ҳолатни тасвирланг. Домулланинг ташқи кўриниши, қиёфаси тасвирланган гапларни кўчириб олинг ва изоҳланг.
5. Нима учун домулла Алишердан хурсанд бўлди?
6. «Алишер мактабга борди» номли уй иншосини ёзинг.

<sup>1</sup> Ҳафтияк (ф) – (ҳафт - етти, як - бир), яъни еттидан бир; Қуръоннинг еттидан бир қисми, ўқиш китоби.

<sup>2</sup> Чорсу (ф) – тўрт кўча туташган жой, бозор, шаҳар маркази.





# ЎТКИР ҲОШИМОВ

(1941 йил туғилган)



Ўткир Ҳошимов 1941 йилнинг 5 августида Тошкентда ишчи оиласида туғилди. Оилавий муҳит Ўткирнинг илму фанга, жумладан, адабиётга бўлган ҳавасини жуда эрта уйғотди. У 5-синфлигидаёқ кичик шеърлар ёза бошлади.

Ўткир ўрта мактабни тамомлаб, 1959-1964 йиллар мобайнида Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиди.

Унинг биринчи китоби талабалик давридаёқ «Пўлат чавандоз» номи билан эълон қилинди. Адиб кўплаб қизиқарли ҳикоялар, қиссалар ва романлар муаллифидир.

Ўткир Ҳошимов моҳир ёзувчи ва журналист, таржимон, жамоат арбоби сифатида эл орасида машҳурдир.

Айниқса, унинг «Дунёнинг ишлари», «Урушнинг сўнгги қурбони», «Икки эшик ораси» асарлари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинган.

## ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

(қиссадан боблар)

### Гидам пайпоқ

Ҳар йили дам олишга борганимда, онамга гидам пайпоқ олиб келаман. Кавказ томонда кўп бўлади. Жуба дейишади, жураби дейишади. Ойим худди ноёб нарсага эга бўлгандек, узундан-узоқ дуо қилади. Шундоқ меҳрибон ўғли борлигини айтиб қўшниларга мақтанади. Унинг оёғи касал. Салқин тушиши билан шишиб кетади, оғрийд.

Қўни-қўшнилар аҳвол сўраса, уларниям, ўзиниям юпатади. – Ҳа, энди кексачиликда, ўргилай.

Лекин онамнинг оёқ оғриғи фақат кексаликдан эмас. Буни бошқалар билмаса ҳам, мен биламан. Яхши биламан. Болалигимда кўп касал бўлардим: қизамиқ, кўкйўтал, безгак... Шунинг учун ошхонадаги миҳда кўк қарғанинг патидан тортиб, гултожихўрозгача илиелиқ турарди... Айниқса, томоқ оғриғи ёмон қийнайди. Оёғим захга тегиши билан томоғим оғришга



тушади. Оёқ билан томоқнинг нима алоқаси борлигини ҳалиям тушунолмаيمان.

Ушанда неча ёшдалигим эсимда йўқ. Бироқ жуда кичкина эдим. Бир куни акаларим билан қорбўрон ўйнаб терлаб кетдим. Терлаб туриб муз едим. Кечқурун иситмам кўтарилди. Қув-қув йўталаман. Ойим томоғимни аччиқ тош билан чайиб кўрди, бўлмади, туршак қайнатиб сувини ичирди, бўлмади... Охири томоғим хипша бўғилиб қолди. Оғриқни сезмайману нафас олишга қийналаман. Ҳушимдан кета бошлаганимни эс-эс биламан. Қулоғим остида онамнинг чирқиллаб йиғлагани, ҳадеб бир гапни қайтараётгани эшитилади.

– Вой, энди нима қиламан! Вой, болам ўлиб қолади!

Кейин мени шоша-пиша кўрпачага ўради. Бир маҳал онамнинг қўлида кетаётганим эсимда бор. Гупиллатиб қор ёғаётганини билиб турардим, бироқ юзимга қор тушмаётгандек эди. Онамнинг иссиқ нафаси урилиб турар, у сирғаниб-сирғаниб борар, оғир ҳансирар эди.

Хира чироқ милтираб турган аллақандай уйга кирдик. Кўз ўнгим яна қоронғилашиб кетди. Ойим ҳамон чирқиллайди.

– Ўлиб қолади! Болагинам, ўлиб қолади!

– Ваҳима қилманг, пошша, дардини берган худо, давосиниям беради. Бу Ҳожи бувининг овози эканини ғира-шира идрок этдим. Ҳожи буви бошимни тиззасига қўйиб чалқанча қилиб ётқизди. Дока ўралган бармоғини оғзимга тиқди. Кўнглим ағдарилиб, типирчилаганча йиғлар, аммо Ҳожи бувининг қўлидан чиқиб кета олмасдим. У томоғимга нимадир қилди. Дод солиб қўлини тишлаб олдим. Қизик, бирпасдан кейин аҳволим энгиллашди. Кўзимни очсам, Ҳожи буви жилмайиб турибди.

– Нега тишлайсан, кучуквой? – деди бошимни силаб.

Кейин тепамга ойим энгашди. У ҳамон ҳансирар, сочлари тўзғиб кетган, юзи жиққа ҳўл эди.

Бир пасдан кейин қаддимни ростлаб, танчага<sup>1</sup> оёғимни тиқиб ўтирдим. Ҳожи буви аллақандай тахир суюқлик ичирди. Кейин ойимга қаради-ю, бирдан хитоб қилди.

– Вой, пошшааа! Нима қип қўйдингиз, тамом бўпсизку!

Ойим талмовсираб, гоҳ менга, гоҳ Ҳожи бувига қарар эди.

– Оёғингиздан айрилибсизку! – деди Ҳожи буви бошини чайқаб. – Шу аҳволда қандоқ келдингиз?

Кавшандозда<sup>2</sup> турган ойимнинг калишини энди кўрдим. Калишининг ичи қорга тўлиқ эди.

– Сарпойчанг<sup>3</sup> келавердингизми? – деди Ҳожи буви ҳамон

<sup>1</sup> Танча (т) – сандал.

<sup>2</sup> Кавшандоз (ф) – оёқ кийим ечиб қўйиладиган жой.

<sup>3</sup> Сарпойчанг (ф) – Бу ерда «ялангоёқ» маъносига.



ўша ваҳимали оҳангда. – Энди нима қиласиз? қарғанинг миясини чақиб сурмасангиз, чўлоқ бўлиб қоласиз.

Ойим танчадан оёғини чиқарди. Иккала оёғи қип-қизил гўшт бўлиб кетган эди.

– Совуқ егани йўқ, – деди секин. – Қайтага исиб кетди. Қорда ўзи исиб кетаркан.

Ҳожи буви унинг оёғини уқалаб кўрди.

– Сезаяпсизми?

– Нимани? – деди ойим оёғига эмас, менга қараб.

– Қўлимни сезмаяпсизми?

Ойим индамай бош чайқадида, пиқиллаб йиғлаб юборди.

...Эртасига у ётиб қолди. Узоқ ётди. Дадам атайтабдан қарға отиб келди. Ҳожи буви қўлидан келганча дори-дармон қилди... Кейин ойим тузалди. Бироқ салқин тушиши билан оёқлари шишиб, азоб берадиган бўлиб қолди...

Ҳар йили дам олишга борганимда, онамга гилам пайшоқ олиб келардим. У худди ноёб нарсага эга бўлгандек, кетимдан узоқ дуо қилар, бирпасда ҳамма кўшниларга кўз-кўз қилиб чиқарди, шундоқ «меҳрибон» ўғли борлиги учун мақтанарди. Шунда қор гупиллаб ёғиб турган мудҳиш кеча, онамнинг қип-қизил гўштга айланиб кетган оёқлари кўз ўнгимга келади-ю, индамай чиқиб кетаман.

### ? Савол ва тошшириқлар:

1. Нима учун ўғил онасига ҳар йили гилам пайшоқ олиб келади?

2. Бола нима сабабдан касал бўлиб қолди?

3. Она ўғлини қай аҳволда Ҳожи бувиникига олиб келди?

4. “Ҳожи буви бошимни тиззасига қўйиб чалқанча қишиб ётқизди. Дока ўралган бармоғини оғзимга тикди. Кўнглим ағдарилиб, типирчилаганча йиғлар, аммо Ҳожи бувининг қўлидан чиқиб кета олмасдим. У томоғимга нимадир қилди. Дод солиб қўлини тишлаб олдим. Қизиқ, бирпасдан кейин аҳволим снгиллашди”. Матнни изоҳланг!

5. Онанинг оёқ оғриғи бўлиб қолиш сабабларини тушунтириг!

## Олтин балдоқ

Одамда ҳарчанд урингани билан ўзгартиролмайдиган ғалати феъл - атворлар бўлади. Менинг ҳам қизиқ одатим бор: бировни ранжитиб қўйсам (адолатли хафа қилган бўлсам ҳам) ўша одамдан кўпроқ ўзимнинг дилим вайрон бўлиб юради. Бу одат онамдан юққан шекилли.

Ойим бизларга ҳеч қаттиқ гапирмас, мабодо хафа қилиб қўйса, бирпасдан кейин ўзлари ялшнар эди. Фақат бир марта мени қарғаган, ёмон қарғаган. Ўшанда айб кимда бўлганини ҳамон биллолмайман.



Баҳор кириб, офтобнинг илиқ нурлари елкани қизитадиган бўлиб қолган кунлар эди. Бодом тагида ўтириб, варрак ясашга тушдим. Ўрикнинг елими қоғозга ёпишса, қамишга ёпишмайди, қамишга ёпишса қоғозга... Бурнимни тортиб-тортиб уриниб ётибман. Ойим нарироқда, тагига пўстак ташлаб, кир юва-ябди. Дадам «камбағалбоп кийим» деб ака-укаларга чийдухоба<sup>1</sup> шим олиб берган. Чийдухоба асли яхши нарса-ю, чиллак ўйнагандами, копток тепгандами, бир думаласанг, ора-орасига лой кириб кетиши ёмон. Уч кунда бир ювавериб, онамнинг эси кетади. (Худди шу чийбахмал замонлар ўтиши билан бутун Европага мода бўлишини дадам хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Унинг учун чийдухоба «камбағалбоп кийим» эди, холос). Хуллас, ойим унисини олиб, бунисини қўйиб, шимларни ювар, ҳар силтаб ишқалаганда жомашовдан<sup>2</sup> кўпик сачрар, атрофни совун ҳиди тутиб кетар эди. Унинг рўпарасида Сепкилли хола тўнкарилган пақир устида ўтирарди. Сепкилли холани ёмон кўраман. Ўзинимас, қизини. «Саини сенга бераман. Олсанг ҳам оласан, олмасанг ҳам, – дейди. – Олмасанг, тугунтерсаги билан уйингга обчиқиб ташлайман, кичкиналигида қулоғини тишлагансан», дейди. Саини қулоғини тишлагандан кўра кучугимнинг қулоғини тишлайман! Саида ёмон: Ўғил боладан баттар. Ланка тепаётганда бир уриб, Тойнинг бурнини қонатган.

Сепкилли хола тўнкарилган пақир устида ўтириб, нуқул ҳасрат қилар эди.

– Кечаси билан тишим ўлгир шундоқ оғриди, шундоқ оғриди, жонимни қўйишга жой тополмадим. – У сепкил босган лунжини силаб қўйди.

– Исириқ дамлаб чаймадингизми? – деб маслаҳат берди ойим ҳамон энгашиб кирни фикимлар экан.

– Э, ҳаммасини қилдим! – Сепкилли хола яна инқиллади. – Аччиқ тошғаям фарғара қилдим. Қани босилса!

Икковлари бир зум жимиб қолишди.

– Уфф! Исиб кетдим! – Ойим кўпикли қўлини сидириб, ёқаси бўғиқ тўр қўйлагини ечди-да, чеккага ташлади.

– Ўлмаган қул, баҳорғаям чиқдик. – Сепкилли хола хўрсинди. – Шу йил кузда Ҳакимнинг бошини иккита қилиб қўйсак, дегандик... Тўй қилиш осонми? Ҳали униси етмайди, ҳали буниси... Отасининг аҳволи бу бўлса...

Сепкилли хола эридан кўп шикоят қиларди. Чиндан ҳам Исроил мўйлов кўп ичади. Ишининг тайини йўқ. Бунинг устига ичиб олдим, тамом, уй ичидагиларни тириқтириб қувлайди.

<sup>1</sup> Чийдухоба (ф-т) - йўл-йўл ўртма чизикли бахмал мато, велвет.

<sup>2</sup> Жомашов (ф) - кир ювиладиган тоғора.



Сепкилли хола Саидани диконглатиб, бизникига олиб чиқади. Ярим кечада, эри ухлаганидан кейин секин уйига чиқиб кетади.

– Ҳакимжон ҳали ёш - ку, – дейди ойим ўйчанлик билан. – Бу йил бўлмаса, янаги йилга бўлар тўйи...

– Шундоқ дейсиз-у, қуда томон шоширябди. – Сепкилли хола яна инқиллади. – Шу ўлгурни олдириб ташлаб қутиламан, шекилли. Кеча дадасига тиш қўйдирсаммикан десам, отангни хумга кўмиб қўйган тиллаларини олиб қўйдиравер, дейди... Ҳайронман, бисотимдаги битта билагузугимни бераман, шекилли. Оғзимни ўрадек очиб юрсам уят бўлар.

...Варрагимни елимлаб бўлиб, энди қамишни тортиб боғлаган эдим, қарс этиб синди. Қамиш синса майли-я, қоғозиниям йиртиб юборди. Ўзим катта акамга ялиниб-ялиниб аранг олган эдим. Тамом! Ҳаммаси тамом бўлди. Аламимдан йиғлаб юборай дедим. Варракни бир тепган эдим, ерга ёпишиб қолди.

– Ҳа? – деди ойим ачиниб.

– Синди.

– Акангга айт, бошқасини ясаб бера қолсин.

Ясайди-я, ясайди! Мендан бошқа иши йўқми? Мактабдан бери келмайди -ку! Алам билан варракни яна бир тепдим-да, кўчага чиқиб кетдим. Шу кетганча, кун ботганда қайтиб келдим. Ҳовлидаги арқонда қатор қилиб илинган шимлар, кўйлаklar... Бир чеккада бизнинг «қушим боши» ўйнаганда лойга қоришавериб, унниқиб кетган дўппи ҳам қийшайиб турибди. Ойим ним<sup>1</sup> қоронғида бодом тағида тимирскиланиб юрибди.

– Ўлсин, эчкиям соғилмади, – деди мени кўриб. – Юр, ушлаб тур.

Эчкимиз ювош бўлгани билан баъзан «жини» тутиб қолар, соғиб бўлгунча типирчилар, безор қиларди одамни. Шунда кичик акамми, менми биронтамиз чўнқайиб, унинг орқа оёқларидан маҳкам ушлаб туришга мажбур бўлардик. Ҳечам ёқмайдиған машғулот бугун менинг зиммамга тушишини билиб, қочиб қолишни мўлжаллаб турган эдим, ойимнинг жаҳди чиқиб кетди.

– Сен қачон одам бўласан, зумраша! Ёшинг тўққизга чиқибди-ю, кўчада шаталоқ отишдан бери келмайсан! Ҳеч фойданг тегмасин, хўпми!

– Тўққиздамас, саккизда, – дедим чийиллаб.

– Ўчир овозингни! – Ойим бир дағдаға қилган эди, истар-истамас бориб эчкининг оёғидан ушладим. Эчки бари бир эчкида! Питир-питир қилгани ҳам майли-ю, ойим соғаётганида, ийиб кетса қиладиган хунук «қилиғи» бор. Кейин ярим соат қўйлакнинг олдини тозалашга тўғри келади...

<sup>1</sup> Ним (ф) - ярим.



Ойим наридан бери ишини тугатди-да, буюрди.

– Ечиб юбор, анави савилларни!

Улоқчаларни арқондан бўшатишим билан иккаласи дикон-глаб онасининг елинига ёпишди. Ойим бўлса сутни товоқларга солди-ю, яна бодом тагида тимирскиланиб, бир нима қидира бошлади.

– Нимани қидиряпсиз? – дедим яқин бориб.

Боя уришгани учун ўзи ачиниб турган экан шекилли, елкам-га қоқди.

– Ҳеч нима, бор, овқатингни е, қорнинг очиб қолгандир.

– Кейин бирдан қаддини ростлади-ю, хитоб қилди. – Вой, қаёқдан кун чиқди. Ассалому алайкум!

Ўгирилиб қарадим-у, уч-тўрт қадам нарида турган аммамга кўзим тушди. Ойим меҳмонни кўрмай қолганидан хижолат чекиб, кучоқ очиб кўришди. Аммам жуда чиройли, юзида холи бор, қош-кўзи чақмоқдек хотин. Аммо жуда шадлод. Ҳар гапини худди миҳ қоққандек тарсиллатиб гапирди. Ойим ундан кўрқади. Келганда ҳурматини жойига қўймасин-чи, ўзини қарда кўраркин.

– Ҳа? – деди аммам йўғон товушда. – Тўрвасини йўқотган гадойдек талмовсираб қописиз, келинпошша!

– Йўқ, опа, ўзим... – Ойим чайналиб қолди. – Зирагим ўлгурни бир пойи тушиб қобди. Ҳалигина қулоғимда турувди.

Қарасам, ойимнинг ўнг қулоғидаги зираги йўқ. Ойим каттакон олтин ойбалдоғини жуда авайлар, қайнонамдан қолган ёдгорлик, деб мақтаниб юарди.

– Майли, топилиб қолар, – деди у секингина. – Шу ерга тушган бўлса керак, қаёққа кетарди.

– Ҳмм! – Аммам шундай тақдидли бош чайқадикки, қоронғи бўлса ҳам қоши чимирилиб кетганини аниқ кўрдим. – Кетса бойдан кетибди, денг! Белингиз қийшайиб топмаганингиздан кейин жонингиз ачимайди – да, келинпошша!

Аммам кўлидаги тугунни менга тутқазиб, ўзи ҳам маҳсили калишининг учи билан ерни титкилай бошлади.

– Қўйинг, опажон. – Ойим унинг елкасига оҳиста кафтини қўйди. – Юринг уйга, ҳали замон укангиз келиб қоладилар.

– Ўзи шунақа бўлади, – деди аммам ердан бош кўтармай. – От топади, эшак ейди! – Кейин бирдан қаддини ростлади-да, ойимнинг кўзига тикилиб сўради. – Ким кирган эди олдингизга?

– Ҳеч ким, – ойим бир зум талмовсираб турди-да, секин кўшиб қўйди. – Ҳали Шарапат опа келувди. Шу...

– Шарапатми? – Аммам «тушунарли» дегандек истеъзо билан лабини бурди. – Бўпти, омин облоҳу ақбар!



Ҳали ойимнинг олдида пақир тўнқариб ўтирган Сепкилли хола кўз ўнгимга келди.

– Қўйинг, – деди ойим ялингудек бўлиб, – Бечорани унақа деманг. Бир пой зиракни нима қилади?

– Пишириб ейди! – аммам жаҳл билан қўл силтади. – Қўли эгрилигини-ку биласиз, ўласизми эҳтиёт бўлсангиз!

– Йўғ-э, – деди ойим яна мингиллаб, – Бир пой зиракни нима қилади?

– Яна гапиради-я! – аммам овозини таъдидли баландлатди. – Мана шу бир пой зирак қанча туришини биласизми? – деди ойимнинг чап қулоғидаги ойбалдоқни бармоғи билан нуқиб, – Ўзи-ку, тўйга борса қўлига илинган нарсани тугушига тикади.

Ойим нима қиларини билмай, жавдираб қолди. Дадам иккаласи Сепкилли холанинг ғалати қилиқларини гаплашганини эшитганман. Тўйларда лаган-ми, пиёла-ми йўқолса, Сепкилли холанинг уйдан топишарди, хола «эсидан чиқиб» уйга олиб кетган бўларди. Ҳозир шуни эсладиму гоҳ ойимга, гоҳ аммамга қараб қолдим. Сепкилли холани жуда ёмон кўриб кетдим.

– Укангиз эшитмай қўя қолсинлар, – Ойим яна ялинди. – Топилиб қолар.

– Гўрда топилади! – Аммам қандайдир ғолибона қиёфада уй томон юрди. Кетидан куйманганча ойим ҳам эргашди.

Эртасига эрталаб турсам, ойим яна бодом тагини синчиклаб кўздан кечирябди. Кечаси билан ухламаган шекилли, кўзлари қовжираган...

Мен ҳам ёрдамлашдим. Бироқ ойбалдоқ эртасига ҳам, индинига ҳам топилмади. Ойим дадам билмаслиги учун зиракнинг иккинчи пойини ҳам ими-жимида аллақасерга яшириб қўя қолди.

...Эҳтимол, Сепкилли хола тилла тиш қўйдирмаганида, бунинг устига худди ўша куни аммам тагин келиб қолмаганида, зирак ҳам, бу гаплар ҳам унутилиб кетган бўларди.

Айни ёз чилласида аммам тагин келди. Ёз чилласи экани шунинг учун ёдимда қолган-ки, ўша куни аммам икки бош чиллаки узум олиб келди. Шаҳарда турса ҳам уларникида ток бор эди. Акаларим билан бир гужум-бир гужумдан талашиб узум едик. Қишлоқ жойини биласиз, бировникига меҳмон келса, албатта қўшнилар чиқади. Ўша оқшом биринчи бўлиб Сепкилли хола чиқди. Аммам билан айланиб - ўргилиб кўришди. Кейин ойимга юзланди.

– Ярашибдими? – у устки лабни бармоғи билан сал кўтарган эди, иккита олгин тиш ярақлаб кетди. Тишлар унинг сарғиш юзига ярашган, ҳатто сепкилли ҳам билинмай кетгандек эди.



– Ярашибди, – деди ойим секингина. – Билагузутингизни бердингизми?

Сепкилли хола негадир қизарди.

– Вой, йўқ, – деди кўйлагининг енгини шимариб. – Мана! Дадаси айтдилар. Бермагин, келинингга кўрмана қиласан, дедилар. – У тилла тишини кўрсатиш мақсадида бўлса керак, лабини буриброқ жилмайди.

– Анча инсоф кириб қолди дадасига. Ҳақимжоннинг тўйини тезлатиб юбордик овсинжон! Худо хоҳласа, кузда қарсбадабанг базм қиламиз.

– Асил тилла экан! – деди аммам ачитиб. – Буюрсин ишқилиб.

Сепкилли хола хурсанд, ойим нимадандир безовта, аммам бўлса чимирилиб ўтирарди.

– Эрталаб чойни бизникида ичақолинг, – деб таклиф қилди Сепкилли хола.

– Йўғ-а, мен саҳарлаб кетишим керак! – аммам юзини ўгирди.

Бироқ у эрталаб кетмаган экан. Аммамнинг қаттиқ гапиришидан уйғониб кетдим.

– Бировнинг молидан ҳазар қилмаган, ноинсоф! Ҳеч бўлмаса кўшнилигинингни ўйламайсанми! Тиш ясатиш у ёқда турсин, минг кўйга солсаям онагинамдан қолган молни танийман.

– Э, бунақаларда инсоф нима қилади! – бу онамнинг овози эмасди. Кўрпанинг бир четидан мўраласам, маҳалланинг отин холаси – Семиз хотин.

– Қайси куни Иной чўлоқнинг йил ошисида иккита чойнак йўқолди, – деди у ҳасрат қилиб. Шундан бошқа ит ҳам олмайди, деб ўчоқ бошисига кирсам, адашиб кириб қолгандир-да, дейди. Ҳа, ер ютгур чойнакнинг оёғи бор эканми, сеникига ўзидан-ўзи адашиб кирадиган!

– Тағин эрини мақтаганига ўлайми? Инсоф кириб қолган эмиш, – Аммам жаҳл билан қўлини мушт қилиб, хонтахтага ботирган эди, бармоқлари шиқирлаб кетди. – Ўлганда инсоф киради ўша банги мўйловга!

Ойим чой кўтариб кирди.

– Қўйинглар, энди, – деди илтижоли оҳангда. – Олган бўлса олгандир. Бировнинг қўлидан тутмагандан кейин нима дейсиз? Майли, мингдан-минг розиман.

– Сиз унақа бойваччалик қилманг, келинпошша! – деди аммам шаҳд билан. – Болангизни кийинтиринг. Ўзингиз ҳам отланиб дарров олдимга тушинг!

Ойим чойнакни хонтахтага қўяркан, гоҳ аммамга, гоҳ отин холага ҳайрон бўлиб қаради.





– Қаёққа?

– Очиқ мазорга! – аммам ҳаммасига ойим айбдордек пичинг қилди. – Маҳалламизда фолбин бор. Суф деса, ариқдаги сув тескари оқади. Ушанга бораман. Мана, отин ҳам гувоҳ бўладилар, қурғон-қалит<sup>1</sup> қилдирамиз. Қани, бўйнига олмай кўрсинчи.

Ойим бошини қуйи солганча туриб қолди. Чамаси иккилар эди.

– Энди, – деди чайналиб, – кўздек қўшни бўлсак.

– Ҳа-а! – аммам ўрнидан туриб кетди. – Бели оғримаганининг нон ейишини томоша қилинглар. Онагинамдан қолган битта-ю битта ёдгорлик йўқ бўлиб кетавераркан-ку, қўшнингизга жонингиз ачиб қолдими? Менинг совунимга кир ювмабсиз ҳали. Ҳақ жойда қарор топмагунча, қўймайман. – У менга ўтирилди-да, овозини мулојимлатди. – Мана, бола билан очади. Нораства<sup>2</sup> бола ростини айтади. Борасанми?

Ўрнимдан ирғишлаб туриб кетдим.

– Бораман! Бораман! – дедим бақириб.

Бўлмасам-чи, аммамникига борсак, трамвайга тушамиз! Маза қилиб узум ейман!

Чой ичиб бўлгандан кейин аммам, ойим, отин ҳола, мен – тўртовлашиб йўлга чиқдик. Бешёғочга етиб борсак бўлди. У ёғичга трамвайга ўтирамыз-у жиринг - жиринг қилиб кетаверамиз. Маза!

Мазаликка мазаку-я, бироқ Бешёғочга етиб олгунча анча гап бор-да! Дўмбирободга чиқишимиз биланоқ ботинкам оёғимни сиқа бошлади. Ечиб, қўлимга кўтариб олдим. Ёзнинг тонг палласида ялангоёқ тупроқ кечиб юришнинг гашти бошқача бўлади. Ундек майин, салқин тупроқ бармоқларингиз орасидан билқ-билқ отилиб чиқади. Кетаверасиз, кетаверасиз, ҳечам чарчамайсиз.

Лайлактепадан ўтиб Қозирободга борганда қайнама булоқдан муздай тиниқ сув ичдик. Кейин Чилонзор келди. Шундоққина бўйида оқиш япроғини чанг босган тиканлари «тиш қайраб» турган чакалакзор чилон жийдалар (шунинг учун бу ерни Чилонзор дейилади). Йўлнинг икки метида нок кўп-нашвати нок, тош нок, гулоби нок. Нок ҳали пишмаган. Фақат тагидан ўтаётганингизда тупроққа тўкилган барги товонингизга ёпишиб, гашни келтиради.

«Сиймонкўприк»дан ўтишнинг ўзи бир томоша. Терак бўйи чуқурликда сув қорайиб оқади. Мўраласангиз бошингиз айланади. Ойим кўприк четига боришга қўймади: сув чақирармиш,

<sup>1</sup> Қурғон-қалит – фол очиб усули.

<sup>2</sup> Нораства (ф) – ёш, катга бўлмаган, вояга етмаган.



одам ўзидан-ўзи тушиб кетармиш... Кўприк ўртасидан от аравалар, эшак аравалар қаторлашиб ўтади. Бир томондагиси ўтгунча иккинчи томондагиси пойлаб туради. Аравакашлар сўкинган, эшаклар ҳангираган, оғзидан тупиги осилган, устига қоп-қоп сомон тоғдек уюлган туялар ҳам ўтиб қолади. Шу кўприкдан ўтилса, трамвайнинг ғийқиллагани эшитилиб туради – у ёғи Бешёғоч.

...Аммам айтган фолбинни худди Ача холамга ўхшаган лўли бўлса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, бошқача экан. Трамвайдан тушгандан кейин икки томондаги деворлардан пишган ўриклар мўралаб турган жин кўчалардан ўтдик. Кейин гулсафсарлар ўсиб ётган аллақандай заҳқаш, каталакдак ҳовлига кириб қолдик. Ертўла соясида ётган кучукни кўриб, тўхтаб қолдим. Худди ўзимнинг гуржи<sup>1</sup> кучугимга ўхшаган кичкина, фақат қора эмас, оппоқ экан. Негадир акилламади ҳам.

Тўртовлашиб айвонга чиқдик. Оппоқ рўмол ўраган, кенгли кўйлак кийган юмшоққина кампир кулимсираб қарши олди. Шу хотиннинг фолбин эканига ҳеч ишонгим келмасди.

– Айноний, – деди у юзимдан ўпиб. – Мунча ширин бу бола!

Айвон вассажуфтига<sup>2</sup> тўрқовоқ илинган, тўрқовоқдаги бедана сайрамас, аммо ҳадеб сакрар, ҳар сакраганда шолча устига аллақандай дон тўкиларди. Беданани томоша қилиб ўтирарканман, аммам бўлган воқеани тушунтириб берди.

– Юринглар, – деди кампир ўрнидан туриб. Кейин менинг елкамга қоқди. – Сен ҳам юр, ширин бола.

Ҳаммамиз биргалашиб девори хомсувоқ қилинган, пастак тоқчаларига баркашлар,<sup>3</sup> аллақандай арабча китоблар тахлаб қўйилган, ним қоронғи уйга кирдик. Кампир индамай чиқиб кетди. Аммам, ойим, отин хола, мен – ҳаммамиз шапарак<sup>4</sup> кўрпачага тизилишиб ўтирдик. Бир маҳал кампир бир қўлида каттақон чинни коса, бир қўлида чойшабга ўхшаган оқ мато кўтариб кирди.

– Сен-да бундай ўтир, ширин бола, – деди менга имо қилиб, хонанинг ўртасига мени ўтқазиб қўйди. – Оёғингни узатиб ўтир. Йўқ, оёғингни очиброқ ўтир.

Кампир айтгандек қилиб ўтирган эдим, у оёғимнинг орасига косани қўйди. Қарасам, коса тўла сув.

– Сувга қараб ўтир, – деди у мулоғимлик билан. – Мен дуо ўқийман, сен кўзингга ким кўринса ўшани айтасан. – Шундай леди-ю, устимга чойшабни ёпди. Бир зумда ҳаммаёқни зулмат

<sup>1</sup> Гуржи – грузин.

<sup>2</sup> Вассажуфт (ф) – томин ёниш учун ёриб ишлатилган ёғоч тахталари.

<sup>3</sup> Баркаш (ф) – патнис.

<sup>4</sup> Шапарак (т) – юпка, ёпишиб кетган, пахтадан кам.



қоплади. Кампир мен тушунмайдиган алланималарни гапира бошлади. Бирпасда дамим қайтиб кетди. Юрагимни ваҳима босди.

– Ойи-и-и! – дедим йиғламсираб.

Кимдир елкамга туртди.

– Жим ўтир, ойинг қочиб кетгани йўқ.

Аммамнинг зардали овозини эшитиб, дамим ичимга тушиб кетди. Кўзим энди ғира - шира кўра бошлади. Бироқ косада хира ялтираб турган сувдан бошқа нарса кўринмас эди. Кампир ҳамон бир оҳангда алланималар дер, кўз ўнгимда хира йилтираётган сувдан бўлак нарса кўринмас эди. Орадан анча ўтди. Қимирламай ўтирганим учун бўйним оғрий бошлади. Мени шунча азобга қолдирган аммамни ҳам, Сепкилли хола-ни ҳам ёмон кўриб кетдим. Сепкилли хола ойимнинг зирагини ўғирламаганида, ҳозир маза қилиб ўйнаб юрган бўлардим. Шуларни ўйлаб ўтиравердим... Бир маҳал қарасам, сув ичида Сепкилли хола мўралаб турибди. Нукул кулади. Ҳатто юқори лаби остидаги иккита тишигача аниқ кўрдим. Жон ҳолатда бақириб юбордим.

– Сепкилли хола! Ана, Сепкилли хола!

Бирпасда устимдаги чойшабни олишди. Қўрққанимдан-ми, нафасим қайтгани учун-ми, терлаб кетгандим.

– Гумонингиз тўғри экан, – деди фолбин кампир ойимга эмас, аммамга қараб. – Худо хоҳласа, олган молини қайтариб беради, эшон ойи!

– Ана, айтмадим-ми! – аммам ғолибона қиёфада атрофдагиларга бирма - бир қараб чиқди. – Бориб итнинг кунини бошига солмасам юрган эканман.

Ўша кун аммамникида ётиб қолдик. У ўзи айтганидек, эртасига Сепкилли холанинг бошига «итнинг кунини солди». Уч хотин мениям етаклаб қўшниникига чиқишди. Сепкилли хола сунага бўйра ёзиб, пахта саваб ўтирган экан. Савағичини ҳар урганда гуп-гуп этган товуш чиқади, чанг кўтарилади. Эшикдан кириб келаётган меҳмонларни кўриб, савағичини ушлаганча дик этиб ўрнидан турди. Энди кўришмоқчи бўлиб қучоғини ёзган эди, аммам бобиллаб берди.

– Бировнинг молига тиш қўйдирган ҳаромхўр билан кўришмайман!

Сепкилли хола қўлидаги савағичини осилтирганча талмовсираб қолди:

– Бу... Бу нима деганингиз, Эшон ойи? – деди ранги ўчиб.

– Бу деганим шуки, ўғирлаган нарсангизни жойига қўйинг.

– Нимани ўғирлабман? – деди овози қалтираб. – Айтнинг, нимани опман?



– Э, кўйинг-е! – аммам жаҳд билан қўл силтади. – Келинимнинг зирагидан тиш ясатиб олиб, тағин ўзини гўлликка солиб ўтирибди. – У отин холага юзланди. – Мана гувоҳ! Норасида бола билан фол очтирдим. Аниқ-таниқ сизни айтди.

– Вой, ўлмасам! – Сепкилли холанинг қўлидан таёғи тушиб кетди. – Бу қанақа туҳмат! – деди йиғи аралаш. Кейин ойимга юзланди. – Уялмайсизми, овсин пошша! Мана, не ниятда ўтирибман. Агар нинангизга теккан бўлсам, ниятимга етмай, – кейинги сўзлар унинг бўғзидан йиғи аралаш чиқди. – Тўртта боламнинг ўлигини устида ўтирай, хўпми!

Бирдан ойимнинг ранги ўчиб кетди.

– Вой, овсинжон, гапингиз қурсин, – деди овози титраб. – Қайтиб олинг гапингизни! Олган бўлсангиз ҳам мингдан-минг розиман!

– Э, яна гапиради-я! Бойвачча бўлмай тусингни ел есин! – аммам шаҳд билан бурилди-да, нари кетди. Дарвоза олдига борганда орқасига қайрилиб қаради. – Яхшиси бўйнингизга олинг. Бўлмаса қиёматда азобини тортасиз!

Зум ўтмай, аммам билан отин хола чиқиб кетишди. Сепкилли хола ҳамон пиқиллаб йиғлар, ойим супа олдида бошини ҳам қилганча мунғайиб турар эди.

– Илоё туҳмат қилган, туҳмат балосига учрасин, – деди Сепкилли хола йиғлаб. – Илоё ниятига етмасин!

– Қўйинг, овсинжон, – ойимнинг ўзи ҳам йиғлаб юборай деб турарди. – Худоё ўша бир пой зирак ўлсин! Кўнглингизга олмаг, жон овсинжон!

– Туҳмат балосига учрамаса, розимасман! – Сепкилли хола шундай деди – ю, йиғлаганча уйига кириб кетди.

Ойим бир зум супа олдида турди-да, бирдан менга ўшқирди.

– Нимага серрайиб турибсан! Йўқол кўзимдан, жувонмарг!

Ёмон бўлди. Уша кундан бошлаб Сепкилли хола ойим билан юз кўрмас бўлиб кетди. Аммо энг ёмони икки ойча ўтгач, салқин тушган кунлардан бирида бўлди.

Уша куни мактабдан қайтсам, ойим сандиқ устига мук тушиб ўтирибди. Иссиқ кийимларни сандиқдан олган шекилли, уй ичини куя дорининг ҳиди тутиб кетган, бумази кўйлақлар, чопонлар, кулоқчинлар, ипи узилган телпақлар ер билан битта бўлиб ётибди. Йиғлайвериб, ойимнинг кўзлари шишиб кетган. Дадам урган бўлса керак, деб қўрқиб кетдим. Секин олдига келдим. У бўлса қайрилиб қарамади. Қўлидан ушлаган эдим, ойим илон чаққандек қўлини тортиб олди.

– Сен болани ер ютса бўлмасмиди! – деди ғазабдан кўзи ёниб. – Шу кунингдан кўра ўлиб қўя қолсанг бўлмасмиди, ер юткур!



Ойим ҳеч қачон бунақа қарғамагани учун-ми, йиғлаб юборай дедим. Аммо шунча ёмон гапни тўсатдан эшитганимга қарахт бўлиб қолган эдим.

– Ушанда нега унақа дединг, бўйгинанг чиригур! – деди у яна дағдаға билан.

– Қачон? Нима дедим?

– Фолбинникида, гўрсўхта, фолбинникида! – Ойим овози борича чинқирди. – Нега Сепкилли холамни кўрдим, дединг?

– Нима қилай? – дедим аламдан чийиллаб. – Кўзимга кўринганини айтдим-да!

– Мана-ку, кўзгинанг тешилгур, мана-ку! – Ойим кафтидаги алланимани улоқтирди. Олтин балдоқ ерга тушиб жиринглаб сакраб кетди. – Тўр кўйлагимга илиниб қолган экан-ку! Йўқол, кўзимдан йўқол! Бир бегуноҳга тўхмат қилгандан кўра ўлганим яхшимас-ми! У бирдан мени қучоқлаб, юзимни юзига босганча ҳиқиллаб қолди. – Энди нима қиламиз, жон болам!

Ойимнинг кўз ёши бирпасда юзимни жиққа сув қилиб юборди.

– Нима қиламиз, ўғлим! Бу шармандаликка қандоқ чидайман, Ўғилжоним! – ойим мадори қуригандек сандиқ устига мук тушиб қолди.

...Орадан кўп ўтмай тўй бўлди. Сепкилли хола ойимни тўйга айтмади. Бироқ ойим бир тоғора куш тиши пиширди. Ҳеч нима бўлмагандек, тўйхонага чиқди-ю, елиб-югуриб хизмат қилиб кетаверди.

Кечқурун ҳовлининг ўртасига тўнка кўйиб, гулхан ёқишди. Сепкилли холанинг ўзига ўхшаб кетадиган сарғиш юзли Ҳақим акага тўн кийгизиб, салла ўратишди, гулхан атрофини уч марта айлантиришди, карнай-сурнай чалинди... Уй ичида аёллар – Зеби хола дугор чертган, хотинлар тортишмачоқ қилган... Хўжа, Той, Вали, мен – тўртовлашиб тортишмачоқ билан овора бўлиб турган хотинлар орасига шўнғиймиз-у, чўнтакни ширинликка тўлдириб чиқамиз... Кейин тўйхонанинг қоронғи бурчақларида роса бекинмачоқ ўйнадик.

Уша куни кеч ётган бўлсам ҳам жуда эрта уйғондим. Энди тонг отган эди. Қарасам, уйда ҳеч ким йўқ. Демак, тўйхонага чиқишган. Мен ҳам юзимни «мушук ювиш» қилдим-у, ўша ёққа чолдим. Бўлмасам-чи, ҳозир келин салом бўлади-да.

Хайрият, келин саломга кеч қолмабман. Ҳовли четида Сепкилли холанинг қариндош-уруғлари, тўйда хизмат қилганлар тўпланишиб туришибди. Эркаклар кам, хотинлар кўп. Фақат ойим кўринмайди. Ҳовли этагидаги тўнкариб қўйилган қозон орқасида гўлага мишиб ўтирган Валини кўриб, имлаб чақирдим.



Бир маҳал отин хола (Сепкилли холанинг қўли эгрилигидан шикоят қилган, биз билан фолбинникига борган худди ўша семиз отин хола) оқ шол рўмол ёпинган, атлас кўйлаги устидан олдиға уқа<sup>1</sup> тугилган нимча<sup>2</sup> кийган келинчакни етаклаб остонаға олиб чиқди. Парда орқасидан келиннинг юзи яхши кўринмас эди. Бироқ яқинроқда турган нотаниш хотиннинг кўзи ўткир экан.

– Вуй, мунча чиройли! – деди қаттиқ шивирлаб. – Бир қошиқ сув билан ютгудек-а!

– Бахти бор экан сариқ мошакни!<sup>3</sup> – деди бошқаси унга жавобан.

Отин хола бир томоқ қириб олди-да, овози борича бақирди.

– Ассалому алайкум, келин сало-о-ом!

Келинчак оҳиста бош эгди. Ҳовлидагилар чекка-чеккадан маъқуллаб жавоб қилишди.

– Барака топсин!

– Раҳмат.

– Қўшгани билан қўша қарисин.

Отин хола яна бир марта томоқ қириб, овозини созлаб олди-да, боягидан ҳам баландроқ ҳайқирди.

– Ассалому алайкум, келин сало-о-о-о-м!

Кармонни катта очган,

Аямай пулни сочган;

Қоринлари қопдай,

Мўйловлари шопдай

Қайнотасига сало-о-м!

Одамлар чекка-чеккадан кулиб юборишди. Исроил мўйлов ҳовли этагидаги хонадан карнайға ўхшатиб ўралган каттакон наMATни қўлтиқлаб чиқди. Ҳовли ўртасидан пишиллаб ўтди-да, наMATни обориб келиннинг оёғи тагига қўйди. Мўйловини голибона қиёфада бир-бир бураган эди, хотинлар қий-чув солиб кулиб юборишди. Исроил мўйлов, ували-жували бўлинглар, деб фотиҳа ўқиди.

Отин хола яна бир томоқ қириб олди.

– Ассалому алайкум, келин сало-о-о-о-м!

Тили билан тенг айланадиган,

Хизматига шайланадиган,

Тўйдан қуруқ қайтмайдиган,

Сўзлари мойдай, юзлари ойдай

Қайнонасига сало-о-о-о-м!

<sup>1</sup> Уқа – кийим безаги.

<sup>2</sup> Нимча (ф) – енгсиз костюм.

<sup>3</sup> Мошак – мушук маъносид.



Яна қаҳқаҳа кўтарилди. Сепкилли хола қизариб-бўзариб одамлар орасидан ўтди-да, келин томонга талпинди. Қўлидаги бир даста чинни косани келиннинг бошига қўйди.

Отин хола тағин давом этди:

– Ассалому алайкум, келин сало-о-о-м!

Дуторини сайратган,

Дилимизни яйратган

Зеби опага сало-о-о-м!

Зеби хола эркакча юриш қилиб яқин борган эди, ичкаридан тугун олиб чиқишди. Зеби хола тугунни оларкан, келиннинг елкасига қоқди.

– Илоё бахтли бўлгин, қизим!

Отин хола у ёқ бу ёққа қараб олди-да давом этди:

– Ассалому алайкум, келин сало-о-о-м! Бир-биридан ширин, бир-биридан асал қайнсингиларга сало-о-о-м!

Ҳаким аканинг укаси йўқ, учта сингиси бор эди. Учовлари иккита-иккитадан пиёла кўтариб қаторлашиб боришди. Бирига атир, бирига сочиқ, энг кичигига рўмолча тегди...

Отин хола келиннинг рўмолини ўнглаб қўйди-да, тағин янги куч билан ҳайқирди:

– Ассалому алайкум, келин сало-о-о-м! Оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат қилган, келиннинг қўлидан иш оладиган, оёзига ошни соладиган, ён-қўшни - жон қўшниларга сало-о-о-м!

Ойим шу ерда эканини эди пайқадим. У ранги ўчиброқ одамлар орасидан ўтди-да, қандайдир ишончсиз қадамлар билан келин томонга юра бошлади. Ҳатто остона олдига борганда бир қалқиб кетгандек бўлди. Қўлида ҳеч нима йўқ эди. Бироқ секин-секин зинадан кўтарилди-ю, келиннинг юзидаги пардани қия очди. Ҳовлидаги хотинлар пичир-пичирга тушиб қолишди.

– Нима қилябдилар?

– Вой, ўлмасам!

Отин холанинг ҳам ғаши келди шекилли, дашном берди.

– Номаҳрамлар бор-а, пошша!

– Тўхтаг, – деди ойим негадир овози титраб. Шоша-пиша келиннинг қулоғидаги зиракларни еча бошлади.

– Ушланг буни! – деди сирғаларни келиннинг қўлига тутқазиб. Кейин ўзининг нимчасига қўл солди-ю, каттакон олтин балдоғини чиқарди. Қўллари титраганча иккаласини келиннинг икки қулоғига тақди.

– Ният қилгандим, – деди отин холага қараб. – Шунини ният қилиб қўювдим. Шундай деди-ю, секин эгилиб, келиннинг пешонасидан ўтди. – Илоё кўша қаринлар!

Ойбалдоқ шол рўмол тағида ҳам ярақлаб кўриниб турар,



келиннинг ҳуснига ҳуси қўшиб юборгандек эди. Чекка-чеккадаги хотинларнинг ҳайратли хитоби эшитилди.

– Вуй-й-й-й!

– Асл тилламикан?

– Нима қалбакисини қилиб эсини ебдим?

– Мана бундай қўшнилар бўлади жаҳонда!

Бир зум гангиб қолган отин хола овози борича ҳайқирди:

– Қиличдек ўфилларни ўстирган, тўйда елиб югурган, ой деса ойдек, ҳотамтойдек Пошша опасига сало-о-о-м!

Ойим одамлар орасидан туртиниб ўтди-да, чеккага чиқди. Шундагина келин томонга ўтирилиб, мамнун жилмайди. Унинг кўзида ёш бор эди.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Боланинг ойиси билан Сепкилли хола суҳбатининг мазмунини айтиб беринг.
2. Амма келганда ҳовлида қандай воқеа юз берган эди?
3. Ёз чилласида амманинг қайта келишидаги воқеаларни сўзлаб беринг.
4. Амма нима учун бола ва унинг ойисини шаҳарга олиб кетди?
5. Фолбин уйда бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб беринг.
6. Амманинг “Бориб итнинг кунини бошига солмасам юрган эканман?” – деган гапини қандай тушунасиз?
7. Нега Пошша опа қўшнисини тўйга айтмаса ҳам бориб хизмат қилди?
8. “Келин салом” пайтида Пошша опанинг келин қулоғига тилла балдоқ тақиши Сизда қандай ҳис-туйғулар уйғотди?
9. Пошша опанинг қайси хислатлари сизга маъқул бўлди?

## Ўрис боланинг ойиси

Шанба куни машинани дарвоза олдига олиб чиқишим билан ўчиб қолди. Генератор<sup>1</sup> ток берябди, бензин насос<sup>2</sup> ишлаябди... Таваккал қилиб карбюраторни<sup>3</sup> кавлаштиришга тушдим. Очишга очдим-у, беморнинг қорнини ёриб қўйиб, у ёғига нима қилишни билмаган нўноқ жарроҳдек довдираб қолдим. Муштдек аппарат ичида шундай мурватлар борлигини билмаган эканман. Ҳаммасини қандоқ бўлса, шундоқлигича жой-жойига қўйиб чиққан эдим, яна алла-қанча винтлар, гайкалар «ортиб қолди». Нима қилишимни билмай тажанг бўлиб турсам, орқада юк машинасининг вошиллаб тормоз бергани эшитилди. Кабина эшиги тарақлаб очилди. Қарасам, ўзимнинг болаликдан бирга ўсган «ўрис ўртоғим» Вали тушиб келябди. (Асли оти Валентин эканини кейин билганман.) Маҳаллада шу

<sup>1</sup> Генератор (р) – электр токи ишлаб чиқарувчи механизм.

<sup>2</sup> Бензин насос (р) – карбюраторга бензин етказиб берувчи механизм.

<sup>3</sup> Карбюратор (р) – моторга бензин пурақигич.





боланинг олдига тушадиган шофёр йўқ. Ўзи ҳам муштдек бошидан темир-терсакка қизиқади.

– Бормисан! – дедим қувониб. – Худонинг ўзи етказди сени.

У шошилмасдан олдимга келди.

– Нима бўлди? – деди моторга мўралаб.

– Буни кўрмайсанми, – қўлимдаги мурватларни кўрсатдим.

– Олмадек нарсага шунча лаш-лушни эринмасдан жойлашганини қара! Инженерлар ҳам овсар экан!

– У «операция» бўлган карбюраторга қаради-да, ҳуштак чалиб юборди.

– Инженерлар аҳмоқмас, сен аҳмоқсан! – деди жингалак сочларини силкитиб. – Эртадан бошлаб мен ҳам китоб ёзиб ташласам нима бўлади? Ақлинг етмаган ишга аралашиб нима қиласан?

Фарибона қиёфада илжайиб турган бўлсам керак, у кулиб юборди. Паралон курткасини ечиб машина томига ташлади-да, буюрди.

– Отвёркангни ол!

Бироқ, ишга киришмади.

– Айтмоқчи, мамашкани олиб келувдим, – деди ЗИЛ томонга имо қилиб. – Сизлар гаплашиб тургунларингча бу ёғини амаллаб кўраман.

Боядан бери эътибор бермаган эканман. Юк машинасининг кабинасида ўтирган Зеби холани энди кўрдим. Икковлашиб машина олдига бордик. Вали зинага сакраб чиқиб, кабина эшигини очди. Бошига қалин рўмол ўраган, қора бахмал нимча кийган ойисини кўтаргудек бўлиб зинадан туширди. Қарасам, Зеби хола муштдеккина бўлиб қолибди. Ойимнинг маъракаларида келганида ўз ташвишим билан бўлиб, разм солмаган эканман, энди пайқадим. Аввалги али қоматли, юрганда ер гурсиллайдиган Зеби холанинг ярми ҳам қолмабди. Рўмоли остидан чиқиб турган сочлари қордек оқариб кетибди. Қоп-қора юзи янаям қорайиб, кўкимтир тусга киргандек.

– Пошша синглимдан қолган ёдгорлигим! – деди у мени бағрига босаркан, бўғиқ овозда. Озгин қўли билан елкамга қоқиб, оғир-оғир ҳарсиллаб нафас олди. – Ўзимнинг ширин ўғлимдан ўргилай, яхши ўтирибсанми?

Болаликдан қулоғига райҳон тақиб юришига кўникиб қолганим учун-ми, ҳозир ҳам ундан райҳон иси анқиб кетгандек бўлди.

– Юринг, – дедим уйга бошлаб. – Бир пас дам олинг.

– Йўқ, у ёққа мас, синглимнинг уйида бир пас ўтираман. – Зеби хола оғир-оғир қадам босганча ойимнинг хонасига қараб юрди. – Синглимнинг жойида бир пас ўтирай, – деди-ю, доим



ойим ўтирадиган жойга-дераза тагига чўқди. Бўғиқ овози титраб тиловат қилди.<sup>1</sup> – Дунё шунақа экан, жон болам, – деди ўйчан овозда. – Ҳамма бир-бир кетавераркан...

– Ўзингиз бардаммисиз, хола? – дедим сўлғин юзига, титраб турган қоп-қора қўлларига қараб. – Неваралар катта бўлиб қолдимиз?

– Худога шукр, болагинам ўзидан кўпайди. Олти неваранинг дуосини қилиб ўтирибман. Валижоним битта бўлса ҳам, ўнтага татийдиган чиқди.

Зеби хола шошилмасдан чой хўпларкан, девордаги миҳга илиғлик духоба филофли дуторга қараб-қараб қўйди. Ойим дуторни жуда авайлар, «адангдан қолган ёдгорлик» деб доим кўз ўнгида сақларди. Шу ондаёқ болаликдаги хотиралар, Зеби холанинг дутор чалганлари эсимга тушди-ю, секин сўрадим..

– Ҳали ҳам чалиб турасизми?

Зеби хола маънос жилмайди.

– Дутор чалиш қатта, болам. Қўл ўлгур титрайди. – У бир зум жимиб қолди - да ўйчан давом этди. – Қайси куни туш кўрсам, Пошша синглим билан бир жойда ўтирибмиз. Нуқул дутор чалаётган эмишман. – У шикаста кулди.. – Одамзод шунақа экан, – деди хўрсиниб. – Бола - чақам деркан, еларкан - югураркан, энди оғзи ошга етганда йиқиларкан. - У титроқ қўллари билан тиззасининг кўзини силади. – Сал совуқ турса, оёғим шишиб кетади. Валижон маҳси олиб бераман, ўзингиз кийиб кўриб танлайсиз, деб қўймади. Кетаётган жойимда бирров синглимникига кириб чиқай дедим.

Яна чой қуйиб узатгандим, Зеби хола бош чайқади.

– Майли, болам, мен бора қолай энди.

Икковлашиб ташқарига чиққанимизда Вали менинг машинамда ўтирар, моторни гуриллатиб синаб кўрар эди.

– Бўлди, – деди ўтирган жойида деразадан бошини чиқариб, – иккинчи бунақа устачилик қилсанг, ўзингдан кўр!

Икковлашиб Зеби холани кабинага чиқардик. Вали нариги эшикдан кирди - ю, машинасини гуриллатганча ҳайдаб кетди. ЗИЛ муюлишда ғойиб бўлиши билан ғира-шира тонг палласида кўрган тушдек хотиралар ёпирилиб келди.

Зеби холадан ҳайиқмаган бола йўқ эди. Эркаклардек барваста гавдали, қоп-қора бу хотиннинг йўғон овози ҳам, узун қирра бурни, кетмонни елкасига ташлаганча, этик кийиб ғоз юриши ҳам бошқа аёлларга ўхшамас, ҳатто қорамтир сийрак мўйловигача бор эди. У қачон қараса, қулоғига райҳон тақиб юрар. Дархон ариғи бўйидаги ҳовлисида ёз бўйи райҳонлар барқ уриб ётарди. Уни биринчи марта кўрганимдаёқ кўрқиб

<sup>1</sup> Тиловат қилмоқ (а-т) – марҳум руҳига бағишлаб Қуръон ўқимоқ.



қолганман. Ўшанда жуда кичкина бўлсам керак. Ойимга эргашиб, Зеби холаникига бордим. Нималиги эсимда йўғ-у, хархаша қилавердим. Ойим у деб кўрди, бўлмади, бу деб кўрди, бўлмади. Шунда Зеби холанинг жаҳли чиқиб кетди.

– Жим бўласанми, ё ҳозир иштонимга қамаб қўяйми? – деди дўриллаб. Унинг важоҳати шу қадар кўрқувлик эди-ки, овозим ўчди-қолди.

...Зеби хола сап-сарик жингалак сочли, кўккўз «ўрис бола»си Валини жонидан яхши кўрарди. Қайси тўйга борса, кўйлагининг кенг енгига попук қанд, монпаси, жийда солиб келарди. Унинг енги шунчалик баракали эдики, Валининг дўпписи бирпасда ширинликка тўлиб чиқарди. Вали қизғанчиқ эмас, ойини олиб келганларни ҳамма билан бўлишиб ейди... Бироқ биронта бола Валини чертса борми, ойисидан балога қоларди. Зеби хола ўша заҳоти бориб, айбдор боланинг онасини юмма талайди. «Сен эчкига ўхшаб ҳар йили болалайсан, меники атига битта! - дейди шанғиллаб. - Қани, яна бир марта қўл тегизиб кўрсинчи, қўлини синдириб ўчоққа тикаман».

Зеби хола боласини бунчалик авайлаганича бор эди. Дадамнинг айтишига қараганда, уруш бўлаётган жойдан келтирилган болалардан биттасини берасанлар, деб Зеби хола ҳам борибди. Аммо ўша идорадагилар кўнишмабди. «Сиз сўққабош-сиз,<sup>1</sup> топиш-тутишингизнинг мазаси йўқ», дейишибди. Шунда Зеби хола курсини мушглаб, чунонам тўпалон кўтарибди-ки, ноилож, мана шу Валини хатлаб беришибди.

Зеби хола сўққабош бўлсаям, Валини камситмаган. Қўй сўйиб, юртга ош бериб, суинат тўй ҳам қилдирган. Вали ҳам биринчи синфда мен билан бирга ўқир, ҳисобда яхши эди-ю, она тилидан қийналарди. «қ» билан «ғ»ни айтишга ҳеч тили келишмасди. Рисолат опа деган чиройли ўқитувчи опамиз буни билгани учун-ми кўпам қийнамасди. У доим дераза олдидаги партада ўтирарди.

Бир куни мактабга комиссия келиб қолди. Бир эмас, тўрт киши орқа партага бориб ўтиришди. Ўқитувчи опамиз диктант ёздирябди-ю, ҳаяжондан овози титрайди. Синф жим-жит. Шу пайт дераза шарақлаб очилди-да, Зеби холанинг йўғон овози эшитилди.

– Вали, ма нон!

Ҳаммамиз ўша томонга қарадик. Валининг сарик юзи оловдек ёниб кетди. Нима дейишини билмай, нуқул «кетинг» деб имлайди. Зеби хола бўлса, деразадан иккита арпа нон узатиб турибди.

– Олсанг-чи, қўлим куйиб кетди! – деди зарда билан.

<sup>1</sup> Сўққабош (т) – бир ўзи, яқба, ёлғиз.



Синф хонани бирпасда янги ёпилган нон ҳиди тутиб кетди. Рисолат опамиз бир зум эсанкираб турди-да, ташқарига югурди.

– Нима қилябсиз, хола? – деди йиғлагудек бўлиб. – Мактаб - ку бу!

– Мактаблигини ўзимам биламан! Масжидга келганим йўқ!  
– Зеби хола овозини баралла қўйиб дўриллади. – Болам эрта-  
лаб чой ичмасдан чиқиб кетувди. Оч ўтирсинми энди?

Рисолат опамиз ялинишга турди.

– Жон хола, комиссия бор.

– Нима комиссиянг нон емайди! Болам бир кун кеч олим бўлса бўлар. Комиссия келди, деб тишини кирини сўриб ўтирсинми?

Боядан бери сув қўйгандек жим-жит бўлиб турган синф хо-  
нада тўсатдан қаҳқаҳа портлади.

– Ана, комиссиянгнинг ўзиям кулябди-ку! – Зеби хола дера-  
задан бошини суқди. – Ма, болам, еб ол, уялма.

...Бир куни жўрабошимиз сигирини қайтармагани учун Ва-  
лини уриб, бурнини қонатди. Эртасига қизиқ бўлди. Тол со-  
ясида дам олиб ўтирсак, майдонча четида Зеби хола кўринди.

Той жўрабошининг елкасига турди.

– Ўлдинг! Зеби холанг келябди, қоч!

Жўрабошининг кўзи олайиб кетди. Қаддини ростлади-ю,  
кейин қўл силтаб шинелига ёнбошлади.

– Қатта уради! Ўзи зўрға келябди-ку!

Қарасак, Зеби хола чиндан ҳам зўрға-зўрға келябди. Қўли-  
даги таёққа суяниб икки қадам юради-да, тўхтайди. Оқсоқла-  
ниб қадам босади.

– Йиқилиб оёғини синдирганга ўхшайди, – деди жўрабоши-  
миз.

Зеби хола инқиллаб-синқиллаб яқин келди. Аммо беш қа-  
дамча қолганда бирдан чўлоқлиги тузалиб қолди. Таёқни ба-  
ланд кўтарганча икки хатлаб жўрабошининг бошига келди.  
Таёқнинг қарсиллаши билан жўрабошининг додлаши барабар  
эшитилди.

– Мана уриш! – деди Зеби хола дўриллаб. – Уриш мана  
бунақа бўлади! У жўрабошининг гарданига тағин туширди.  
– Ўзидан кичкинанинг бурнини қонатдиш мана бунақа бўлади!

Жўрабоши жон ҳолатда думалар, аммо қочолмасди.

– Ойи! Урманг, ойи! – Вали ойисининг қўлидаги таёққа  
ёпишди.

– Тавба қилдим! - жўрабоши типирчилаб кафти билан боши-  
ни пана қилди. – Жон хола, ўлай агар, иккинчи қилмайман.

– Ойи! – Вали Зеби холани қучоқлаб олди. – Керакмас!

Зеби хола таёқни улоқтирди.



– Нима, мени болам малайми сенга! – деди дагдага билан. – Сенинг молингни боқсин деб катта қилиб қўйибманми болани?  
... Ўша воқеадан кейин жўрабошимиз анча ювош тортиб қолди. Учинчими, тўртинчи куни моғор босган каттакон қо-воқ кўтариб келди. Тол соясига ўтириб қовоқни икки палла-га айирди-да, қирғич билан тозалашга тушди. Кейин палла-ларнинг қиррасини арранинг тишига ўхшатиб, жимжимадор қилиб қирқиб чиқди. Икки паллани бир-бирига ёпган эди, ора-си ковак коптокка айланди қолди.

– Нима қилмоқчисан? – деди Той бурнини тортиб.

– Бурнингга осиб қўяман! – деди тўнғиллаб жўрабоши. – Ар-тиб овора бўлиб юрмайсан. Кейин қовоқни бир чеккага қўйди-да, Тойга буюрди. – қоронғи тушганда шу ерга келасан. Сен ҳам, – деди менга имо қилиб. – Хўжа бари бир келолмайди. Дадаси чиқармайди.

– Нимага ўзи? – дедим тушунмай.

– Цирк кўрсатаман.

– Вали-чи. Вали ҳам келадими? – дедим нарироқда тол ёғо-чидан ҳуштак ясаётган Валига имо қилиб.

– Йўқ, – жўрабоши кескин бош чайқади. – У ҳам ойисидан қўрқади. Эс - эс, ким келмаса, пес!

Кечки овқатдан кейин бекинмачоқ ўйнаётган акаларимнинг кўзини шамғалат қилиб, майдончага чиқдим. Қоронғида, тол тагида Той билан жўрабоши туришибди. Жўрабошнинг қў-лида бояги қовоқ. Фақат одамнинг бошига ўхшатиб «оғиз - бурун» тешиб қўйибди. Негадир ҳаммаёқни лампа мой ҳиди тутиб кетган.

– Лайчанг нимага келди? – жўрабоши тўнғиллади.

Қарасам гуржи кучугим оёғим тагида думини ликиллайтиб турибди.

– Ўзидан сўра! – дедим мен ҳам тўнғиллаб.

Жўрабоши ердан кесак олиб отган эди, ит ангиллаб қочди.

– Нега урасан?

– Халақит беради! – деди жўрабоши зарда билан. – Юр, бўл-маса кеч қоламиз!

Той иккаламиз беихтиёр унга эргашдик. Қаторлашиб Дар-хон аригининг бўйига бордик. Ариқ шу ердан бурилиб оқар, нарироқда шох-шаббалар устида тупроқ ташлаб ясалган кўприк бор эди. Жўрабоши иккаламизни мажнунтоллар қуюқ ўстан қоронғи соҳилга олиб тушди. Негадир юрагимни кўрқув босди.

– Нима қиламиз, ўзи? – дедим овозимни баландлатиб.

– Ўчир! – жўрабоши керосин ҳиди анқиб турган муштини бурнимга тиради. – Финг десанг, сувга отвораман.



Шу пайт аллакимнинг қадам товуши эшитилди.

– Келябди! – деди жўрабоши пичирлаб. Шоша-пиша қовоқ палласини очди. Керосин ҳиди қаердан келаётганини энди билдим: қовоқнинг ичи лампа мойга ботирилган латта экан. Жўрабоши ёнидан гугурт олиб чаққан эди, лоп этиб олов кўтарилди. У чаққонлик билан иккинчи паллани ёпди-да, қовоқни сувга қўйиб юборди. Сув юзида «оғзи-бурни»дан олов чиқараётган «калла» қалқиб-қалқиб сузиб кетди. Жўрабошининг ниятини энди тушундим. Бояги қадам товушлари Зеби холаники эканини энди билдим. Қоронғи бўлса-да, катта-катта қадам ташлашидан, елкасидаги кетмонидан танидим. Ҳушимни йиғиб олгунимча, у тупроқ кўприк устига келиб қолди. Сув юзида қалқиб келаётган оловли «калла»ни кўрди-ю, таққа тўхтади.

– Вой, вой ўлмасам, – деди-да, кўприк устига таппа ўтириб қолди. – Бис-бис-бисмилло... – дея олди дудуқланиб. Ҳатто товуши ҳам ингичкалашиб кетгандек бўлди. Кейин гандираклаб ўрнидан турди-да, овози борича қичқирди. – Дод, вой - дод!

Ўрнимдан отилиб турдим.

– Қўрқманг, хола! – дедим бақириб. Аммо жўрабоши билан гимдан Маҳкам ушлаб, керосин ҳиди анқиб турган кафти билан оғзимни тўсди. Кўнглим айниб кетди.

– Қўйвор, эшшак! – дедим бўғилиб. – Бари бир айтиб берман!

– Айтиб кўр-чи! – жўрабоши яна муштини дўлтайтирди. – Жафнингни эзиб қўяман!

Боядан бери анграйиб турган Той жаҳл билан қўл силтади-да, индамай нари кетди.

Эртасига чой устида ойим ваҳимали хабарни дадамга айтиб берди.

– Зеби опа шўрлик бир ҳолатда ётибди. Ажина кўрдим, дейди. Оғзидан олов сочиб, бечорага даф қилганмиш. Ё кўзига кўринганми...

Дадам жеркиб берди.

– Ажинага бало борми! Битта яримга худобехабар қўрқитгандир-да.

– Бечорага шу кўргилик ҳам бор экан, – деди ойим изтироб билан. – Узининг ғами етмасмиди.

Ҳаммасига мен айбдордек, секин бошимни ичимга тортдим, мум тишлаб ўтиравердим.

Зеби холанинг нима ғами борлигини бир ҳафтадан кейин тушундим. Ўша кунни Ҳожи бувимнинг чорбоғида сумалак бўлди. Қийғос гулдаган ўрик тагига шолча ёзилган, ҳамма топганини олиб чиққан, хотинлар бир-бирига гап бермай, чувиллашар, биз болалар ҳам сумалак ялашдан бенасиб қолмаслик учун ат-



рофда ўралашар эдик. Ўшанда Вали билан янги ўйин топиб олгандик. Бақувватроқ симни «Ч» ҳарфига ўхшатиб буклай-миз-да, эски бочкадан чиққан темир ҳалқага тираб филдирата-миз. Қанча тез югурсак, филдирак шунча қаттиқ жаранглайди. Агар овозини пасайтирмоқчи бўлсак, бунинг ҳам йўли бор: филдиракни сувга ботириб олсак, овози чиқмайди. Мазза!

Бир маҳал Зеби холанинг олдида ўтирган ойим имлаб чақириб қолди.

– Ўртоғинг билан боргин-да, – деди секин, – адангнинг хужрасидаги дуторни обке.

Мен иккиланиб қолдим. Дуторга ҳеч ким қўл тегизолмас, дадам уни доим хужрасида саҳлар, баъзан кечқурунлари «Дилҳи-рожо», «Тўрғай», «Қаринаво», яна аллақандай куйларни чалиб ўтиришни яхши кўрарди. Ойимнинг айтишича, дадам дуторни ёшлигида энг зўр устага буюртириб яратган экан.

– Билиб қолсалар уришадилар-ку, – дедим оёғим тортмай.

– Билмайди! – Зеби хола қўл силтаб дўриллади. – Нима, еб кўярмидим.

– Кетдик! – дедим Валига.

Иккаламиз филдиракларни жаранглатганча югуриб кетдик.

– Эҳтиёт бўл, синдириб қўйма! – бақирди ойим кетимиздан.

...Зеби хола филофни очган заҳоти дутор садафлари ярақлаб кетди. У дуторни черта бошлаши биланоқ, боядан бери чувир-чувир қилаётган хотинлар жимиб қолишди. Қизиқ, ўзим ҳам ўриққа суянганча бир қўлимда сим, бир қўлимда филди-рак билан қотиб қолдим. Дутор дадамнинг қўлида қандайдир шўх, баланд овозда жаранглар эди. Ҳозир Зеби хола чертганда эса инграб юборгандай бўлди. Гўё дуторни Зеби хола чалмас, торларнинг ўзи нола қиларди. Аёллар ҳар хил алпозда сеҳр-лангандек қотиб қолишган, баҳор чечаклари барқ урган да-рахтзор орасида, оқиш-пушти ўрик гуллари қанотида, Ҳожи бувининг қизгалдоқлар довуллаган пастак томи устида нурдек майин куй тараларди.

Зеби хола бир-икки томоқ қириб олдида, қўшиқ бошлади. Унинг эркакларни кига ўхшаш дўриллаган овози ашула айт-ганда шу қадар ёқимли бўлиб кетганига ҳайрон қолдим. Йўқ, унинг товуши майинлашгани йўқ. Аммо, у шунчалик босиқ, шунчалик ўртаниб куйлардики, баданим жимирлашиб кетди.

«Ёр юрган кўчаларни супурай сочим билан,  
Чанги чиқса сув сепай, кўздаги ёшим билан».

Майин шамол эсар, ўрик гуллари унсиз тўкилар, дарахтзор остида майсалар оҳиста тебранар, аммо бутун табиат бир зум



унсиз бўлиб қолган, ҳамма-ҳаммаси фақат мана шу дутор са-долари-ю, мана шу қўшиғни тинглаш учун тинчиб қолгандек эди. Уша манзарани ўйласам, ҳаёлимга ҳадеб бир гап келади. Кейин, катта бўлганимдан кейин ҳам муҳаббат ҳақида, вафо ҳақида кўп қўшиқлар эшитдим. Бироқ, аёл садоқати тўғрисида бундан яхши ашула эшитганим йўқ...

Зеби хола энди кўзларини ярим юмганча янги қўшиқ айтарди.

«Жон болам, жоним болам, қайлардасан, бергил хабар,  
Ғамда бошим, кўзда ёшим, ичганим бўлди заҳар.  
Заҳфарондек сарғаюрман, ҳасратингда қон ютиб,  
Кўзларимнинг нури кетди, йўлларингга кўз тутиб...»

Ҳаммамиз қўрқадиган, кўрганда ҳаммамиз қочадиган Зеби хола шуми? Уша қўпол, уша жаҳлдор Зеби холами шу? Валининг ойисиди шунча дард бормиди? Шунча алами бор эканми? Нимага биз билмаган эканмиз?

Зеби холанинг юмуқ кўзларидан икки томчи ёш силқиб чиқди-ю, қирра бурнининг четида тўхтаб қолди. Дуторни ён-бошига қўйди-да, кенг енгининг учи билан кўзини артди. Ҳамма жимиб қолган, ҳеч ким биринчи бўлиб гапиришга журъат этолмасди.

– Ҳеч бўлмаса Кимсанам келгандаям майлидди, – деди у хўрсиниб.

– Қўйинг, опагон, – деди ойим секин. – Унақа деманг, худога шукур, мана бор-ку. – Ойим нарироқда филдирак ушлаб мўлтираб турган Валига имо қилди. – Насиб этса, тўйлар қиласиз, қўша-қўша неваралар кўрасиз.

Зеби хола ярқ этиб Валига қаради. Кўзида ёш билан жилмайди.

– Сумалак едингми, ўғлим! Қорнинг очиб қолгандир?

– Едим, – деди Вали секин. – У ҳам ойисининг йиғлаганини кўриб, ўпкаси тўлиб турарди.

– Бўлмаса ўйнай қолинглар.

Бирпасдан кейин Зеби хола бизни яна чақирди.

– Обориб қўя қол жойинга, – деди дуторни филофга солиб.  
– Дадангдан балога қолиб юрмай тагин.

Бир қўлимда дутор, бир қўлим билан филдирак филдиратганимча йўлга тушдим. Вали ҳам филдирагини айлантириб ёнма-ён борар, аммо энди аввалгидек югурмас эдик. Қулоғимда ҳамон Зеби холанинг қўшиғи янграб турар, гўё филдираклар ҳам филдирак эмас, дуторнинг икки тори эди. Ана, иккови бир-бирига жўр бўлиб жаранглаябди. Зеби хола бўлса ҳамон қўшиқ айтябди.





«Жон болам, жоним болам, қайлардасан, бергил хабар...»

Четини ўт босган ариқчадан ўтаётганимда филдирагим сакраб кетди. Бир ҳатлаб олдинга талпингандим, ўтга сирғалиб йиқилиб тушдим. Дутор ерга урилди - ю, қаре этди. Тамом! Куй ҳам, қўшиқ ҳам тинди-қолди.

– Синди! – дедим овозим титраб.

Вали югуриб тепамга келди.

– Вой – й - й! Энди аданг ўлдиради!

Иккаламиз қўлимиз титраганча филоф боғичини ечдик. Қарасам, дуторнинг ип тортадиган қулоғи синиб тушибди.

– Энди нима қиламиз? – деди Вали кўм-кўк кўзларини жовдиратиб.

Ийгламоқдан бери бўлиб, елкамни қисдим.

– Юр! - Вали қўлимдан тутиб уйига бошлади. Иккаламиз уларнинг ҳовлисига кирдик. Ҳовли этагидаги бостирмада эски қути бор экан. Вали қутини титкилаб, занглаб кетган эски темир топди.

– Мана! – деди таптана билан. – Энди ҳечам синмайди!

Дуторнинг синган қулоғи ўрнига темир тикдик-да, ими-жи-мида филофга солиб жойига илиб қўйдик.

Кечқурун ойимга нима бўлганини айтиб берган эдим, ранги ўчиб кетди. Лекин нима қилишни ойим ҳам билмасди.

Ўша кун эмас-ку, уч кундан кейин сир очилди. Дадам хужрадан туриб жаҳл билан қичқириб қолди.

– Дуторга ким тегди?

Зум ўтмай дуторни кўтариб чиқди.

– Гарангмисанлар? Қайси биринг синдирдинг! Бу нима қилиқ! – деди Вали «тузатган» дуторни кўрсатиб.

Ойим айбдор қиёфада ўтирар, акаларим ҳайрон бўлиб бири-бирига қарашар эди. Ҳозир катта жанжал бўлишни бишиб кўрқиб келдим.

– Тилинг борми?! – дадам баттар туюқиб кетди.

– Зеби опа чалувди, – деди ойим секин. – Сумалакка чиққанзимизда... бир чалиб берай, девди...

Қизиқ, дадам бирдан ҳовуридан тушди.

– Майли, – овози пасайиб. – Зеби чалса майли. – У хужрага кириб кетди - да, анчадан кейин бир бўлак ёғоч кўтариб чиқди. Дандон сопли пичоғи билан ёғочни кеса бошлади. – Дуторнинг қулоғини тутдан қилмаса синаверади, – деди секин. Ёғочнинг у ёқ-бу ёғини ўяр экан, уҳ тортиб. – Қараб туриб худонинг ишларига ҳам қойил қолмайман. Ота-боладан бир ойда «қора хат» келса-я!

– Шунга айтинг, – деди ойим жонланиб. – Тағинам одамзод чидаркан. Ҳам эридан, ҳам якка-ёлғиз ўғлидан жудо бўлиб



ўтирибди бояқиш. – У бир зум ўйланиб турди-да, қўшиб қўйди. – Бечора, Валисига жуда суяниб қолган. Ишқилиб орзу-ҳавасини шундан кўрсин...

Валентин тузатиб берган машинани ҳайдаб борарканман, беихтиёр Зеби холанинг кўчасига бурилдим. Ана, Валентиннинг участкаси. Шифер томли уй олдида ЗИЛ турибди. Кабина зинасида катта-кичик уч бола оёғини ликиллатиб ўтирибди. Бири дўппи кийган, бири шапкасини бостириб олган... Машинани секин ҳайдаб борарканман, ичкаридан дутор садолари эшитилгандек бўлди. Ким билсин, эҳтимол, менга шундай туюлгандир?

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Муаллиф Вали билан қандай вазиятда учрашди?
2. Зеби холани кўриши билан муаллиф хаёлидан қандай ўйлар кечди?
3. Зеби хола уйга кириб қандай ҳолатга тушди?
4. Зеби холанинг характерли хусусиятларини айтинг.
5. Валининг Зеби хола хонадонига келиб қолиш сабабини тушунтиринг.
6. Жўрабошининг Зеби холага бўлган муносабатини қандай баҳолайсиз?
7. Нима учун Зеби холанинг қўшиғи ҳаммани ҳайратлантирди?
8. Дуторнинг синиши билан боғлиқ воқеаларни сўзлаб беринг.
9. Уруш Зеби хола хонадонига қандай мусибат келтирди?
10. "Шифер томли уй олдида ЗИЛ турибди. Кабина зинасида катта-кичик уч бола оёғини ликиллатиб ўтирибди. Бири дўппи кийган, бири шапкасини бостириб олган..." жумлаларига ёзувчи қандай мазмун ва кайфият, туйғу юклаган?

## ҚҰЛДОШ МИРЗО

(1941 йил туғилган)



Қўлдош Мирзо номи Сиз – азиз ўқувчиларга нотаниш эмас. Чунки 2-синфда сиз Қўлдош бобонгизнинг “Қуёш”, “Шамол” номли шеърларини, 3-синфда “Меҳригиё”, 4-синфда эса “Учиш гашти” номли қизиқарли ҳикояларини ўқигансиз. Бугун шоир ва ёзувчи бобонгиз ҳаёти ва ижоди билан яна учрашябсиз.

Юртдошимиз Қўлдош Мирзо (Қўлдош Бекмирзаев) бобонгиз 1941 йилнинг 11 августида Ўш шаҳрида таваллуд топди. Ўрта мактабни битириб, Андижон Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида ўқиди. Узоқ йиллар ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1972 – 1874 йилларда “Ленин йўли” (ҳозирги “Ўш садоси”) газетаси таҳририятида хизмат қилди. 1992 – 2006 йиллар мобайнида Ўш Давлат университети Ўзбек гуманитар-педагогика факультетида ўзбек ва жаҳон адабиётидан талабаларга сабоқ берди.

Қўлдош Мирзо XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб бадий ижод билан шуғуллана бошлади. У Жанубий Қирғизистонда шоир, ёзувчи, таржимон ва адабиётшунос сифатида танилди. Унинг шеърлари, ҳикоялари ва қиссалари адабий жамоатчилик томонидан ўз вақтида муносиб баҳоланди. Адибнинг “Мубтало бўлдим сенга”, “Сеҳрли садо”, “Бобур мирзонинг тойлоғи” каби тарихий мавзудаги қиссалари теварагида кўп баҳсу мунозаралар бўлган.

Қўлдош Мирзо таржимон сифатида немис шоири Генрих Гейне, рус шоири М. Ю. Лермонтов, қирғиз шоирлари Барпи, Қармишоқ Тошбоев, Маматibraим Жонибеков шеърларини, рус ёзувчиси Л.Н.Толстойнинг “Фалак айланиб...”, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Ўғлимни кўриб келай” қиссаларини, қирғиз адиби Абдимутал Камоловнинг “Оғизга отилган ўқ” номли қисса ва ҳикоялардан иборат китобини ўзбек тилига таржима қилган.

Қўлдош Мирзо бобонгизнинг ўнлаб шеърый ва насрий китоблари Ўзбекистон ва Қирғизистон нашриётлари томонидан босиб чиқарилган. Қуйида бобонгизнинг Сиз – азиз набираларига бағишлаб ёзган ва 1984 йили Тошкентда нашр этилган



“Қишлаб қолган қалдирғоч” қиссасидан парчалар берамиз. Мазкур қисса ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла ўз вақтида шундай деб ёзган эди:

“Муаллиф асарга мавзу қилиб болалар орасида жуда ҳам сеvimли бўлган парранда – қалдирғоч билан боғлиқ ҳодисани танлайди. Қишлаб қолган қалдирғоч асарнинг бошидан охиригача бир ёрқин образ шаклида кўз ўнгимиздан ўтади, уни бошдан охиригача кузатамиз, худди Бўстонбек сингари у билан бирга бўламиз. Муаллиф қалдирғочнинг беозорлиги, энг мушкул ҳолатларда ҳам инсонга ишончи ва яқинлигини тасвирлаш орқали болаларнинг кўнглига киради, ёш китобхонда олижаноблик, самимийлик, ҳалоллик сингари феъл-атворларни шакллантиришга ҳаракат қилади, муҳими, фарзандларини тартибга, инсофга, дўстликка чақиради”.

Қўлдош Мирзо Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси аъзосидир.

## Қишлаб қолган қалдирғоч (Қиссадан парчалар)

Бўстонбек – оиланинг ёлғиз фарзанди. Кенгашбой ака билан Сабохон опа Бўстонбекдан илгари икки бола кўришган эди, лекин улар турмади. Кейин кўрган болалари ҳам узоқ яшамадилар. Сабохоннинг отаси униб ўссин, орқа-олди болалар билан тўлиб юрсин, деб, болага бир оз ғайри-оддийроқ исм – “Бўстонбек” деб от қўйди.

Бўстонбекнинг, исми ғайри-оддий бўлганидек, кўриниши ҳам, табиати ҳам ғалатироқ. Унинг қиёфасида дафҳатан қараган кишига нозик рангпар юзига нолойиқ турган катта қулоқлари-ю чўзинчоқ жағи кўринади. Бўталоқнинг кўзидек тўқ қўнғир кўзлари одамга мўлтираб боқади. Қоп-қора қалин киприклари, хушбичим бурни қарашларини яна ҳам майинлаштириб туради.

Ота-онаси, одамовилиги, тортинчоқлиги йўқолармикин деб, ўтган йилдан бошлаб уни пионерлар лагерига жўнатадиган бўлишди.

\*\*\*

Кечқурун барвақт ё кеч ётадимми, чарчаганми ё бардамми – бундан қатъий назар, Бўстонбек эрталаб муайян бир вақтда уйғонади. Кичик ёшидан бошлаб одати шундай. Бугун ҳам эрта уйғониб, “Подъём” дейилишини кутиб ётар эди. Туни но-



тинч ўтгани учун, аъзойи баданида ланжлик сезди. Оғзи какра<sup>1</sup> бўлиб, боши суст оғрир эди.

Вожатий билан тарбиячи кириб келди: “Подъём, подъём!” – деб қичқирганича каравотларни силкита бошлашди. Шу пайт вожатий туйқусдан гандираклаб кетди, чалқанчасига йиқилаёзди. Яхшики, қўли билан каравотнинг оёғидан тутиб қолди. Ўзини ўнглар-ўнгламас вайсашга тушди:

– Тошбақанг курсин! Қанақа боласан, Бобоёров?! Ҳали ҳам бу “чиройли” лигингни йўқотганинг йўқми?! – Нима, менда қасдинг борми? – Иккала қўлини олдинга чўзиб, уларга имо қилди. – Қўлларимни куйдирдинг, ҳали тузалгани йўқ. Неча кундан бери азоб чекаман.

Вожатий қўлининг куйиши бундай бўлган эди: тоққа саёҳат қилишганида, ёнбағирда чаман-чаман бўлиб очилиб ётган гулларни кўриб, кўнглига завқи сизмай кетди-ю, Бўстонбек бир ҳамроҳи билан гул териб гулдаста ясади. Гулларнинг ичидаги шингил-шингил пушти рангли гул заҳарли экан. Буни кейин текшириб кўрган врач опа айтди. Заҳарли эканини Бўстонбек қаердан билибди?! Атайин қилибдими?! Ўзининг ҳам қўллари куйиб қавариб чиқди-ку. Нукул шу вожатий билан унинг ўрта-сида бир ишқаллик чиқади-да.

Бирдан вожатий каравотлари олдида серрайиб туриб қолган болаларга қайрилди:

– Ол буни, кўзимдан йўқот! – яқинроқдаги бир болага ишора қилди. – Етган жойигача улоқтир!

Шу куни фавқулодда пионерлар собори чақирилди. Бўстонбек лагерь режимини қўпол равишда бузганликда айбланди. Бу орада Бўстонбекни кўргани отаси келиб қолди. Бўстонбекнинг лагерда ортиқ қолгиси келмади. У кўнгилсизликка сабабчи бўлган тошбақани улоқтирилган жойидан қидириб топиб, ўзи билан уйига олиб кетди.

Ўғлининг ҳақиқатга хилоф иш, ноҳўя хатти-ҳаракат қилмаслигини яхши билган Кенгашбой ака уни ортиқча тергаб-нетиб юрмади, Фақат йўлда воқеанинг тафсилотини ётиғи билан суриштириб билди.

\* \* \*

Кўчада санқиб чарчаган Бўстонбек, куннинг иссиғи авжига чиққанда, ҳовлига кирди. Ота-онаси ишга кетиб, ҳовлида бувиси икковигина қолган. Бувиси шотутнинг кўланкасига қўйилган сўрида ёнбошлаб мудраятти. Олдидаги дастурхонни, неварам тушлик қилади деб, йиғиштирмабди. Бўстонбек

<sup>1</sup> Какра - аччиқ ўғ



бувисини безовта қилмаслик учун секин юриб айвонга ўтди. Бари бир ҳеч нарса егиси йўқ.

Лагердан келгандан бери кўнгли гаш. Ота-онаси билан ҳам ёзилиб гаплашмайди. Нуқул китоб ўқийди ёки қафасдаги кушларига дон-сув беради-ю, аквариумдаги балиқларга соатлаб тикилиб ўтиради. Ориқлаб кетганидан жағи чўзилиб, қулоқлари бадтар шалпайиб қолди. Аксига олиб, Ёлқин ҳам йўқ. Амакисникига кетган эмиш. Тенгқурлари ичида у билан гапи келишар эди.

Шифтдаги қалдирғочларнинг инига термиледи. Она қалдирғоч билан ота қалдирғоч навбатма-навбат болаларига эмиш ташишади. Полапонлар сариқ тумшукларини катта-катта очганича энди пат чиқа бошлаган ожиз қанотларини силкитиб эмиш иштиёқида бараварига талпинишади. Бўстонбек ота-она қалдирғочнинг навбатда хато қилмаслигини астойдил аниқлаб кўрмоқчи бўлди. Буни кўриб катта қалдирғочлар хавфдан огоҳлантиргандай ин атрофида чир-чир айланиб, шиддатли овозда алланималар деб чуғурлашди. Полапонлар эсатовуш чиқармай ин ичига пусиб олишди.

Бўстонбек жойига ўтириб, ўзини бепарво бўлгандек тутди-да, уларни зимдан кузата бошлади. Энди катта қалдирғочлар эмиш олиб келганида ёки эмиш истаб кетаётганида, уя атрофидан бир-икки давра айланиб қўяди. Полапонлар чиқиндиларини инларига ташламас экан. Ота-онаси эмиш бериб ортига қайтаётганида, полапонлардан бири дарров орқасини ўтиради. Катта қалдирғоч чиқиндини тумшугида илиб олиб чиқиб кетади. Баъзан унис, ё буниси кир ёйиладиган доргами, устундаги қозиққами кўниб, алланималар деб сайраб қўяди. Бўстонбек уларни кузатиб ўтириб ҳамма нарсани унутди, кўнглидаги гашлик кўтарилгандек бўлди.

Пиёла жарангидан томоша гашти бузилди: Тухфанисо буви уйғониб, чой қуйишга уринар эди. Бўстонбек ўрнидан туриб сўри томон юрди. Унинг шарпасини сезган бувиси (Тухфанисо буви кўрмайдиган бўлиб қолган эди) койий кетди.

– Қаёқларда сандирақлаб юрибсан, қўзим. Ке, чойингни ич. Мунча мотам тутасан энди. Ҳалиям лагерни ўйлаяпсанми? Сенинг феъли-атворингни билмишмайди-да. Кўнглинг тоза ўзи, меҳр-оқибатлисан. Жонзотларни яхши кўришинг кўнглинг тозалигидан, меҳринг сероблигидан... Қўй, хафа бўловурма. Чойингни ичиб ол. Сўрининг устига катта дастурхонни ёзайлик, тутдан қоққин, маза қилиб икковимиз ейлик. Даданг билан ойинггаям олиб қўямиз. Ишдан келиб муздаккина ейишиб олади. – Бувиси гапдан тўхтаб бир оз турди, эсига тушиб сўради: – Айтгандай, беҳи кўчатингнинг ранги қандай, қўзим?



- Яшил рангда, буви.
- Мана энди тутгани рост бўлди. Саратонда билинади демаганмидим.

Аммо Бўстонбекнинг хаёли ҳамон қалдирғочларда эди...

Тухфанисо буви елпинишдан тўхтаб:

- Чоч олдиргани бормадинг-ку, Бўстонбек, – дея, елпингичини ёнбошига қўйди-да, сертомир чайир қўлини тўшакнинг остига тикди. – Даданг пул ташлаб тайинлаб кетган-а...

\* \* \*

Тухфанисо буви Бўстонбекнинг орқасидан тайинлаб қолди:

- Кўзингга қараб юр, мошиналардан эҳтиёт бўл.

Кўчада машиналар ҳам, одамлар ҳам кўп. Ҳамма ўз ўйи, ўз иши билан банд: қаёққадир, нимагадир ошиқади. Машиналар у ёқдан-бу ёққа ўқдай учиб ўтади.

Бўстонбек тротуарнинг<sup>1</sup> бир четидан борябди. Машиналарга, кўп қаватли биноларга, дўкон ва ранг-баранг лавҳаларга беихтиёр аланглайди. Чорраҳада йўлни кесиб одамлар ўтарди. Бўстонбек уларга қўшилиб олишни чоғлади-да, қадамни жадаллатди. Лекин у кеч қолган эди. Энди юра бошлаган машина гийқиллаб тўхтади. Бўстонбек учун орқага тисарилишнинг иложи қолмаган эди, шунинг учун олға югурди. Орқасидан шофёрнинг сўкинган овози эшитилди. Рўпарада ҳасса тутган чол бошини тебратиб:

- Ҳа, ўғлим-а! Бай-бай, худо бир сақлади-я, – деди унга пешвоз талшиниб.

Қўрқув ва хижолатдан бир аҳволга тушган Бўстонбек индамай ерга қаради.

- Қаёққа кетябсан, жигарим, – деди чол ва ҳамдардлик билан унинг елкасига қўлини қўйди.

- Чоч олдиргани, – секин жавоб берди Бўстонбек.

- Кимнинг ўғлисан? – жавоб кутмасдан саволини тузатди:

- Кимнинг неварасисан?

- Бобоёр кўнчининг.

– Э-э-э, – тўхтади чол, – Бобоёр кўнчининг неварасиман дегин, жийдалилик. Уйинглар ҳалиям Жийдаликдами?

– Сиз қаёқдан биласиз, ота? – Бўстонбек чолнинг афти-анғорига ҳайратланиб қаради, – Йўқ, ҳозир уйимиз микрорайонда. Дадам уйимиз илгари Жийдаликдайди дегандилар.

- Биладан-да, жигарим. Опоқ даданг<sup>2</sup> қўли очиқ, жуда сазий йингит эди.

<sup>1</sup> Тротуар – катта йўлнинг икки четидан йўлак.

<sup>2</sup> Опоқ дала – шевага хос сўз. Андижон. Уш томонларда бобоши «Опоқ дала» дейишади.



Бўстонбекнинг кўнгли кўтарилиб кетди! Бошқа оламга тушиб қолгандай бўлди. Одамларга нисбатан бояги совуққон қараши ўзгарди. Кекса чол унга сеҳргар авлиёдай туюлди. Унинг сарғиш ҳассасига, ўнгсиз қавима тўни-ю чуст нусха дўписига, оппоқ соқол-мўйлов қоплаган юзига ихлос билан разм солди.

Боланинг ўзига ҳайрату меҳр билан қарашидан далда олган чол гапини давом эттирди:

– Бувинг Тўпанисаниям биламан. Маҳалла аҳли аёлларининг гули эди.

Гаплашиб сартарошхона остонасига етиб келишган эди, ўзидан ва суҳбатидан умид узолмай иккиланиб турган Бўстонбекка:

– Кировур, кировур, жигарим, мен ҳам кираман, – деди чол.

Битгасининг сочини олиб бўлиб иккинчисига ўтган сартарош оёқ остига тўкилган сочларни бепарво депсаб, иккинчи миждоз билан машғул бўлди. Бу ҳолдан Бўстонбек ижирғаниб турган эди, чол бир-икки томоқ қириб тараддудланди-да:

– Ҳеч бўлмаса, ановини супуриб бурчакка тўплаб қўйинг. Гапимни оғир олманг, ўғлим, – деди...

Бўстонбек сочини олдириб бўлгач, чол у билан хайрлашар экан:

– Бувингга мендан салом айт, Миролим кигизчи салом айтди дегин, – деб тайинлади...

## ? Савол ва топшириқлар:

1. Шоир ва ёзувчи Қўлдош Мирзо бобонғиз ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Ўқиганларингиз асосида айтинг-чи: Бўстонбек Сизда қандай таассурот қолдирди?
3. Бўстонбекнинг лагерь режимини “бузганлиги”га қандай қарайсиз? Ким ҳақ?
4. Лагерьдан қайтиб келгандан кейинги Бўстонбекнинг руҳий ҳолати, кайфиятини тасвирлаб беринг. У нимага қизиқиб қолди?
5. Бўстонбек соч олдиргани бораётганида йўлда қандай ҳодиса юз берди? У ким билан танишиб, суҳбатлашди?
6. Бўстонбекнинг атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, норозилиги ёрқин ифодаланган жумлаларни топиб ўқинг ва изоҳланг.

\* \* \*

Бўстонбек айвонда, қучоғида ўқиётган китоби, қалдирғочларнинг ишини кузатиб ўтирибди. Айвондан пастда, яланг-даги стол атрофида дadasи Кенгашбой ака ўзидан ёшроқ, ёз бўлишига қарамай, галстук тақиб, костюм кийиб олган гавдали йигит билан суҳбатлашябди...





Бўстонбекка қалдирғочларнинг ишини кузатиш мароқлироқ эди.

Қалдирғочлар энди болу пар чиқариб катта бўлиб қолишган. Тўшлари пахтадек оппоқ, қанот ва думлари қора барқутдай йилтираб товланади. Кўзлари намли ва сурма қўйгандек қоп-қора. Ота-онаси емишни ва сайрашни машқ қилдиради. Полапонлар навбатма-навбат уя қирғоғини оёқлари билан чангаллаганича жўш уриб қанот қоқишади. Ҳар бири ўз галини зориқиб кутади. Юраклари ҳаприқади. Фақат уларнинг ичида энг кичкинаси ожизгина қанот қоқади. Тездагина ин ичига олади ўзини. Баъзан ўз навбатини ўтказиб ҳам юборади. Бўстонбекнинг нигоҳи негадир полапонлар орасидан уни илғаб ажратиб олди. Унинг ин қирғоғига чиқишини, учишни машқ қилишини кутади...

Шу пайт бехосдан энг кичкина полапоннинг оёғи ин қирғоғидан узилди-да, ожизгина қанот силктиганича сузиб бориб уй деворига урилди. Потирлаб ерга тушди. Она қалдирғоч “чов-чов” дея кескин-кескин овоз чиқариб ўзини у томон отди. Бўстонбекдан ҳайқиди шекилли, боласи олдига қўнмади, устида гир-гир айлана бошлади. Унинг таҳликали овозини эшитиб, ота қалдирғоч ҳам етиб келди.

Дадаси билан меҳмоннинг суҳбати узилди.

– Қоч! Бу ёққа чиқ, Бўстонбек, – деди бу ҳолни кузатиб турган дадаси. – Узлари олиб чиқволади.

Ота қалдирғоч боласи олдига қўнди. У кўтарилиб, боласи олдига она қалдирғоч ўтирди. Улар боласини ҳаракат қилишга, учиб кўтарилишга ундашар эди. Полапон учди, учди-ю, ингача кўтарила олмади, деворга бориб урилди-да, сурилиб тушди.

Айтилаётган сўзларнинг мазмунидан нима таплогини англади шекилли, Тухфанисо буви:

– Ўз ҳолига қўй, Бўстонбек. Қалдирғочлар эсин бўлишади, ўзлари уясига олиб чиқиб кетишади, – деди сўридан.

Бўстонбек бувисининг олдига бориб ўтирди. Қалдирғочларнинг хагги-ҳаракатларини ўша ердан кузата бошлади.

Бувиси пайпасланиб неварасининг бошига қўлини қўйди. Аввал бошини, кейин бет-кўзларини силади. Силар экан, сўзлади:

– Мунча озиб кетдинг. Таътилда, дам олишдям озасанми. Ёзлигинг йўқ ўзи сенинг. Катта аммангникига бориб, бир ҳафта ўйнаб келамиз. Тўйиб сут ичиб, тўйиб қаймоқ ялаб, ўзингга келиб қоласан, ўқиш бошлангунича.

...Шом қоронғисигача айвонга биров йўламади – қалдирғочларни ўз ҳолига қўйиб бердилар. Ота-она қалдирғочлар-



нинг уринишлари беҳуда кетди – полапон уяга чиқа билмади, дераза рафида қолди.

Бўстонбек дераза рафидан қалдирғоч боласини осонгина тутди. У жуда ҳам майин-мулойим эди. Митти юрагининг тез-тез ураётганини Бўстонбек кафти билан аниқ сездди. Дадаси тутиб турган ҳавозасимон ёғочга қўндирди. Кенгашбой ака уни аста кўтариб уяга илаштириб қўйди.

\* \* \*

Хўрозлар мусобақалашаётгандай басма-басига кичқиришади. Қўй-қўзилар, сигир-бузоқлар бақириб-чақириб эгаларини чорлайди, далага ошиқади, бир-бирларини кўмсаб зорланади. Тонг чоғи қишлоқ узра ана шунақа ғалати садолар янграйди.

Қишлоқ кўчалари кунда икки бора – эрталаб ва оқшом пайти жонланиб гавжумлашади. Бугун одатдан ташқари қизариб чиққан қуёш икки терак бўйи кўтарилган, ҳаво алланечук дим. Ёзнинг иссиғи элитган қишлоқ сокинлик қўйнида мудрайди.

(Мана, бир неча кундир-ки, Бўстонбек бувиси билан қишлоқда – Собирахон аммасиникида.)

Мудроқликдан бетоқатлана бошлаган Бўстонбек ўзига эрмак қидиради. Томорқа четларидаги дарахтлар остида ўралашади. Турли-туман шаклдаги қуш инларига аланглаб қарайди. Қушларнинг ташвишларга тўла фаолиятларини эҳтирос билан томоша қилади. Бўстонбекдан ҳадиксираган қушлар вақтинча ишларини тўхтатади, бир-бирларига, индаги болаларига оғоҳлантирувчи товуш беради...

Шу чоғ болаларнинг кўчадан эшитилган қий-чуви, кучукнинг вангиллагани Бўстонбекнинг эътиборини тортди. У шошилиб кўча томон юрди. Бўстонбек қурам уч-тўрт бола қочиб омбир ичига яширинган кучукни чиқармоққа уриниб дағдаға қилишар, ҳуштак чалишар, тош-кесак отишар эди. Аллақайси дарвозадан ҳаворанг футболкали бола таёқ кўтариб чиқди.

– Наридур ҳамманг! Муни менга қўйиб бер! Қани чиқмай кўрсин-чи, – дея у тантанали қиёфада таёқни омбирга суқа бошлади. Бечора кучук аянчли вангиллаб зорланар, шафқат сўрар эди. Ҳаворанг футболкали бола эса ғайратта кириб авж олар, шодланиб қийқирар эди.

Таёқ суқаётган бола тоқати тоқ бўлган кучукнинг омбирдан қандай чиқганини пайқамай қолди. Қанча жанговарлик кўрса-таётган бўлмасин, кучук чиққач, у чўчиб ўзини четга олди. Думини бутлари орасига олган сариқ кучук кўчанинг Бўстонбек турган томонига ура қочди-ю, бирдан Бўстонбекни кўриб потирлаганича орқага чекинди. Чекинган томонда уч-тўрт бола.



Танг аҳволда қолган кучук ўзини яна беихтиёр омбирга урди. Ҳаворанг футболкали бола таёғини яна ишга солди. Кучук боғидан ҳам баттар зорланиб ғингшийтиди. Бола тобора авжга минади. Энди болаларнинг юз-кўзларида, хатти-ҳаракатларида ачиниш аломатлари кўрина бошлади. Лекин бирортаси ҳаворанг футболкали болани тийиб қўйишнинг иложини топа олмас эди. Бўстонбек тортиниброқ болаларга яқинлашди. Жафокаш кучук зорли-зорли вангиллайди.

– Нега бундай қиласан? Сенга нима қилди бу кучук? Қўйсанг-чи, эй бола. Нима кераги бор! – деди газабдан ранги оқариб кетган Бўстонбек, қалин киприкли кўзларини пирпиратиб.

Ҳаворанг футболкали бола бир зум тўхтаб, Бўстонбекка ўқрайиб қаради-да:

– Сени ишинг бўлмасин, бор, йўлингдан қолма! – деди.

– Ўз ҳолига қўйсанг-чи! Одаммисан?! Шуюм ўйин бўлдимиз!!

– Бўстонбек унинг қўлидан таёғни тортиб олмоққа чоғланди.

– Рост-да. Бўлди-да энди, Маҳмуд, – болалар Бўстонбекнинг гапини қувватлашди.

Маҳмуд устига бориб қолган Бўстонбекни таёғнинг учи билан нуқиди. Газаб куч бағишлаган Бўстонбек таёғни иккала қўли билан шаппа ушлаб, силтаб тортиб олди-да, нарига улоқтириб ташлади. Кўча юзасига чиққан Маҳмуд кўлларини Бўстонбекнинг кўксига тираб, туртиб юборди. Орқага каловланиб кетган Бўстонбек ўзини тутди-да, жанговар ҳолатга кириб рақибига мушт отди. Иккинчи муштини ургунча чаккаси аралаш пешонасига зарб еди.

Болалардан бири, майкачан бола, орага кирди. Маҳмуднинг елкаларидан тутди:

– Ҳовлиқма, Маҳмуд! Тўғри гапни қабул қилиш керак. Меҳмон болага тегма. Жуда уришнинг келаётган бўлса, маъна мен билан уриш!

Маҳмуд четга қараганича:

– Нега энди сен билан уришарканман, Аваз, – деди. Нарироқ бориб:

– Бегона болани меңдан аъло кўряпсан-а... – деб ғудрана-ғудрана дарвозага кириб кетди. Унга жавобан:

– Ким тўғри иш қилса, мен ўша томондаман, – деди Авазбек.

Омбирдан чиққан кучук фурсатни ғанимат бишиб, айнақачон қочиб қолган эди.

\* \* \*

...Кучук хусусида Маҳмуд билан бўлган тўқнашувдан сўнг Авазбек Бўстонбекни ёқтириб қолди, Бўстонбек уни. Улар ўзаро тил топишиб, ўз-ўзидан дўстлашиб кетдилар...



...Бўстонбек шаҳарга қайтар чоғда икки дўст бир-бири билан ҳар доим алоқа қилиб туришга келишиб, хайрлашдилар.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Бўстонбек кузатган қалдирғоч болаларининг хатти-ҳаракатларини сўзлаб беринг.
2. Энг кичкина полапонча қандай саргузаштларни бошидан кечирди?
3. Бувиси Бўстонбекининг озиб кетганини қандай қилиб билиб қолди? “Ёзлигинг йўқ ўзи сенинг” деган жумлани изоҳланг.
4. Бўстонбекининг қишлоқдаги фидоийлиги ҳақида сўзланг. Унинг ўрнида сиз бўлганингизда қандай йўл тутган бўлардингиз?
5. Қишлоқ тонги тасвирланган жумлаларни топиб қайта ўқинг ва ўзингиз кузатган қишлоқ тонги билан қиёсланг. Ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқланг.

\*\*\*

Қалдирғочларнинг полапонларини учирма қилиш тантанасини кузатиш айниқса мароқли. Зурриёт ўстиришнинг барча босқичидаги каби, бу тантанани ҳам она қалдирғоч билан ота қалдирғоч иккаласи ҳамкорликда ўтказишади. Бу – белгилли кун – қуёш олам узра жамол кўрсатгандан кейин бошланади. Дастлаб нисбатан энг катта полапонни индан ташқарига олиб чиқишади. Энг яқин масофадаги қўналғага – ё айвон устунидидаги қозиққа, ё кир ёйиладиган дорга қўндиришади. Кейин бошқаларини, катта-кичиклигига қараб, навбат билан олиб чиқишади...

Қалдирғочларнинг эрта тонгдан тараддудга тушганини пайқаган Бўстонбек айвонни холи қолдириб, уларни ташқаридан томоша қилябди. Индан биринчи чиққан полапон отасининг орқасидан эргшиб айвонни бир давра айланди-да, устундаги қозиққа бинойидек қўниб олди. Она орқасидан эргашган иккинчиси дорга қўнди. Лекин мувозанатни сақлай олмай бирпас қанотларини липиллатиб тебраниб турди-да, дордан учиб индоши қўнган қозиққа борди. Қозиққа сиғишмас эди, индошига тирмашди: индоши силкинган эди, сурилиб кетди. Ота-она қалдирғочлар унинг устида чарх уришди. Полапон иккинчи қозиққа интилди, лекин мўлжалга бориб қўна олмади. Чарчаб қолди шекилли айвон сўриси устига бориб тушди. Ота-онаси унинг устида “яна койиниб” учишади. Полапон тушган жойида пусиб туриб қолди. Юрмоқчи бўлди, тетапоя бир-икки қадам босди-ю, тўхтади. Бу орада она қалдирғоч полапони олдига қўнди. У ҳам, чўғ устида юргандай беўхшов ҳаракат билан тетапоя юрди. Бўстонбек, юраги қайнаб, айвон томон беихтиёр бир-икки қадам босди. Она қалдирғоч ўрни-



дан кўтарилди-да, кескин-кескин товуш чиқариб, Бўстонбекдан қизғангандек бўлиб, ёрдамга етиб келган ота қалдирғоч билан биргаликда боласи устида айлана бошлади.

– Бўстонбек, қаердасан? – сўридан овоз қилди Тухфанисо буви. – Қалдирғочларга нима бўлди, ваҳимага тушиб қолишди?

– Болаларини учирешябди, буви.

Бўстонбек бувисига жавоб берябди-ю, кўзи айвондаги қалдирғоч боласида. Ота қалдирғоч ортимдан уч дегандек иккинчи устундаги қозиққа бориб қўнди. Орқасидан полапон учди, устунга борганда, ота қалдирғоч қозиқни бўшатиб берди. Шундай қилиб, иккинчи полапон ҳам эсон-омон қозиққа қўниб олди. Учинчи, тўртинчи полапонларни ҳам шу тахлит индан ташқарига олиб чиқишди. Лекин негадир бешинчи – кенжа полапонни индан олиб чиқишмади, у ўзи ҳам ташқарига учишга интилмади. Бўстонбек кўнгли билан таниди: бу ўша, бир вақтлар ерга тушиб кетган полапон эди.

Ота-она қалдирғочларнинг бири болалари яқинида бўлса, иккинчиси емиш гамида учиб кетар, топиб келган овқатини полапонлар оғзига солиб қўяр эди.

Қалдирғоч болалари шу кунни уйдан узоқлашишмади. Наридан борса, осмонда бир-икки давра айланишиб, симга ёки айвон дорига қўнишди.

Кечки пайт уларнинг инга қайтиб кириши ҳам қизиқ бўлди. Ота ёки она қалдирғоч уқтириб кўрсатар, яъни ўзи учиб бориб ин қирғоғига қўнар, то боласи орқасидан учиб бориб инга қўнмагунча, бу ҳолни бир неча бор такрорлар эди.

Эртаси кунни, бешинчи қалдирғоч боласи қайси маҳал ва қандай қилиб индан учганини билмайди, Бўстонбек кўча айланиб қайтса, у дераза рафида ўтирибди. Ота-онаси уни шу ерда озиқлантириб турди.

Кечки маҳал, ота-онаси қанча уринмасин, бешинчи полапон инга қайтиб чиқа олмади. Шом ғира-ширасида ҳам, чироқ ёруғида ҳам ҳуфтонгача уринишди, бўлмади: инга учиб чиқиш тугул, устун қозиғига ҳам қўнолмади. Дераза рафида қолиб кетди.

Кунлар ўтди, энди қалдирғоч болалари кўкларда парвоз қилади, узоқ-узоқларга кетади. Ота-онаси тумшугидаги емишни осмоннинг ўзида учиб туриб илиб олади. Инга ҳам сиғишмай қолишди, бир-бири билан ўрин таллашишади, бир-бирини қисиб чиқаришади. Гоҳ униса, гоҳ буниса у ер-бу ерда тунайдилар. Ота-онаси-ку, кўндан бери уяда тунамайди.

Бешинчи полапон бўлса, осмонда узоқ учмайди, олисга ҳам кетмайди. Кўпинча телефон симида ўтиради. Мабодо инга ўр-



нашиб олган бўлса, ўша куни у ердан чиқмайди. Баъзан ё отаси, ё онаси унинг олдида узоқ-узоқ ўтириб қолади.

Бешинчи полапонни энди Бўстонбек аниқ танийди, ўнлаб қалдирғочлар ичидан уни фарқлай олади. Унга юраги ачишади.

\* \* \*

Октябрь ойининг ўрталари. Куз салқини тушган, айниқса кечалари у баданни жунжиктиради. Боғ-роғларда мева-чевалар терилиб, полизлар хазонак бўлаёзган. Дов-дарахтлар япроқларининг ранги бузилган...

Тўртинчи дарсдан кейин Бўстонбек бетоқатлана бошлади, кўнглининг уйга талпиниши кучайди. Бешинчи полапон эрталаб уядан чиқмай қолган эди. У одатда уйдан узоқлашмас, кўкда кам парвоз қилар, ҳалигача ота-онасининг ғамхўрлигига муҳтож эди. Негадир одамдан чўчимас, қочмас эди; баъзан дераза рафида, вешалка<sup>1</sup> устида, ҳатто уй ичининг аллақаерида тунаб қолади.

Бошқа полапонлар эса ўз тирикчилигини ўзлари ўтказишади. Ота-онасининг уясига келса келади, бўлмаса йўқ. Кўринишда ҳам ота-онасидан кам фарқ қилишади: думларининг икки томонидаги шоҳ-парлари қайчи учларидек уч тортиб қолган, патлари тиниқлашган, тўшлари оппоқ пахтадек, усти қора барқутдек товланади.

Биология ўқитувчиси Зиёда Бозоровнанинг тароқ гулли қора атлас кўйлаги Бўстонбекка қалдирғочни эслатади. Бешинчи полапон ҳозир қаердайкин, нима қиялбийкин? Бу муаллима ҳам қалдирғочдек мулойим-майин ва беозор. У парталар оралаб ўтаётганда, Бўстонбек буни аниқ ҳис қилди.

Бўстонбек мактабдан келганда, қалдирғочлар мажлиси авжида эди. Ҳаво очиқ ва илиқ; офтоб чарақлаб турибди. Икки симёғоч оралиғида симларга узоқ-яқиндан қалдирғочлар йиғилган. Айримлари унда-бунда учиб-қўниб туради. Вижирлашиб ниманидир қизғин муҳокама қилишади, бири олиб, бири қўяди. Бўстонбекни қалдирғочлар мажлиси эмас, бешинчи полапон ва унинг аҳволи қизиқтиради. Қалдирғочлар ичидан уни қидиради. Мажлис қураётган қалдирғочлар орасида у кўринмасди. Бўстонбек ҳовлига киришга, сумкасини қўйишга шошилмайди. Аланглаб, эҳтиросли кўзлари билан бешинчи полапонни қидиради. Ана у, ўзларининг томига тортилган симда ўтирибди. Ҳа, худди ўша. Қунишиб ўтиришидан билиниб турибди. Нега у мажлисда қатнашмаябди? Бўстонбекнинг назарида яна ҳам ғариб, ожиз кўринди у. Мунгли ўтиришидан унинг жуда хафа эканини кўнглининг назоратчи туйғуси билан сезди.

<sup>1</sup> Вешалка (р) – кийим илдинадиган мослама.



Сумкасини сўрига ташлаган Бўстонбек, тушлик қилишни ҳам унутиб, уни кузатди. Бешинчи полапон учиб қалдирғочлар давраси томон борди, лекин қўшила олмай орқасига қайтди. Том устида бир давра айланди-да, айвонга кириб, инга қўниб олди.

Шу воқеадан бир кун ўтгач, бирдан ҳаво айниб, ёмғир ёғди. Кечга бориб қор учқунлай бошлади. Дераза, эшиклар ҳам ёпилди. Қалдирғочлар ҳам тўсатдан ғойиб бўлишди, ўзлари кўринмай, овозлари эшитилмай қолди. Бешинчи полапон ўзини инга урган, чироқ нурида қунишиб ўтирибди. Бўстонбекнинг унга қараб ичи ачишди.

Бувиси ҳар вақт: “Ҳамма қушлардан қалдирғоч эрта туради. Қалдирғочдан ибрат ол”, - дейди, У ҳам ҳар галгидан эрта туриб, ташқарига қулоқ солди: қалдирғочларнинг товуши келармикин? Ҳовлига чиқиб, олазарақ бўлиб осмонни кузатди...

Мактабга кетаётиб ҳам нигоҳи билан осмонни кузатиб борди. Ҳар танаффусда фақат бир қалдирғоч шиддат билан пастлаб учиб ўтганини кўрди, холос. Шундай қилиб, Бўстонбек қалдирғочларнинг қайси маҳал қандай сафар қилганини пайқамай қолди.

Мактабдан келса, бешинчи полапон ҳамон инда ўтирибди. Чиқиб кетармикин деб, деразани очиб қўйди. У айвон ичида бир давра айланиб қўйди, холос, ҳамжинслари йўқлигини билгандек, ташқарига чиқмади.

– Деразани нимага очиб қўйдинг? Ёп, қўзим, тиззаларим қақшаб кетди. Бу йил қор эртароқ тушди. Нима бўларкин. Ишқилиб, енгиллигини берсин.

– Деразани атайин очиб қўювдим, буви, қалдирғоч учун.

– Ҳе-е, кетиши керак улар энди.

– Ҳаммаси кетишиб бўбди. Шу битта қалдирғоч қолди, холос.

– Иўғ-е, осмонларни тузукроқ кара, қўзим. Ташлаб кетишмас. Қайси қалдирғоч бу?

– Икки кундан бери қараябман, буви. Ҳалиги энг кичкина боласидан бошқа қалдирғоч кўринмайди.

– Ҳе-е, тўпидан айрилиб қобди-да. Ким билади, атайин ташлаб кетишганми. Уларниям ўз қондаси бор. Бу қалдирғоч боласи нимжонроқ бўлди-да, ҳам одамга ўзини яқин олади. Қушларингга қўшиб боқоврасан. Сенинг қуш, ҳайвонларини яхши кўришингни билиб қопти, шекилли. Қалдирғочлар иссиқни яхши кўришади, совуққа ҳуши бўлмайди, шунга ҳазир<sup>1</sup> бўласан.

– Буни боқиш қийини-да, буви. Ҳашорат билан озиқланади. Қурт-қумурсқани қаердан топаман қишда?

<sup>1</sup> Ҳазир – эҳтиёт, ҳушёр.



– Топилади. Ўлимнинг иложи йўқ, кўзим, бошқасининг иложи бор. Иссиқ жойда чивин ва қумурсқа бўлади. Тувакдаги гуллариингдан ҳам майда ҳашоратлар йўқолмайди. Туриб қолган қовун-гарвуз, мева-чевага чиркак деган майда ҳашорат келади. Шулар билан боқасан-да. Иложи бор эканми?..

\* \* \*

Ташқарида қаҳратон қиш. Ер бети, томлар қалин қор билан қопланган. Қуёш нурлари совуқнинг дамини кесолмайди, қорда учқунланиб жимирлайди. Дов-дарахтлар совуқда қорайиб турибди, таналаридаги лахтак-лахтак қорлар жулдур кийимларга ўхшайди...

Шундай кунда Бўстонбекларнинг ўйида қалдирғоч овози эшитилади, райҳон иси анқийди. Ёзнинг иссиқ кунлари, анвойи-ранг манзараларни, яна кимларнидир қўмсагандек, қалдирғоч паст овозда мунгли вижирлайди.

– “Ортиқвой”нинг қурсин, – дейди Бўстонбекнинг онаси Сабохон она, буфет устидан алланарсаларни оларкан. – Ҳаммаёқни доғ-дуғ қилиб ташлади бунинг чиқиндилари. Тезроқ баҳор кела қолсайди бунинг иқболига.

– Ундай деманг, бу ажойибхонадан ҳам қизиқ бўлди болаларга. Кеча бир тўп бола қалдирғочни томоша қилгани кирибди...

– Ёшим шунчага етиб, қишлаб қолган қалдирғочни биринчи кўришим, Сабохон, – гапга аралашди Тухфанисо буви. – Тирик қолиб, эсон-омон яшаб юрганини айтинг. Қалдирғочни ушлаган одамнинг қўли қалтироқ бўлади дейишади. Бу беозор паррандага тегажоқлик қилмасин деб, айтишган экан-да бу гапни. Бўстонбек неча марталаб ушлайди, мана. Яхши ният билан ушлагани учун, худога шукур, бирор зиёини кўрмадик.

Ёлқиндан Бўстонбекнинг қалдирғоч боқаётганини эшитган болалар мактабдан қайтишаётиб уни кўриб чиқиб кетишган, ҳар қайсиси ўз ҳайратини изҳор қилган эди.

\* \* \*

Мактабда Наврўз байрамига қизғин тайёргарлик бошлаб юборилди. Бўстонбекларга – 6-“Б” синфига бу тантанага бой-чечак топиб келиш ва картон қоғоздан қалдирғочлар расмини яшаш топширилди. Биология муаллимаси Зиёда Бозоровна топшириқни айтар экан, Ёлқин тошиқиб:

– Бобоёровда ростакам қалдирғоч бор, жонли қалдирғоч, – деб юборди.

– Қандай? Қалдирғочлар ҳозирча учиб келгани йўқ-ку. Ҳали эртароқ, – деди Зиёда Бозоровна, бу анчайин гап дегандай, кўп ҳам аҳамият бермасдан.





– Йўқ, шу ерда қолган, қишлаб қолган қалдирғоч, ая, – изоҳ бера бошлади Ёлқин. – Бобоёров киши билан уйда парвариш қилди. Биз ҳам озиқлантиришда унга кўмаклашиб турдик.

Зиёда Бозоровна энди чинакамига қизиқиб қолди. Бўстонбекдан қишлаб қолган қалдирғочнинг тафсилотини астойдил суриштира бошлади. Ҳатто дарелардан кейин Бўстонбекларнинг уйига келиб, қалдирғочни кўриб ҳам кетди. Бўстонбекнинг дадаси Кенгашбой ака билан қалдирғоч тўғрисида анча суҳбатлашди. Чунки Кенгашбой ака ҳам қалдирғочга астойдил қизиқиб қолган ва уни емиш билан таъминлашда кўп овора бўлган эди.

Бу вақтга келиб энди қалдирғоч айвонга ва гоҳо ташқарига ҳам чиқар, айвон ичида айланар, симга бориб қўнар, уй тепасида бир-икки давра учиб қўяр эди. Сайроғи ҳам анча жонланиб қолган. Унинг овози мусичаларнинг “қукура-қукур-қуку” сига, чумчуқларнинг чирқиллашига жўр бўларди.

\* \* \*

Бир куни Бўстонбек мактабдан келса, қалдирғоч ўзига шेरлик топиб олибди. Шеригига уй ва айвонларни кўрсатиб, айлантириб юрибди. Тovuши баланд, қувноқ жаранглайди.

Жуфти айвонга чиққан Бўстонбекдан чўчиб, хавф-хатардан огоҳлантиргандек, ваҳимали овоз чиқариб шифтда айлана бошлади. У қишлаб қолган қалдирғочни ташқарига қочиб чиқишга даъват қилар эди.

– Мен одамлардан кўрқаман, – дер эди у. – Мана ҳозир мана беўхшов кепка кийган ияги ингичка шалпангқулоқ турқи-талҳати ғалати бола кепкасини отиб тегажоқлик қилади. Қараб тургин-а.

– Йўқ. Нима деябсан ўзи? Одамлар яхши. Мен улардан ҳеч ҳам кўрқмайман. Аксинча, уларнинг ҳимоясига интиламан. Дунёда мана шу бола бөр экан, мен омон қолдим, сен билан топишдим, – деб жавоб берди қишлаб қолган қалдирғоч.

Албатта, уларнинг сўзларини Бўстонбек тушунмади. Фақат кўнглининг нозик сезгиси билан ҳис қилди. Танаси яйраб кетди. Шу сезги даъвати билан шотут томонга бурилди. Шотут пинжидаги куртаклай бошлаган беҳи кўчатига мамнун тикилди.

? *Савол ва топшириқлар:*

1. Қалдирғочларнинг полопонларини учирма қилиш тағтисини ўз сўзларингиз билан сўзлаб беришга ҳаракат қилинг.
2. Бешинчи полопон қаерда қишлади? Унга ким ғамхўрлик қилди?
3. Қалдирғочлар нега одамларга яқин яшайдилар, уларнинг ҳимоясида бўлишга интиладилар? Бу ҳақда бирор ривоят ўқиганмишсиз?



4. Қиссани ўқиб чиқдингиз. Ундаги кишиларнинг ташқи қиёфалари – портретлари тасвирланган ўринларни топиб ўқинг ва дафтарингизга кўчириб олинг.
5. Бўстонбек қандай бола? Унинг феъл-атворини тавсифлашга ҳаракат қилинг.
6. "Бўстонбек – қушлар ва ҳайвонлар дўсти" деган мавзуда эссе-иншо эзинг.

## Достон ҳақида

Қаҳрамонларнинг саргузаштлари, ўзаро муносабатлари ва кечинмаларини кенг кўламда тасвирловчи йирик ҳажмдаги шеърини ёки ҳам шеърини, ҳам насрий шаклдаги асарга достон дейилади. Достоннинг пайдо бўлиши ва тараққиёти фольклор билан боғлиқ. «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» каби достонларда халқнинг қаҳрамонона курашлари, орзу-интилишлари ўз ифодасини топган.

Достонлар мавзу жиҳатдан хилма хил, мазмун жиҳатдан бир бирига ўхшамайдиган ранг-баранг шаклларда ривожланиб келган. Шунга кўра ёзма адабиётимизда достоннинг қаҳрамонлик, ишқ муҳаббат, тарихий, фалсафий, саргузашт, ижтимоий маънаний ва шу каби турлари мавжуд.

Замонавий адабиётда достон поэма деб ҳам юритилади. Шунинг учун эпос ҳамда лирика хусусиятларига эга бўлган бундай лиро-эпик асарлар ҳам достон, ҳам поэма деб аталмоқда. Бироқ поэма достондан бироз фарқ қилади. Чунки поэмада ҳаётини воқеалар доираси достонга нисбатан тор бўлиб, лирик қаҳрамон – шоир образи алоҳида ажралиб туради. Замонавий поэма – достонлар ўтмишдаги достонлардан эпик тасвир ўрнига лирик тасвирнинг кучлилиги билан ҳам ажралиб туради. Замонавий реалистик поэма-достонларда баъзан битта, баъзан беш-олтита қаҳрамон иштирок этиши мумкин. Фақат биттагина қаҳрамон мавжуд бўлган достон-поэмада воқеалар лирик қаҳрамоннинг кузатиши, хотиралари орқали берилади. Саида Зуннунованинг «Рух билан суҳбат», Т. Адашбоевнинг «Бургутнинг ўлими» каби достонлари бунга мисол бўла олади.

Достон-поэмаларда ҳам турли хил бадний тасвир воситаларидан унумли фойдаланиш мумкин.

### ? Савол ва топшириқлар:

1. Достон жанри ҳақида нима биласиз? У адабиётнинг қайси турига киради?
2. Достонлар мавзу жиҳатдан қандай турларга бўлинади?
2. Замонавий достон-поэмаларнинг ўзига хослиги нимада?



# ЭРКИН ВОҲИДОВ

(1936 йилда туғилган)



Эркин Воҳидов 1936 йилнинг 28 декабрида Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида ўқитувчи оила-сида туғилди. Эркин ота-онасидан жуда эрта айрилди. Шу сабабли Тошкентдаги тоғасиникида яшаб, Маннон Уйғур номли 22-ўрта мактабни тамомлади. Унинг биринчи шеъри 7-синфда ўқиётганида «Муштум» журналида босилиб чиқди. Эркин ўқувчилик даврида Островский номидаги болалар саройининг адабиёт тўғарагига мунтазам қатнашиб турди. Ўша пайтларда тўғаракни домла Файратий бошқарар эди. Маз-

кур тўғарак аъзоларидан бир неча киши кейинчалик ижодкор сифатида фаолият кўрсата бошладилар. Булар орасида Эркин ўзининг синчковлиги, теран фикрлилиги билан бошқалардан ажралиб турар эди.

Эркин Воҳидовнинг биринчи шеърлар тўплами 1961 йилда босилиб чиқди.

«Ўйлаб қарасам, – дейди Эркин Воҳидов, – болалик хотираларимнинг кўпчилиги шеърларга, дostonларга кўчган экан». «Нидо», «Қуёш маскани» дostonлари, «Болалик», «Оқсоқол», «Болалик экан-да» шеърлари ўша мурғак тасаввур, илк хотираларнинг меваси бўлган.

Сизга тақдим этаётганимиз – “Палаткада ёзилган дoston” эса шоирнинг кундалик кузатишлари асосида ёзилган бўлиб, у 1966 йилда Тошкент шаҳрида содир бўлган мудҳиш zilзила – ер қимирлаши ҳақида ҳикоя қилади.

## Палаткада<sup>1</sup> ёзилган дoston (парчалар)

26 апрель

“Тошкент” сейсмик станцияси<sup>2</sup> хабар беради: “Бугун 26 апрель эрталаб 5 дан 23 минут ўтганда Тошкент шаҳрида кучли ер қимирлаш бўлди... Зилзила эпицентра<sup>3</sup> шаҳар остида... Зил-

<sup>1</sup> Палатка (р) – чодир уй.

<sup>2</sup> Сейсмик станция (р) – ер силжинишларини қайд қилувчи нishона.

<sup>3</sup> Зилзила эпицентра (р) – zilзила маркази.



зиланинг кучи марказда 7,5 – 8 балга етди. Дастлабки маълумотларга қараганда...”

Йўқ, бу дoston эмас,  
Булар барчаси –  
Зилзилада кўчган  
Шеърлар парчаси.  
26 апрель  
Тонг саҳар  
Қаттиқ силкинишдан  
Уйғонди шаҳар.  
Кварталлар<sup>1</sup> гўё  
Катта эшелон<sup>2</sup> –  
Силтаниб кўзгалди,  
Юра бошлади,  
Алланечук бўлиб  
Ёришди осмон,  
Қайдадир гумбурлаб  
Девор ташлади.

Бола қичқирғи,  
Аёлнинг доди,  
Итлар вовиллаши  
Қўшилди бир он.  
Бирдан кўтарилиб  
Муаллақ қолди.  
Қашқар маҳалланинг  
Устида тўзон.  
Бир зум ўтмай, барча  
Товушни босиб,  
Сирена<sup>3</sup> овози  
Таралиб кетди.  
Прожектор<sup>4</sup> каби  
Шаҳарни кесиб,  
“Тез ёрдам” ҳар ёнга  
Тарқалиб кетди.

..Бир аёл чақалоқ боласини бешиги билан кўтариб ўзини эшикка отди. Қўрқув, саросимада тошойнага урилиб беҳуш йиқилди...

Студент бола иккинчи қаватдаги ётоқхона деразасидан ўзини пастга ташлади. Ётоқхона ҳовлисига тахлаб қўйилган матраслар устига тушиб омон қолди. Чап кураги чиқиб, тирсаги бир оз лат еди...

Сўнгра жимлик чўқди,  
Тонг отди аста.  
Қуёш юпатгандай  
Қаради пастга.  
Одамлар эгнидан  
Чангини қоқиб,  
Ишга шошилади

Соатга боқиб.  
Яна давом этар  
Одатий ҳаёт,  
Одамлар,  
Одамлар –  
Мужассам сабот!

Шу кун тонгда кўчага чиққанлар бир ажиб ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар. Шаҳарнинг ҳамма соатлари худди зилзила юз берган дақиқани қайд этгандек, 5у 23 минутда тўхтаб қолган эди.

<sup>1</sup> Квартал (р) – кўп қаватли бинолар мажмуи.

<sup>2</sup> Эшелон – поезд ва унинг вагонлари.

<sup>3</sup> Сирена (р) – «Тез ёрдам» ва ўт ўчириш машиналарининг кучли сигнали.

<sup>4</sup> Прожектор (р) – кучли электр сўрулиги чиқарувчи чирок, лампочка.



Йўқ, бу дoston эмас,  
Булар барчаси  
Зилзиладан кўчган  
Шеърлар парчаси.  
Бу на чақирғу,  
На ташвиқ, шиор,  
Плакат на даркор?  
Нутқлар на даркор?

Шундай пайт бетарғиб,  
Бесўз, беалвон,  
Фалокат нимадир –  
Ҳаммага аён,  
Девордан узилиб  
Тушса плакат,  
Ахир битта бошга  
Бу ҳам "палакат"...

Бу бўлган воқеа. Катта идоранинг тепасига зилзила муносабати билан осилган бир плакат у кунги қаттиқ бўронда узилиб тушиб, бир пенсионернинг чаккасини ёрди.

Бу ишлар ўтмишга  
Берилди бу кун,  
Деворлар дарз кетди,  
Юраклар бутун.  
Биолар йиқилди,  
Одамлар яшар.  
Дўстларин чақирар  
Ҳашарга шаҳар.  
Режадан бошланар,  
Тонг горсоветда.<sup>1</sup>  
Шаҳар яшамокда,  
Ваҳмаси четда.  
Бу хабар Қаршига  
Учди кабелдан:  
"Ер ёрилиб кетди,  
Сув ҳозир белдан.  
Ўртоқ, Тошкент тамом».  
Бу гапни ўртоқ  
Термизга тарқатди  
Сал бўрттириброқ.  
Ваҳималар ўтди,  
Барчаси ортда.  
Нималар бўлмайди,  
Ахир, ҳаётда.  
Уй-жойда гап эмас,  
Жон бўлсин омон.  
Лекин шундай пайтда  
Билинар инсон.

Билинар ким танти,  
Ким беаҳамият.  
Бундай пайт узр, сўз  
Беаҳамият.  
Бу аён – ҳар нарса  
Силкинган пайтда  
Йириги юзага  
Чиқар албатта.  
Ер қалқди – ер билан  
Юраклар қалқди.  
Юзага туйғулар,  
Тилаклар қалқди,  
Одамлар ажралди  
Ун-у кепакка –  
Сарак - саракка-ю  
Пучак – пучакка.  
Бир дўстим сўзларди  
Минбардан туриб,  
Бурч, виждон ҳақида  
Кўксига уриб.  
Дерди: фидо бўлсин  
Жоним халқимга...  
Бу кун келиб қолди  
Жони ҳалқумга.  
Қалбим пайванд<sup>2</sup> дерди  
Усган еримга.  
Тонгги рейс<sup>3</sup> билан  
Учди Ўримга...

<sup>1</sup> Горсовет (р) – шаҳар ижроия қўмитаси.

<sup>2</sup> Пайванд (ф) – улаш, бириктириш.

<sup>3</sup> Рейс (р) – самолётнинг учиб вақти, навбати.



Илмий жамиятнинг  
Лектори,<sup>1</sup> мана,  
“Жаҳон даҳрийларин”<sup>2</sup>  
Энг зўри” – мана, –

Худойи ош ўраб  
Уч метр читга  
Ўглидан чиқарди  
Тонгда мачитга...

? Савол ва топшириқлар:

1. Эркин Воҳидов деган шоирни биласизми? Унинг шеърлари билан айни пиладиган кўшиқларни эшитганмисиз?
2. Зилзила, яъни ер қимирлашини ҳеч ҳис қилганмисиз? Қандай ҳолатга тушгансиз?
3. Достоннинг кириш қисмида зилзила оқибатлари қандай тасвирланган?
4. Шоирнинг “Одамлар – мужассам сабот!” деган сўзларини қандай тушунасиз?
5. Шоирнинг “...бу достон эмас, Булар барчаси Зилзиладан кўчган Шеърлар парчаси” мисралари маъносини изоҳланг.
6. Тошкент зилзиласи ҳақида қандай ваҳималар тарқалганлигини айтиб беринг.
7. Достондаги “Одамлар ажралди Сарак – саракка-ю Ун-у кепакка – Пучак – пучакка”, – қандай мазмунни ифодалайди?
8. Мисралардаги қофиялош сўзларни топиб, адабиёт дафтарингизга жуфти билан кўчиринг.

### Райсоветга ёзилган аризадан<sup>3</sup>

“...Кеча менинг уйимга келиб зилзила оқибатини текширган комиссиялар: “Уйи яшаш учун яроқли, зилзиладан зарар кўрмаган”, деб ёзиб кетибди. Ҳолбуки, меҳмонхонанинг икки жойидан ганч кўчган. Бу зарарнинг жаримасини ким тўлайди?..”

Бутун халқ кўзгалди,  
Ҳам бурч, ҳам ҳашар,  
Қишда палаткада  
Қолмас ҳамшаҳар.  
Дейдилар, кулфатда –  
Одам тумонот,<sup>4</sup>  
Тор уй ҳам дўст учун  
Бу ерда ишонч омонат.  
Бизлар беш жон эдик,  
Ўн бир жон бўлдик,  
Бир кунда танишиб,

Жонажон бўлдик  
Эл бошига ногоҳ  
Келган бу кулфат  
Бир-бирига қилди  
Ҳаммани улфат.  
Ёзув:  
“Уй омонат.  
Эҳтиёт зарур”  
Бундай пайтларда  
Эътиқод<sup>5</sup> зарур.  
Уй омонат бўлса,

<sup>1</sup> Лектор (р) – маҳрузачи; Бу ерда «динга қарши маърузаўқувчи» маъносидда.

<sup>2</sup> Даҳрий (р) – худоба ишонмайдиган, худосиз.

<sup>3</sup> Райсовет (р) – район, туман ижроня қўмитаси.

<sup>4</sup> Тумонот (т) – жуда кўп.

<sup>5</sup> Эътиқод (а) – ишонини, Аллоҳга сизгиниш.



Уй бўлсин бутун.  
Сабот – фишт, ганч каби  
Зарурдир бу кун.  
Гузар  
Узунқулоқ.  
Одам тумонот.  
Эҳтиёт!  
Бу ерда ишонч омонат.  
Бир мулла ютиниб  
Сўзлайди юввош:  
“Айб ўзимизда,  
Одамлар бевош.

Имонни<sup>1</sup> билмайди  
На кекса, на ёш.  
Хотинлар бениқоб,  
Қизлар яланг бош.  
“Гар ғазаб айласа  
Холиқи қудрат...”<sup>2</sup>  
...Шундай байт айтибдур  
Хувайдо<sup>3</sup> ҳазрат...”<sup>4</sup>  
Бежиз айтилмаган,  
Бу ҳақ бегумон:  
Фожиа ва кулгу  
Доим ёнма-ён.

### Трамвайдаги суҳбат

– Кеча футбол зўр бўлди-да!  
– Ўйиннинг ўртасида икки марта ер силтаб ташлади. Стадион худди бир коса сувдай чайқалиб кетди.  
– Айтганча, футболчилар ойлик оладими?  
– Катта пул олса керак. Красницкий<sup>5</sup> трамвай олган эмиш.  
Тунов куни газетада ўз кўзим билан кўрдим.  
– Трамвай эмас, травма<sup>6</sup> олган, овсар...

Ўтди даҳшатли кун,  
Қора саҳифа.  
Бугун студентлар  
Тўқир латифа...  
Аския пайрови  
Энг янги мавзу.  
Яна чойхонада  
Кўк чой ва кулгу...  
Яна кечагидек

Уйғониб саҳар  
Нонуштага патир  
Ясар кампирлар...  
Яна давом этар  
Одатий ҳаёт,  
Одамлар,  
Одамлар –  
Мужассам сабот.

### Болаларни жўнатиш

Кеча бир группа тошкентлик болалар Подмосковьёга<sup>7</sup> жўнатилди. Улар бу ерда уч ой дам оладилар...

<sup>1</sup> Имон (а) – исломнинг биринчи шарт: «Ла илоҳа иллоҳullo, Муҳаммадур расулullo», яъни «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг элчисидир», калимасини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш.

<sup>2</sup> Холиқи қудрат (а) – бутун оламни яратган Аллоҳ.

<sup>3</sup> Хувайдо – XVIII асрда Ўш шаҳрида яшаб ўтган шоир.

<sup>4</sup> Ҳазрат (а) – диний билимга эга кишига бериладиган унвон.

<sup>5</sup> Красницкий – «Пахтакор» футбол гуруҳининг ўша пайтдаги машҳур ўйинчиси.

<sup>6</sup> Травма (р) – ташқи зарб туфайли қаттиқ суяк жароҳати олин.

<sup>7</sup> Подмосковьё (р) – Москва атрофлари.



Бундан роса чорак аср илгари,  
 Худди шу кунгидай иссиқ саратон.  
 Москва йўлидан карвон сингари  
 Эшелон келарди  
 Тошкентга томон.  
 Бугун.  
 Роса чорак асрдан кейин  
 Худди ўшандайин иссиқ саратон.  
 Поезд вокзалдан кўзгалди майин,  
 Бу сафар  
 Тошкентдан Москва томон.  
 Болалар кетмоқда сокин, беозор,  
 Дўмбоқ қўлларида гуллар, лолалар.  
 Кузатган оталар ичра балки бор  
 Биринчи поездда келган болалар.  
 Она бағри каби кенг очиқ бугун  
 Москва, Киевнинг олтин қопқаси.<sup>1</sup>  
 Поезд учар.  
 Учар изидан учқун,  
 Бу кун ғарбга кўчди “фронт орқаси”.  
 Яна портлашлару  
 Яна чанг-тўзон  
 Гўдақларни ортга кўчирмоқда боз.  
 Аммо бу гал жўнар болалар шодон.  
 Негаки, “айрилиқ” – фақат уч ой ёз.  
 Улар қайтгунича чанглар босилиб,  
 Янги кварталлар кўтаради қад.  
 Болалар қайтишар,  
 Яйраб, ёзилиб,  
 Бу кун жўнашмоқда  
 Уч ойга фақат:  
 Эй, сиз,  
 Жажжи, дўмбоқ укажонларим,  
 Истиқболи ёрқин,  
 Бахти барқарор!  
 Узоқ йўл олдидан, жонажонларим,  
 Сизга икки оғиз айтар сўзим бор.  
 Салқин Подмосковье ўрмонларида  
 Қарағайлар аро  
 Қайинлар аро,  
 Ажойиб боғлару бўстонларида  
 Сизлар яйраб-яйраб олганда ором –  
 Билиб қўйинг,

<sup>1</sup> Қопқа (т) – дарвоза, эшик.





Бундан чорак аср аввал,  
 Изгирин тунларда,  
 Аччиқ қаҳратон –  
 Одамлар бу ерда яланг тўшларин<sup>1</sup>  
 Фашист танкларига қилганлар қалқон.  
 Ҳайрон бўлманг яна  
 Тупроқ ичидан  
 Занг босган дубулға<sup>2</sup> топиб олсангиз,  
 Гумбурлаган садо келиб туради  
 Ернинг юрагига қулоқ солсангиз.  
 Мабодо кўрсангиз танҳо қабри,  
 Майли ким бўлмасин,  
 Гуллар терган дам,  
 Укалар, мен учун бир чечак қўйинг,  
 Ўша ерда қолган менинг ҳам акам:  
 Бир дам сукут сақланг  
 Қабр устида.  
 Айтинг,  
 Тинч ухласин у азиз инсон.  
 Сен кўрган у кунлар қайтмас денг сира,  
 Тириклар йўл қўймас бунга ҳеч қачон.

? *Савол ва топишириқлар*

1. Райсоветга шикоят аризаси ёзган киши ҳақида қандай фикрдасиз?
2. Зитзиладан жафо чеккан Тошкент аҳолисига қандай ёрдам кўрсатишди?
3. “Сабот – гишт, ганч каби зарурдир бу кун” мисралари маъносини тушунтиринг.
4. Мулланинг “Айб ўзимизда...”, – деган гапини қандай тушунасиз?
5. Трамвайда қандай суҳбат бўлди? Нега шоир “Фожиа ва кулгу доим ёнма-ён”, – дейди?
6. “Болаларни жўнатини” бобида нима ҳақида ҳикоя қилинади?
7. Муаллифининг “Мабодо кўрсангиз танҳо қабри,  
 Майли ким бўлмасин,  
 Гуллар терган дам,  
 Укалар, мен учун бир чечак қўйинг,  
 Ўша ерда қолган менинг ҳам акам...”, –

деган сўзларини қандай изоҳлайсиз?

8. Қуйидаги тўртликни дафтарингизга кўчириб, мисралардаги бўғинлар сонини ва қофиядош сўзларни аниқланг.

“Дейдилар, кулфатда –  
 Юрак бўлса кенг –  
 Тор уй ҳам дўст учун  
 Кенг оламга тенг”.

<sup>1</sup> Яланг тўш (т) – қўйлақнинг тутмаларини ечиб, кўкракни очиб олиш.

<sup>2</sup> Дубулға (т) – темирдан ясалган ҳарбий бош кийим, каска.



## Шаҳри Дилором

### Тошкент

Ўзбекистон Раисига тегсин. Мен бу йил тўртинчи синфни битирдим. Ёшим ўн бирда. Ер қимирлаш қанақа бўлишини билмайман. Бизнинг маҳаллада кеча Тошкентга ёрдам деб пул йиғишди. Мен атлас кўйлакка йиғиб юрган беш сўм пулимни юборяпман. Болалар боғчаси қуришингизни сўрайман.

### Дилором. Ҳш шаҳридан.

Дилором,  
Дилором,  
Жажжи сингилчам,  
Дўмбоқ юзларингни қилдим тасаввур.  
Мунисам,  
Каттакон мададинг учун  
Бош эгиб айтаман сенга ташаккур.  
Жаҳон подшолари хазинасидан  
Олтин юборганда ҳамки беадад.<sup>1</sup>  
Дилором,  
Дилором,  
Жажжи сингилчам,  
Сенинг ёрдамингча бўлмасди мадад.  
Биз бунга бир эмас, юзлаб ва минглаб  
Боғчалар қурамыз,  
Қўрқма, етади.  
Сендек меҳрибони бор экан, демак,  
Тошкент жароҳати битиб кетади.  
Фақат сен омон бўл, яйрагин кулиб,  
Қора қошларингга қўнмасин ғубор.  
Сен саломат бўлсанг, меҳрибонгинам,  
Бу оғир дамларда толмаймиз зинҳор.  
Сен учун бир шаҳар қурайлик, дўмбоқ,  
Кирои одамлар қилгудек ҳавас,  
Осмондай кенг бўлур, денгиздай мовий,  
Кўксингни тўлдириб олурсан нафас.  
Хиёбонлар аро сени етаклаб,  
Чароғон кечада ҳамда кундузи  
Бирма-бир Тошкентни кўрсатиб чиқар  
У кун Ўзбекистон раиси ўзи.  
Нақадар ажойиб,

<sup>1</sup> Беадад (ф) – жуда кўп, сонсиз-саноксиз.



Нақадар сулув,  
 Бунга сен сабабсан, сенинг ҳимматинг,  
 Ям-яшил шаҳарнинг энг ўртасига  
 Ўрнатиб қўямиз катта суратинг.  
 Токи узоқ-узоқ юртлардан келиб  
 Гўзал шаҳримизда олганда ором,  
 Дўстлар сўрасинлар:  
 Бу қандай шаҳар?  
 Биз жавоб берайлик:

шаҳри Дилором.

## Ниҳоя

“Тошкент” сейсмик станцияси хабар беради, 26 апрелдан  
 буён ўтган икки ой ичида Тошкентда 500 марта ер қимирлади.  
 Зилзиланинг кучи сўниб бормоқда.

Булар дoston эмас,  
 Булар барчаси  
 Зилзиладан кўчган  
 Шеърлар парчаси.  
 Жарангли қофия,  
 Чиройли нисбат,  
 Янги ташбиҳларга  
 Йўқ эди фурсат.  
 Зудлик керак эди,  
 Кутарди замон,  
 Палатка ичида  
 Туғилди дoston.  
 Фикрлар бениқоб,  
 Яланг туйғулар,  
 Чанг босган дафтарга  
 Ёзилди булар.  
 Бу – шоирлик эмас,  
 Инсонлик фарзим,  
 Бўйнимда қолади  
 Ҳали кўп қарзим.  
 Шоирлар ёзажак  
 Ҳали кўп дoston.  
 Бир оз фурсат ўтсин,  
 Босилсин тўзон.  
 Бошдан учган ҳушлар  
 Жойига қўнсин,

Чайқалиш тўхтасин,  
 Фикрлар тинсин.  
 Кўнгилга шеър сиғмас,  
 Юраклар танда –  
 Симоб<sup>1</sup> қатрасидай  
 Қалқиб турганда.  
 Бари ўтиб кетар,  
 Ваҳима – ортда.  
 Нималар бўлмайди,  
 Ахир, ҳаётда.  
 Ҳали ишимиз кўп,  
 Ҳали кўп ҳашар.  
 Қурмоғимиз керак  
 Янгидан шаҳар.  
 Ҳақиқий Тошкентни  
 Тиклаймиз ҳали.  
 Сўнг келар ҳақиқий  
 Шеърларнинг гали.  
 Булбуллар сайраган  
 Боғу гулшанда  
 Шеърхонлик қиламиз  
 Тўйиб ўшанда.  
 Қувноқ гурунгимиз  
 Этади давом,  
 Биз билан бўлади  
 Жажжи Дилором...

<sup>1</sup> Симоб – кимёвий суяқ модда бўлиб, ўта зич ва оғир, инсон ҳаёти учун хавfli.



Раис бизни бошлар  
 Кўчалар сари.  
 “Мана, дўстлар, сизга  
 “Севги шаҳари”.  
 Ошиқлар наказин<sup>1</sup>  
 Қилолдик адо.  
 Бу шаҳарга келсин  
 Ким бўлса шайдо”.  
 Кўча беткайида  
 Олмаю гилос,  
 Анорлар қизариб  
 Гуллайди қийғос.  
 Неча йиллар оша  
 Ўчмай зарҳали  
 Туради Фарҳоду  
 Мажнун<sup>2</sup> ҳайкали...  
 Ҳа, шаҳрим тилларда

Достон бўлади.  
 Ўримга қочганлар  
 Қайтиб келади.  
 Яна мажлисларда  
 Минбардан туриб,  
 “Жоним халқимга” дер  
 Кўксига уриб.  
 Биз эса мажлистан  
 Қочиб ўшанда  
 Шеърхонлик қиламиз  
 Боғу гулшанда.  
 “Ғазал” хиёбонин  
 Этамиз сайр.  
 Ўқувчим,  
 Шу ерда  
 Ҳозирча хайр.

Тошкент, 1966 й. 28 май, 10 июнь.

<sup>2</sup> *Сўз ва топшириқлар:*

1. Ўшлик Дилором исмли қизча Ўзбекистон Раисига қандай мазмунда мактуб ёзди?
2. Шоир жажжи Дилоромнинг ҳиммати туфайли пайдо бўлган ҳис-туйғуларини қандай ифода қилади? Ўша мисраларни топиб ўқинг.
3. Шоир Ўзбекистон Раисининг Дилоромга миннатдорлигини қандай тасаввур қилади?
4. “Ниҳоя” бобида шоирнинг келажак ҳақидаги қандай орзулари баён этилган?
5. “Дўмбоқ юзларингни қилдим тасаввур”, “Қора қошларингга қўйма-син губор”, “Тузал шаҳримизда олганда ором”, “Палатка ичида туғилди достон”; “Фикрлар бениқоб, Яланг туйғулар” мисраларини дафтарингизга кўчириб, сифатлаш ва жонлантиришларни топиб остига чизинг.
6. “Сен учун бир шаҳар қурайлик, дўмбоқ,  
 Киройи одамлар қилгудек ҳавас,  
 Осмондай кенг бўлур, денгиздай мовий,  
 Кўксингни тўлдириб олурсан нафас”;

ёки:

“Кўнгилга шеър сизмас,  
 Юраклар танда –  
 Симоб қатрасидай  
 Қалқиб турганда”

каби шеърини парчаларда қандай ўхшатишлар бор, топиб дафтарингизга кўчинг.

<sup>1</sup> Наказ (р) – бажарувчиға кўпчилик томонидан қилинган талаб, топширилган вазифа.

<sup>2</sup> Фарҳод, Мажнун – Шарқ адабиетидаги афсонавий ошиқ йиғитлар образи.



## АНВАР ОБИДЖОН

(1947 йил туғилган)



Анвар Обиджон 1947 йилнинг 25 январида Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида хизматчи оиласида туғилди.

1964 йили ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд молия техникумига кириб ўқиди. 1969-1971 йилларда ҳаёт тақозоси билан турли вазифаларда ишлади.

Бадий адабиётга, ижод оламига бўлган муҳаббат туфайли Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди.

Анвар Обиджон болаларнинг севимли ёзувчиси ҳисобланади. Унинг "Баҳромнинг ҳикоялари", "Оловжон ва унинг дўстлари", "Эй, ёруғ дунё", "Безгакшамол", "Аламазон", "Масхарабоз бола", "Жуда қизиқ воқеа", "Даҳшатли Мешполвон" каби асарлари замонавий болалар адабиётининг нодир намуналаридир.

### Даҳшатли Мешполвон

(Достондан парча)

Ёзувчидан:

*Ўзбекнинг доно бахшиларига шоғирд тушиб, ушбу достонга қўл урдим.*

Мешполвон тўғрисида олтиариқликлар жуда кўп хангомалар айтиб юришади. Буларни эшитмабсиз, дунёга келмабсиз. Лекин шунисиям борки, унинг ғаройиб кечинмаларини биров ундоқ таърифласа, бошқаси: «Йўқ, аслида бундоқ бўлган», дейди. Менимча, эртакчиларнинг ҳаммасиям ҳақ. Чунки зигирдеккина ҳақиқатдан туғилган қиссанамо бу чўпчак асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб, ўсиб - улғаяверган, ҳар бир ота-она ўнил-қизига ўзидан қиттак қўшиб сўзлайверган. Аҳвол шундай бўлгандан кейин, борини ортиқча яширмай, йўгини лофлаб<sup>1</sup> оширмай, сизларга ўртачасини ҳикоя қилиб берганим тузук. Айтишларига қараганда, ўша омадли Мешполвон келажакда ўз ишлари афсонага айланиб, номи тарихда қолишини ҳали билмаган чоғларидаёқ ташқи қиёфаси билан бошқалардан яққол ажралиб тураркан: икки лунжи ноғора, бети офтоб-

<sup>1</sup> Лоф – ақл ишонмайдиган даражада ошириш, бўрттириш.



дан зоғора, жағида эшак тепкиси нақшлаган чандиқ, қорни нақ қирқ пудлик<sup>1</sup> сандиқ, бурни мушукникидек пучуқ, елкаси баайни ҳурпайган чумчуқ, бўйни олдинга энкайган, қулоқлари динкайган, оёқ босиши иланг-биланг, боши Ёзёвон<sup>2</sup> чўлидек яп-яланг, кўринишидан камгапу анқов, аслида маҳмадана-ю мижғов, кўзлари бойқушникидек ола... хуллас, росаям қизиқ бола экан.

Шу болапақирнинг ҳандалакдек бошига момагулдиракдек кўргилик ёғилиб, ўн икки ёшга тўлиб-тўлмай, тирик етим бўлиб қолди. Йиртқич Сепкилшоҳнинг қора папоқ кийган аскарлари сел янглиғ босиб келиб, унинг болалик қувончларини беаёв ювиб ўтди. Хонадонлар талон, кулбалар вайрон, экинзорлар пайҳон бўлди. Тирик қолган жангчилар билан қиз-жувонларни занжирбанд этишиб, бирини қул, бирини чўри сифатида Қаҳратония деган узоқ ўлкага ҳайдаб кетишди. Уларнинг орасида Мешполвоннинг ярадор дадаси билан кўзлари кийикникидек чиройли онаси ҳам бор эди.

Мешполвон ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, банди қилинганлар ортидан анча жойгача эргашиб борди. Шунда дадаси унга ўқрайиб: «Ойимқизларга ўхшаб ҳикиллама! Юрт сенга қолябди!» - деб жеркиб берди. Онаси бўлса, ўғлига юраги тўлиқиб бир қараб қўйди-ю, негадир тезда юзини ўгириб олди.

Дадасининг гапидан кейин Мешполвон ўз-ўзидан жойида тўхтаб қолди, даштнинг чақир йўлида имиллаб қадам ташлаётган одамларнинг қораси ўчгунича мўлтираб тураверди.

Юзлаб оёқлар остидан кўтарилиб, уфқни тумандек қошлаб олган чанг аста - секин сепсилди, илон изи йўл энди бўм-бўш эди. Банди қилинганлар сафи бутунлай кўздан йўқолган бўлса-да, улар айтиб бораётган қўшиқ болакайнинг қулоқлари остида қайта-қайта жаранглайверди:

Мардлар сенга фидо бўлди,  
Бизлар тирик жудо бўлдик,  
Кечир бизни, она юрт.

Мунгли қўшиқ айтмоқдамиз,  
Сени ташлаб кетмоқдамиз,  
Кечир бизни, она юрт.

Берган сутинг оқлолмадик,  
Душманлардан сақлолмадик,  
Кечир бизни, она юрт.

<sup>1</sup> Пуд (ф) — оғирлик ўлчови, 16 кг.

<sup>2</sup> Ёзёвон — Фарғона водийсидаги чўлиннинг номи.



Энди пайҳон далаларинг,  
Қул-чўридир болаларинг,  
Кечир бизни, она юрт.

Анча маҳалгача дараги бўлмаганидан юраги пўкиллаб, душманлар униям қулликка судраб кетишдимикан, деб жони ҳалак юрган энаси, Мешполвоннинг соғ - саломат қайтиб келганини кўриб, аввалига севинчи ичига сигмай қолди. Кейин бирданига «хув-хув»лаб йиғлашга тутинди:

– Қора папоқ<sup>1</sup> кийганлар ҳамма нарсамизни талаб кетишди. Энди сени қандай тўйдираман, етимчагинам?

– Мунча ваҳима қиласиз? – деб чинқирди Мешполвон.  
– Филни пишириб беринг деяпманми? Жа борса, бир қозон шўрва ичиб, икки тандир нон ейман-да.

Яхшиям-ки, бу юртнинг қуёшли ойи кўп, тупроғининг мойи кўп, ариқ билан сойи кўп. Босқинчилар кетганидан кейин ёз ўрталарида экилган бўлишига қарамай, арпа-ю буғдой, мошу ловия, макка-ю шולי, жавдар-у қўноқ, қизилча-ю ошқовоқлар кеч кузга қолмасдан пишиб етилди. Одамлар кўп тиришиб, кам ухлаб, тут шиннисини зогора нонга булаб, ошқовоқни сутга димлаб, беҳи баргидан чой дамлаб, қулликка кетганлар ғамида кўз намлаб, қишдан эсон-омон чиқиб олишди.

Бу даврда Мешполвон билан энасига, айниқса, қийин бўлди. Кампир бечора ўзини унутиб, чала тўйиш туфайли неварасининг кўзлари киртайиб бораётганига куюнса, хўратомоқ<sup>2</sup> бола дўмбирадек қорни кун сайин кичрайиб, белида иштон ўр-нашмай қолаётганидан ичикиб юрди.

\*\*\*

Сирдарё билан Амударё жўш ураверди, Орол денгизи тўласича тураверди. От кетидан тойлар ўтиб, кун кетидан ойлар ўтиб, яна бодом гуллади. Қушлар чуғурлашини, чумолилар ушоқ ўғирлашини бошлади. Мешполвоннинг юртдошлари асалари галаси билан бир вақтда тирикчилик ташвишига тушди. Кампирлар уруғлик донни саралаб, чоллар кўш ҳайдашди, қизлар ариқ тозалаб, ўғил болалар кесак янчишди.

Шудгордаги қоп-қора дўнгалак кесаклар худди қора папоқли бошларга ўхшарди, болакайлар уларни аямасдан янчиб, ҳавасга теша уришаверди.

– Вуй, манавининг катталигини - и!

– Сепкилшоҳнинг аскарбошиси ана шу - да.

<sup>1</sup> Папоқ (т) – мўйнаси сиртга қилиб тикилган чўлчиноқ телпак.

<sup>2</sup> Хўратомоқ (т) – овқатни танламай кўп ейдиган (асосан ҳайвонлар ҳақида).



- Ие, бир уриб атала қилайлик бўлмаса. Мана!  
- Ҳаюв - ю!!!

Олиб теша-тўқмоқни,  
Янчинг қора папоқни,  
Ҳаю-в!  
Билакда куч тўплаймиз,  
Юракда ўч тўплаймиз,  
Ҳаюв-в!  
Майли, бизни кўрган чоқ  
Куйиб ўлсин Сепкилшоҳ,  
Ҳаюв-в!

Уруғлар сепилиб, кўчатлар экилиб, сукут ўрнини умид эгаллади. Деҳқоннинг оёғи далада, оғзи яллада бўлиб қолди.

Лайлак ўтиб ғоз келди, баҳор кетиб ёз келди. Жўжалар хўрозга, куртаклар чаросга айланди. Бошоқларга ўроқ, қовунларга пичоқ тегиб, жазлар<sup>1</sup> бир қозон, тандирдаги ўтлар аламазон бўлди.

Мана шундай файзли кунларнинг бирида Мешполвон ўтин ёраман деб тўнка яқинида турган сопол тоғорани синдириб кўйди. Шу нарса баҳона бўлди-ю, ўғлини соғиниб, кўпдан бери ичидаги заҳрини кимга сочишни билмай юрган энаси хумор ёзиб саннашга тушди:

- Битта тўнгални эплаб ёролмайсан, яшшамагур. Бўйинг терак бўлсаям, ўзинг эркак бўлмадинг. Эркак бўлганигда, ота-онангни қулликка жўнатвори-и-б, томоша қовоқдек дўмпайиб ўтирармидинг? Ҳой, кўзимга қара, жигарларингга куйишни билмасанг, одамлардан уялишни бил. Орият<sup>2</sup> деган нарса борми ўзи сенда? Ориятнинг бўлмаса, бўйинингни бўйинтуруқдек қилиб юравер. Э, сатқан одам кет!

Қорнидай катта, иштаҳасидай кучли бўлмасаям, ҳар қалай Мешполвонда ўзига яраша ҳамият<sup>3</sup> бор эди. Энасининг гапи юрагига сезиларли даражада оғир чўкиб, дилида ғашлик чуваланди. Отга мингаштириб, бозор кезадиган дадаси билан очлигини кўзидан сезадиган онасини ўзиям ўлгудек соғиниб юрувди. Кампирнинг хархашаси туртки бўлиб, эркаклик нималигини биздан кўрасиз энди, дея шартта сафарга ҳозирланди.

Аммо ғариб жангчининг на махсус уст-боши, на курол-аслаҳаси бор эди. Яктак - иштон устидан астарсиз чопонини кийиб, белига чилвир боғлади, елкасига ҳўкиз тери пўстакни

<sup>1</sup> Жазлар - қовурилган массалиқ.

<sup>2</sup> Орият (а) - ор-номус, уят.

<sup>3</sup> Ҳамият (а) - ҳиммат, номус, ор.





илиб, қатиқ ивителидиган сопол чапани<sup>1</sup> дубулғадек бошга ўрнаштирди, белбоғига дасткалла<sup>2</sup> қистирди, қозоннинг ёғоч қопқоғини қалқон, учига бигиз қоқилган ўқловни найза қилди. Қўшни чолнинг олдинги оёғи оқсоқ хачирини<sup>3</sup> қарзга олиб, эгар-жабдуқ урди. Унга минмоқчи бўлганда, офтобда қизиб турган узанги<sup>4</sup> оёғини жизиллатди. Ўша турқ-атворда хачирни етаклаб, энасининг қошига борди, унинг шалпилдоқ калишига суқланганича бир сўз деди:

Сепкилшоҳнинг элатига қилай юриш,  
Бўлар энди дунёда энг катта уруш,  
Ноқулайдир яланг оёқ жангга кириш,  
Энажоним, калишингни бериб тургин.

Токи чапя бутун экан – бошим омон,  
Пўстакдан ўқ ўтмас душман отса камон,  
Бир ургандинг, гурзидан ҳам ўқлов ёмон,  
Энажоним, калишингни бериб тургин.

Қозон-қопқоқ юрагимни асраб юрар,  
Сепкилшоҳнинг кимлигимни энди кўрар,  
Ғалабага битта калиш етмай турар,  
Энажоним, калишингни бериб тургин.

Мешполвондан бундай қаҳрамонликни кутмаган энаси олдиниغا иккиланиб қолди. Косов билан савалаб, шаштидан туширмоқчи ҳам бўлди. Лекин синчиклаб қараса, аҳди қаттиқ, кўзида аччиқ, лаблари пичирлаб, тишлари гижирлаб турибди. Қайсарлиги кўзиганини сезиб, энди уни йўлдан қайтаролмаслигини фаҳмлаб, индамай хужрага кириб кетди. Бир зумдан кейин икки кўзи озиқ-овқатга тўлдирилган хуржунни зўрға кўтариб чиқиб, эгар қошига ўнгарди. Калишини ечиб бераётиб, панд-насиҳатлар билан неварасига оқ йўл тилади:

Йўлинг ойдин йўл бўлсин,  
Босган изинг мўл бўлсин,  
Янтоқ узанг, гул бўлсин,  
Тиконлари тилмасин.

Сўз қуйилар лабимдан,  
Мағиз чайна гапимдан,  
Нон тилама ҳар кимдан,  
Нафсинг бузук бўлмасин.

<sup>1</sup> Сопол чапя (т) – сут, қатиқ, суяқ овқат солиш учун ишлатиладиган сопол идиш.

<sup>2</sup> Дасткалла (ф) – дарахтнинг шохини кесадиган асбоб.

<sup>3</sup> Хачир (т) – отдан кичик, эшакдан каттароқ, улов учун боқилладиган уй ҳайвони.

<sup>4</sup> Узанги (т) – отга, ҳачирга, эшакка мињаётганда ва минганда оёқ қўйиладиган темир мослама.



Учраса ҳам ўтинчи,  
Салом бергин биринчи,  
Сени кўрган ҳар синчи<sup>1</sup>  
Одобсиз деб билмасин.

Тентак сўкса, дўқлама,  
Ёнғоқзорда ухлама,  
Алам ўтса, йиғлама,  
Бардошлилар ўлмасин.

Ҳатто ҳолинг тангида  
Фоз юр одам рангида,  
Йўл сўрама бангидан,  
Сени сарсон қилмасин.

Ювошга мушт дўлайма,  
Зўрни кўрсанг, гўлайма,  
Оч қолганда сулайма,  
Қизлар сендан кулмасин.

Мешполвон ўзини ҳачирга жойлаб, энасининг гапини бе-  
лига бойлаб йўлга тушди. Йўллар эса кафтдаги ажинларден  
чизик-чизик, ярми текис-у ярми бузуқ, бири чексиз-у бири узун  
эди. Болапақир оқсоқ жониворини ниқтаб, ҳар қайси гузарда  
бир тўхтаб, тепа келса ўрлаб, нишабликда ашулани туёқ ово-  
зига жўрлаб бораверди:

Олма едим бақалоғидан,  
Гилос едим чақалоғидан,  
Анжир едим япалоғидан,  
Боғбон буванинг шапалоғидан...

Шу кўйи неча чойхона-дўкандан, Бағдод-у Қўқондан, чўл-  
даштдан, Исфара-ю Аштдан зиён-заҳматсиз ўтди, мажруҳ ха-  
чирни Жиззах-у Шаҳрисабзга тик солдириб, яна неча маконни  
ортда қолдириб, Қизилқумга етди. Саҳрода бир ҳафта юрд  
ҳамки, на қўққайган дарахт кўринди, на сўпшайган кудуқ. Го-  
қаттиқ нон кемириб, гоҳ мешдан сув сибириб, Сепкилшоҳнинг  
қасдида олдинга кетаверди. Сепкилшоҳ эса бу вақтда ҳашам-  
дор қасрида бамайлихотир айш суриб ётар, ер юзининг на-  
зардан қолган қайсидир нуқтачасида ўзига қарши даҳшатли  
бир куч силжиганидан мутлақо беҳабар эди.

\* \* \*

Бир куни кечки пайт бўрон бошланиб, ер-у осмонни тўзо  
қоплади, Мешполвонни ҳачирига қўшиб ерга чаплади. Ҳайво-  
бошимдан садаға дея жиловини қўйвориб, хуржунни маҳка  
қучоқлаганича пўстакка бурканиб ётаверди. Кўзи қумга, оғи  
бурни шўртак тузга тўлди. Тонгта яқин бўрон тингач, энди  
сахрони хурраги билан бесаранжом қилиб, лоҳас ухлаб қолди.

<sup>1</sup> Синчи (1) — селгир, билвагон



Чошгоҳ<sup>1</sup> маҳали уйғониб қараса, ҳатто қилт этган шабада йўқ, қуёш тиккага келиб, ерни кабобдек жазиллатиб турибди. Омон қолганим ростми-ёлғонми деб осмонга тупуриб кўрди. Лойқа тупуги шап этиб пешонасига қайтиб тушган чоғда ич-ичидан қувониб кетди.

Шундан кейин ҳачирини қидириб теваракка алаанглади-ю, кўрқинчли манзарадан баданига қалтироқ кириб, юраги такапука тепди. Кўмилиб ётган ҳачирнинг думи билан тумшуғигина аранг кўзга чалинар, тумшуғнинг устида иккита гурза илон бўйин тиккайтирганича бир маромда тебраниб «рақс тушаётганди».

Мешполвон оёғини олти қилиб қочишния, қумга санчилиб турган ўқловни олиб илонларга отишния билмай, бирпас хўшшайиб қолди. Эс-ҳушини йиғволгандан сўнг: «Ке, мендан нима кетди, шу турқи совуқларгаям бир хушомад қипкўрайчи», деб сўзга оғиз жуфтлади:

Илон тушга кирса – бойлик,  
Вой, мунчаям сиз чиройлик,  
Яшанг, илон афандилар!

Думни қилиб саланг-суланг,  
Меҳмонларга оқ йўл тиланг,  
Яшанг, илон афандилар!

Мен ва ҳачир ўртоқ бўлиб,  
Келдик сизга қўноқ бўлиб,  
Яшанг, илон афандилар!

Чақволсангиз жон берамиз,  
Чақмасангиз нон берамиз,  
Кавшанг, илон афандилар!

Мешполвон шундай дея хуржунидан бир ҳовуч талқон олиб, ерга сепди. Сахро хўжайинлари сиполик билан судралиб келиб танавулга киришган дамда, фурсатдан фойдаланиб, ҳачирни халос қилишга тутинди. Жониворни ердан қазиб олгач, тирикчилик қилиб мадор тўғласин деган мақсадда янтоқзорга ҳайдаркан, илонлар томонга зимдан назар ташлади. Улар талқонни тинчигиб бўлишиб, мазахўраклик билан яланиб туришарди.

– Ҳуш кўрдик, илон афандилар, – дея қўлини кўксига чоғиштирди Мешполвон. – Ҳўп, хайр бўлмаса.

Илонлар ҳамон дикрайиб турганидан дили қоронғулашиб, бу сурлар ҳачир иккаламизни еб бўлмагунча кетмайди шекилли, деб ўйлади. Ўлганнинг кундан ҳиринглаб, уларнинг олди-га чўкка тушди.

– Яна меҳмон қилай десак, ўзимизлаям жиғилдон бор, – деди у ютиниб. – Уйдагиларга салом айтасизлар-да энди.

Илонлар қаттиқ вишиллаб, кутилмаганда Мешполвонга ташланишди, бир сапчиб, унинг қўйнига кириб олди. Қабри-

<sup>1</sup> Чошгоҳ (ф) – қуёш тиккага келган пайт.



стондек жимжит сахро зумда дод-фарёдга тўлди: "А-а-а!!! Вой-до-о-д! Ўлдим-и-м! Уляпма-а-н! Вой, эна-а-а! Энажо-о-н!!!!"

Мешполвон у ёққа юмаланиб йиғлади – ўлмади, бу ёққа юмаланиб йиғлади – ўлмади, ўрнидан туриб, уввос солганича хачир атрофида қирқ марта айланди ҳамки, тириклигича қолаверди. Бақирини охири жонига тегиб, жағини тийди, қўйнига секин қулоқ солди. Ҳалиям бу дунёда турганига ишонч ҳосил қилиш учун яна осмонга тупуриб кўрди. Тупуги қайтиб тушиб, бу сафар бурнига чапланди.

Шундан кейин сал - пал ўзига келди. Қўллари қалт-қалт титраб, хуржундан кулча олди, бир бўлагини синдириб, эҳтиётлик билан қўйнига тикди. Илонлар «қирт-қирт» қила бошлаганидан кўнгли жойига тушиб, ўзи ҳам қўрқа-писа кавшанишга киришди. Ҳар ютинганида бўйинини чўзиб, бу аҳволдан хўрлиги кўзиб, янтоқзорда қорин тўйдирётган хачирига юзланиб бир арз айтади:

Бўрон келди тескари,  
Чанг-тўзонлар – аскар,  
Сен якка-ю мен якка.

Илонлари сурбет, шўх,  
Ухлашябди қорни тўқ,  
Сен очсан-у мен очман.

Сахро қопқон, тўр экан,  
Пешанамиз шўр экан,  
Сен банди-ю мен банди.

Хом калласи қотмаган,  
Уйида тинч ётмаган  
Сен аҳмоф-у мен аҳмоқ.

Мешполвон бу гаплардан кейин ҳар қандай махлуқ ҳам «ох» чекиб юборса керак деб ўйлаган эди, ундай бўлмади, нодон хачир индамай нафсини қондираверади.

#### 9 Савол ва ҳақиқатлар:

1. Мана, дostonдан каттагина бир парчани ўқиб чиқингиз. Сизга ёқдимми?
2. Мешполвон ким? Унинг портрет, яъни қиёфаси тасвирини дафтарингизга кўчириб, қофиядош сўзлар тагига чизинг.
3. Мешполвоннинг болалик чоғларида қандай воқеалар юз берди?
4. Мешполвон билан бувиси қандай шароитда яшай бошлашди?
5. Мешполвон яшаган юрт табиати, деҳқончилиги, боғдорчилиги ҳақида муаллиф қандай маълумотлар бера олган?
6. Бувининг қайси дашномлари Мешполвонни сафарга отлантирди?
7. Мешполвоннинг жангга отланган пайтдаги ҳолати қандай тасвирланган? Ундаги кулгили ўринларни тошинг.
8. Бувиси сафар олдидан Мешполвонга қандай насиҳат қилди? "Ёнғоқзорда ухлама", – деган ўғитни қандай тушунасиз?
9. Мешполвон йўлда нималарга дуч келди? У қаерга бориб қолди?
10. Илонларнинг Мешполвонга муносабатини сўзланг.
11. Мешполвон саргузаштларининг давомини билдингиз келяптими? Марҳамат, ўқиб билиб олинг.



Аждодлари ер чопиб, уруғ сочиш билан кўҳна хонадонига ризқ улашиб келган Мешполвон илгари саҳрони ҳеч кўрмаган эди. Саҳро деганда ҳар вақт унинг кўз ўнгида тўлқинлари қоғиб қолган денгизни эслатувчи яп-яйдоқ қум барханлари жонланарди. Унчалик эмас экан. Бу масканнинг ҳам ўз шовқин-у жимликлари, майса-ю ўсимликлари, муқим кун кечирувчи жонзот-у ҳашаротлари, алоҳида бардошга йўғрилиб<sup>1</sup> яратилган парранда-ю даррандалари,<sup>2</sup> ҳар бирининг ўзига хос яшаш тарзи, айни чоғда бир-бирига занжир ҳалқаларидек боғлиқлиги, фақатгина шу жойга мансуб ҳаёт қонунлари бор экан.

Одамзод доимо одамлар орасида ўзини эркин ва қудратли сезади, четга чиқди дегунча турли хавф - хатарга йўлиқади, ёлғизланиб, пашшадек ожизланиб қолади. Ўрмон айиқлари билан, тоғ-адир бўрилари билан, чакалакзор қоплонлари билан, уммон<sup>3</sup> наҳанглари<sup>4</sup> билан, дашт қашқирлари билан, тўқай тўнғизлари билан уни ҳуркита бошлайди, қалбида яна тезроқ одамларга бориб қўшилиш истагини алангалатади.

Саҳрода ҳам шундай бўлди. Совуқтурк<sup>5</sup> эчкиэмарлар галаси ўттиз қадамча орқароққа ёйилиб олиб, Мешполвон билан унинг ҳачирини талай жойгача таъқиб қилиб боришди. Улар тунги бўрон маҳали шунча ўлжадан беҳабар қолганларидан афсусланиб, бахтларига бошқа бирон офат рўй беришини кутганларича умидвор эмаклаб келишарди.

Мешполвон ҳачирга тескари ўтириб, бигизли ўқловни қўлига қўндириб, эти дир-дир титраб, йиртқишларга зорланиб қараб, тўхтамасдан илгарилаб кетаверди. У умрида илк бор содир бўлиш эҳтимоли кутилаётган катта жангга ўзини тайёрлаб, қозон-қопқоқ ушлаган қўлининг бошмолдоғида қорнига қистириғлик даскалла тиғини сийпаб-сийпаб кўярди. Кун тиккага келиб борлиқни жизғанак қилишга уринаётган паллада эчкиэмарлар салқин илларида жон сақлаш учун тарқалишди.

Жизғин барханларнинг чеки йўқдек эди. Мешполвон бирикки кундан кейин: «Бу саҳронинг чети ер тугаган жойга бориб тақалса-я», деб хавфсирай бошлаган ҳам эдики, орқадан отлик кимсанинг қораси кўринди. Яқинлашиб келгач, мундоқ қараса, гулдор юган ушлаган, тагида тулпор кишнаган, кўзида қандайдир илинж, белида бир қулоч қилыч, гавдаси ғўла, билагини қувватга тўла бир ўспирини қаршисида турибди, қозон-

<sup>1</sup>Йўғрилмоқ (т) – аралаштирмоқ, қоринмоқ, қоринштирмоқ.

<sup>2</sup>Парранда-ю дарранда (ф) – қушу ҳайвонлар.

<sup>3</sup>Уммон (а) – океан.

<sup>4</sup>Наҳанг (ф) – акула, кит; кўчма маънода «подтич», «тўймас», «очкўз».

<sup>5</sup>Совуқтурк (т) – совуқ юзли, хунук.



қопқоғу ўқловлардан ажабланиб, теграсида айланиб юрибди. Сиёғидан<sup>1</sup> пайқаш мумкин-ки, шошиб турса-қамчилаб, шошмаса-сўз билан чимчилаб ўтадиган чамаси бор.

Унинг авзойидан чўчинқираган Мешполвон қўрққан олдин мушт кўтарар қабилда иш кўриб, қолаверса қўйнидаги илонларига ишониб, бошидан чапани олди, пешанасидаги терни энгида артиб, тўсатдан дағдаға қилди:

Қўрқмай ўлимдан,  
Турма йўлимда,  
Ўқлов қўлимда,  
Илон қўйнимда.

Бу қозон-қопқоқ  
Мардларга яроқ,

Даскаллам – пичоқ,  
Хачирим чўлоқ.

Бошимда йўқ соч,  
Чапя менга тож,  
Йўлни тўсма, қоч,  
Ўзи қорним оч.

Бунни эшитиб, асилзода ўспирин Мешполвонга масхаромуз тикилиб, отдан хачирга букилиб, сўроқ-қистовини бошлади:

Таппайтириб бурнингни,  
Қаппайтириб қорнингни,  
Қаёқларга кетябсан?

Оч қарғадек донсираб,  
Нортуядек ҳансираб,  
Қаёқларга кетябсан?

Туксиз каллангни очиб,  
Миянг қатикдай ачиб,  
Қаёқларга кетябсан?

Саҳрои тап-тақирда,  
Уч оёқли хачирда  
Қаёқларга кетябсан?

Мешполвон ўзига гард юқтиргиси келмай, калака қилинаётганини гўё-ки сезмай, жиддий туриб жавоб қилди:

Йўлга чиқсам, асосим бор,  
Сепкилшоҳда қасосим бор.  
Элимни у талаб ўтди,  
Асалимни ялаб ўтди,  
Каллалардан қаср қилди,  
Кўпчиликни асир қилди.

Паҳлавоним дадам – унда,  
Меҳрибоним онам – унда,  
Бориб озод қилайин деб,  
Энамни шод қилайин деб,  
Қўғирмоч еб, кучни тўплаб,  
Йўлга тушдим кафтга туфлаб.

Бу гапдан кейин димоғдор ўспириннинг бирдан қиёфаси ўзгарди, «Кечир мени, биродар, дардингни сўрамасдан туриб қаттиқ тегиб қўйибман», дея отдан тушди. Келиб, Мешполвонга дўстона қўл узатди.

– Энди оға-ини бўламиз, – деди у очиқ чеҳра билан боқиб.  
– Йўлимиз бир экан. Мени отим Ошиқбола.

<sup>1</sup> Сиёғи (а) – авзойи, кўриниши.



– Мени тўғримдаги шов шувларни эшитгандирсан, – деб бўйин шиширди Мешполвон. – Олтиарикдан чиққан даҳшатли Мешполвон менман. – Сўнг афсуслангандек бош тебратиб, қўшиб қўйди: – Сени номинг қулоғимга чалинмаган экан. Ҳе, аттанг...

Мешполвон шу гердаиганича ўзидан қувониб тураверсин. Биз уни пича тинч қўйиб, Ошиқбола билан дурустроқ танишиб олайлиқ.

\* \* \*

Воҳ, нуридийдам<sup>1</sup> китобхоним! Тили бийрон болакайлар! Ширин-шакар қизалоқлар! Сизлар жудаям омадлисиз. Чунки ўзбекларга фахрли, ёвларга қаҳрли бўлмиш довиюрак Гўрўғлибек ҳақидаги қизиқ ривоятларни эшитмаган, унинг мардона жангларини шарафловчи дostonларни ўқимаган «шўрпешаналар» орангизда йўқ.

Эсингизда турган бўлса, енгилмас Гўрўғлибек шунча давр суриб, битгаям фарзанд кўрмади. Ҳасанхон деган болани Ваянган элатидан, Авазбекни Хунхор юртидан олиб келиб, тарбиялаш учун бунисини Мисқол парига, унисини Оға Юнус парига тутқазди.

Болалар улғайиб йигит бўлди, бири лочину бири бургут бўлди. Кўп савдоларни бошидан кечириб, ганимларнинг кайфини учуриб яшашди. Ҳасанхон сулув хон Даллига уйланиб ўғил кўрди, отини Равшанбек қўйди. Авазбек билан Гулқиздан эса қиз туғилиб, номи Гуланор бўлди.

Неча марта қор эриб, неча бор чечак унди. қиз эрқароқ, ўғил серқароқ бўлиб вояга етгач, Ҳасанхон Авазбекнинг хонадонига совчи жўнатди. Кекса Гўрўғлибекнинг ўзи ўртага тушиб, оқлик сўраб борди. Авазбек бўлса ўз оғаси Ҳасанхоннинг ўғлини қизига тенг кўрмай бобонинг дилини оғритди. Бу орада Равшанбек Ширвоншоҳнинг қизи Зулхуморга ошиқ бўлиб, юз хил қувонч-азоб кўриб, охири унга уйланди.

Яна кун кетидан ойлар ўтди, қўлдан-қўлга чоғлар ўтди. Равшан билан Зулхумор сочи жингалак, пешанаси дўнгалак, зотдор қўзидек тўлпоқ, қора кўз-у оппоқ ўғил кўришди, исминини Ошиқбола қўйишди. Ошиқбола уч ёшида ариқдан сакраб ўтадиган, тўртида ҳарф битадиган, бешда китоб титадиган, олтисда ўзини отда эркин тутадиган, еттисда нонга ханжарда ёғ суртадиган, саккизида ўқ-ёй билан тангани йиртадиган, тўққизида тухумни хом ютадиган, ўнида полвонларни елкада туртадиган, ўн бирида уйида ошна кутадиган, ўн иккисда ҳафталаб овга кетадиган бўлди.

<sup>1</sup> Нуридийдам (а-ф) – қалбим нури, севикли.



Ўн учида ҳам овдан кўнгли совимади. Бир куни чамбиллик чаптаст жўралари билан кийик қувиб юриб, Боботоғда бир гала қизларга дуч келиб қолди. Уларнинг сардори – Бойсунбегининг Ойгумор исмли қизига ишқи тушиб, элига сархушла-ниб қайтди, дардини Гўрўглибек бобосига айтди. Бобоси қирқ-та гулдек навкарини чаман, уловларини саман қилиб, совға-ю мол-ҳол, яна учта оқсоқол билан Бойсунга совчи юборди. Кўп ўтмай совчилар икки кўли бурнида қайтиб, ноиложликнинг сабабини айтиб, Сепкилшоҳнинг аскарлари Бойсундаги сандиқларни қоқлаб, йиғит-қизларни боғлаб, қул ва чўриликка олиб кетганини маълум қилишди. Буни эшитиб, Гўрўглибекнинг юрак санчиғи, Ошиқболанинг аччиғи кўзиди. Бобосидан Фиротни тилаб, дадасининг қиличини тасмага улаб, Сепкилшоҳга пинҳона<sup>1</sup> жағ силаб,<sup>2</sup> йўлга чиқди...

Ошиқболанинг гапларини Мешполвон ўшандай гўдайганича тинглаб бўлгач, унга бошдан - оёқ назар солиб деди:

– Дадам онамга совчи кўйганида, опоқ отам: «Ҳали ёш экансан, кураш тушсанг – белингни, ўғри босса – келингни,<sup>3</sup> душман келса – элингни сақлай олармикансан? Аввал илигингни тўлдир, бирон ишни дўндир, пайингни шишир, ақлингни пишир, кейин уйлан», деган экан. Сениям бошинг чумчуқдег-у ёндим-куйдим дейишингга ўлайми?

– Зотимиз ўзи шунақа, – деб гурурланди Ошиқбола. – Дадам Равшан ботир ҳам ўн уч ёшида Ширвонда қилич савашиб, онамни олиб келган.

Буни эшитиб Мешполвон чуқур хўрсиниб кўйди:

– Менинг дадам ўттизда рўзғор қилган.

\*\*\*

Шу кўйи иккаласи гапни гапга улаб, ёмоннинг номини балчиққа булаб, яхшини осмонга кўтариб, гармселдан<sup>4</sup> юзлари кўкариб, саксовулларни оралаб, поёнсиз саҳрони бўралаб бо-равердилар. Бир ёқда жизғанақ азоби, иккинчи ёқда сув ва овқат тежами, яна уйқусизлигу саргардонлик балоси кўшилиб, уч-тўрт кундаёқ Мешполвоннинг ҳоли танг бўлди: оғзи қақраб, томоғи тақиллади, жағи очилиб, тили осилди.

Ошиқбола ўзини анча бардам тутиб келаётган эди. Аммо эрталаб қулоғи тагида қандайдир шиш пайдо бўлди-ю, иситма чиқиб, кўзларига қон қуйилди, белидан мадор кетди.

<sup>1</sup> Пинҳона (ф) – яширишча.

<sup>2</sup> Жағ силамоқ – ибора: «Сендан аламлини оламан» маъносиди.

<sup>3</sup> Кели (т) – ўғир, яъни ичи ўйилган гўла, келисон билан уриб унда дон туйишган.

<sup>4</sup> Гармсел (ф) – исенқ шамол.





– Буқоқ бўлганга ўхшайман, – дея руҳи сўниқиб пўнғиллади у.  
– Шу башара билан Ойтуморга қандай йўлиқаман?

Мешполвон пишиллаганича қўл ситтаб деди:

– Хафа бўлма, ошнагинам, буни йўли осон. Озгина нонингдан берсанг, қандай тузатишни айтаман.

– Ошиқбола Ғиротнинг юганини тортиб, секин ерга тушди. Отнинг белига ҳар кўзи той пахтадек келадиган олача хуржун ташланган эди, очик қўл асилзода ундан тўртта нон, ярим халта талқон, йигирматача пиширилган тухум, майиз - туршак олиб, дастурхон ёзди. Ёзилаётган дастурхоннинг шабадасидан учган қумлар ҳали тўхтаб-тўхтамасидан, Мешполвон аллақачон шу жойга чордона қуриб улгурган эди. Ошиқбола нарсаларни бирин-кетин ўртага келтириб қўяётганида у ютоқиб тамшанганича, ҳар сафар: «Раҳмат, ошна. Кам бўлма», деб дуоғўйланиб турди.

Нихоят «олинг-олинг»га навбат етди. Ошиқбола дастлабки нон бурдасини оғзига солаётиб, тухумга сепишга туз йўқлигини кўрди-ю, бориб яна хуржунни титкилади. Тузни олиб келиб қараса, дастурхон шип-шийдам. Нима бўлганини тушунмай бир муддат анграйиб турганидан сўнг, Мешполвондан сўради:

– Ҳой, дастурхондагилар қани?

– Нима бало, сениям қорнинг очмиди? – дея безрайиб боқди Мешполвон. – Шунинг олдинроқ айтмайсанми? Қўлинг даги сийдиган нарсамми ўзи?

– Туз.

– Қани, буёққа узат-чи.

Мешполвон тузни олиб, шартта оғзига тўқди. Ютаётиб ҳатто юзини буриштириб қўймади.

Улар овқатланиб бўлибоқ яна йўлга тушишди. Ютинишга ҳам қийналаётган Ошиқбола йўл-йўлакай зоғорани сўриб болаётиб, «буқоқнинг давосини айтгин энди», деб зардаланади.

– Ҳозир айтаман, – деди Мешполвон. – Олдин озгина овқатдан чўзгин. Чика минан Пука эсдан чиқибди - ку.

– Ким дединг? – зоғорасидан бир тўғрамани узатаётиб сўради Ошиқбола.

– Илонларим, – дея озиқни уч қисмга бўлиб, бирини ўнг қўйнига, иккинчисини чапига тикди Мешполвон. Учинчи бўлакни эса ўзи ямлай бошлади. – Ўнг қўйнимдагиси – Чика, чапдагиси – Пука. Умрингда ошиқ ўйнаганмисан ўзинг? Отган ошиғинг ютуқ томонга ёнбошласа – чика, тескари тарафи тушса, пука бўлади.

Ана энди Мешполвоннинг Ошиқболадан кулишини кўринг:



Шўринг курсин, бахмал чопон,  
 Улғайибсан жуда нодон.  
 Ошиқ нима, билмасмисан?  
 Ўзбекмисан, ҳабашмисан?<sup>1</sup>  
 Бордир яна ёнғоқ ўйин,  
 Ютсанг - овқат икки қўйин.  
 Ёз келганда кириб боққа,  
 Отганмисан зўлдир - соққа?<sup>2</sup>  
 Ерга чизиб «чизма - чизиқ»,  
 Сопол суриш ундан қизиқ.  
 Ўйнамаган бўлсанг «Даста»,  
 Демак, мендан зарбинг паст - да.  
 «Ҳаммом пишди» беш ёшга мос,  
 Ўн ёшгача ҳайинчак ос.  
 Катта бўлиб қолдик энди,  
 Бизга бопи – «эшак минди».  
 Билмайман деб жаҳлим қўзма,  
 Ахир, машҳур «қулоқчўзма»<sup>3</sup> –  
 Кам эмасдир улоғингдан,  
 Ўт чақнайди қулоғингдан.  
 Ҳаммасини қиёслаб кўр,  
 «Мўри - мўри» ўйини зўр.  
 Бордир яна «Бекинмачоқ»,  
 Энг қалтиси – «Уршалоқ».<sup>4</sup>  
 Қилар сени овчи, жангчи:  
 «Ёппа кураш», «Шоли янчи»,  
 «Пичоқ санчар», «Сопқон<sup>5</sup> отди»,  
 «Каманд чирмаш», «Арқон тортди».  
 Аралашса агар қизлар,  
 Қелин - куёв сайлаб бизлар,  
 Ўйнар эдик «Хола қучган»,  
 Кимки совчи – қўлга тушган.  
 Бўшанг қизни қилар қоқвош  
 «Ҳакалакам» минан «Тўптош».  
 Айниқса тил қайрар жуда

<sup>1</sup> Ҳабаш (а) – қора танли, занжи.

<sup>2</sup> Зўлдир-соққа – тикилган ганақни уриш учун белгиланган ошиқ.

<sup>3</sup> Қулоқчўзма – тўйларда шундай ўйин бўлган: катталардан бирови рўмолчага танга туғиб, болаларнинг ўртасига ташлар, рўмолчани паккага элтган бола тангаларни олади. Шериклари йўлда олишса, рўмолчани ташламагунча қулоғини чўзаверишади.

<sup>4</sup> Уршалоқ – болалар ўйини: бирон бола ўнг қўлида қулоғини тўсиб, чап кафтини қўлигага тескари қўйиб туради. Орқадагиларнинг бири уради, ҳамма «мана» деб бақиради. Долвой бола урганга топса, ўзининг ўрига турғизади.

<sup>5</sup> Сопқон (т) – ичига тош солиб отиладиган қурол.



«Олинг, қуда – беринг, қуда».  
Уйнаганлар «Оқ - кўк терак»,  
Чопа олар нақ пирпирак.  
Етти пуштдан қолган мерос  
«Ҳалов, туя», «Ғожихўроз»...  
Э, буларни ким билмабди,  
Бу дунёда туғилмабди.

Ошиқбола нафси ўткир йўлдошининг бидирлашларига бефарқ қулоқ солиб тургач, қовоқ-тумшуғи осилиб сўради:

– Буқоқнинг давоси нима, деябман? Ё хуржуним бўшамагунча айтмайсанми?

– Буқоқмас бу, – деб ниҳоят асосий гапга ўтди Мешполвон.  
– Буни тепки дейишади. Давоси осон: иккита кулчами, тўртта олмами, олтита варақими – нимаики топсанг, ҳисобини жуфт қилиб, эгизак туққан хотиннинг уйига борасан, қўлингдагини бериб, дардингни айтасан. Еган оғиз уялар деган гап бор. Хотин ҳамма ишини ташлаб қўйиб, каллангни пўсахонага<sup>1</sup> мидиб<sup>2</sup> ётқизади, шишган жойингга яланг оёғи билан етти марта тепади. Бир ҳафтадан кейин сен кўрмадинг, мен кўрмадим бўласан.

Ошиқбола индамай отига қамчи урди. Мешполвон ҳам хачирини олдинга қистаб, сеvimли кўшиғини хиргойи қила бошлади:

Олма едим бақалоғидан,  
Гилос едим чақалоғидан,  
Анжир едим япалоғидан,  
Боғбон буванинг шапалоғидан...

Улар турганиб-сурганиб, талай йўл босишди. Эгизак болали хотин у ёқда турсин, қарғиш теккан бу саҳрода бирон-бир тирик жоннинг ўзини учратиш амри маҳол эди. Шунга қарамай, Ошиқболанинг бўйнидаги шиш бир ҳафтада ўз-ўзидан қайтиб кетди.

\*\*\*

Мешполвон ота-онасини, Ошиқбола севган ёрини душман қўлидан қутқарадими? Буни дostonнинг тўлиқ матни билан танишиб чиқсангиз, билиб оласиз.

<sup>1</sup> Пўсахона (ф) – остона.

<sup>2</sup> Мидиб (т) – ёпиштириб, жипслаб.



? Савол ва топшириқлар:

1. Сахро кўринишини асардаги тасвир асосида изоҳланг.
2. Мешполвон саҳрода ким билан учрашиб қолди? Уларнинг ўзаро суҳбати мазмунини айтинг.
3. Ошиқбола ҳақида нималарни билиб олдингиз?
4. Мешполвон қайси йўллар билан Ошиқболанинг овқатини тортиб олди?
5. Мешполвон Ошиқболага болаларнинг қандай ўйинлари ҳақида маълумот берди? Бу ўйинларнинг қайсилари сизга таниш?
6. Матндан “Кўрққан олдин мушт кўтарар”, “Гард юқтиргиси келмай” каби ибораларни топиб дафтарингизга кўчиринг ва изоҳланг.
7. Қайси гаплардаги оҳанглош сўзларнинг тизилиб келиши Сизга ёқди? Ўша гапларни кўчириб, оҳанглош сўзлар тагига чизинг.
8. Насрдаги бундай оҳанглош сўзлар нима деб аталишини биласизми? Аниқлаб қондасини дафтарингизга ёзиб қўйинг.
9. Достоннинг тўлиқ матни билан танишиб чиқишга ҳаракат қилинг ва таассуротларингизни синфда баён этинг.

## МУНДАРИЖА

Адабиёт – сўз санъати .....	3
Образ ҳақида .....	5
Эртақлар – яхшиликка етаклар .....	6
Уч оға-ини ботирлар .....	8
Гулиқаҳқаҳ .....	17
Адабий эртақлар .....	22
<b>ҲАМИД ОЛИМЖОН</b> .....	24
Ойгул билан Бахтиёр .....	25
<b>ЁҚУБЖОН ШУКУРОВ</b> .....	38
Она меҳри .....	39
<b>ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ</b> .....	44
Она буғу .....	44
<b>ЖАННИ РОДАРИ</b> .....	57
Ёзувчи ўзи ҳақида .....	57
Ҳуришни эълолмаган кучукча .....	60
Эртақнинг биринчи тугаши .....	63
Эртақнинг иккинчи тугаши .....	63
Эртақнинг учинчи тугаши .....	64
Мақол – сўз кўрки .....	65
Ўшатиш .....	67
Афоризмлар ҳақида .....	69
Топишмоқ – ақл чархи .....	70
Истиора ҳақида .....	71
Топишмоқлар .....	72
Адабий топишмоқлар ҳақида .....	73
Буни топинг, қизларим .....	74
Абдурахмон Акбар .....	74
Қувноқ топишмоқлар .....	74
Афсоналар – ўтмишдан сўйлар .....	75
Широқ .....	77
Тўмарис .....	78
Адабий афсоналар ҳақида .....	80
<b>МАҚСУД ШАЙХЗОДА</b> .....	82
Искандар Зулқарнайн .....	82
<b>ТУРСУНБОЙ АДАШБОЕВ</b> .....	86
Тулпоркўл афсонаси .....	86
<b>АРСЛОН Расул</b> .....	89
Сулаймон тоғ афсонаси .....	90
<b>ЭПИК АСАРЛАР</b> .....	93
Масал ҳақида .....	93
«Шер билан Дуррожо» .....	96
Мазмуни .....	99



Тошбақа билан Чаён.....	101
АБДУЛЛА АВЛОНИЙ.....	105
Тулки ила Қарға.....	105
ИВАН АНДРЕЕВИЧ КРИЛОВ.....	108
Бўри билан қўзичоқ.....	108
ЛИРИКА.....	110
Шеърый нутқ ҳақида.....	110
ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ.....	112
Соғиниб.....	113
Салом айтинг.....	114
ҒАФУР ҒУЛОМ.....	116
Сен етим эмассан.....	116
ШАВКАТ РАҲМОН.....	119
Сулаймон тоғ этагида ўйлаганларим.....	120
АВЛИЁХОН ЭШОН.....	122
Қишлоқ йўли.....	124
Лавҳа.....	124
Оқшом ташбеҳлари.....	125
ЭПИК АСАРЛАР.....	127
Ҳикоят ҳақида.....	127
РАБҒУЗИЙ.....	128
«Нух пайғамбарнинг кема сафари ҳикояти».....	128
Мазмуни.....	130
САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ.....	132
“Гулистон” китобидан.....	132
7-боб. Тарбиянинг таъсири баёни.....	132
Ҳикоят.....	132
Ҳикоят.....	133
Ҳикоят.....	133
Ҳикоят.....	134
“Бўстон” китобидан.....	136
2-боб. Хайру эҳсон хусусида.....	136
Ҳикоят.....	136
ХОЖА.....	139
Ҳикоят.....	139
Ҳикоят.....	140
Маснавий.....	141
Ҳикоя ҳақида.....	141
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ.....	143
Улоқда.....	143
ҒАФУР ҒУЛОМ.....	152
Менинг ўғригина болам.....	152
МИРЗОҲИД МИРЗАРАҲИМОВ.....	157
Бобом ҳақида ҳикоялар.....	158



ХУДОЙБЕРДИ ТҶХТАБОЕВ.....	163
ЛИРИКА.....	169
РУБОИЙ ҲАҚИДА.....	169
АЛИШЕР НАВОИЙ.....	170
Рубоийлар.....	170
БОБУР.....	172
Рубоийлар.....	172
МАҚСУД ШАЙХЗОДА.....	174
Тўртликлар.....	174
АБДУЛЛА ОРИПОВ.....	175
Тўртликлар.....	175
ЭПИК АСАРЛАР.....	177
Жаҳон ҳикоячилигидан.....	177
АНТОН ПАВЛОВИЧ ЧЕХОВ.....	177
Буқаламун.....	178
Абдулла Қодирий Чеховнинг ҳикоячилиги ҳақида.....	181
НОДАР ДУМБАДЗЕ.....	183
ХЕЛЛАДОС.....	183
ШАТМАН САДИБАҚАСОВ.....	201
Кўзгу.....	201
ШЕЪРИМ, ЯНА ЎЗИНГ ЯХШИСАН!.....	205
Табиат лирикаси ҳақида.....	205
УЙҒУН.....	207
Тонг.....	208
УСМОН НОСИР.....	211
Юр, тоғларга чиқайлик.....	211
Юрганмисиз бирга ой билан.....	212
Йўлчиман.....	212
МИРТЕМИР.....	213
Қирғизистон.....	213
Бовурдошлик.....	214
Булут.....	215
ЖУРАБОЙ ҚУРАШЕВ.....	216
Уфқ.....	217
Ирмоқ.....	218
Етакчи турна.....	218
Соя.....	218
ЭПИК АСАРЛАР.....	220
Қисса ҳақида.....	220
ОЙБЕК.....	221
Алишернинг ёшлиги.....	221
ЎТКИР ҲОШИМОВ.....	231
ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ.....	231
Гилям пайпоқ.....	231



Олтин балдоқ .....	233
Ўрис боланинг ойиси .....	246
ҚУЛДОШ МИРЗО .....	257
Қишлаб қолган қалдирғоч .....	258
Достон ҳақида .....	272
ЭРКИН ВОҲИДОВ .....	273
Палаткада ёзилган достон .....	273
26 апрель .....	273
Райсоветга ёзилган аризадан .....	276
Трамвайдаги суҳбат .....	277
Болаларни жўнатиш .....	277
Шаҳри Дилором .....	280
Тошкент .....	280
Дилором. Ўш шаҳридан. ....	280
Ниҳоя .....	281
АНВАР ОБИДЖОН .....	283
Даҳшатли Мешполвон .....	283







Оқуу басылмасы  
Р. Турсунов, С. Махсумхонов

## **ЎЗБЕК АДАБИЯТЫ**

Орто мектептин 5-классы үчүн оқуу китеби  
Биринчи басылышы  
Ўзбек тилинде

Ўқув наشري

## **ЎЗБЕК АДАБИЁТИ**

Ўрта мактабларнинг 5-синфи учун дарслик  
Ўзбек тилида

Муҳаррир: А. Ўринбоев  
Бадий муҳаррир: Ю. Ким  
Рассом: А. Мурсалиев  
Тех. муҳаррир: Ю. Балингер  
Компьютерда терувчи: С. Боконбаев  
Саҳифаловчилар: М. Тишабоева, Д. Топволдиева  
Мусаҳҳиҳлар: З. Ҳамдамова, А. Джураев,

Босишга 02.03.10 имзо чекилди.  
Қоғоз формати 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. "Таймс" гарнитураси.  
19,0 шартли босма тобоғи.  
Буюртма № К 0906017. Адади 13 000 нусха.

«Азур» нашриёт уйи  
720020 Бишкек ш., Огонбаев кўчаси, 222  
«Continent Print» МЧЖ босилди  
720054 Бишкек ш., Интергельпо кўчаси, 1  
тел.: (0312) 65 55 56  
e mail: postmaster@continent.kg



